

ГУЛНОЗ ХАЛЛИЕВА

XX АСР РОССИЯ
ШАРҚШУНОСЛИГИ
ВА
ЎЗБЕК МУМТОЗ
АДАБИЁТИ



83.3

X. 21

579

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ГУЛНОЗ ХАЛЛИЕВА

**XX АСР РОССИЯ
ШАРҚШУНОСЛИГИ
ВА ЎЗБЕК МУМТОЗ
АДАБИЁТИ**

Монография



Тошкент – 2018

УЎК 930.2(575.171)

КБК 63.3(5Ў)

X 21

Халлиева, Гулноз.

XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти [Матн]
/ Г.Халлиева. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. 276 б.

ISBN 978-9943-5411-0-8

Мазкур тадқиқот «ОТ-Ф1-69 Санкт-Петербург кўлёзмалар институти ва ТДШИ хузуридаги Шарқ кўлёзмалар марказида сиклиниётган Хоразм адабий манбаларининг комплекс тадқиқи» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа гранти доирасида бажарилган. Монографияда ўзбек мумтоз адабиётининг, жумладан, Хоразм туркий адабий манбаларининг Россияда ўрганилиши билан боғлиқ муҳим илмий-назарий масалалар ёритилган.

Масъул муҳаррир:

Абдурахим МАННОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Баходир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори
Улфат МУҲИБОВА,
филология фанлари доктори

Монография Тошкент давлат шарқшунослик институти **Илмий**
кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-5411-0-8



© Г.Халлиева.
© «Muharrir nashriyoti»,
Тошкент, 2018.

ҒАЙРАТ ВА ИЗЛАНИШ – ИЛМ-ФАН ЭҲТИЁЖИ

Илм ва олимлик учун зарури, аввало, иштиёқ ва изланиш. Интилиш изланишга, тадқиқ янги натижага йўл очмаса, олимлик ҳам, олималик ҳам шавқ ва ғайратдан махрум зўрма-зўраки бир уринишга айланиб қолиши муқаррар. Шунинг учун илҳомнинг аҳамияти илмда ижоддагидан устун бўлса устундирки, паст эмас. Ана шу маънода, адабиётшунос олима, филология фанлари доктори Гулноз Халлиеванинг илмий фаолияти ва ижодий ғайрати алоҳида эътиборга лойиқ деб ўйлайман.

Муаллиф илмий ишини огаҳийшуносликдан, яъни мумтоз адабиётимизнинг буюк вакили Мухаммад Ризо Огаҳий лирикаси тадқиқидан бошлаган эди. Бу соҳада ўзига хос қатор тадқиқотларни амалга оширгач, ёш олима ўзбек мумтоз адабиётини хорижда, хусусан, XX асрда Россияда ўрганилиши мавзусини яхлит тарзда ёритишга киришди; яратилган тадқиқот, нашр этилган мақола ёки китобларнигина эмас, Россиянинг турли шаҳарларида тадқиқотчисини кутиб ётган архив материалларини ҳам синчиклаб ўқиб-ўрганди. Хар бирининг илмий мероси бетакрор бир олам бўлган А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, И.В.Стеблева каби олимларнинг тадқиқотлари учун хос муштарак ва хусусий жиҳатларни илмий-назарий асосда очиб берди.

Бошқа бир тил, дин, тарихий шароит ва ғоявий-бадий аъъана заминиде юзага келган адабиётни тадқиқ ҳамда талқин қилишнинг ўзига хос талаб ва қонуниятлари мавжуд. Булар мустақил илмий нуқтаи назар ва асосий моҳиятни ёритишга хизмат қилувчи йўл ёки усуллар билан тадқиқ этилмаса, ҳеч вақт кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Жаҳон шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш мазмун-моҳияти ўзига хос бир илмий соҳадир. Мавжуд тадқиқотларда адабиётимизнинг асосан Туркия, Америка,

Олмонияда ўрганилишига эътибор қаратилган. Г.Халлиева эса ўз тадқиқотида XX аср Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи жараёнини қиёсий адабиётшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири бўлган микрокомпаративистика талаблари бўйича махсус ўрганишни мақсад қилган. Бундай характердаги тадқиқотлар ҳанузгача амалга оширилмаган. Ишда реценция, имагология каби компаративистиканинг янги тушунчаларига ҳам ўрин ажратилган.

Монографияда Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланиш босқичлари маданиятлараро диалог ва реценция доирасида очиб берилган, рус олимларини қизиқтирган асосий мавзу ва муаммолар белгиланган, рус туркология мактабига хос хусусиятлар эдицион адабий тафаккур заминида ёритилган.

Ушбу тадқиқотда Россия Миллий кутубхонаси архиви, Россия Фанлар академиясига қарашли Шарқ кўлёмалари институти шарқшунослар архиви ҳамда ЎзР Марказий архивидаги мавзуга оид манбалар илмий муомалага олиб кирилган ва улардаги адабиётшунослик масалалари таҳлил қилинган.

Китобнинг биринчи боби факт ва материалларга бойлиги, тўғри ва танқидий муносабатга асосланганлиги учун ҳам ўқувчида яхши таассурот қолдиради. Илмий ишнинг “Туркологик тадқиқотлар методологияси” деб номланган иккинчи боби ҳам янги фикр-мулоҳазаларга бой. Хусусан, унинг эдицион тадқиқ ва бадиий матн таҳлили асосларини ёритишга бағишланган фасли ушбу нуқтаи назардан адабиёт тарихини ўрганувчи бугунги мутахассис учун ҳам аҳамиятга моликдир.

Учинчи бобда Е.Э.Бертельс, А.Н.Самойлович, И.В.Стеблева каби шарқшуносларнинг илмий-ижодий фаолияти тадқиқ қилинган. Унда Е.Э.Бертельснинг компаративистик маҳорати, И.В.Стеблеванинг семиотик таҳлил усули ёрқин мисолларда кўрсатиб берилган.

А.Н.Самойловичнинг бобуршуносликдаги тарихий хизматлари адабиётшунослигимизда ҳанузгача махсус ва талаб даражасида ўрганилмаган. Ваҳоланки, «Мен Мажнун,

Туркистон Лайли... » деган сўзлари маълум бир маънода олимнинг Бобур ижодиётига бўлган қизиқиш даражасини туб моҳиятини англашга ёрдам беради. Бундан ташқари, А.Н.Самойловичнинг Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ тадқиқотлари бир томондан, серғайрат шарқшуноснинг изланиш ва илмий фаолиятини кўпчиликка ҳали номаълум манзараларини намоён этса, иккинчи томондан, масаланинг тўлиқ очилмаган қирралари билан қизиқишга рағбатлантиради.

Рус олимларининг бир-бирига ёзишмалари, хусусан, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, В.Гордлевскийларнинг ёзма мулоқотлари Г.Халлиева томонидан илк маротаба ўрганилишини ҳам илмий янгилик сифатида баҳолаш мумкин. Монографиянинг сўнгги бобида рус шарқшуносларининг мактубларидан ташқари, архивлардаги адабиётшунослик масалаларини ўрганишга ҳам эътибор қаратилган. Айниқса, рус навоийшунослиги ва бобуршунослигининг, XIX аср Хоразм адабий муҳитининг фанга номаълум жиҳатлари атрофлича таҳлил ва талқин қилинган. Муаллиф айтарли барча ўринларда илм ва олимлик учун зарур бўлган далил тили билан сўз юритиб, таҳлил орқали ишонтиришга қатъий риоя этган.

Хуллас, Гулноз Халлиеванинг монографияси ўзига хос миллий шуур ва илмий ишчанлик билан яратилган йиллар давомидаги изланишлар ва текширишларнинг самарасидир. Унда бир қатор муҳим илмий-назарий муаммолар муваффақият билан ҳал этиб берилган.

Иброҳим Ҳаққулов,
филология фанлари доктори

КИРИШ

Хар бир миллат адабиёти дунё бадиий тафаккурининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Жаҳон халқларининг қизиқиши ва ўқиши бадиий адабиёт аҳамиятини белгилловчи асосий мезонлардан ҳисобланади. У ёки бу халқнинг жаҳонда танилиши, энг аввало, ўша халқ маданияти, санъати ва адабиётининг қандай миқёсда тарқалиши ва тан олинishiга боғлиқдир. «Бирон-бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан оlinиши, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг гурур ва ифтихори, миллий ўзлигини юксалтиришга хизмат қилади» [1; 48-б.].

Жаҳон халқларининг маънавий-маданий йўналишда ҳамжиҳатликка интилиши, бир-бирларининг адабиёти ва санъатини ўрганишга қизиқиши аллақачон табиий жараёнга айланган. Шарқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини етарли даражада билиш эҳтиёжи, шарқшунослик илми тараққиётидаги асосий омиллардан бири бўлган.

Кейинги йилларда илмий-адабий тафаккур кундан-кунга янгиланмоқда, ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожига, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.¹ Жумладан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганган рус шарқшуносларининг изланишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг йўл ва имкониятлар очиб берилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон Фармони.

Ўзга маданият ўзга халқ нигоҳида янада чуқурроқ ва тўлиқроқ намоён бўлишини назарда тутсак, рус шарқшуносларининг фактик маълумотларга бой бўлган илмий изланишлари туркий халқлар маданияти тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Рус олимлари ўз даврида илм аҳлига тақдим этган айрим манбалар, адабий-назарий қарашлар ҳозирга қадар илмий муомалага тўлиқ киритилган эмас. Мавзуга оид манбаларни қиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш, биринчи навбатда, Россия фондларидаги архив манбаларини юзага чиқариш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Рус шарқшуносларининг ўзбек мумтоз адабиётига доир тадқиқотларини қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва баҳолаш адабиётшуносликни янги маълумотлар билан бойитиши баробарида, илмий жамоатчиликни айрим номаълум манбалар, ижоди деярли ўрганилмаган шоирлар билан таништириш имконини беради. Бундан ташқари, бу каби йўналишдаги илмий изланишлар халқаро адабий алоқалар ривожига ҳам хизмат қилади. Зеро, «...биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур» [2; 32-б.]. Чунки ўз қобиғига ўралиб қолган халқ ўзини-ўзи дунё миллатлари билан ижтимоий-маданий, илмий алоқа ва ҳамкорликдан маҳрум қилади, турғунлик, маҳдудликка юз тутаяди. Рус шарқшуносларининг ўзбек мумтоз адабиётига доир тадқиқотларини қиёсий ўрганар эканмиз, айти пайтда ўзимизнинг маънавий қадриятларимиз тарихини ҳам тадқиқ қиламиз. Бу эса мавзунинг заруратини белгилайди.

Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига бўлган қизиқиш салкам 200 йиллик тарихга [282] эгаллиги ва жуда кенг маълумотлар манбаи мавжуд бўлишига қарамай, мазкур мавзу ханузгача махсус текширилмаган. Айниқса, Россия архивларидаги ма-

териалларга жуда кам муурожаат қилинган. Илмда таъкидланганидек, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти масалалари билан шуғулланиш адабиётшунослигимизда кам ишланган, лекин катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир муаммони – рус-ўзбек маданий ва адабий муносабатларини келтириб чиқаради ҳамда бу масалани ҳал қилиш учун тегишли материални беради [158; 4-б.].

Шунингдек, тадқиқот мавзуси қиёсий адабиётшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири – микрокомпаративистика нуқтаи назаридан текширилмаган. Микрокомпаративистика бир илмий мактаб доирасидаги олимларнинг фаолиятини қиёсий ўрганишга асосланади [173; 25-б.] Н.И.Пруцков бундай тадқиқотларнинг адабиётшуносликдаги ўрнини алоҳида таъкидлайди [254; 3-б.] Н.И.Конрад қиёсий этюдлар нафақат қиёсий адабиётшунослик балки, миллий адабиёт тарихи учун муҳимлигини қайд қилади [169; 299-б.].

Россиядаги мавжуд ишларда мавзу умумий тарзда ёритилган [112; 166; 175; 195; 227; 335]. А.Н.Кононов адабий манбаларни махсус ўрганишни мақсад қилмагани учун асосий эътиборни туркий тилларнинг ўрганилиш тарихига қаратган [163]. Академик А.Н.Самойловичнинг тадқиқотларини юзага чиқаришда Г.Ф.Благова алоҳида ўрин эгаллайди, аммо олима масалага тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашган [70; 290; 13–50-б.]. Л.Д.Дмитриева мақоласида А.Н.Самойловичнинг Россия архивларидаги қўлёзмаларига қисман тавсиф берилган [111]. Н.И.Конрад ва И.Г.Неупокоева тадқиқотларида адабий алоқаларнинг адабиётшунослик ривожигаги ўрнига аҳамият қаратилган [168; 52–53-б; 238; 214-б.]. Айрим хорижий изланишларда рус шарқшуносларининг таржима, талқин, туркий адабий манбаларнинг текстологик таҳлили бўйича методологик қарашлари ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқига татбиқ қилинган [421; 429].

Ўзбек адабиётшунослигида рус шарқшунослари ҳақидаги дастлабки маълумотлар Н.Маллаев [205] ва Э.Рустамов тадқиқотларида учрайди. Жумладан,

Э.Р.Рустамов ўз монографиясининг кириш қисмида А.Н.Самойловичнинг Атои, Лутфий, Амирий туюқларига оид мақолаларига қисман тўхталиб ўтган [279; 3-6-б.]. Рус олимнинг халқ оғзаки ижоди [394; 6-28-б; 395], Туркистондаги янги ижтимоий-сиёсий, маданий уйғониш даври ҳақидаги фикр-мулоҳазалари [368], илмий-педагогик фаолияти [369] ҳам маълум даражада ўрганилган, ҳаётидаги баъзи лавҳалар билан боғлиқ эсдаликлар чоп этилган [408; 41-44,90-б.].

А.Абдуғафуров ва Ф.Н.Бойназаровнинг мақолаларида Н.П.Остроумовнинг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ қарашлари ҳамда Комил Хоразмий билан ижодий мулоқотига доир лавҳалар ўрганилган [7; 76]. Баъзи илмий ишларда рус-ўзбек адабий алоқалари, адабий таъсир масалалари ёритилган [268; 377].

Навоий ижоди юзасидан ёзилган тадқиқотларда Е.Э.Бертельс асарларига ҳам кўп мурожаат қилинган. Деярли барча навоийшуносларнинг илмий ишларида олимнинг айрим фикр-қарашларига суянилган [5; 73-б; 286; 96-б; 331; 9-12-б; 406; 411]. Е.Э.Бертельснинг айрим тадқиқотлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган [60; 61; 63].

Тадқиқотнинг мақсади ХХ аср Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқини маданий-адабий, тарихий-ижтимоий жараёнлар билан боғлиқликда қиёсий жиҳатдан очиб бериш ва рус олимларининг адабий-эстетик қарашларини объектив баҳолашдан иборат. Ушбу мақсад асосида қуйидаги вазифалар белгиланди:

ХХ аср давомида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган илмий манбаларнинг хронологик библиографик кўрсаткичини ишлаб чиқиш;

рус адабиётшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланиш босқичларини маданиятлараро мулоқот ва рецепция ракурсида очиб бериш;

рус шарқшуносларини қизиқтирган асосий мавзу ва муаммоларни аниқлаш;

рус филология мактабига хос хусусиятларни эдицион адабий тафаккур заминида ёритиш;

XX асрда яратилган тадқиқотлар типологияси ва спецификасини таҳлил қилиш;

рус шарқшунослигини интеграл объект сифатида маданий-адабий, ижтимоий, коммуникатив аспектда ўрганиш;

Россия фондларидаги мавзуга оид архив манбаларини таржима ва талқин қилиш, илмий доирага киритиш.

Монография объектини XX аср Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган илмий ишлар ва архив материаллари ташкил қилади. Мавзуни ёритишда тарихий-генетик, тарихий-функционал, қиёсий-тарихий ва статистик методларга асосланган. Илмий иш хронологик, тарихийлик ва тизимли ёндашув тамойили асосида олиб борилган.

Тадқиқот давомида Россия Миллий кутубхонаси архиви, Россия фанлар академияси ҳузуридаги Марказий архивнинг Санкт-Петербург филиали архиви, Шарқ қўлёзмалари институти шарқшунослар архиви, Ўзбекистон Республикаси марказий архивларидан топилган эпистоляр намуналар ва ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишига оид архив материаллари илмий доирага киритилган, микрокомпаративистика ва имагология нуқтаи назардан очиб берилган.

Монографиянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан «Қиёсий адабиётшунослик», «Архив шарқшунослиги», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Адабиёт назарияси», «Адабий алоқалар», «Манбашунослик», «Матншунослик» фанларини ва махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Ушбу монографияни юзага келишида ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаган илмий раҳбарим ф.ф.д. Иброҳим Ҳаққуловга ва ҳолис ёрдамини аямаган барча олимларга ўз минатдорчилигимни билдираман.

І БОБ. РУС ИЛМИДА ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ

1.1. МАДАНИЯТЛАРАРО ДИАЛОГ: ТАРИХИЙ ШАРОИТ ВА АДАБИЙ ҲАЁТ

Диққат-эътиборимиздаги рус илмида ўзбек мумтоз адабиётига бўлган қизиқишнинг асл моҳиятини, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий омилларини англаш учун, аввало, шу даврдаги тарихий шароит ва унинг маданий ҳаётга таъсирини кузатиш мақсадга мувофиқдир. Бу нарса айнан қайси асарларга ва нима учун қизиқиш жиддий бўлгани, қайси жиҳатларга эътибор берилгани, илм, олим ва сиёсат каби масалаларга ҳам ойдинлик киритади.

Ўзбек мумтоз адабиётини рус адабиётшунослигида ўрганиш жараёни бирдан шаклланган эмас. Россияда туркий халқлар тили ва тарихига илмий жиҳатдан қизиқиш аслида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. А.Н.Кононовнинг таъкидлашича, 1769 йилдан бошлаб Қозон гимназиясида татар тили ўқитилган, шу йили Петербургда чуваш тили грамматикаси нашр қилинган; Шарқ тиллари биринчи марта Харков университетига (1805) ўқитила бошланган ва бу жараён Қозон ва Петербург университетларида давом эттирилган [163; 201-б.].

1725 йилда Санкт-Петербургда Фанлар академияси ташкил қилинган. Шарқ тилларига эътиборнинг кучайишида академик нашрларининг [184] роли катта бўлган. 1787 йилда Санкт-Петербургда П.С.Паллас нашр қилдирган «Барча тил ва шеваларнинг қиёсий луғатлари» китобида илк бор бошқирд, ноғай, татар ва ўзбек тили лексикаси билан боғлиқ маълумотлар келтирилган [508].

Россия шарқшуносларининг миллий таркиби фақат рус олимларидан иборат бўлган эмас. Улар орасида немис, турк, озарбайжон, татар, француз, швед олимла-

ри ҳам фаолият кўрсатган. Тарихдан маълум бўлишича, XVIII–XIX асрларда чет эл шарқшунослари ё узоқ муддатга, ё муқим яшаш учун Россиянинг шарқшунослик маркази Санкт-Петербургга кўчиб келишган. Шарқшунослик илмларини давлат сиёсати даражасида ривожлантириш, моддий рағбат ва илмий иш олиб боришга етарлича шароит уларнинг Россияда қолишига ва ишлашига изн берган. Л.Кун, В.Бартольд, А.Б.Дорн, В.Ф.Миллер, И.Я. Шмитд, Ф.Б.Шармуа, В.В.Радлов ва бошқа олимлар ана шундай илмий муҳитнинг вакиллари эдилар.

XIX аср охири – XX аср бошларида сиёсий ҳуқуқсизлик ва қарамлик гирдобида қолганлиги, моддий ва маънавий мулки талон-торож қилинганига қарамай халқимиз анъанавий қадриятларини сақлаб қолишга, адабиёт ва санъатда завол билмас ютуқларга эришишга муваффақ бўлди. Бу ҳол, айниқса, ўзбек маърифатчилик адабиётининг тараққий қилиши, миллий уйғониш даври адабий эстетикасининг шаклланиши ва ривожлантиришида яққол сезилди.

Бу даврда ўлкамизда ижтимоий, илмий, маданий, адабий муносабатлар янги босқичга кўтарила бошлади. Ўзбек зиёлилари орасида биринчи бўлиб Сатторхон Абдуғаффоровнинг Санкт-Петербургда ўтказилган шарқшуносларнинг халқаро анжуманида қатнашиб (1876) нутқ сўзлаши [245; 90–215-б; 397; 106-б.], шоир Комил Хоразмийнинг, Хива хони Феруз ва валиаҳд Исфандиёрхоннинг бир неча бор Россияга сафари, рус олимлари А.Н.Веселовский, А.Калмыков, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд, В.Ф.Минорскийларнинг Туркистонга илмий сафарлари маданият ва адабиёт тарихида ўзига хос из қолдирган. Вақтли матбуот саҳифаларида бундай янгиликлар доимий ёритилиб борилган [378; 281]. Хива Ичон қалъа музей кўриқхонаси фондида ҳам рус-ўзбек маданий алоқаларига доир жуда ноёб маълумотлар бор [484–488]. Булар орасида фотокино санъати асосчиси Х.Девоновнинг шу давр ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётини акс эттирувчи 500 дан зиёд фото ва негативлари сақланмоқда [490].

XX аср боши рус-ўзбек адабий алоқалари, дастлабки таржима асарлар, уларнинг ўзбек мумтоз адабиёти ре-цепциясидаги роли ҳақида илмда анча фикрлар айтилган. А.Ҳожиаҳмедовнинг қайд қилишича, ўша даврда қилинган таржималар баъзи камчиликлардан холи бўлмаса-да, рус китобхони томонидан мамнунлик билан кутиб олинган, ўзбек мумтоз адабиётининг жаҳоний миқёсини ошириш-га хизмат қилган [375; 6-9-б.]. Ўз навбатида олим ўзбек маърифатчилик адабиётининг шаклланишида миллий адабиётнинг асрлар оша келаётган бой анъаналари ва халқ оғзаки ижоди билан бирга рус классик адабиётининг таъ-сири ҳам бўлганини таъкидлайди.

А.Ҳожиаҳмедов А.Н.Самойлович, Н.П.Остроумов, В.Наливкин каби олимларнинг таржималарига тўхталади, таҳлил қилади, аммо бошқа таржимонларни эслатмайди. Ваҳоланки, кузатишлар Г.Андреевнинг «Цветы сартовской поэзии» туркуми остида ҳам матбуотда таржималар эъ-лон қилинганини, кейинчалик улар «Туркестанский сбор-ник» тўпламида жамланганини кўрсатди. Г.Андреевнинг Хувайдо, Машраб, Навоий, Бобур, Аҳмад Яссавий шеърла-ридан рус тилига таржималари ва мақолалари, айниқса, диққатга сазовордир [489].

«Туркестанский сборник»да Ўрта Осиё тарихи ва маданиятига оид қимматли маълумотлар, шу жумла-дан ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишига доир манбалар мавжуд бўлиб, бу материаллар В.И.Межов, Н.В.Дмитровский, А.А.Семенов, Е.К.Бетгер каби рус олимлари томонидан махсус йиғилган. Ўз даврида бу маълумотлар Россия истилочилари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган [46; 18-б; 66; 45-б.]. А.Н.Самойлович ўз ҳисоботида библиограф В.И.Межов бошлаган (1867) ишнинг Тошкент Миллий кутубхонасида 20 йилдан кейин (1887-1907) яна давом эттирила бошлагани ва аҳамияти ҳақида ёзиб қолдирган [289; 15-б.].

Ижобий ўзгаришларга бой янги тарихий шароит юр-тимизнинг маънавий дурдоналарга бойлигини ва уни ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ҳар икки халққа ҳам фойда-ли эканлигини тушунган Фурқат, Комил Хоразмий, Аваз

Ўтар, Муқимий, Баёний, Исҳоқхон Ибрат, Фитрат каби илғор ўзбек зиёлиларини етиштириб берди. Улар янги ғоялар тарғиботи учун бадиий сўз санъатидан фойдаланиб ғоявий-бадиий жиҳатдан етук асарлар яратдилар, халқ орасида маърифатпарварликни тарғиб қилдилар.

Айниқса, Фурқатнинг рус маданияти арбоблари, олимлари билан адабий мулоқоти кейинги бошқа шоирлар учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди. Унинг В.Наливкин, Н.Остроумов, В.Кримский, М.Лютов, А.Новиков, А.Н.Самойлович каби олимлар билан адабий-илмий алоқалари ҳақида Ғ.Каримов, Э.Каримов, А.Абдуғафуров, Х.Расул, Н.Каримов, Н.Жабборов изланишларида, айниқса, Ш.Юсуповнинг докторлик диссертациясида батафсил ёритилган [396]. Ш.Юсупов Н.П.Остроумов архивида сақланаётган ҳужжатлар орқали рус-ўзбек адабий алоқаларига доир қимматли маълумотларни юзага чиқаради.

Фурқатнинг рус маданияти тарғибига бағишланган асарларини баҳолаганда, унинг «Ўз нафъимиз учун русия халқи умурига мулоҳаза қилсоқ лозимдур» каби сўзлари ўлчов-мезон вазифасини ўтайди. Тўғри таъкидланганидек, Фурқат чор Россиясининг мустамлака сиёсатини эмас, рус халқининг ўша пайтда юксалишга юз тутган маданиятини тарғиб этди [114; 13-б.].

Фурқат ҳаётлигидаёқ унинг шеърларидан рус тилига таржималар «Туркестанские ведомости» газетасида, «Записки Восточного отделения императорского археологического общества» журналида эълон қилиб турилган. Н.П.Остроумов Фурқат билан ижодий ҳамкорлик қилгани, Ёркентдалигида шоир унга шеърларидан намуналар юбориб тургани ҳақида ёзиб қолдирган. [245; 263-б.] А.Н.Самойлович тошкентлик шоир Камолитдиндан Фурқатнинг Истамбулдан тошкентлик дўстларига юборган шеърининг («Сабога хитоб») асл нусхасини олгани ҳақида хабар беради [289; 16-б.]. Кейинчалик олим туркий манбаларга бағишланган мақоласида ҳам бу кўлэзма ҳақида қисқача фикр билдириб ўтган [316; 5-б.].

Маданиятлараро алоқаларининг ривожига маърифат-

парвар шоир ва олим, илк ўзбек матбаачиларидан бири Исҳоқхон Ибротнинг ҳам алоҳида ўрни бўлганини таъкидлаш жоиздир. Рус шарқшуноси Н.П.Остроумовнинг шахсий фондидаги фактларга кўра у доимий равишда Россияда чиқадиган газета ва журналлардан, илмий асарлардан хабардор бўлиб турган; рус олимлари билан шахсий ва адабий алоқалар ўрнатган [493]. Иброт В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский каби шарқшуносларнинг Ўрта Осиё тарихига оид илмий асарларига муносабат билдирган, тарихимизга доир шундай асарларни аслида ўзимиз ёзишимиз керак деган муҳим концепцияни илгари сурган. «...Бартольд Петербургдан келиб, мунда юруб, маълумотлар олиб кетган эди. Мана, тарих қилиб, матбуотда нашр бўлди. Кўб кишилар фойда кўруб турубдур. Буларни кўрганда бизда нега ўз мамлакатимизнинг ҳамма ишларидан авлоди башарга бир нишона қолдурмадук, деган афсус бор» [482]. Миллат маърифати қайғусида айтилган бу дадил гаплар бугун Юртбошимиз ташаббуси билан янада жонлантирилиб, миллий тарихимиз қайта яратилмоқда, ҳақиқий фактлар юзага чиқмоқда.

Рус-ўзбек адабий алоқалари ривожидида Фитратнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бўлганини эътироф этиш лозим. Москва Шарқ тиллари институтидаги илмий-педагогик фаолияти (1923-1924), у ерда олимга профессорлик унвонининг берилиши, илмий рисоласининг нашр қилиниши [371] ўзбек зиёлисига бўлган ҳурмат эътиборнинг нишонасидир. Ш.Сирожиддинов Фитрат каби матншунос олимлар XX аср бошларидаёқ рус матншунослари ишларига танқидий баҳо бера оладиган даражада билимли ва ўз қарашларида собитқадам бўлганини қайд қилади [332; 57-б.].

Тарихдан маълумки, 1870 йил апрелдан бошлаб «Туркестанские ведомости», август ойидан бошлаб ўзбек тилида «Туркистон вилоятининг газети» нашр этила бошлаган ва бу жараён 1917 йилгача давом этган. Уларда ижтимоий-сиёсий, тарихий, адабий, маориф ва маданиятга оид материаллар берила бошлади [67]. Бу жараён кўплаб тарихшунос, тилшунос, адабиётшунос

олимлар, шоирларни бирлаштиришга, ижтимоий-сиёсий қарашларнинг шаклланишига, ўзбек зиёлилари томонидан турли йўналишлардаги газеталарнинг ташкил этилиши ва нашр қилинишига замин яратди. Мазкур газета ва журнал нусхаларининг доимий равишда Россияга етказилиши эса рус китобхонининг ўзбек маънавияти дурдоналаридан хабардор бўлиб туришига кенг йўл очиб берди.

Бундан ташқари аср бошида Россияда нашр қилинган «Восточный сборник», «Живая старина», «Записки Восточного отделения императорского археологического общества», «Известия русского географического общества», «Мир ислама» каби журналларнинг саҳифаларида рус олимларининг ўзбек мумтоз адабиёти масалаларига бағишланган мақолаларининг ёритилиши Шарқ халқлари маданиятига, ўзбек мумтоз адабиётига кизиқишни яна ҳам кучайтирди.


Мумтоз адабиётимизнинг рус халқи орасида тарқалишига ижобий таъсир кўрсатган омиллардан яна бири ўлкамизда ва Россияда илмий жамият ҳамда муассасаларнинг очилиши билан ҳам белгиланади. Жумладан, Археология ҳаваскорларининг Туркистон тўғараги (Туркестанский кружок любителей археологии), Рус географик жамиятининг Туркистон бўлими (Туркестанский отдел Русского географического общества), Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганувчи рус кўмитаси (Русский комитет для изучения Средней и Восточной Азии), Рус географик жамияти (Русское географическое общество), Тошкент Ўрта Осиё илмий жамияти (Среднеазиатское научное общество в Ташкенте), Санкт-Петербург Осиё музейи (Азиатский музей) ва шарқшунослик институтларининг (Тошкент, Санкт-Петербург, Москва, Қозон шаҳарларидаги) XX аср бошидаги фаолияти кейинги изланишлар учун замин бўлиб хизмат қилган. Бу илмий жамият ва муассасаларнинг Ўрта Осиё тарихи, жуғрофияси, этнографияси, маълум даражада ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш ва оммалаштиришдаги роли В.В.Бартольд, Н.А.Буров,

А.Н.Веселовский, В.В.Лунин, Е.Я.Люстерник, Н.Назирова изланишларида ва бошқа архив материалларида ёритилган [41; 503-509 б; 81; 89; 193;194; 198; 448-451]

Илмий манбаларда қўлёзмаларни тўплаш, тадқиқ этиш, Россияга жўнатиш иши билан Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганувчи рус қўмитасининг жиддий шуғуллангани қайд этилган. Айнан Рус қўмитаси моддий ёрдами ва ташаббуси билан уюштирилган махсус илмий экспедициялар [275] жараёнида В.В.Радлов, К.Залеман, В.В.Бартольд, В.А.Иванов, А.Н.Самойлович, С.Е.Малов каби олимлар кўплаб ноёб қўлёзмаларга эгаллик қилганлар ва нашр эттирганлар. Бу борадаги маълумотлар, ҳисоботлар қўмитанинг махсус журналида («Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии») ва бошқа ахборот воситаларида доимий ёритилган. Россияга олиб кетилган Шарқ адабиётининг ноёб намуналари асосан Осиё музейига [11; 363] (ҳозирда Россия ФАга карашли Санкт-Петербург шаҳридаги Шарқ қўлёзмалари институти) топширилган.

Рус қўмитаси ўз фаолияти давомида маҳаллий халқ вакиллари, айниқса, ўзбек зиёлилари билан илмий-адабий алоқалар ўрнатган. Масалан, архив материалларида А.Н.Самойловичнинг Баёний, Табибий, Бекжон Раҳмоновлар билан шахсан учрашгани ҳақидаги маълумотлар мавжуд [436].

Ўзбек мумтоз адабиётининг рус халқи орасида кенг тарқалиши ва ўрганилишида, айниқса, Санкт-Петербург университети шарқшунослик факультети (1855) туркий филология кафедраси олимлари алоҳида хизмат қилди. [164;175] Кафедрада илмий-педагогик фаолият олиб борган С.Е.Малов, П.М.Мелиоранский, В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, А.А.Н.Кононов, Н.К.Дмитриев, В.Д.Смирнов, Е.Э.Бертельс каби олимлар ўз маърузалари, изланишлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан Шарқ адабиёти намуналарига баҳо бердилар; кейинги маданий муносабат ҳамда тадқиқотлар учун замин ҳозирладилар. Айниқса, А.Н.Самойловичнинг архивда сақланаётган маъруза матнлари бугунги кун турколо-



глари учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда [460; 462].

Албатта, юқорида қайд қилинган ўзгаришлар халқ ҳаётига замонавий маданият янгиликларининг кириб келиши, рус-тузем мактаблари, илмий жамиятлар, кутубхоналарнинг очилиши, манбаларнинг рус-ўзбек тилларига таржима қилиниши, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг илдиз отиши ва ниҳоят, маданиятлараро мулоқотнинг ривож топишини таъминлади. И.В.Стеблева тўғри таъкидлаганидек, дастлабки тадқиқотлар кўпроқ қўлёзма йиғиш ва уларни нашр қилдириш ишларига бағишланди ҳамда туркий халқлар маданияти, миллий-маънавий қадриятлари, адабиётига қизиқишнинг тадрижий ортиб боришига самарали таъсир қилди [336; 4-б.].

XX аср бошига келиб Россияда Қозон, Петербург ва Москва шарқшунослик мактаблари шаклланди. Қозон шарқшунослиги кўпроқ сиёсий мақсадларга, Москва ва Петербург шарқшунослиги илм манфаатига хизмат қилган. Н.И.Ильминский, Н.П.Остроумов каби олимлар Қозон диний академиясида айнан миссионерлик руҳида тарбияланган. А.А.Н.Кононов Н.И.Ильминскийнинг иқтидори миссионерлик манфаатига хизмат қилганини ёзар экан, унинг на туркология ва на арабшуносликка бериши мумкин бўлган илмни беролмаганини қайд қилади [163; 196-б.] (*«Н.И.Ильминский выдающийся представитель казанской школы, блестящий турколог и арабист, глубоко увлеченный идеями миссионерства и «просветительской» деятельностью среди инородцев» не дал ни туркологии, ни арабистике того, что он мог бы дать*)

Москва ва Петербург шарқшунослигининг йирик вакиллари В.В.Радлов, В.Р.Розен, П.Мелиоранский, А.Н.Самойлович, Ю.Крачковский, Б.А.Гордлевский, Е.Э.Бертельс каби олимларнинг илми Қозон шарқшунослигидан фарқли равишда миссионерлик мақсадлари ёки мустамлака сиёсатига хизмат қилмади. Айниқса, Петербург шарқшуносларининг илмий мероси фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Рус олими В.Р.Розен миссионер шарқшунослар фаолияти илм учун хавфли эканини ва улар билан тизимли кураш олиб бориш кераклигини қайд қилган [163; 200-б.]. А.Н.Самойлович эса Н.П.Остроумовга ёзган хатида «*ноқобил мустамлакачилар тараққий қилган мусулмонларга маърифат беришга ҳақли эмас*»лигини алоҳида таъкидлаган [494]. Келтирилган бу мисоллар рус шарқшунослари фаолиятига холис баҳо беришга, илм, олим ва сиёсат каби масалаларга ойдинлик киритишга етарли деб ҳисоблаймиз.

1.2. РОССИЯ ФОНДЛАРИДАГИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР

Ўрта Осиёнинг қулай географик ўрни, табиати, иқлими, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти бошқа халқларда қизиқиш уйғотган, ўзига жалб қилган ва ерларимизнинг қайта-қайта забт этилишига сабаб бўлган. Натижада ўзбек халқининг нафақат моддий, балки маънавий бойликлари, яъни турли даврларга оид қўлёзмалари, осори-атиқалари олиб кетилган ва бугунги кунда улар хориж музейларининг мулкига айланган. Гарчанд ҳозирги кунда уларни қайтариб олиш имкони бўлмаса-да, ўрганиш, моҳиятидан бохабар бўлиш, кенг тарғиб қилиш, адабий манбаларнинг ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги ўрнини белгилаш муҳим саналади.

Маънавий-адабий дурдоналарнинг кўпчилиги ҳозирги кунда Италия, Франция, Америка, Туркия, Россия ва бошқа чет эл фондларида сақланади. Бу фондлар таркиби ҳақида рус ва бошқа хорижий тилларда 198 та тавсифнома (каталоглар) тузилган [110; 145-б]. Маълум бўлишича, туркий адабий манбалар бўйича сон ва сифат жиҳатдан энг бой фонд Россия ФАга қарашли Санкт-Петербург Қўлёзмалар институти фонди ҳисобланади. Россиянинг бошқа фондларида мавжуд туркий адабий қўлёзмалар ҳақида баъзи илмий манбалардан маълумот олиш мумкин [94; 109; 162; 274].

Россияда туркий қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганиш асосан XIX асрнинг охири чорагидан бошланган. Бу муаммо ўзбек тарихшуносларининг айрим тадқиқотларида маълум даражада ўрганилган [235; 280; 393]. Аммо улардаги фактлар Россияда мавжуд архив манбаларига асосланмаганлиги билан тадқиқотимиздан фарқ қилади.

Шарқшунос К.Г.Залеманнинг ташаббуси билан 1897 йилда Россия ФА қўмитасига Ўрта Осиёдаги қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганишга маблағ ажратишни сўраб хат ёзилади. Айнан шу хат Туркистоннинг моддий ва маънавий бойликларининг талон-торож қилинишига йўл очиб беради ва «талаш операцияси» учун махсус илмий экспедициялар уюштирилади. Экспедиция вакиллари тезлик билан маҳаллий китоб савдогарлари, ўз кутубхоналарига эга шахслар билан боғланиб, бир қанча қўлёзмаларни топишга муваффақ бўладилар. Жумладан, В.И.Игнатъев 47 та, Д.М.Граменицкий 24 та, А.Л.Кун 133 та, Я.Я.Лютш 28 та, Н.Ф.Петровский 131 та, Ф.Ф.Поспелов 22 та, С.М.Смирнов 57 та, В.В.Бартольд 21 та, З.Валидов 26 та, С.Ф.Ольденбург 89 та, А.Н.Самойлович 52 та қўлёзмани қўлга киритадилар ва Осиё музейига топширадилар [16; 12-б.].

1873 йилги босқинчилик ҳаракатларида ўлкамизнинг моддий ва маънавий бойликлари махсус режа-йўриқнома асосида талон-торож қилинади [230; 334]. Туркистонда бир неча марта бўлиб, унинг шароитини яхши ўрганган олим П.И.Лерхнинг Рус географик илмий жамияти топшириғига кўра ёзилган, ҳарбий юриш чоғида қандай ёдгорликларга эътибор бериш ва уларни тўплаш режаси акс этган китоби (1873) қўлланма сифатида олдиндан тарқатилади [241; 36-б.]. Йўриқномада, расмий ҳужжатлар ва қўлёзма асарларга алоҳида аҳамият қаратиш масаласи қўйилади. Нагигада давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ҳужжатлар билан бирга 300 га яқин қўлёзма асарлар ҳам қўлга киритилади. Қўлёзмаларни тўплаш билан махсус шуғулланган Л.Кун уларнинг таркиби ҳақида: «Йиғилган 300 та қўлёзманинг 140 таси тарих, 30 таси адабиёт, 68 таси диний-тасавву-

фий, 50 таси дарслик, қолганлари ҳар хил масалаларга бағишланган асарлардан иборат эди, – деб ёзади. Ишғол қилинган туркий қўлёзмалар Л.Куннинг архивида жами 41 жилд деб кўрсатилган [433]. Баёний бу ҳақда «*Яна бир уйда уч юз мужаллад ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар ва дубулғалар ва ўқ ёйларнинг ҳаммаси мутасарруф бўлди, чун ҳаммаси мурассаъ ва мужавҳар ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербургға юборилди*», – деб ёзади [34; 221-б.].

Хива экспедицияси давомида қўлга киритилган нарсалар ҳақида Л.Куннинг тарихшунос олим А.Стасовга ёзган хатида ҳам ноёб маълумотлар бор. Унда ёзилишича, Хива хони саройидан нафақат қўлёзмалар, балки ҳар хил этнографик осори атиқалар, тангалар, зарблар, ҳатто хоннинг тахти ҳам олиб кетилган [435].

Шарқшунос Н.П.Остроумовнинг кундалигида ёзилган маълумотга кўра, унинг уйида 1891 йил 5 сентябрда меҳмон бўлган Полвон мирзабошининг (Хива хони бош котиби) гувоҳлик беришича, 1,5 мингга яқин ҳар хил ҳужжат ва қўлёзмалар дарёдан ўтказилаётган пайтда, уларга зарар етади. Л.Кун қўлёзмаларни қуритиш ва аслига қайтариш мақсадида мадрасадан 150 та муллани ёрдамга чақиртиради. Қўлёзмаларни қуритиш жараёнида зукко муллалар айрим манбаларни ўзларида яшириб, олиб қолишади [495].

Қўлёзмалар ва осори атиқаларнинг Россияга олиб кетилиши ҳақидаги қўшимча маълумотлар бошқа манбаларда ҳам учрайди [188; 362].

Л.Кун йиққан қўлёзмалар Осиё музейига келтирилгач, уларга биринчи бўлиб шарқшунос Б.А.Дорн томонидан тавсиф берилади. Б.Дорн манбаларни синчиклаб кузатади ва араб, форс, туркий қўлёзмаларни тарих, назм, фалса-фа, дин, филология каби рукнлар остида тавсифлайди [423; 395-415-б.]. Улар орасида «**Фирдавс ул-икбол**» ва «**Шоҳиди иқбол**» қўлёзмалари ҳам тарихий, ҳам адабий манба сифатида рус олимларида ниҳоятда қизиқиш уйғотади. Матбуотда бу қўлёзмалар ҳақидаги илк мулоҳазаларни, яъни манбаларнинг қўлга киритилиш

тарихи, рус тадқиқотчиси учун қиммати ва бошқаларни Л.Куннинг ўзи ёритади [177]. Бундан ташқари 1878 йил 5 декабрда «Рус географик жамияти»нинг йиғилишида ҳам олим Хива хонлигига саёҳат натижаларини баён қилади [178; 57-б.].

Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб «**Фирдавс ул-икбол**» асарини биринчи бўлиб А.Амирханянс ўрганган. Асарнинг илмий қиммати ҳақида олим 18 бетдан иборат тақриз ёзган (1890) ҳамда унинг бебаҳо манба эканлигини эътироф этган [447]. В.В.Бартольд 1910 йилда қўлёзманинг умумий тавсифини бериб, унинг топилиши ва ўрганилиши тарихини ёритади [36; 400–413-б.]. Олимнинг архиви назардан ўтказилганида асарнинг араб алифбосидаги илмий-танқидий матни ҳам нашрга тайёрланганлиги маълум бўлди [432; ед.хр.179]. Аммо номаълум сабабга кўра бу манба чоп қилинмаган.

«Фирдавс ул-икбол» турли муносабат билан бошқа олимлар томонидан ҳам ўрганилган. Жумладан, А.Н.Самойлович қорақалпоқлар тарихини [303; 91–127-б.], П.П.Иванов туркман [144; 23–25-б.] ва қорақалпоқлар [143; 323–426-б.], Н.Мингулов қозоқлар тарихини ёритиш [213; 435–475-б.] мақсадида асардан кўчирмалар олиб рус тилида эълон этганлар. А.Д.Калмыков, Б.В.Лунин изланишларида ҳам айрим таржималар, асарнинг умумий шарҳи ўз аксини топган [153; 49–71-б; 192].

Огаҳийнинг «**Шоҳиди иқбол**» асари ҳам туркий адабий қўлёзмаларни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишида муҳим роль ўйнаган. В.В.Бартольд архивини кузатганимизда, олимнинг бу асар билан ҳам жиддий қизиққани маълум бўлди [432; ед.хр.204]. Санкт-Петербург Шарқ қўлёзмалари институти фондида ягона нусхада сақланаётган бу асарда Муҳаммад Раҳимхон II (1844–1910) даври тарихи тафсилоти билан бирга 1000 байтдан ортиқ мумтоз назм дурдоналари мавжуд бўлиб, улар Огаҳийнинг нечоғли маҳорат эгаси эканидан далолат беради [388].

1875 йилда Россия томонидан Қўқон хонлиги ҳам забт қилинади ва Л.Кун томонидан у ердан ҳам анча

қўлёзмалар Санкт-Петербургга олиб кетилади. 1876–1877 йиллар давомида Санкт-Петербург халқ кутубхонасига (ҳозирги Салтиков–Щедрин номли Россия Миллий кутубхонаси) яна 400 дан ортиқ Шарқ қўлёзмалари тақдим этилади. Хива ва Қўқондан келтирилган бу қўлёзмалар фан тарихида «Фон Кауфман коллекцияси» номини олади. 1890 йилда Л.Кун, В.Радлов, П.Лерх каби шарқшунослар тўплаган 450 дан ортиқ қўлёзма Осиё музейига элтиб берилади. Бу манбалар бўйича шарқшунос К.Залеман шу йилиёқ тавсиф тузади ва ҳар бир қўлёзмани атрофлича изоҳлайди. 1897 йилда эса Россиянинг Бухородаги сиёсий вакили Я.Лютш Осиё музейига яна 20 та қўлёзма топширади [129].

Қўлёзма манбаларнинг энг кўп жамланган даври шарқшунос К.Г.Залеманнинг Осиё музейига раҳбарлик қилган йилларига (1890–1916) тўғри келади. 1897 йилдаги Ўрта Осиёга биринчи саёхатиданок юртимизнинг маънавий дурдоналарга нақадар бойлигини кўрган олим кейинги барча илмий сафарларида қўлёзмаларни йиғиш ва тавсиф бериш билан шуғулланади. Унинг шахсан ўзи Осиё музейига 131 та қўлёзмани топширади [16; 13–б.]. К.Г.Залеман Россияга келтирилган қўлёзмалар ҳақида доимий ахборот бериб туради, бу ҳолат адабий манбалар билан бирга халқ руҳиятини, дунёқарашини ўрганиб борилганини кўрсатади [131–134.]. Қўлёзмаларнинг топилиш ва келтирилиш тарихи, ўрганилиши акс этган бу маълумотлар Россия, Франция, Финляндия каталоглари [107; 420; 425] учун ҳозир ҳам асосий манба ҳисобланади.

1898 йилда Туркистон археология уюшмаси томонидан шарқшунос Д.О.Гинцбургга Андижон қўзғолони раҳнамоси Дукчи Эшоннинг шахсий кутубхонасини Туркистон халқ кутубхонасига ўтказиш вазифаси топширилади. Россия олимларининг қизиқиши ва талаби асосида (1902) кутубхонадаги 20 та қўлёзма Санкт-Петербургга юборилади. Қўлёзмалар асосан диний-тасаввуфий характерда бўлиб, улар ҳақида айрим манбалардан батафсил маълумот олиш мумкин [41; 556–б; 185].

1913 йилда З.Валидов Қозон университетининг археология, тарих, этнография жамияти махсус топшириғи билан Фарғонада мавжуд қўлёзмалар ҳақида маълумот йиғиб, матбуотда эълон қилади [82]. 1914 йилда эса Россия ФА топшириғи билан Бухородаги қўлёзмалар ҳақида маълумот тўплайди, кейинчалик барча қўлга киритган қўлёзмаларни Осиё музейига топширади [83]. 1915 йилда шарқшунос В.А.Иванов Осиё музейи директори К.Г.Залеманнинг махсус топшириғи билан Бухорога юборилади. Натижада олим Бухородан Россияга 1057 та қўлёзмани олиб келади ва бу манбалар фан тарихида «Бухоро коллекцияси» деб ном олади. Қўлёзмаларга биринчи бўлиб, К.Г.Залеман тавсиф беради. Шарқ қўлёзмалар институтидаги шарқшунослар архивида (Санкт-Петербург) ўша манбаларга В.А.Ивановнинг ўзи тузган тавсифи ҳам сақланмоқда [480]. Россия ФА маълумотига кўра В.А.Иванов 1916–1918 йилларда яна Бухорога келиб, қўлёзмаларни йиғиш ва ўрганиш билан шуғулланган. Хуллас, В.А.Иванов Осиё музейига жами 1178 та қўлёзмани топширган. Фан тарихида Ўрта Осиёдан музейга бунча кўп қўлёзма топширган бошқа шарқшунос олим кузатилмаган.

1916 йилда В.В.Бартольд Россия Фанлар академияси топшириғи билан илмий алоқаларни яхшилаш, қўлёзмаларни топиш ва ўрганиш мақсадида Туркистонга илмий сафарга юборилади. Олим асосий эътиборни Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) ва унинг таркибида жойлашган музейга қаратади. Кутубхонани кўздан кечирган В.Бартольд унинг ачинарли ахволда, яъни манбалар инвентарлаштирилмаган, тарқоқ, системалашмаган ҳолда эканини, музейда олдин кўриб кетилган олтин ва қумуш тангалар йўқлигини кузатади. Бундай бепарволик ноёб қўлёзмалар, осори-атикаларнинг ҳам йўқолиб кетишига олиб келишини алоҳида таъкидлаб, ҳукуматга амалий ёрдам бериш сўралган хат ёзади [37; 336-б.]. Шунингдек, илмий сафар давомида Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро

шаҳарларида бўлгани, Бухородан анча қўлёмаларни қўлга киритиб, Осиё музейига топширгани юзасидан маълумот беради.

Ўзбек адабиёти, тили, этнографияси, халқ оғзаки ижодининг ўрганилиши ва қўлёмаларнинг йиғилиши А.Н.Самойлович фаолияти билан ҳам боғлиқ. Олим ҳар бир сафаридан унумли фойдаланган, қўлёмаларни тўплаш ва ўрганиш билан жиддий шуғулланган [133]. Архив маълумотларида олимнинг Хива хонининг шахсий кутубхонасига киришга муваффақ бўлгани, унга бир қанча қўлёмалар совға сифатида тақдим қилингани ҳақида муҳим фактлар учрайди [478].

Шарқшунос В.Л.Вяткиннинг шахсий ташаббуси билан (1908) Самарқанддан 273 та қўлёмма йиғилган [226]. Олим йиққан бу қўлёмаларни ҳам К.Г.Залеман системалаштиради, тавсифлайди, фан учун ноёб топилма эканини қайд қилади [135]. Мазкур қўлёмалардан баъзиларини В.Бартольд ҳам ўрганган ва аҳамиятини бир неча бор таъкидлаб ўтган.

Холислик учун шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги қўлёмалар фондининг шаклланишида қайсидир даражада рус олимлари ҳам хизмат қилган. Туркистон халқ кутубхонасида «Шарқ китоблари ва қўлёмалари» бўлимининг очилиши бевосита Л.Кун номи билан боғлиқ. «Туркестанские ведомости» газетасида ёзилишича, Л.Кун бошчилигидаги Н.Пантусов, Н.Остроумов, Д.Граменицкий, Е.Каль, В.Л.Вяткин каби олимлар кутубхонага қўлёмаларни йиғишда ва системалаштиришда ёрдам берганлар [199]. Жумладан, Е.Каль биринчи бўлиб, 1889 йилда Туркистон халқ кутубхонаси фондида мавжуд қўлёмаларнинг илмий тавсифини тузган. Бу тавсиф Россия фани тарихида илк бор ёзилгани, илмийлиги билан аҳамият касб этади ва адабий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланган [154; 273]. Европа тавсифлари билан яхши танишган ва уларга танқидий ёндашган ҳолда яратилган бу тавсиф кейин яратилажак барча библиографик манбалар учун асос-намуна бўлиб хизмат қилган.

Ҳозирги кунда Санкт-Петербург Қўлёзмалар институти фондида **2432 та** туркий қўлёзма мавжуд бўлиб, шундан **953 таси** ўзбек мумтоз адабиёти намунаси (девлар, баёзлар, дostonлар, мухаммасотлар ва бошқалар) ҳисобланади [107]. Улар турли хил сабаблар билан: шахсий кутубхоналардан, махсус топшириқлар орқали ва чет эл шарқшуносларидан сотиб олиш эвазига Россияга келтирилган.

Рус шарқшуносларини кўпроқ Навоий, Бобур ва XIX аср Хоразм адабий муҳити шоирларининг қўлёзма асарлари қизиқтирган. XX аср Россия шарқшунослигида нашр қилинган тадқиқотларнинг хронологик библиографик кўрсаткичини (*1-илова*) тузиш статистик таҳлилни амалга ошириш асосида нашр қилинган 129 та илмий ишдан, 41 таси Навоий, 11 таси Бобур, 8 таси Хоразм адабий муҳити вакиллари, 6 таси Юсуф Хос Ҳожиб, 4 таси Аҳмад Яссавий, 3 таси Муқимий, 2 таси Ҳувайдо ижодини ўрганишга бағишлангани маълум бўлди. Машраб, Атойи, Лутфий, Амирий, Фурқат ва бошқа шоирлар ижоди таҳлили асосан таржима асарларнинг кириш қисмларида берилган ёки бир мақола доирасида чегараланган; бошқа илмий ишларда туркий қўлёзмалар тавсифи, лирик жанрлар, аруз назарияси, Шарқ маданияти ва адабиёти каби масалалар ёритилган.

Хуллас, XIX асрнинг охири – XX боши рус мусташириқларининг Туркистонга саёҳат, сафарлари натижасида юзлаб туркий қўлёзмалар Россияга олиб кетилади. Натижада Санкт-Петербург, Москва, Қозон шарқшунослик марказларида тўпланиб қолган туркий қўлёзмаларни ўрганишга бўлган қизиқиш кучаяди ва рус олимлари орасида Н.Илминский, В.Островский, Н.Пантусов, Л.Вяткин, С.Поляков, М.Никитский, Н.Берёзин, В.Радлов, А.Волин, К.Залеман, М.Гаврилов, Н.Остроумов, Н.С.Ликошин, А.Самойлович каби туркологлар авлоди майдонга келади.

Маълумки, В.Радлов Юсуф Хос Ҳожиб, К.Залеман, А.Пилев - Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, М.Никитский, Н.Берёзин, Е.Э.Бертельс, А.Волин - Навоий,

Н.Ильминский, В.Островский, Н.Пантусов, Л.Вяткин, М.Салье, С.Поляков, И.Стеблева, Г.Благова каби олимлар – Бобур, Н.С.Ликошин – Машраб, М.Гаврилов – Ҳувайдо, Н.Остроумов – Муқимий, А.Н.Самойлович – Атойи, Қутб, Лутфий, Навоий, Хусайний, Бобур, Амирий, Комёб, Оқил, Табибий, Фаррух каби бир қанча ўзбек мумтоз адабиёти намояндalари ижодини тадқиқ қилишган. Аммо бу тадқиқотлар ханузгача тўлиқ даражада ўрганилмаган ва муносиб баҳоланмаган.

1.3. МУАММОГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Илмий адабиётларда рус шарқшунослиги тарихи хронологик тамойилга кўра 6 та босқичда изоҳланади:

1. Шарқ мамлакатлари билан танишув (XVII аср)– Россия императори Петр I нинг шахсий ташаббуси билан Шарқ тилларига давлат сиёсати даражасида эътиборнинг кучайиши (1682–1725).

2. Император Фанлар академиясининг ташкил қилиниши ва Шарқ тилларининг ўқитилиши (1725–1762).

3. XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Қозон ва Харьков университетларининг (1804,1805) ва Осиё музейининг (1818) ташкил қилиниши, соҳа мутахассисларини тайёрлаш.

4. Қозон ва Санкт-Петербургда Шарқ қўлэмалари фондларининг вужудга келиши(1820-1840).

5. Санкт-Петербург университетида Шарқ тиллари факультетининг очилиши(1855). Бу давр профессор-ўқитувчиларга, илмий изланувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб берди. Факультетнинг биринчи битказувчилари рус шарқшунослиги, жумладан, туркология тарихида жиддий из қолдирди.

6. Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганувчи илмий жамият ва муассасаларнинг очилиши, илмий-адабий алоқаларнинг (XIX-XX аср) йўлга қўйилиши [176; 169–171-б].

XIX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб рус илмида адабиёт ҳақидаги жиддий қарашлар: адабий танқидий фикрлар, методологик изланишлар пайдо бўла бошлайди [92; 276]. Бу тадқиқотларда кўпроқ рус адабиётининг специфик хусусиятлари акс эттирилган. Дастлабки изланишлар рус адабий-тарихий, фалсафий манбаларини тўплаш, тавсифлаш билан боғлиқ бўлса, кейингилари уларни ўрганишдаги ёндашув тамойилларини, методологик асосни ифодалашга қаратилди. Бу борада, айниқса, В.Г.Белинский, А.Х.Востоков, В.А.Жуковский, С.Шевирев, Н.Надеждин, А.Н.Веселовскийларнинг адабиётшунослик фаолияти юқори баҳоланади.

Бу даврда бошқа халқларнинг адабий меросини тадқиқ этиш ва таржима қилишга ҳам қизиқиш кучайди. «XIX аср рус адабиётшунослиги учун бошқа халқларнинг бадиий қадриятларидан баҳраманд бўлиш, эстетик ва бадиий таржима муаммоси муҳим масалалардан бирига айланган эди. Шунинг учун В.А.Жуковский илгари сурган таржима назарияси айни муддао бўлди [92; 390-б]. Олимнинг «Европа ахборотномаси» журналида чоп қилинган бир қанча мақолаларида таржимашунослик масалалари муҳокама қилинган. «*Насрдаги таржимон кул, назмдаги таржимон рақиб*», деган хулосага келган олим ҳам мохир таржимон, ҳам таржима назарияси билимдони сифатида XX рус адабиётшунослигида ўзига хос из қолдирди [125]. Унинг илмий-назарий қарашларидан мутахассислар кейинчалик ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини таржима қилишда ҳам унумли фойдаланишди.

Тарихий поэтика қонуниятларини тадқиқ қилган А.Н.Веселовский тарихий-адабий жараённи ўрганишда адабиёт тарихи ва поэзиянинг келиб чиқиш назариясини икки муҳим қутб сифатида кўрсатади. Унинг диққат марказида поэтик ижод қонуниятлари турган. Бу қонуниятлар умумий жаҳоний адабиёт контекстида айрим адабиётларнинг специфик хусусиятлари ва ўхшаш томонларини таҳлил қилиш орқали юзага чиқади. Ўзаро қиёсланадиган адабий ҳодисалар тадқиқотчи учун худ-

ди табиат ҳодисаларидек фактдир. Уларни бемалол кузатув орқали текшириш мумкин, демак, уларни қиёслаш орқали умумлаштириш, табиий фанлардагидек аниқ натижага эришиш мумкин [14; 226, 229-б.].

Бу каби қарашлар такомили ҳар бир адабиёт изланувчисида ўз тадқиқот позициясини юзага келтиради ва натижада рус адабиётшунослигида бир қанча академик илмий мактабларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

XIX аср охирига келиб рус адабиётшунослигида **мифологик, маданий-тарихий, қиёсий-тарихий, психологик** йўналишдаги илмий мактаблар ва уларга асос солган Ф.И.Буслаев, А.Н.Пипин, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня каби олимларнинг қарашлари шаклланади. XX аср адабиётшунослиги ютуқлари, изланишлар кўлами булар қаторига яна **ижтимоий** (В.Ф.Переверзев), **фалсафий** (М.М.Бахтин) ва **семиотик** (Ю.М.Лотман) таҳлил муаммолари билан боғлиқ илмий мактабларнинг қўшилишига олиб келади.

XIX аср охири – XX аср боши барча фанлар, жумладан, рус адабиётшунослиги учун ҳам сермахсул давр бўлди. Бу даврни адабиётшунос А.С.Архангельский филологик ва тарихий-адабий изланишларнинг бурилиш даври деб атади [27; 244-б.]. Россия филологларининг диққат эътибори нафақат рус, балки бошқа миллатлар адабиётини, шу жумладан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишга ҳам қаратилди. Аср бошида Россия университетларининг тарих-филология факультетлари таркибида туркология кафедраларининг очилиши олимларнинг туркий халқлар адабиётини ўрганишга жиддий киришганини кўрсатади [68; 128]. 1920 йилда Петербургда Шарқ тирик тиллари институти (*Институт живых восточных языков*), 1921 йилда Москвада шарқшуносларнинг илмий ассоциацияси ташкил қилинди.

Бу ўринда Петербург шарқшунослигининг фан тарихидаги ўрнини алоҳида қайд қилиш лозим [164; 165; 175]. 1876 йилдаёқ шарқшунослик бўйича халқаро 3-анжуманнинг айнан Петербург университетининг

шарқшунослик факультетида ўтказилгани ва бу олий ўқув масканида В.В.Бартольд, П.М.Мелиоранский, В.Д.Смирнов, С.Е.Малов, А.Н.Самойлович, А.Н.Кононов, Е.Э.Бертельс каби таниқли олимларнинг илмий-педагогик фаолият олиб борганининг ўзи университетнинг илмий нуфузи қанчалик баланд бўлганидан дарак беради [452]. А.Н.Самойлович С.Е.Маловга ёзган мактубида (1922 й) Петербург олимларининг бутун вужуди билан фанга содиқ эканлигини таъкидлаб ўтган (*...питерские востоковеды работают вовсю и поприще науки, и на поприще преподавания*)[438]

1818 йилда ташкил қилинган ва XX аср бошида Шарқ қўлёзмалари бўйича энг нуфузли фондга айланган Осие музейи нафақат рус, балки Европа туркологлари учун ҳам асосий илмий марказга айланади [364]. 1929 йилда қабул қилинган «Шарқшунослик илми вазифалари ҳақида»ги декларацияда «Шарқ мамлакатларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш» вазифаси кўндаланг қўйилади, натижада янги илмий изланишлар янада жадаллашади. 1930 йилдан бошлаб Осие музейи Шарқшунослик институти деб номланган. XX асрнинг биринчи ярми давомида бу илмий марказни К.Г.Залеман (1890–1916), С.Ф.Ольденбург (1916–1934), А.Н.Самойлович (1934–1937), А.Н.Баранников (1938–1940), В.В.Струве (1940–1950) каби шарқшунослар бошқарганлар. Улар туркий қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганиш, тарғиб қилишда ҳам фидойилик, ҳам ташаббус кўрсатганлар.

1930 йилда Петербургда Тарихий лингвистика институти ўз фаолиятини бошлайди. Бу институтда ғарбшунос ва шарқшунос филологлар тарихий-қиёсий йўналишда илмий изланишларни олиб бордилар. 1934 йилдан институт таркибида турк-мўғул тиллари кафедрасининг очилиши илмий ишлар кўламини янада кенгайтиради.

XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб адабиёт назарияси, бадиий матн таҳлили, туркий адабиёт, туркий адабий тил, адабиётшунослик методларига бағишланган илмий асарлар ва мақолалар юзага келади [116–119; 181; 200; 314; 365; 370; 465]. Бундай манбалар ўша давр

адабиётшунослари учун методологик асос сифатида жуда зарур эди. Б.В.Томашевский асарининг 1925–1931 йиллар давомида 6 марта нашр қилинишининг ўзи бу каби назарий адабиётларга эҳтиёж кучли бўлганидан далолат беради. Мазкур дарслик ҳозир ҳам рус адабиётшунослигининг фаол фондини ташкил қилмоқда.

XIX асрнингиккинчи ярмидан бошлаб рус туркологияси шарқшуносликдан мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқади, шундан кейин ўзбек адабиёти ва тили ҳақидаги илмий қарашлар, тадқиқотлар юзага кела бошлайди.

Туркология туркий халқлар тарихи, тили, адабиёти, маданияти, этнографиясини ўрганувчи гуманитар фанлар мажмуи бўлиб, аср бошида туркология деганда асосан филологик соҳа тушунилган. Ўрхун-Енисей битиклари, уйғур ва араб ёзувидаги қўлёзмалар туркология учун асосий манба бўлиб хизмат қилган ва кейинги яратилажак тадқиқотларга замин ҳозирлаган.

Рус туркология мактабининг асосчиси В.Радлов (1837–1918) ўзининг фундаментал тадқиқотлари билан туркий манбаларни, тилларни қиёсий ўрганишнинг янги босқичини бошлаб берди. У барча туркийшунослар учун муҳим қўлланма бўлган луғатни яратди [265]. Нафақат рус, балки немис тилидаги изланишлари билан Европа илм аҳлини туркий манбалар билан таништирди [266; 428].

1.4. ШАРҚШУНОСЛИК ВА МИКРОКОМПАРАТИВИСТИКА

Замонавий назарий адабиётларга [48; 50; 75; 173] таянган ҳолда рус шарқшуносларининг илмий фаолияти микрокомпаративистика объекти экани аниқланди. Ўзбек адабиётшунослигида компаративистиканинг бу долзарб ва янги йўналиши хусусида илмий тадқиқот олиб борилмаган, унинг назарий асослари бирон-бир илмий ишга татбиқ қилинмаган. Шунинг учун бу ўринда масаланинг моҳиятини очиш, умумий обзор бериш лозим топилди.

Компаративистика (лот. *comparativus* – қиёсий) турли хил жараёнларнинг қиёсий ўрганилишига асосланган

фан йўналиши бўлиб, бошқа соҳалар қаторида қиёсий-тарихий адабиётшуносликни, тарихий поэтикани ҳам қамраб олади. Рус олимаси М.Г.Богаткина ўз мақоласида замонавий компаративистика илмий методологияси қиёсий-тарихий мактаб анъаналарига асосланганлиги ва матнни ўрганишнинг қиёсий методлари мажмуасидан иборатлиги ҳақидаги фикрни билдиради [75; 303-б.].

Рус адабиётшунослигида қиёсий-тарихий адабиётшунослик турли адабиётларнинг ўзаро таъсири, ўхшаш ва фарқли томонларини, жаҳон адабиётидаги ўрнини таҳлил қилиш эҳтиёжи туфайли XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган. Турли халқларнинг адабиётда акс этган муштарак маданий ва ижтимоий томонларини кузатган тадқиқотчилар, бу жараённинг сабабини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Бу жиҳатдан айрим асарлар, адабий жанрлар ва стиллар, муаллифлар ижодининг ўзига хос томонлари, адабий оқимлар қиёсий-тарихий адабиётшуносликнинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди. Сюжет ва мотивларнинг бир халқдан иккинчисига кўчиши ва такрорланиши назарияси шу давр рус академ адабиётшунослигининг асосий концепцияларидан бирига айланди.

Шарқ миллий адабиётлари поэтикасини, ўзбек мумтоз адабиёти эстетик моҳиятини жаҳон адабий жараённинг умумий тенденциялари миқёсида ўрганиш **тарихий поэтика** тараққиётида муҳим қадам бўлди, турли адабиётлардаги фактларни қиёслаш адабий жараён ривожланишининг умумий қонуниятларини белгилаб берди.


Илмий фаолиятни қиёсан ўрганиш жиҳатидан компаративистика икки катта гуруҳга бўлинади. **Микрокомпаративистика** бир илмий мактаб доирасидаги олимларнинг тадқиқотларини, **макрокомпаративистика** ҳар хил илмий мактабларни ўрганишга асосланади. Масалан, рус шарқшунослари илмий фаолиятининг қиёсан тадқиқи микрокомпаративистика нуқтаи назаридан текширилса, рус-ўзбек олимлари илмий ижодининг қиёси макрокомпаративистикани ташкил қилади. Буларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот объекти бўлиб, ўзига хос ёндашувни талаб қилади.

Монографияда рус шарқшуносларининг фаолияти, ўрни уларнинг матнга ёндашув усуллари, рус филологик мактабининг умумий ва хос томонлари, талқин ва таҳлил, таржималар ва ҳ.к. қиёсланган. Ўрни билан ўзбек олимларининг қарашларига ҳам муносабат билдирилган, аммо макрокомпаративистик тадқиқот асосий мақсад қилиб олинмаган.

Рус олими А.А.Кокорин қиёслаш мумкин бўлган тўртта типик ҳолат мавжудлигини қайд этади [174; 31-32-б.]. Таснифга асослашиб бир макон ва бир замон (*мас. В.М.Жирмунский ва Н.И.Конрад*), бир макон ва ҳар хил замон (*А.Н.Самойлович ва И.В.Стеблева*), бир замон, ҳар хил макон (*Е.Э.Бертельс ва А.А.Семенов*), ҳар хил макон ва замонда (*Н.И.Ильминский ва В.В.Бартольд*) яшаб ижод этган олимларнинг илмий асарларини қиёсан ўрганиш мумкин.

Компаративистиканинг, қолаверса, микрокомпаративистиканинг илк куртаклари XIX аср охири XX аср бошларига бориб тақалади. А.Н.Веселовский (1838–1906) рус академ адабиётшунослигида қиёсий-тарихий мактабнинг асосчиси ва ёрқин намояндаси ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ҳар хил адабиётларнинг умумий томонларини ва дунё адабиётидаги ўрнини давр, замон, жаҳон контекстида аниқлашга қаратилди [123]. Дастлабки тадқиқотларидаёқ олим масалага тарихийлик принципи асосида ёндашган. Масалан, 1859 йилда немис олими Г.Флотонинг «Илохий комедия» ҳақидаги мақоласига тақризиди: «Ёзувчини замондан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин, Данте ижодий мероси фақат Дантеники эмас, бунда даврнинг ҳам ролини англаш жоиз», – дея олимнинг қарашларини танқид қилади [14; 211-б.]. Унинг назарида адабиёт тарихи ижтимоий фикр, маданият ва фан тарихидир, шоир шахсиятини эса маълум тарихий шароит шакллантиради, шоирнинг индивидуаллик, шахсий ташаббус даражасини аниқлаш учун, даставвал унинг ижоди нима билан қуролланганлиги тарихини кузатишимиз керак бўлади.

А.Н.Веселовский турли адабиётларнинг умумий қонуниятларини тадқиқ қилиш баробарида дунё адабиётини бир бутун эстетик жараён сифатида ўрганадиган



тарихий поэтиканинг асосларини яратиб берди [87]. Олимнинг фикрича, тарихий поэтика этнография, фольклоршунослик ва адабиётшунослик тўплаган улкан материалнинг қиёсий-тарихий умумлашмасидир. Тарихий поэтиканинг асосий шарти адабий-бадий (литературно-художественное) жараённинг тадрижини ўрганишдан иборат. Бу поэтика турида анъана, ворислик, тадрижийлик, ўзаро таъсир, адабий алоқа, новаторлик, сюжет ва мотив чорраҳалари каби кўплаб тушунчаларга изоҳ топиш мумкин.

А.Н.Веселовскийнинг назарий қарашлари Е.М.Мелетинский, Стеблин-Каменский, М.Б.Храпченко, Ф.А.Боциева илмий изланишларида янада ривожлантирилган [80; 221; 357; 381]. М.Б.Храпченко тарихий поэтикада тўртта йўналиш: умумий тарихий поэтикани яратиш, миллий адабиётлар поэтикасини тарихий тараққиётда ўрганиш, буюк сўз санъаткорлари поэтикасини ўрганиш, поэтик турлар тарихий тараққиётини ва ҳар хил жанрлар, бадий тасвир воситалари эволюциясини ўрганишни ажратиб кўрсатган [381; 10-б.].

Н.И.Конрад, В.М.Жирмунский, И.Г.Неупокоева тадқиқотларида қиёсий адабиётшуносликнинг методологик асослари ишлаб чиқилган [122; 167; 168; 238]. Жумладан, В.М.Жирмунский ҳар қандай таҳлил қиёсга асосланиши, қиёс жараённинг специфик хусусиятини аниқлашга ёрдам беришини қайд қилади [122; 67-б.]. Олимнинг изланишларида адабий таъсир ва алоқалар, туркий эпос, сайёр сюжетлар, Ғарб адабиётида шарқона мотивлар каби масалалар борасида қимматли фикрлар билдирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, В.М.Жирмунскийнинг туркий манбаларга қизиқишининг орғиши асосан унинг Тошкентда яшаб ижод этган даврларига тўғри келади. Иккинчи жаҳон уруши муносабати билан пойтахтимизга эвакуация қилинган олим Е.Э.Бертельс, Е.М.Мелетинский каби шарқшунослар билан бирга илмий-педагогик таълим масканларида фаолиятини давом қилдирган, фан учун муҳим бўлган тадқиқотларни яратган [222]. Бу борада В.М.Жирмунскийнинг архивида ҳам аҳамиятга молик ҳужжатлар сақланади [440].

Н.И.Конрад ўзига хос тадқиқ усулига эга бўлган

шарқшунос ҳисобланади [187; 346–350-б.]. Олим қиёсий адабиётшунослик объекти бўлиши мумкин бўлган 5 та жиҳатга эътиборни қаратади: 1.Тарихий умумийликка эга миллат адабиётлари қиёси (форс ва тожик). 2. Турли халқлар адабиётида типологик хусусиятлар қиёси (XIX аср классик реализми). 3. Турли макон ва замондаги халқлар адабиёти қиёси (рус ва ўзбек). 4. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда типологик хусусиятларга эга бўлган адабиётлар қиёси (рицарлик романлари ва япон ҳарбий эпопеялари). 5. Халқлараро адабий алоқалар қиёси. Бу ўринда олим адабий таъсир ва адабий алоқаларга алоҳида урғу беради [168; 32–33-б.]. В.М.Жирмунский Н.И.Конраднинг фикрларига ҳамоҳанг равишда адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масаласи тарихий категория эканлигини, улар конкрет тарихий шароитларда ҳар хил интенсивлик даражаси ва шаклига эга бўлиши мумкинлигини таъкидлайди [122; 77-б.]. Бу назария рус ва ўзбек олимлари орасидаги адабий алоқаларнинг макон ва замон нуқтаи назаридан фаоллик даражаси доим ҳам бир хил бўлмаганлигини англашга ёрдам беради.

И.Г.Неупокоева халқлараро адабий алоқаларни типологик ва генетик турларга бўлиб ўрганишни, бунда ижтимоий омилларни ҳисобга олиш зарурлигини қайд қилади [236; 16-б.]. Бундан ташқари, олима адабий алоқалар тарихий эҳтиёж, тажриба алмашиш майдони эканини алоҳида таъкидлайди (*«...готовых творческих решений ни одна из литератур другой дать не может, но и ни одна литература не может пройти мимо того инационального, художественного опыта, который ей исторически нужен»*) [237; 85-б.].

Н.И.Конрад тўғри таъкидлаганидек, адабий алоқалар натижасида чинакам асарлар бошқа халқларнинг адабиёт оламига тез кириб боради ва қайсидир даражада уларнинг ҳам маънавий мулкига айланади. Бунда таржима сўзсиз асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Демак, Навоий, Бобур ва ўзбек мумтоз адабиётининг бошқа улуг мутафаккирлари ижоди жаҳон халқларининг ҳам умумий интеллектуал мулки ҳисобланади (*Алишер Навои наше общее достояние.*

Узбекский народ сделал поистине драгоценный вклад в нашу общность. И за это мы все должны благодарно поклониться ему) [168; 99-б.]. А.Хайитметов бу каби тадқиқотларнинг истиқболи ҳақида: «Хамса» Алишер Навоий ижодининг энг катта ютуғи бўлиши билан бирга, унинг юзага келиши фақат ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, жаҳон адабиёти тарихида буюк воқеадир. Навоий ва жаҳон адабиёти мавзуи нисбатан янги соҳа бўлиб, бугунгача саноклигина ишлар амалга оширилган. Бизнингча, бу масала энг жиддий, келажакги порлоқ масалалардан бири бўлиб, янгидан-янги тадқиқотчиларни кутмоқда», – деб ёзган эди [412; 68,73-б.].

Хуллас, Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи масаласи микрокомпаративистика нуқтаи назаридан ўрганилиши мумкин бўлган мавзу бўлиб, бу борадаги илмий изланишлар фанга янги маълумотлар бериш билан бирга, рус шарқшунослигининг ўзига хос томонларини аниқлашга имкон беради.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалар асосида I боб юзасидан қуйидагича илмий-назарий хулосалар чиқариш мумкин:

1. Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланишида учта омил муҳим роль ўйнади: ўзбек маърифатчилиги адабиётининг шаклланиши ва ривожланиши, маданиятлараро диалог, яъни рус-ўзбек маданий-адабий алоқалари, XX аср боши даврий матбуоти, дастлабки илмий муассаса ва жамиятлар фаолияти ўзбек мумтоз адабиётининг оммалашувиغا ёрдам берди.

2. Санкт-Петербург, Москва, Қозон шарқшунослик марказларига кўплаб туркий қўлёзмаларнинг олиб келиниши натижасида уларга қизиқиш ва тадқиқ этишга талаб кучайди. Бу қўлёзмаларга биринчи бўлиб, Б.Дорн ва К.Залеман тавсиф берди. Рус олимлари орасидан М.Никитский, Н.Берёзин, В.В.Радлов, Н.Пантусов, Л.Вяткин, С.Поляков, А.Волин, К.Залеман, М.Гаврилов, Н.Остроумов, Н.С.Ликошин, А.Самойлович, А.П.Фалёв каби туркологлар етишиб чиқди.

3. Ижтимоий фанлар тарихида қандай характер-

да бўлишидан қатъи назар, рус шарқшунослиги майдонга келди. Соҳа спецификаси, олим ва илм манфаати, илм ва сиёсат муносабатини ўрганиш тарихий воқелик моҳиятини равшанлаштирди. Баъзан рус шарқшуносларининг ҳолис илмий қарашлари ўзбек адабиётшунослари учун таянч манба вазифасини ҳам бажарди. Аммо туркий маданиятга қизиқиш ортида чоризмнинг сиёсий манфаатлари, Туркистонни батамом ўз қўли остига олиш, унинг барча моддий бойликларидан фойдаланиш, миллатни ўзига қарам қилиш мақсадлари борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

4. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши Россия шарқшунослиги тараққиёт босқичлари ичида энг сермахсул давр ҳисобланади. Рус илмида адабиётимизнинг жиддий илмий тадқиқи ҳам айнан шу даврдан бошланган, В.В.Радлов бошчилигидаги туркология мактаби ва ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш муаммосига илмий ёндашув шаклланган. Ф.И.Буслаев, Б.В.Томашевский, А.Н.Пипин, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня каби олимларнинг илмий-назарий асарлари ўша давр адабиётшунослари учун методологик асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини оммалаштиришда ва ўрганишда Петербург шарқшунослигининг ўрни алоҳида аҳамияти эга бўлди.

5. Ўзбек мумтоз адабиёти намоёндалари ижодини ўрганиш эҳтиёжи рус шарқшунослигини янада ривожлантирди. Навоий, Бобур ва XIX аср Хоразм адабий муҳити вакиллари ижоди рус олимларини энг қизиқтирган мавзулар бўлди. Бадиий матн таҳлилига ҳар хил ёндашув, тадқиқотдаги ҳар хил натижа эса рус шарқшуносларининг фаолиятини микрокомпаративистика нуқтаи назаридан қиёсий ўрганишни тақозо қилди. Бунда А.Н.Веселовский, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, И.Г.Неупокоева, А.А.Кокорин, М.Г.Богаткина, В.П.Котенко, Т.Н.Беркалиев ва бошқа олимларнинг компаративистика бўйича яратилган тадқиқотлари назарий асос бўлиб хизмат қилди.

II БОБ. ТУРКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДОЛОГИЯСИ

2.1. ЭДИЦИОН ТАДҚИҚ ВА БАДИИЙ МАТН ТАҲЛИЛИ АСОСЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай изланиш ва тадқиқот ишлари турли хил ёндашув ва тамойиллар, муайян таҳлил методлари орқали амалга оширилади. Туркологик тадқиқотларнинг специфик хусусиятлари эдицион тадқиқ асослари билан белгиланади.

Эдицион (лот.editio–нашр) тадқиқ мумтоз манбаларни илмий-текстологик тайёргарлик асосида нашр қилиш методикаси ва техникаси демакдир {390; 85-б.}. Эдицион фаолият тахрир, таҳлил, талқин, таржима, қиёс, баҳо каби жараёнларни ўз ичига олади. Рус илмида эдицион назария классик асарларни оммалаштириш ва муаллиф ижодий биографияси билан таништириш эҳтиёжи туфайли XVIII аср охирида шаклланган.

Бу тадқиқ усулининг муҳим шарти асар нашрини оригинал тарзда, сўзбоши, библиографик кўрсаткич ва изоҳлар билан юзага чиқаришдан иборат. Шундан кейингина манба тўла маънода ўрганилиши мумкин. Бунинг учун манба нашрини амалга ошираётган адабиётшунос матншуносликдан хабари бўлиши ва аксинча, матншунос адабиётшуносликдаги специфик хусусиятларни билиши керак.

XX аср рус туркологиясида, хусусан, ўзбек мумтоз адабий намуналарнинг наشري ва тадқиқида ҳам эдицион тажрибага суянилди. С.А.Венгеров, Д.Я.Гершензон, Н.О.Лернер, Б.А.Модзалевский, П.О.Морозов, Ю.Н.Тинянов, П.Е.Шеголев, Б.М.Эйхенбаум, Б.В.Томашевский, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Н.Самойлович, Г.Ф.Благова, И.В.Стеблева каби олимлар рус текстологик мактабининг дунё тан олган вакиллари ҳисобланади. Улар бошлаб берган аънаналар ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, Санкт-Петербург Шарқ

қўлёзмалари институтидаги матн билан боғлиқ бирон-та иш эдицион тадқиқ тамойилисиз, библиографик кўрсаткичларсиз нашр қилинмайди.

Россияда эдицион тадқиқ асослари XIX аср охири XX аср бошларидаёқ махсус ўқитилган. В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, А.Фалев, Е.Э.Бертельс, И.Ю.Крачковский, В.Волин каби рус туркологлари бу фандан бўладиган имтиҳонга пухта тайёргарлик кўрганлар. Матн тилини майда деталларигача билиш синовда энг муҳим кўрсаткич ҳисобланган.

А.Н.Самойловичнинг шарқшунос В.А.Гордлевскийга ёзган хатида туркологдан имтиҳонда **асосий** ва **иккинчи** даражада нималар талаб қилиниши аниқ кўрсатиб берилган. Магистрлик синовига тайёргарлик кўраётган олим хатида араб, форс тилидаги тарихий-адабий асарларни билиш иккинчи даражада турса, ўрхун ёзувлари тилини, айрим туркий тиллар диалектини билиш, назмий ва насрий мумтоз намуналар, усмонли турк насрий асарларини тайёргарликсиз ўқий олиш, чиғатой ва усмонли турк адабиёти тарихини билиш асосий талаб бўлганини маълум қилади (*Исполняя Вашу просьбу, сообщаю что требовали с меня когда я был в Вашем положении. Начну с второстепенных. По арабски я должен был прочесть без приготовления любой отрывок из исторического труда Абу-Хары ад Динавери; по персидски читать сразу Рашид-ед-дина ;прочитать по желанию чтонибудь из произведений Низами(я выбрал одну из поэм Пятерицы); По истории Востока: историю османской империи; историю азиатских кочевников турецких и монгольских племен. Главные предметы. С меня требовалась: знание языка орхонских надписей, чтение без приготовления джагатайских прозаических и поэтических текстов, знакомство с живыми наречиями: алтайцев, казак киргизев и таранчинцев, чтение османских прозаических текстов, история джагатайской литературы, история османской литературы*) [42; 85-б.].

Архивдаги бу ёзувлар XX аср бошида рус туркологиясида мутахассисдан қандай жиддий тайёргарлик та-

лаб қилинганини билишда муҳим аҳамият касб этади. Демак, филолог нафақат тил ёки адабиёт, балки тарихни ҳам билиши керак; адабиётшуноздан яхши матншунос бўлиш ҳам талаб этилган. Аслида «...қадим ва бой адабиётимиз обидаларини ўз эгаларига бешикаст ва бергард етказиш завкли ва шарафли бўлиши билан бирга ғоят қийин ва маъсулиятли» [409; 268-б.], иш бўлганини, бу борада рус эдицион филологик мактабининг алоҳида ўрни бўлганини унутмаслигимиз керак.

Е.Э.Бертельс қўлёзмаларни ўрганишнинг, илмий-танқидий матн тайёрлашнинг методологик асосларини, туркологик-адабий тадқиқотларнинг специфик хусусиятларини ишлаб чиқди [58]. Бу борада жуда кўп изланишлар олиб борган олим *филолог ҳам тарихчи, ҳам адабиётшунос, ҳам тилишунос бўлиши* кераклиги, аке ҳолда унинг изланишлари омадсизликка учрашни таъкидлайди ҳамда манбанинг тарихий қимматини кўрсатишда нашрнинг роли муҳимлигини қайд этади (*Филолог должен быть и историком, и литературоведом, и лингвистом; без необходимых знаний его работа заранее будет обречена на неудачу. Каждый памятник имеет историю и его издание (эдиция) должна показать читателю эту историю к определенному историческому моменту*) [52; 242-б.].

Е.Э.Бертельс ўз изланишларини фақат бирламчи қўлёзма манбаларга таянган ҳолда олиб борди. Олим асарнинг ишончли илмий-танқидий матнини нашр қилишда эътиборни кўпроқ қўлёзманинг энг қадимий нусхаларига қаратишни тавсия қилади, кейинги нусхалар котибларнинг янглиш тушунчалари ва ўзгаришларидан бошқа нарса эмаслигини таъкидлайди (*Привлечение молодых рукописей не дает ничего кроме бесчисленных интерполяций и произвольных изменений переписчиками. Чтобы получить мало-мальски надёжное издание, нужно прежде всего собрать возможно большее число древнейших рукописей*) [52; 239-б.]. Олим «Садди Искандарий» асарини жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ қилиш баробарида асарнинг бадиий хусу-

сиятларини ҳам таҳлил этишни режалаштиради, аммо асарнинг илмий-танқидий матни – таянч асос нашр қилинмагунча, бу тадқиқни талаб даражасида амалга ошириб бўлмаслигини қайд қилади.

Е.Э.Бертельс олимларнинг илмий ишларига тақриз ёзганда ҳам холислик позициясини танлайди: нотўғри ўқиш, хато талқин, қўлёзма маъбаларга таянмай иш олиб боришни, асертторик (мантиқий асосланмаган) мулоҳазалар айтишни жиддий танқид қилади. Олим Абдурахмон Саъдийнинг Навоий ижоди бўйича тайёрланган докторлик диссертациясига ёзган тақризида йўл қўйилган камчиликларнинг сабабини эдицион тадқиқ усулидан беҳабарлик билан боғлайди. *(Отмеченные мною недосчеты в значительной степени проистекают оттого, что проф.Саади воспитан на совершенно иных методах научной работы, чем методы выработанные нашей русской филологической школой. С этой разницей мы не можем не считаться)* [51; 459-б.]. Аммо бизнингча, бунинг сабабини рус шарқшунослик мактабида тарбия топмаганлик билан боғлаш тўғри эмас. Мазкур хулоса бошқа халқлар адабиётшунослигини тан олмасликка олиб келади. Ваҳоланки, Фитрат, Вадуд Маҳмуд каби иқтидор эгалари ўзбек адабиётшунослиги анъаналари асосида камол топган ва аҳамиятга молик илмий асарлар яратган.

А.Н.Самойловичнинг нашр этилмаган тақриزلарида В.Л.Вяткин, С.И.Поляков, А.Бевериж каби олимларнинг «Бобурнома» таржималарига ва нашрига оид фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Уларда матни нотўғри ўқиш ва хато талқин танқид қилинган, таржиманинг эдицион қимматини оширадиган тамойиллар белгиланган. Олим ишлаб чиққан **концепцияга** кўра таржимон тўртта муҳим тамойилни: *тилни (барча нозикликлари билан), В.В.Радлов тузган луғат билан ишлаш малакасини, бошқа таржималарни қиёсий-танқидий таққослашни, бу борадаги илмий адабиётлар билан ишлашни билиши керак.* А.Н.Самойлович А.Беверижхоним таржимасидаги айрим парчаларни таҳлил қилиш орқали

ана шу мезонлардан учтасида олиманинг етарли даражадаги малакага эга эмаслигини, Ғарб туркологияси бу жиҳатдан рус туркологиясидан орқада қолганини таъкидлайди (...я укажу три главные причины тех промахов переводчицы, которые я заметил в изученных мною отрывках ее работы. Во первых, Беверидж не успела еще достаточно сродниться с турецким языком, и в частности с языком чагатайским. Вторая причина недостаточность сравнительно критического изучения различных списков и переводов «Бабурнаме», третья причина—крайне слабое знакомство с русскими работами по Средней Азии, и в том числе с работами о Бабуре. Работа Беверидж лишней раз показывает как отстала западноевропейская туркология) [466]. 1907 йилда эса А.Н.Самойлович С.А.Поляков «ижодий махсулини» аёвсиз танқид қилади, бу каби таржималар эдицияси асарга ва муаллифга нисбатан ҳурматсизлик эканини қайд этади [310; 077-б.]. Таржима ҳақидаги илк танқидий мулоҳазалар А.Снесарев томонидан «Туркестанские ведомости» газетасида (1904, 13 июнда) ҳам эълон қилинган.

А.Н.Самойловичнинг эдицион тадқиқ усулида яратилган изланишларидан бирида таъкидланишича, у ўз тадқиқотларида қуйидаги учта тамойилга таянган ва бошқа туркологларни ҳам шунга ундаган:

Биринчидан, нашр қилинмаган асарларни ҳар томонлама ўрганиш, таржима ва чоп қилиш. *Иккинчидан*, таржима ва чоп қилинган асарлар бўйича кенг қамровли иш олиб бориш. *Учинчидан*, йиғилган материал асосида В.Радловнинг «Опыт тюркского словаря» китобига ўхшаган тарихий-адабий, тилшунослик ва луғат типидagi дастлабки турдош ишларни яратиш [10; 14-б.].

1934 йилда Туркияда ўтказилган анжуманда А.Н.Самойлович эдицион тадқиқ давомида ана шу учта тамойилга эътибор бериш, деярли ўрганилмаган «Хусрав ва Ширин», «Муҳаббатнома» дostonларига эътибор қаратиш, уларни сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар билан нашр қилиш масаласининг долзарблигини асослаб беради (...помимо подготовки трудов по данной те-

матике совершенно необходимо издать роман «Хусрав и Ширин» Кутба, «Мухаббатнаме» Хорезми и труды имеющие отношение к духовной культуре, поскольку они интересны не только для языкознания, но и для литературоведения. Публиковать такие издания следует сериями, непременно снабжая каждое предисловием, примечаниями и указателями. В языке «Хусрав и Ширин» нас особенно интересуют слова или неизвестные в караханидском и чагатайских языках, или же имеющие совершенно иную форму» [319; 39-6].

Эдицион тадқиқот муваффақиятини таъминлайдиган муҳим кўрсаткичлардан яна бири бадий матнга ёндашув усуллари ҳисобланади. Рус олимларининг ўзбек мумтоз адабиётини қайси мезонлар асосида таҳлил ва талқин қилганини билиш, аввало, рус адабиётшунослигида мавжуд академик мактаблар, рус адабиётшунослиги, бадий матнга ёндашув усул ва тамойилларига тегишли бир қанча илмий-назарий адабиётлар билан танишишни тақозо қилди [45; 87; 122; 151; 223; 359; 366]. XX аср боши рус адабиётшуносларининг ўзбек адабиётига, умуман, бадий матн объектига ёндашув методларини кузатиш уларнинг тадқиқотчилик фаолиятига илмий баҳо беришга имкон яратади.

Аср бошидаги адабиётшунослик методларига бағишланган асарлар орасида бадий матнни таҳлил қилиш йўллари, ёндашув тамойиллари ҳақидаги фикрлардан М.Розановнинг (1856–1919) қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. У ўзининг «Адабий асарларни ўрганиш методларининг замонавий ҳолати» номли мақоласида тўртта асосий методни ажратиб кўрсатади: **филологик, тарихий, психологик ва эстетик**. Филологик метод текстологик изланишлар ва интерпретация билан боғлиқ. Тарихий метод адабий асар генезисини аниқлашга ёрдам беради. Бунда Розанов фикрича, муаллиф биографияси, шахсияти ҳам муҳим роль ўйнайди. Инсонларнинг мураккаб психологик ҳаётидан келиб чиқиб, замонавий асар таҳлилида психологик таҳлил қўл келиши мумкин. Бадий асарнинг,

аввало, умуминсоний қадрият, санъат намунаси экани унга эстетик ёндашувни такозо қилади [272; 171–172-б.].

Бу давр рус олимларининг илмий изланишларида асосан тарихий-қиёсий ёндашув етакчилик қилганини кўриш мумкин. Бу эса аср боши туркология тарихида компаративистик, обзор характеридаги, историо-график тадқиқотларни юзага келтирди [38; 57; 225; 24–83 б; 283; 370]

Кузатилган даврда туркий адабиётга эрон қахрамонлик эпосининг таъсири масаласи ҳам тарихий-қиёсий ёндашув асосида ўрганилди. Бунда А.Н.Самойлович «Қутадғу билиг», «Фирдавс ул-иқбол», «Хусрав ва Ширин» асарларидаги образлар силсиласини «Шоҳнома» билан қиёсан ўрганади ва эрон мифологиясининг туркий адабиётга таъсири масаласини ёритади [315].

Бадиий асарга филологик нуқтаи назардан ёндашилган изланишларга мисол қилиб В.Радлов [179], М.Ф.Гаврилов [98], Н.Остроумов [105], Н.Ликошин [104], Е.Э.Бертельс [53], М.Салье [32] тадқиқотларини келтириш мумкин. В.Радлов, Н.Остроумов, Н.Ликошин асосий мақсадни таржимага ва манбани мумкин қадар рус китобхонига етказишга қаратганлар, шунинг учун уларнинг юқорида қайд қилинган илмий ишларида бадиий матн таҳлилини деярли кузатмаймиз.

XX аср рус адабиётшунослигида туркий адабий манбаларни атрофлича ўрганиш, матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, илмий-танқидий матнни яратиш, асарга баҳо бериш, талқин, поэтик ва жанрий хусусиятлар таҳлили каби масалалар билан Е.Э.Бертельс, А.Н.Самойлович, И.В.Стеблева жиддий шуғулланишган. Шунинг учун бу адабиётшунос олимларнинг ўзбек мумтоз адабиётига доир асарларини махсус ўрганиш ва илмий-назарий томондан баҳолаш адабиётшунослик тарихи учун муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг илмий ишларини, бадиий матнга ёндашув усулларини тадқиқ этишда дунё адабиётшунослигидаги етакчи назарий-методологик қарашларга суянган ҳолда иш олиб борилди.

Аслида, ҳозирги рус адабиётшунослигида ҳам бадий матнга ёндашув ва таҳлил методлари ҳақида жуда муҳим илмий адабиётлар мавжуд. Масалан, Н.А.Николина «Матни филологик таҳлил қилиш» номли китобида бадий асарга филологик-комплекс ёндашув усули асар жанрини белгилаш, матн қурилишини тавсифлаш, асар умумий руҳининг макон ва замонга алоқадорлиги, образлар системаси ва семантикасини аниқлаш, асарнинг жаҳоний даражасини қиёсий йўсинда белгилаш, матннинг эстетик аҳамиятини очиб бериш каби жараёнларни ўз ичига олишини эътироф қилади [240].

В.Е.Хализев бадий матнга ёндашувнинг 3 та тамойили: тавсиф ва таҳлил, интерпретация(талқин), контекстуал ўрганиш мавжудлигини қайд қилади [376; 298-б.]. Бунда асарни контекстуал (адабий, маданий, ижтимоий жараёнлар билан боғлиқликда) ўрганишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Адабиётшунос томонидан бадий асарнинг адабий-бадий ҳамда ҳаётий факт ва ходисалар билан боғлиқлиги қанчалик кенг ва тўла ҳисобга олинса, талқин ва таҳлилда шунчалик «ютиш» мумкин [376; 306-б.].

Адабиётшунос С.М.Шакиров матн таҳлилининг риторик², мифологик, қиёсий-тарихий, структур-семантик усуллари мавжудлигини қайд қилади. Шу билан бирга замонавий адабиётшуносликда «соф риторик» ёки «соф мифологик» тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, асарга ҳар хил нуқтаи назардан ёндашиш оммалашганини таъкидлайди [385].

² Шакиров С.А изоҳи: *Во-первых, художественный текст можно понять телеологически - как нечто, имеющее цель, определенную автором явно или неявно. Подобный подход определяется нами как риторический: анализ и интерпретация текста опираются на программу, по которой он был создан. Главным элементом этой риторической программы становится «изобретение» -- «собрание разных идей, пристойных к предложенной материи». С риторической точки зрения, текст синтезирует готовые идеи в новое, оригинальное целое. Риторический подход продуктивен применительно к интерпретации лирических циклов: понимание движется от «тем» отдельных стихотворений к общей идее цикла.*

Т.Н.Хомутованинг докторлик диссертациясида матн таҳлилида *систем-тилишунослик, коммуникатив, кўнаспектли ёндашув* мавжудлиги қайд қилинган ва ҳар бирига хос йўналишлар кўрсатиб берилган [380]. **Систем-тилишунослик** нуқтаи назаридан ёндашилганда, моҳиятти *формал, семантик, структур-семантик, функционал, функционал-семантик* томондан ёритиш мумкин. **Коммуникатив ёндашувда** психолингвистик (қабул, англаш, талқин), прагматик (таъсир кучи), лингвомаданий йўналишлар ажралиб туради. **Кўнаспектли ёндашув** бир йўла семиотик, когнитив, функционал-стилистик йўналишда иш олиб боришни тақозо қилади. Шунингдек, олима Ғарб назариётчиси К.Уилбернинг фикрига таяниб, ҳар қандай (шу жумладан, адабий) жараённи «мен», «биз», «улар» нуқтаи назаридан англаш ва талқин қилиш мумкинлигини таъкидлайди.

Адабиётшунос А.Голубева бадиий матнни *ритмик-интонацион, лексик-семантик, лингвостилистик, хроно-топик (макон ва замон), ғоявий, имманент* (ҳар томонлама) жиҳатдан таҳлил қилиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни илгари суради [520].

Ю.Лотман бадиий матн таҳлилида кўпроқ семиотик йўналишда иш олиб боришни, асарни майда деталаригача таҳлил қилишни тақлиф қилади. Олимнинг фикрича, семиотик³ ёндашув, матн талқини ва таҳлилининг муҳим методологик принципини амалга оширишга – бадиий системанинг ҳар бир элементи аҳамиятини очишга ёрдам беради [189;190]. Бугунги кунда Ю.Лотманнинг асарлари Санкт-Петербургда қайта нашр қилинган бўлиб, семиотик таҳлил назарияси бўйича энг ноёб ва ҳар бир филолог учун зарур назарий маълумот ҳисобланади [191].

XX аср рус адабиётшунослигида бадиий матнни таҳлил этишнинг усул ва тамойиллари бошқа адабиётларда ҳам у ёки бу даражада ёритилган [30; 45; 49;78].

Кузатганимиздек, бадиий матнга ёндашув тамойиллари хилма-хил бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Илмда

³ Семиотика семантика, синтактика и прагматика каби таркибий қисмлардан иборат.

тўғри таъкидлаганидек, соф семиотик ёки соф мифологик ёндашув асосида таҳлил қилинган илмий асарларни топиш қийин. Зеро, «адабиётшунослик методларидан бири тадқиқот жараёнида етакчилик қилиши мумкин. Шунга қараб тадқиқот ишининг қайси методда ёзилгани аниқланади. Методлар орасига бирлашмас, ўзаро кесишмас тарзидаги чегара қўйиш тўғри бўлмайди» [157;15-б.]. Бундан ташқари манбанинг характерли хусусиятидан келиб чиқиб, адабиётшуносликдаги умумий қарашларни модификация қилиш (ўзгариш киритиш) ҳам мумкин. Дейлик, Е.Э.Бертельснинг рус ва ўзбек адабиёти бўйича компаративистик йўналишдаги тадқиқотларига бир хил позицияда ёндашилган деб айта оламиз.

Шу маънода, рус олимларининг тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида уларнинг эдицион тадқиқ фаолиятида қайси усул устуворлиги ҳақида маълум хулосаларга келинди. Бу жиҳатдан Е.Э.Бертельс тадқиқотларида қиёсий-тарихий, А.Н.Самойлович изланишларида лингвостилистик, синкретик ёндашув устунлик қилади. И.В.Стеблева услубида эса семиотик таҳлил етакчилик қилганини кўрамиз. Е.Э.Бертельс, И.В.Стеблева тадқиқотларида асосан матн талқинига ва таҳлилига эътибор қаратилган бўлса, А.Н.Самойлович илмий фаолиятида ижтимоий-адабий синкретизм хусусиятлари устуворлик касб этади. Кейинги давр тадқиқотчиларининг илмий изланишларида ҳам қайсидир усул доминант вазифасини бажарди.

2.2. ДАСТЛАБКИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР СПЕЦИФИКАСИ

Рус зиёлисини илк бор мумтоз адабий намуналар билан таништирган И.Берёзиннинг «Туркий хрестоматия»си, М.Никитскийнинг Навоий ижодида бағишланган фан тарихидаги илк диссертацияси, Н.И.Ильминский саъй-ҳаракати билан нашр қилинган «Бобурнома» ва «Қиссасул-анбиё», К.Залеманнинг Сулаймон Боқирғоний, Н.П.Остроумовнинг Муқимий

ижодига бағишланган мақолалари дастлабки илмий изланишлар сифатида эътирофга лойиқдир [31; 47; 131; 239; 246; 247; 263].

Ўзбек мумтоз адабиёти ўрганилишининг дастлабки босқичларида тилшуносликка оид қўлланмалар муҳим манба ҳисобланади. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб нашр қилинган бу манбаларнинг аксариятида мисоллар Навоий, Бобур, Лутфий каби шоирларнинг шеърларидан олинган [360; 361]. Аммо бу изланишларни ҳали етарли даражадаги филологик тадқиқот деб бўлмас эди. В.В.Бартольд мутахассисларнинг туркий қўлёзмаларга етарли даражада эътибор бермаётганлиги сабабини манбаларнинг етишмаслигида эмас, уларнинг бепарволигида деб қайд қилади [36; 400-б.]. Ўз вақтидаги бу эътирозлар кейинчалик ўз натижасини беради ва рус адабиётшунослигида туркий адабий қўлёзмаларни тадқиқ қилишга эътибор ошади. Натижада аср бошида адабиётшуносликнинг таркибий қисми бўлган «Ўзбек адабиёти тарихи» фани шаклланди, айтири бир вақтда, турли жойларда рус ва ўзбек олимларининг ҳар хил аспектдаги тадқиқотлари юзага келди.

XIX аср охири – XX бошларида туркий халқлар маданиятига бўлган эътибор уларнинг адабиётига бўлган қизиқишни ҳам кучайтиради. Рус олимларининг юртимизга илмий сафари натижалари ҳақидаги ҳисоботларидан маълум бўлишича, улар борган жойларида мумкин қадар кўпроқ қўлёзмаларни – халқимизнинг маънавий дурдоналарини тўплашга ҳаракат қилганлар ва бу манбалар ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар [15; 289]. В.В.Бартольд 1902 йилдаги сафари ҳақидаги ҳисоботида шундай ёзди: «Мен ўз ҳисоботимда тўплаган барча қўлёзмаларимга баҳо бериш фикридан йироқман, аммо менинг қисқа ахборотим кейинги изланувчилар учун фойда беришига ишонаман» [37; 209–210-б.].

Россия кутубхоналарида тўпланган туркий қўлёзмалар ҳақидаги илк ахборотлар майдонга келди [423]. Айнан ана шу тавсифлар орқали рус олимлари Россияда мавжуд тур-

кий адабий манбалар ҳақида маълумот олганлар, илмий қарашларини шакллантирганлар.

Мумтоз адабиётимизнинг илк тадқиқотчилари асосий эътиборни қўлёзма йиғиш, рус тилига таржима ва нашр қилишга қаратганлар. Нашрларнинг айримларида адабий-танқидий қарашлар сўзбошилар билан чегараланган. Жумладан, В.В.Радлов, Н.Ликошин, А.Н.Самойлович, Н.П.Остроумов, М.Ф.Гаврилов, Г.Андреевларнинг мумтоз адабиётимиз бўйича дастлабки тадқиқотларининг мақсади китобхонни оригинал манба билан таништириш ва умумий обзор беришдан иборат бўлган. В.В.Радлов Юсуф Хос Ҳожиб, Н.Ликошин Машраб, Н.П.Остроумов Муқимий, А.Н.Самойлович Бобур, М.Гаврилов Ҳувайдо, Г.Андреев «Цветы сартовской поэзии» туркуми остида Навоий, Бобур, Аҳмад Яссавийнинг назмий дурдоналарини рус тилига таржима қилиб, мумтоз адабиётимизни оммалаштирганлар, жаҳоний миқёсини оширишга ҳаракат қилганлар.

Илк тадқиқотларнинг яна бир муҳим хусусияти уларнинг **синкретик** (аралаш) ҳолатда эканлиги билан белгиланади. Бунда бадиий асарга бир вақтнинг ўзида ҳам тилшунослик, ҳам адабиёт, ҳам ижтимоий-фалсафий, ҳам этнографик, ҳам тарихий манба сифатида қаралган, соф адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Қолаверса, бадиий матн устида нафақат адабиётшунослар, балки тарихчилар, тилшунослар, этнографлар, географлар, фольклористлар иш олиб борганлар. Масалан, А.Н.Самойловичнинг айрим тадқиқотларида бадиий матнга нисбатан ижтимоий-синкретик ёндашувни кўриш мумкин. Бунинг сабаби ҳали рус адабиётшунослигида туркология соҳасининг фан сифатида тўлиқ шаклланмаганлиги, назарий адабиётларнинг етишмаслиги, бадиий матн таҳлили методологиясининг тўла ишлаб чиқилмагани, долзарб йўналишларнинг белгиланмагани билан изоҳланади. Мавжуд назарий адабиётлар асосан рус адабиётининг специфик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, уларни бошқа миллат адабиётини ўрганилишига қисман татбиқ қилиш мумкин эди,

холос. Шундай бўлса-да, рус туркологлари М.Розанов, В.М.Истрин, АН.Пипин, Г.Лансон ва бошқа рус адабиётшуносларининг назарий фикрларидан методологик асос сифатида унумли фойдаланганлар [181; 262; 272].

XX бошидаги дастлабки тадқиқотларнинг кейинги хусусияти уларнинг кўпроқ **лугат, библиографик** характер касб этишидадир. Асосий эътибор асар қўлёзмаси тавсифи, яратилиш тарихи, тили, баъзан жанрига қаратилади. Бу борада В.Л.Вяткин, А.А.Гаррицкий, Н.С.Ликошин, изланишларини мисол қилиб келтириш мумкин [96; 102; 186].

Аср боши тадқиқотларининг яна бир хусусияти туркий адабий манбаларни форсий адабиётнинг такрори ёки унга тақлидан яратилган деган нотўғри қарашнинг **анъанавий тус олиши** бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмида И.Берёзин, М.Никитский ижоди билан бошланган бу қараш А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд, М.Ф.Гаврилов изланишларида ҳам давом этди, фақат **Е.Э.Бертельс** тадқиқотларида масалага ҳолис баҳо берилди. Олим адабиётшуносликдаги бу бирёқламаликни ўша давр навоийшуносларнинг қарашларини Навоий асарлари моҳиятини англамаслик тарзида баҳолади, ўзигача бўлган навоийшуносларнинг Навоий форс адабиётининг тақлидчиси деган қарашларини жиддий изланишлари билан рад қилди. Е.Э.Бертельснинг турли халқлар адабиёти қиёсий таҳлил қилинган тадқиқотлари [51; 54; 56] рус туркологиясида компаративистик методни ва қиёсий-типологик тадқиқотлар тизимини шакллантирди.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб рус адабиётшунослари мумтоз адабиётнинг **фақат формал томонларига** эмас, балки мазмуни ва поэтикасига ҳам эътибор қарата бошладилар. Туркий адабий манбаларга баҳо беришда унинг мазмуний қамрови, тарбиявий-эстетик аҳамияти етакчилик қила бошлади. Рус олими **М.Ф.Гаврилов** ўзининг «Ўрға осиёлик шоир ва сўфий Ҳувайдо» (1927) номли илмий рисоласида мумтоз шеъриятнинг ўзига хосликлари, Ҳувайдо ижодида унинг ифодаси, лирик қаҳрамон, шоир назмининг халқчиллиги каби ма-

салалар хусусида баҳоли кудрат фикр юритади [98]. Хувайдонинг айрим рубоий ва ғазалларини асл ва таржимада келтириб, таҳлил қилади. Олим шоирнинг тасаввуфий қарашлари асосан унинг рубоийларида ифодаланган деб ҳисоблайди. Аммо шоир ғазалларини таҳлил қиладиган бўлсак, тасаввуфий тимсоллар нафақат рубоийлар, балки ғазалларда ҳам акс этганини кўриш мумкин. М.Ф.Гаврилов Хувайдо назмининг оммалашганидан келиб чиқиб, унинг кенг маънода халқ шоири эканини қайд қилади. Бизнингча, оммалашуш кенг маънода халқ шоири бўлишни тақозо қилмайди.

Бундан ташқари олим Хувайдо «Девон»и XIX–XX аср **саводли** ва **оми** мусулмон жамиятида кенг оммалашганини қайд қилади (*«Поэт и суфий Хувайдо снискавший себе своим «Диван»ом, т.е. сборником стихотворений получил огромную и широкую популярность в среде грамотного и неграмотного местного мусульманского общества XIX–XX вв.»*) [98; 5-б.]. Халқимиз шаъни ерга урилган бу мулоҳазани оқлаб бўлмайди, албатта. Зеро, М.Ф.Гавриловга замондош бўлган А.Н.Самойловичнинг Н.П.Остроумовга ёзган хатида тамомила тескари фикрни ўқиймиз: *«Биз ноқобил мустамлакачилар тараққий қилган мусулмонларга маърифат беришга ҳақли эмасмиз» (Мы должно быть безнадежно негодные колонизаторы и не нам просвещать мусульман)* [494].

Рус адабиётшунослигида Хувайдо ижоди М.Ф.Гавриловдан кейин махсус ўрганилмаган, айрим манбаларда шоир ҳақида умумий маълумотлар берилган, холос [80; 142-б; 161; 442-б.]. Ўзбек адабиётшунослигида шоирнинг бадиий мероси алоҳида тадқиқ қилинган [382]. Аммо бу тадқиқотда М.Ф.Гавриловнинг мулоҳазаларига муносабат билдирилмаган.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтига Санкт-Петербургдан маъруза ўқиш учун таклиф қилинган адабиётшунос олим **П.А.Фалёв** (1888-1922) ўз маърузаларини тўплаб, **«Туркий тил ва адабиётни ўрганишга кириш»** номли илмий рисоласини нашр қилдиради. Китобда қирғиз, туркман, уйғур, турк, ўзбек тили ва

адабиётига хос умумий хусусиятлар қисқача таҳлил қилинган. Қисман Навоий, Бобур, Машраб ижодига тўхтаб ўтилган. Жумладан, Бобурнинг «Бобурнома» асари Цезарь кундаликларига қиёс қилинган (*Нельзя не отметить замечательных по стилю и по содержанию мемуаров Бабур, которые можно сравнить по их интересу и значению с «записками» Цезаря*) [370; 23-б.]. А.Фалёв ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос хусусиятларини ёритар экан, гул, булбул, соқий, бода, кўз, парвона каби анъанавий-рамзий образлар ҳақида ўз фикрларини билдиради. Жумладан, муаллиф ошиқнинг парвонага ўхшатилиши, Фарбда парвона снгилтабиатлилик рамзи бўлса, Шарқда садоқатлилик рамзи эканини алоҳида таъкидлайди [370; 21-б.]. А.Фалёв ўз фикрларини мисолларда изоҳламайди, аммо олимнинг қарашларини Навоий мисралари билан қувватлаш мумкин эди. Шоир «Лайли ва Мажнун» достонида парвонага шундай тавсиф беради:

*Парвонани ишқ этмасе маст,
Урғайму ўзни ўтқа пайваст ?
Парвонада холлиқ қаноти,
Ишқ ўтидин ўлди доғ зоти.
Бу доғдин ибтидойи аҳвол,
Ишқ ўтмади они фориғул-бол.* [234; 239-б.].

Албатта, рисолада айрим хато фикрлар ҳам йўқ эмас. Масалан, унда «Хусрав ва Ширин» достони Навоий асари сифатида таҳлил қилинган [370; 22-б.].

А.П.Фалёв ҳақида, унинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида жуда оз маълумот сақланиб қолган. Россия архивларидаги эпистоляр манбалардангина у ҳақда нисбатан тўлиқ маълумот олиш мумкин. А.Э.Шмидтнинг (1871-1939) А.Н.Самойловичга ёзган мактубида (1922 й) А.П.Фалёвнинг иқтидори алоҳида қайд қилинган, («...здесь нет никого, кто мог бы заменить его, и нет никакой возможности научно поставить преподавание тюркологии») [458; ед.хр.320].

XX аср биринчи чораги рус илмий-адабий муҳитининг

энг фаол вакилларидан бири А.Н.Самойлович бўлиб, бу жиҳат унинг ижодига, илмий-адабий тафаккур тарзига махсус баҳо беришни тақозо этади. Олим биринчилардан бўлиб туркий-адабий тилнинг ўзига хос хусусиятлари, адабий таъсир, жанр, вазн каби умумфилологик масалалар ёритилган мақолалари билан рус туркологиясида ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг йўналишларини белгилаб беради.

А.Н.Самойлович рус адабиётшунослигида биринчи бўлиб адабиёт тарихини даврлаштириш масаласини кўтариб чиққан. Олим туркий адабиёт тарихини уч даврга, яъни қадимги туркий, уйғур, мусулмон даврига бўлади ва ҳар бир босқичда яратилган асарларга қисқача тўхталиб ўтади [463]. Туркий адабий тилга бағишланган яна бир мақоласида ислом даври Ўрта Осиё туркий адабий тили энг ривожланган босқич бўлгани, Навоий каби шоирлар бу «олтин аср»нинг маҳсули эканини қайд қилади (*...третий период развития литературного «среднеазиатско-турецкого языка исламской эпохи» был наиболее благоприятным по определявшей его исторической обстановке. В этот третий период действовали наиболее выдающиеся литературные работники во главе с Мир Алишером Навои, этот период оказался золотым веком в истории «среднеазиатско-турецкой» литературы*) [314; 17-б.].

XI–XIX аср туркий адабий манбалар борасида муҳим тадқиқотлар олиб борган А.Н.Самойлович тарихий жиҳатдан тўртта бир-бири билан боғлиқ даврни ажратиб кўрсатади: биринчиси Қорахонийлар давлатининг шаклланиши, иккинчиси ўғуз ва кипчоқлар орасида Ислом динининг тарқалиши, учинчиси темурийлар даври, тўрттинчиси XX аср бошидаги давр. Учунчи даврни олим «чиғатой даври» деб атади ва учта босқичга бўлади: XV – XVI аср – олтин аср, XVII – XVIII – «таназзул» асри, XIX – XX аср (айниқса, Қўқон ва Хоразмда) – янги уйғониш даври. Олим ўзининг нашр қилинмаган «Туркий этюдлар» асарида Ўрта Осиё мусулмон даври туркий адабиёти тарихини 4 даврга бўлиб ўрганишни тавсия қилган:

1. XI–XIV асрлар адабиёти.

2. XV– XVI асрлар адабиёти. Олим бу даврни адабиёт тарихидаги «олтин аср» деб атайдди, адабий марказ Хирот бўлганлигини таъкидлайди.

3. XVII–XIX асрлар адабиёти. Бу давр адабий маркази сифатида Қўқон ва Хива эътироф этилган (*период постепенного упадка и сплошного подражания предыдущему*).

4. XX аср адабиёти, янги давр. Бу давр адабий марказини олим Самарқанд бўлган деб ҳисоблайди [463.].

Кўриниб турганидек, А.Н.Самойлович даврлаштириш масаласига турли томондан ёндашган, кўп факторларни инобатга олган ва асосан хронологик ва ижтимоий принципга таянган.

У.Жўракуловнинг таъкидлашича, даврлаштириш 20-йиллар ўзбек адабиётшунослигида долзарб масалалардан бири бўлган. Бунга биринчилардан бўлиб Фитрат қўл урган, бошқа олимлар бу масала билан махсус шуғулланмаган. Олимнинг фикрича, Фитрат адабиёт тарихини даврлаштиришда ўзига маъқул бўлган соф илмий йўлдан эмас, замон талаб қилган йўлдан боришга мажбур бўлди. Шу сабабли у адабиёт тарихини ижтимоий формацияларга асосланиб, куйидаги беш даврга ажратган:

1. Қабилавий адабиёт
2. Феодаллик даври адабиёти
3. Савдо сармоёси даври адабиёти
4. XVI асрдан кейинги давр адабиёти
5. Жадиличлик даври ва инқилобдан кейинги давр адабиёти [127;37–38б.].

А.Ҳайитметов қарийб икки минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек адабиётини даврларга бўлиш ҳали фанда қатъийлаштирилмаганини алоҳида қайд қилган [403; 16–17-б.]. Ҳақиқатда ҳам, бу масала бугунги кунга қадар баҳс-мунозара объекти бўлиб қолмоқда.

А.Н.Самойлович илмий меросининг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, у анъанадан бир оз чекиниб, мумтоз адабиётнинг энг кўзга кўринган Навоий, Бобур каби вакиллари ижоди билан бирга, Комёб, Мирзо, Оқил, Холис, Мирзо Масиҳий каби ижоди деярли ўрганилмаган шоирларнинг шеърятини ҳам

тадқиқ қилган.⁴ Зеро, аср бошида фаолият кўрсатган ва асарлари билан А.Н.Самойловичга яхши таниш бўлган рус олими **С.А.Венгеровнинг** таъкидлашича (1919), ҳақиқий адабиётшунос диққатини фақат машҳур намояндаларгагина эмас, адабий жараённинг бошқа вакилларига ҳам қаратмоғи керак. Чунки баъзан айнан улар у ёки бу даврнинг хос хусусиятларни яққолроқ ифода-лашга қодирдирлар (*...я считаю совершенно ненаучным изучать литературу только в ее крупных представителях. Бывает даже так, что мелкий писатель, сплошь да рядом ярче характеризует ту или другую эпоху, чем писатель крупный*) [14;179-б.].

Умуман, асрнинг биринчи чорагида рус олимларини асосан қуйидаги масалалар қизиқтирганини кўриш мумкин:

– Туркий адабий манбаларни рус тилига таржима қилиш, адабиётимизни оммалаштириш (В.Радлов, Н.Ликошин, А.Н.Самойлович, Г.Андреев, Н.П.Остроумов, М.Ф.Гаврилов);

– Ғарб ва Шарқ адабий анъаналарини, форсий ва туркий адабиётни қиёслаш, бу орқали туркий адабий манбаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш (А.П.Фалев, Е.Э.Бертельс);

– адабиёт тарихини даврлаштириш (А.Н.Самойлович);

– «Шоҳнома»нинг туркий-адабий манбаларга таъсири масаласи (А.Н.Самойлович);

– шеърий асар табиати ва лирик қаҳрамон кечинмалари тасвири (М.Ф.Гаврилов).

2.3. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус шарқшунослигида туркий халқлар маданияти ва адабиётига қизиқиш яна ҳам кучаяди: ҳар хил илмий муассасалар, журналлар жорий қилинади. Е.Э.Бертельс, А.Н.Самойлович бошлаб берган рус филологик макта-

⁴ Бу масала ишнинг 3-бобида алоҳида ёритилган – Х.Г.

би анъаналари таъсирида А.А.Валитова, С.Н.Иванов, Г.Ф.Благова, А.А.Пулявин, И.В.Стеблева, М.С.Фомкин, А.И.Пылев каби турколог олимлар, мумтоз адабиёт тадқиқотчилари етишиб чиқади.

1973 йилда А.Н.Кононов бошчилигида «**Туркологлар кўмитаси**» ташкил топди. Бу кўмита МДХ (собик СССР) давлатларидаги туркий филология билан шуғулланаётган барча олимларни бирлаштиради ва ўз олдига қўйган 4 та муҳим вазифа бўйича иш олиб боради: Туркология бўйича илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш; Чет эл туркология жамиятлари ва муассасалари билан илмий-ташкилий алоқани ўрнатиш; Мутахассис-туркологларни халқаро анжуман ва конгрессларга тайёрлаш, Россияда ўтказиладиган халқаро микёсдаги тадбирларнинг материалларини чоп этиб бориш; Туркология соҳасида олиб борилаётган илмий ишлар ва эришилган муҳим натижаларни матбуотда доимий ёритиб бориш [511].

Кўмитанинг саъй-ҳаракати билан рус, ўзбек, козок, туркман ва бошқа халқларнинг турколог олимлари биргаликда, марказлашган тарзда иш олиб борди, бир-бирларининг изланишларидан хабардор бўлиб турди, тажриба алмашинди. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Россияда бирин-кетин «Совет Шарқшунослиги» (hozирги «Шарқ»), «Туркология мажмуаси» (Туркологический сборник), «Туркий олам», «Шарқ ёзма манбалари» («Письменные памятники Востока»), «Петербург шарқшунослиги», «Россия туркологияси», «Туркология муаммолари», «Turcologica» каби журналлар нашр этила бошлади. Бундан ташқари Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Қозон университетларининг Шарқшунослик факультетлари «Ахборотнома»си жорий қилинди. Уларда туркология, жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг муҳим натижалари ёритилди.

Бу даврда ўзбек мумтоз адабиёти бўйича қилинган тадқиқотлар композициясини шартли равишда 3 турга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Умумий обзор характеридаги илмий ишлар;
2. Мумтоз адабиёт тарихига оид тадқиқотлар;
3. Лирик жанрлар назариясига оид изланишлар.

а) умумий обзор характеридаги илмий тадқиқотлар

Умумий характердаги ишлар асосан антология, обзор ва олий ўқув юртлари учун тайёрланган ўқув қўлланмаларидан иборат [148; 170; 250; 335; 336].

Адабиётшунос олим Кўрўғлининг 1976 йилда нашр қилинган «Ўзбек адабиёти» ўқув қўлланмасида халқ оғзаки ижоди, XV асргача бўлган адабиёт, XV–XIX ва XX аср адабиёти умумий тарзда ёритилган [170]. Қўлланма адабиётшунос олимнинг Москва Давлат университети филология факультетида ўқиган маърузалари асосида тузилган. Бу манба орқали бўлажак филолог, адабий-илмий жамоатчилик ўзбек мумтоз адабиётининг Гадоий, Саккокий, Лutfий, Навоий, Машраб, Бобур, Насафий, Турди, Мажлисий, Равнак, Нишотий, Нодира, Увайсий, Гулханий, Махмур, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби вакиллари ижодий биографияси билан ҳам танишади. Қўлланма ўз даври мафкурасига мослаб ёзилган. Зеро, сиёсий муҳит исканжасидан узоклаша билмаган олим шундай тартибда ёзишга мажбур бўлган. Гарчанд у айрим тахрирталаб фикр-мулоҳаза ва жумлалардан холи бўлмаса-да, бугун ҳам Россия илм масканларининг туркий филология йўналишларида ўқитиб келинмоқда. Академик Б.Назаров «Замон ва адабиёт» номли мақоласида (Ўқитувчилар газетаси, 1990 й., 22 сентябрь) ҳақли равишда таъкидлаганидек, давр тақозоси билан камчиликлардан холи бўлмаган бу каби манбаларни батамом инкор этиш, итқитиб ташлаш тўғри эмас.

Рус олимаси И.В.Стеблеванинг обзор характеридаги илмий рисоалари библиографик манба сифатида муҳим аҳамият касб этади. Уларда XX асрда туркий адабиёт тарихи ва назарияси ўрганилишига доир илмий ишлар, асосий тараққиёт босқичлари ҳамда тенденциялари ўз аксини топган [335; 336].

«Россияда туркий адабиётларнинг ўрганилиши» ном-

ли тадқиқотида И.В.Стеблева давр олимларининг илмий тадқиқотларига хос қўйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатади:

Биринчидан, туркий адабиёт бўйича дастлабки тадқиқотлар (1925 йилгача) адабиётшунослик нуқтаи назаридан деярли ўрганилмаган, таҳлил ва талқин қилинмаган. Олиманинг бу фикрига эътироз билдирмаймиз. Ҳақиқатан ҳам, кузатишларимиз таҳлил ва талқин М.Ф.Гавриловнинг 1927 йилда чоп этилган «Сўфий ва шоир Ҳувайдо» номли тадқиқоти билан бошланганини кўрсатди. Унгача бўлган илмий изланишлар мақсади асосан қўлёзмани нашр ва таржима қилиш, умумэстетик хусусиятларини ёритишдан иборат бўлди.

Иккинчидан, олиманинг фикрича, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабий алоқалар ва ўзаро таъсирланиш масалаларига туркий халқлар ҳам жалб қилинди. Россия филологик мактаби билан яқинлашиш тадқиқотларнинг умумий проблематикасини ва адабий асарга ёндашув тамойилларини ишлаб чиқишга ёрдам берди. *Бизнинг кузатишларимиз*, ижтимоий, илмий-маданий-адабий муносабатлар XX аср бошидаёқ йўлга қўйилганини кўрсатди. Зеро, Фурқат, Комил Хоразмий, Феруз, Фаррух, Сатторхон Абдуғаффоров, Фитрат каби шоир, олим ва давлат арбоблари бир неча бор Россия сафарида бўлганлар. Ўз навбатида рус олимларидан А.Н.Веселовский, А.Калмиков, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд, В.Ф.Минорскийларнинг олимларимиз билан илмий мулоқоти тадқиқотларнинг умумий муаммоларини ишлаб чиқишда асос бўлди.

Учинчидан, И.В.Стеблева рус олимларининг изланишларида 80-йилларга келиб мумтоз адабиётдан кўра, ҳозирги адабий жараёни ўрганишга эътибор ошганини маълум қилади. *Бизнингча*, бу фикр бошқа туркий халқлар адабиётига тааллуқли бўлиши мумкин, аммо ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиши, таржималар айнан шу даврда ривожланди. XX асрнинг охириги чорагида мумтоз асарларни таржима ва қайта нашр қилиш, сўзбошиларда асар ҳақида умумий маълумот бериш,

А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс бошлаб берган анъаналарни давом қилдириш тенденцияси кучайди.

«Россияда Шарқ адабиётлари назариясининг ўрганилиши» деб номланган рисоласида И.В.Стеблева Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётининг назарий масалалари ўрганилган илмий асарларга тўхталади. Олима XX аср тадқиқотларида асосан лириканинг назарий масаларига: вазн, ритм, маъно, қофия, радиф, жанр хусусиятларига эътиборнинг кучли бўлганини қайд қилади. Аммо И.В.Стеблева мумтоз адабиётнинг назарий масаларини ўрганишни бошлаб берган А.Н.Самойловичнинг қарашларига жиддий эътибор бермайди. С.Н.Ивановнинг ғазал жанри борасидаги адабиётшунослик учун муҳим бўлган фикр-мулоҳазалари аҳамиятини қайд этмайди. Ишда мавжуд бу бўшлиқлар тадқиқотимизнинг айрим ўринларида имкон қадар тўлдирилди.

б) мумтоз адабиёт тарихига оид тадқиқотлар

Адабиёт тарихига оид ишлар таркибида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича ёзилган асарлар кўпчиликни ташкил қилади.⁵ Мавжуд тадқиқотларни кузатганимизда баъдий матнлар кўпроқ қиёсий-тарихий (А.А.Валитова, С.Н.Иванов, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад) ва эстетик (А.А.Пулявин, М.С.Фомкин, А.И.Пылев) ёндашувлар асосида таҳлил қилингани маълум бўлди.

Баъзи ўринларда айнан бир масалага турлича қараш, турли манбалар билан қиёслашни кўриш мумкин. В.М.Жирмунский (1891-1971) ва Н.И.Конрад (1891 – 1970) бир макон ва бир замонда яшаб ижод қилган, қиёсий адабиётшунослик методологияси ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли олимлардир. Уларнинг компаративистика бўйича назарий хулосалари кўп жихатдан мос келади, аммо «Алишер Навоий ва Ренессанс» масаласида турлича қараш, парадигмалар тўқнашувини кўриш мумкин [124; 168; 90–105-б.]. Масалан, Н.И.Конрад «Лайли ва Мажнун» асаридаги эпизодларни Ғарб адабиётидаги Тристан ва Изольда, Мастер ва Маргарита билан қиёсласа, В.М.Жирмунский Навоий қарашларини

⁵ 1-иловадаги хронологик кўрсаткичга қаранг

Данте, Леонардо да Винчи, Петрарка қарашлари билан таққослайди. Н.И.Конрад Навоий ижодидаги универсалликка эътибор қаратиб, Навоий барча халқлар шоири, деган хулосага келади. В.М.Жирмунский Навоий «уйғониш даври Ғарб титанлари» билан ҳамфикр экани ҳақидаги ғояни илгари суради. Ҳар иккала мақолада ҳам Ренессанс умумий майдон сифатида кўрсатилган, аммо В.М.Жирмунский «Ғарбнинг маданият, маънавият, илм-фан жабҳасидаги ютуқлари Шарқникидан устунлигини кўрсатиш»га [416;11-б.] ҳаракат қилади, Н.И.Конрад Шарқ маънавияти ва маданияти ўзининг қадим чашмаларига эга бўлгани, бу борада Ғарбга эҳтиёж сезмаганини қайд қилади. Н.И.Конрад фикрига монанд хулосаларни М.Арипов, В.В.Бартольд, А.А.Гаджиев тадқиқотларида ҳам кузатиш мумкин [26; 31-б; 35; 61-б; 99; 6-б.]. Бизнингча, Н.И.Конрадинг халқлараро тенгликка асосланган концепцияси масалага ойдинлик киритади (...«ни у кого нет право считать себя народом особым, превосходящем всех других, мания величия у нации столь же ложна, вредна и просто смешна, как и мания величия у отдельного человека») [168; 32-б.]

А.И.Пылев (1968) тадқиқотларида масалага эстетик нуқтаи назардан ёндашилган. Олим талабалик йилларидаёқ Аҳмад Яссавий ижоди билан қизиқиб, ўрганган. Кейинчалик у бир неча мақолалар ҳамда монография нашр қилдирган [257-261]. 2001 йилда «Ҳожа Аҳмад Яссавий Ўрта Осиёнинг илк туркий сўфий шоири» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди [256].

А.И.Пылев тадқиқотларида тасаввуфнинг туркий адабиётга ва Яссавий дунёқарашининг шаклланишига таъсири, шоир ижодида туркий ва форсий тасаввуф анъаналарининг акс этиши, уларни юзага келтирган омиллар, «Девони ҳикмат»даги шеърлар поэтикаси каби масалалар ҳақида мулоҳаза юритилади. Олим ўз изланишларида Аҳмад Яссавийнинг Туркия, Қозон, Тошкент, Санкт-Петербургда мавжуд қўлёзмаларига ҳамда Фитрат, М.Ф.Кўпрулузода, Камол Эраслон, Е.Э.Бертельс

тадқиқотларига таянади. А.И.Пылев диссертациясини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги илмий янгилик қу-затилди:

Рус шарқшунослигида илк бор Яссавийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди монографик тарзда ўрганилган; Рус ва чет эл туркологиясида биринчи марта Яссавий дунёқарашини шакллантирган Омиллар, тасаввуф-даги икки анъана: туркий ва форсий сўфизм ҳамда уларнинг шоир ижодида акс этиш даражаси ўрганиб чиқилган. Олимнинг аниқлашича, туркий тасаввуф бўйича Яссавийга сабоқни унинг устози Арслонбоб берган бўлса, форсий тасаввуф анъаналарини у Юсуф Хамадонийдан ўрганган.

«Девони хикмат» қўлёзмаларини қиёслаш, ундаги шеърлар мазмуни, образлар тизими ва поэтикасини им-кўнқадар таҳлил қилиш асосида А.И.Пылев Яссавий даври-га тегишли назм дурдоналарини аниқлайди. Олимнинг кузатишларига кўра, «Девони хикмат»даги шеърлар-нинг «соф яссавиёна» эмаслигига шубҳа қуйидаги сабаб-лардан келиб чиққан:

Биринчидан, асарнинг XVIII асрда ч олдин кўчирилган қўлёзма нусхалари ҳали топилмаган;

Иккинчидан, Яссавийнинг таржимаси ҳоли келтирил-ган «Насабнома», «Рашахот», «Насойим ул-муҳаббат» ва бошқа манбаларда унинг шоирлик фаолияти ёри-тилмаган. Олимнинг аниқлашича, Ёизгача етиб келган манбалардан «Рисолайи маорифи Шайбоний» асарида Яссавий хикматларидан 3 та тўртлик, «Жавоҳир-ул-аброр»да битта ғазали келтирилган ҳолос;

Учинчидан, Яссавий асарларининг қўлёзмалари ва ай-рим нащрларида айнан бир хил хикматлар турли тахал-луслар остида берилган. Сулаймон Боқирғоний тахаллуси билан берилган хикматлар «Боқирғон китоби»га, айнан шу хикматлар Яссавий тахаллуси билан «Девони хикмат»га ҳам киритилган [256; 20–21–б.].

Муаллифлик масалани ҳал этиш учун, олимнинг қайд қилишича, иккита муҳим саволга җавоб топиш керак – «Девони хикмат»нинг айнан қайси қисми XII асрга

тегишли(1) ва булардан қайсилари Яссавий қаламига мансуб (2)? Биринчи саволга А.И.Пылев фикрича, тахминан жавоб бериш мумкин, иккинчисига жавоб бериш қийин. Чунки Яссавийнинг ҳикматларидан бошқа асари қўлимизда бўлмагандан кейин, унинг шеъриятидаги ўзига хослик, поэтика, тил ва услуб ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Шуни айтиш жоизки, А.И.Пылевгача ёзилган тадқиқотларда олимлар эътиборини кўпроқ лингвистик ва текстологик таҳлилга қаратганлар, бу тадқиқотда эса илк бор «муаллифлик гипотезаси» илгари сурилган ва аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан, олим муаллифлик масаласини ҳал қилишнинг тўртта йўлини таклиф қилади: текстологик, лингвистик, «Девони ҳикмат»даги поэтик шакллар тадқиқи ва ҳикматлар мазмуни таҳлили.

А.И.Пылев адабий матн таҳлилида қиёсий-аналитик усулдан фойдаланган. Яссавий ҳаёти ва ижоди моҳиятига эстетик нуқтаи назардан ёндашган. «Нима учун олим тадқиқотида бу ёндашув усули етакчилик қилган?» деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, илмда ҳикматлар муаллифлиги масаласида қандай чалкашликлар бўлмасин, улар мавжудлигининг ўзи, инсон руҳий дунёсига таъсиридаги роли ва Ўрта Осиё маданиятининг узвий бир қисми эканлиги муаммога эстетик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо қилган. Илмда тўғри таъкидлаганидек, «...ушбу нодир асар унинг муридлари ва издошлари томонидан тартиб берилган. Лекин бу нарса ҳикмат мажмуасининг Яссавийга алоқаси йўқ деган даъвони илгари суришга асос бермайди» [414; 111-б.].

А.И.Пылев изланишларида **иккита камчиликни** кузатиш мумкин:

Биринчидан, олим Яссавий ижоди бўйича рус шарқшунослигида қилинган олдинги ишларга етарли даражада эътибор бермаган. Шоирнинг тасаввуфий ва адабий меросини ўрганиш ўзига хос бир жараён бўлиб, А.И.Пылевдан анча олдин бошланган. 1897 йилда К.Г.Залеман илк бор илмий-адабий жамоатчиликни

Яссавий, Сулаймон Боқирғонийнинг ҳаёти ва ижоди билан қисқача таништирган эди [131.]. А.Н.Самойловичнинг архивида «Аҳмад Яссавий ва Боқирғоний» номли мақола мавжуд бўлиб, унда олим Россия ва Европа яссавийшунослиги борасида анча фикрларни баён қилган [463; 48–59-б.]. Бизнингча, бу мақолалар тўлиқ тафсилотни даво қилмасда, рус шарқшунослигида Яссавий ҳақида берилган илк маълумот сифатида ўз аҳамиятига эга. А.Н.Самойлович нашр қилишга улгурмаган мақолада К.Г.Залеман, П.Мелиоранский ва Европа шарқшуносларининг Яссавий бўйича ёзган тадқиқотлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Ҳар ҳолда мавзунинг тарихига оид бундай манбалардан А.И.Пылев ўз ишида фойдаланиши лозим эди;

Иккинчидан, А.И.Пылев ҳикматлар таҳлилида мазмундан кўра кўпроқ поэтик шакл масаласига тўхталади. Шу жиҳатдан, назаримизда, шеърдаги мотивлар, образлар тизими ва семантикасига камроқ эътибор қаратилган. Олим айтиб ўтган туркий ва форсий тасаввуф анъаналарининг шоир ижодига таъсири мисоллар билан мустаҳкамланмаган.

Хуллас, А.И.Пылев тадқиқоти юқорида келтирилган камчиликлар бўлишига қарамасдан, рус яссавийшунослигида ўзига хос ўрин эгаллайди.

в) лирик жанрлар назариясига оид тадқиқотлар

Ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиш тарихида лирик жанрлар назариясига оид тадқиқотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади [146; 148; 211; 345; 347; 348]. Бу борада С.Н.Ивановнинг ғазал жанри ва И.В.Стеблеванинг туюқ, туркий аруз хусусидаги изланишлари диққатга сазовордир.

С.Н.Иванов кўп йиллар давомида (1972–1988) Санкт-Петербург университети Шарқшунослик факультетининг туркий филология кафедрасини бошқарган. Туркий адабиёт билан шуғулланган кўпгина тадқиқотчиларга, жумладан, А.И.Пылевга ҳам илмий раҳбарлик қилган. Илмий-педагогик фаолиятдан ташқари яна таржимонлик билан ҳам шуғулланган. С.Н.Ивановнинг таржималари орқали рус китобхони Юсуф Хос Хожиб, Навоий, Бобур, Отаҳий,

Мунис ва бошқа шоирлар лирикасидан, таржимонлар таржима сирларидан баҳраманд бўлди [147]. Бугунги кунга келиб олим таржимасидаги ўзбек мумтоз адабиёти намуналари қайта-қайта нашр қилинмоқда, интернет саҳифаларида акс этмоқда [503; 504]. Шу жиҳатдан, олим илмий асарлари ва таржималарининг адабиётимизнинг бадиий тадқиқи сифатидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

1977 йилда Москвада С.Н.Иванов таржимасида Амирий, Атойи, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқа шоирларнинг ғазал ҳамда мухаммасларидан иборат лирик мажмуа нашр қилинади. Китобнинг аввалида олимнинг «Ўзбек ғазалига беш аср» номли мақоласи берилган [148]. Мақолани туркий ғазал ҳақида рус шарқшунослигида ёзилган кенг қамровли илмий ахборот дейиш мумкин. Унда қуйидаги масалалар ёритилган:

1. Араб, форс ва туркий адабиётдаги ғазал жанри ривож, ғазалнависликнинг ёрқин намояндалари, байт, мисра, қофия, радиф, матлаъ, мақтаъ, тахаллус ҳақида умумий хулосалар.

2. Ғазалдаги анъанавий мавзу, образлар тизими, байтларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ғазал турлари. Муаллиф жанр хусусиятидан келиб чиқиб ғазални 4 та турга ажратади: **ишқий, қарилиқдан шикоят қилувчи, дидактик, фош қилувчи** ғазаллар ва ҳар бирига мисоллар келтиради, ғазаллардаги 20 дан ортиқ мотивни (айрилиқ мотиви, ёр шафқатсизлиги мотиви ва ҳ.к.) изоҳлайди.

3. Ғазалдаги анъанавий ўхшатишлар ва истиоралар таҳлили, уларнинг шартли эканлиги ва шоир реал кечинмалари билан боғлиқ эмаслиги масаласи.

4. Тасаввуфнинг адабиётга таъсири, тасаввуфий лирика, зоҳирий ва ботиний маъно хусусида. Бунда олим Ўрта Осиё поэзиясининг ҳаммасидан тасаввуфий маъно кидириш тўғри эмаслигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, адабиётда тасаввуфий «терминологиядан» фойдаланишнинг ўзи ҳам бир анъана.

5. С.Н.Иванов тадқиқотида Атойи, Лутфий, Бобур, Навоий, Ҳусайний, Нодира, Муқимий, Фурқат ва бошқа шоирлар ғазалиётининг ўзига хос хусусиятларини ми-

соллар билан кўрсатиб беради. Муаллиф Атойи назмида бадийий бой тасаввурнинг, Бобурда фалсафийлик ва ихчамликнинг, Машрабда драматизмнинг етакчилик қилишига эътибор қаратади.

6. Шарқ ғазалиёти таржимасида таржимон маҳоратининг роли ҳақида фикрлар билдирилади.

Кўриниб турганидек, С.Н.Иванов ўз олдига рус китобхонига туркий ғазалнинг специфик хусусиятларини етказишни ва мумкин қадар мумтоз шоирлар оламига «сайр қилдиришни» мақсад қилган. Шу ўринда олим қайд этиб ўтган айрим масалаларга аниқлик киритиш лозим топилди:

Муаллиф туркий адабиётда ғазал ёзиш озарбайжон шоири Имомиддин Насимийдан (1370–1417) бошланган деб ҳисоблайди. Маълумки, илк ғазал Рабғузий (XIII–XIV аср) ижодида учрайди.

Мухаммас ва мусаддас жанрлари мақолада ғазал асосида пайдо бўлган шеър тури деб изоҳланган. Бундай қараш мустақил мухаммас ва мусаддас мавжудлигини рад қилади.

С.Н.Иванов ғазалдаги образлар, воқеалар тасвири шартли эканини таъкидлагани ҳолда уларнинг шоир реал кечинмалари билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги «версиясини» рад қилади. Ваҳоланки, айрим тадқиқотлар ҳасби ҳол типдаги, реал кечинмалар билан боғлиқ ғазаллар ҳам мавжудлигини кўрсатади [356; 157–201-б.].

С.Н.Ивановнинг ўзбек ғазалиётига доир таржима асарининг сўзбошисида юқоридагидан фарқли равишда ғазал билан бирга қитъа, рубой, туюқ, қасида, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамманлар ҳамда маснавий, таржеъбанд жанрлари ҳақида ҳам маълумот берилган. Муҳими, муаллиф олдин айтган фикрига (мухаммас ва мусаддас ғазалдан пайдо бўлган) объектив ёндашиб, мусаммат турларининг икки хил бўлиши мумкинлигини (ғазал асосида ва мустақил) қайд қилади [325;14-б.]. Мақоладаги бошқа фикрлар юқорида таҳлил этилган қарашлардан деярли фарқ қилмайди.

И.В.Стеблева туркий адабиёт тарихи бўйича шуғулланиш билан бирга адабиётнинг назарий масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг ҳам муаллифидир [344-350].

Олиманинг саъй-ҳаракати, сўзбошиси ва мақолалари билан иккита илмий тўплам ҳам напир қилинган. Улардан бири Шарқ адабиётидаги жанрлари масаласига [348], иккинчиси Шарқ адабиёти тарихий поэтикаси муаммоларига бағишланган [349]. Бу ўринда олиманинг туюқ жанри билан боғлиқ мақоласининг таҳлили билан чегараланамиз.

И.В.Стеблеванинг «Туюқ жаприда шакл ва мазмун боғликлиги» деб номланган мақоласида даставвал жанр ҳақидаги илмий-назарий қарашлар баён қилинган [348; 45-48-б.]. Олима Бобурнинг «Мухтасар» [136] асарида жанр нисбатан батафсилроқ ёритилганини маълум қилади. Маълумки, Бобур асарида туюқнинг 4 та тури ажратиб кўрсатилган: тажниси том (кофияланиши: а,а,б,а), яна тажниси том (а,а,а,а), тажниси мураккаб (икки сўздан иборат тажнис: а,б,в,б), тажниси хат (радифли тажнис: а,а,б,а). Бундан ташқари Бобур баъзи туюқлар сўз ўйинидан, яъни тажнисдан иборат бўлмаслиги ҳам мумкинлигини ёзиб қолдирган. Демак, туюқ тажнисли ёки тажниссиз бўлиши мумкин.

И.В.Стеблеванинг аниқлашича, тажнисга асосланмаган туюқларнинг ёзилиши асосан жанр ривожланишининг дастлабки даврларига (XIV аср) тўғри келади. Бундай ҳолатда уни бошқа, масалан, рубоий жанридан вазнига қараб ажратилади. Маълумки, туюқ катъий *рамали мусаммани мақсур* вазнида ёзилган. Олима бошқа назарий манбалардан фарқли равишда кўпроқ жанрнинг маъновий хусусиятларига эътиборини қаратади: Лутфий, Навоий, Бобур, Амирий туюқларини структур-семантик жиҳатдан таҳлил қилади [348; 49-51-б.].

Жанрнинг структур-семантик таҳлили жараёнида олима туюқнинг ҳар бир мисраси тугал бир фикр **ифодаси** деган хулосага келади ва 4 та конструктив бўлакни ажратиб кўрсатади: 1) кириш, йўналиш «нукта-

си»; 2) йўналиш ривожи; 3) лирик қахрамон позицияси; 4) хулоса. Олиманинг бу фикрига Бобур шеъриятидан шундай мисол келтириш мумкин:

нукта: То кўнгул бердим ўшал қойсориға,

ривож: Борғонини билмадим қой сориға.

позиция: Дўстлар, ёрға мени соғиндуриг,

хулоса: Солсангиз ногоҳ қулоқ қойсориға [138; 105-б.].

Бундан ташқари олима жанрдаги мавзулар оламига, мотивларга (изтироб, айрилиқ ва бошқа мотивлар), анъанавий ўхшатишларга ва антигезаларга тўхталади, **туюқнинг логик модули ва образлар системаси ғазал билан деярли бир хил** деган хулосага келади. Тўғри, ҳар иккала жанрда ҳам ишқий мавзу устуворлик қилади, ошиқ изтироби ва маъшуқа гўзаллиги тасвирланади. Аммо уларни бир-биридан ажратувчи муҳим фарқ мавжудлигини унутмаслик лозим: туюқ мазмунининг ривож шаклга, яъни қўлланаётган тажнисга боғлиқ, ғазалда эса мазмун устуворлик қилади, шаклга бўйсунмайди.

И.В.Стеблева сўз ўйинига асосланмаган туюқларда анъанавий ишқий мавзудан чекиниш ҳолатлари кузатилишини, бундай туюқлар Бобурнинг «Мухтасар» асарида келтирилганини маълум қилади. **Бизнингча**, анъанавий мавзудан чекиниш фақат тажниссиз туюқларда эмас, тажнисли туюқларда ҳам учрайди. Масалан, Навоий, Бобур, Огаҳий, Муниснинг ижтимоий-фалсафий мазмундаги баъзи туюқлари фикримиз далилидир.

И.В.Стеблева тўғри таъкидлаганидек, туюқ баъзи шоирлар ижодида умуман учрамайди, ёзган адибларда ҳам кўпчиликни ташкил қилмайди. Бунинг сабабини олима ҳамма шоирнинг ҳам маҳорат билан сўз ўйинидан фойдалана билмаслигида, деб изоҳлайди. Туюқ туркий адабиёт жанри бўлишига қарамай, шоирлар тажнис топишда арабий, форсий, туркий сўзлардан унумли фойдаланганлар. И.В.Стеблеванинг фикрича, агар туюқда фақат туркий сўзларни ишлатиш шарт қилиб қўйилганда, бу жанрда шеър битиш умуман камайган

булар эди. Форсигўй шоирлар ижодида бу жанрнинг учрамаслик сабабларидан бири ҳам, уларнинг туркий сўз бойлигидан фойдалана билмаслигидадир, аксинча, туркий шоирларнинг деярли катта кўпчилиги форсий поэзия тилини яхши билиши туюқ ёзилишига ёрдам берган. Мақола сўнгида олима туюқ ёзиш шоир поэтик маҳоратининг ва ҳозиржавоблигининг ойнаси эканлиги, ана шу маҳорат туфайли биз лириканинг туркиёна жанридан асрлар оша баҳраманд бўлиб келаётганимиз хусусида фикр билдиради.

И.В.Стеблеванинг бошқа назарий мақолаларида ҳам чуқур таҳлилни, қиёсий-аналитик тавсифни ва семиотик жихатдан ёндашувни кузатиш мумкин. Олиманинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва назарияси билан боғлиқ 70 дан ортиқ илмий тадқиқотлари унинг туркий адабий меросга ихлоси баланд ва доимий изланишда эканидан дарак беради.

60-90 йиллар адабий-назарий қарашлар композициясини кузатиш рус туркологиясининг интеграл объект сифатидаги спецификасини очишга, имманент (ҳар томонлама) ёндашув асосларини кўрсатишга ёрдам берди.

2.4. РУС ТУРКОЛОГИЯСИ ИНТЕГРАЛ ОБЪЕКТ СИФАТИДА

Рус туркологияси спецификасига хос хусусиятлардан яна бири соҳани интеграл объект сифатида, яъни ижтимоий ва коммуникатив аспектда ўрганиш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Бу ўринда ўзбек мумтоз адабиётининг интернет саҳифаларида акс этиш даражаси ҳақида фикр юритамиз.

Президентимиз И.Каримов интернет имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳақида: «...ёшлар бугунги ахборот ва маълумотларни асосан интернет орқали оляпти. Модомики шундай экан, энди одамлар ёшлар китоб ўқимай қўйди деб фақат нолиб ўтирмасдан, интернет имкониятларидан фойдаланиб етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш за-

рур. Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш, барчамиз, аввало, адабиёт аҳлининг вазифаси десак, ҳеч қандай хато бўлмайди» – деб ёзган эди [2; 16–17-б]. Бу масала рус шарқшунослигида XX асрнинг 90-йилларида кўндаланг қўйилди. Фаннинг мазкур мўъжизаси орқали, рус китобхони энди маълумотни глобал тармоқ орқали ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Мутахассислар интернет саҳифаларига энг қизиқ, энг керак нарсаларни жойлаштириш устида бош қотиришди. Шарқ маданияти, тарихи ва адабиёти, жумладан, туркий адабиёт ҳам тез орада фойдаланувчиларнинг севимли саҳифасига айланди.

1996 йилдан бошлаб интернет саҳифаларида бошқа маълумотлар қаторида туркий поэзия тарихи ва назариясига оид қарашлар [498–502], таржималар, интернет қомуслар (википедия) пайдо бўла бошлади [503; 506]. Бу жараён ўзбек маданияти ва адабиётига қизиқувчилар аудиториясини яна ҳам кенгайтирди. Қолаверса, туркологларда ўз соҳаси бўйича бошқа давлат тадқиқотчилари билан масофали мулоқот, тажриба алмашиш имконияти ошади. Шарқшунослик факультетларининг «Ахборотнома»лари ва туркий филологияга бағишланган «Туркология мажмуаси» (Туркологичекий сборник), «Шарқ ёзма манбалари» (Письменные памятники Востока), «Петербурҗ шарқшунослиги», «Шарқ», Россия ва мусулмон олами («Россия и мусульманский мир») Шарқшунослик муаммолари («Проблемы востоковедения»), «Россия туркологияси» каби журналларнинг деярли барчаси 1998–2000 йиллар давомида онлайн тизимга ўтди ва улар билан интернет тармоғи орқали таънишиш, мақола юбориш имконияти яралди [507–511].

Интернет поэзия нафақат рус адабиётшунослигида, балки дунё илмида кам ўрганилган феноменлардан биридир. Мавзуга алоқадор илмий изланишларда бу феноменнинг ўзига хос хусусиятлари имкон қадар

очиб берилган. Улар орқали онлайн поэзия, тармоқ адабиёти, интернет ва рус адабиётшунослиги, глобал катехизис (йўриқнома), интернет-китобхон, интернет-персонаж, интернет-танқидчи каби кўплаб янги тушунчалар ҳақида маълумот олиш мумкин [100; 171; 253; 266; 267; 514–517]. Айниқса, Я.Шенкманнинг «Интернетдаги поэзия ҳақида» мақоласида (О поэзии в Интернете) бу масалалар батафсил ёритилган [513].

Рус туркологияси ҳақидаги дастлабки маълумотни, Санкт-Петербург, Москва, Қозон шаҳарлари кутубхоналарида туркий қўлёзмалар, архив маълумотларининг мавжудлиги ҳақида ҳам глобал тармоқдан билиб олиш мумкин. Интернет саҳифаларида берилган маълумотлар мутахассислар томонидан тез-тез бойитилиб, тўлдирилиб борилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда тармоқ улкан «уммон»га, «гигант кутубхона»га айланган. Бу ўринда ўзбек мумтоз адабиёти акс этган интернет саҳифаларини, улардаги айрим мақолаларни кўриб чиқиш ва муносабат билдириш лозим тонулди.

<http://www.orientalstudies.ru> сайти Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти (Санкт-Петербург) интернет саҳифаси бўлиб, 1998 йилда ислоншунос олим С.М.Прозоров лойихаси ва раҳбарлигида глобал тармоққа чиқарилган. Мазкур сайтга бошқа Шарқ манбалари каторида туркий адабиётга, қўлёзмаларга доир монографиялар, мақолалар, қилинган ва қилинаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган, энг асосийси, XX аср бошидан буён амалга оширилган деярли барча илмий ишларнинг электрон манбалари киритилган.

Бугунги ўзбек адабиётшунослари масофадан туриб А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, И.В.Стеблева, Г.Ф.Благова, С.Н.Иванов, Г.А.Давыдова, Л.Дмитриева, С.Н.Муратов, А.Пылев каби ўзбек мумтоз адабиёти бўйича илмий иш олиб борган олимларнинг турли журналларда чоп этилган тадқиқотлари билан танишишлари мумкин.

С.Н.Ивановнинг мазкур сайтда акс этган мақолаларидан бири «Эски ўзбек поэзиясида ғазал жан-

рини ўрганишга доир» деб номланади. Мақола аввалида муаллиф шоир шеърляти таҳлилида Е.Э.Бертельс, Я.Рипка тадқиқотлари билан бирга, поэзия хусусиятлари ҳақидаги А.Н.Веселовский, Д.С.Лихачев изланишларига ҳам диққатини қаратади. С.Н.Иванов фикрича, **ғазал таҳлилида фақатгина нима айтилгани билан эмас, нима айтилмай қолгани билан ҳам қизиқиш** лозим. Айнан ўша ғазалда айтилмай қолган фикр, мисра, байт жанрнинг ўзига хослигини таъминлаши, бир қанча баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, Э.Хемингуей ҳам бадиий асарни муз парчасига (айсберг) қиёс қилган, қайсидир қисми кўринади, асоси эса сув тагида яширин [79; 117-б.].

С.Иванов адабиётшунос А.Михайлованинг [224] назарий фикрларига таянган ҳолда, ғазалдаги айрим шартли белги ва рамзларни ҳақиқатдан узоқлашиш эмас, аксинча, «бадиий рамка» орқали яқинлашиш деб ҳисоблайди. Образларнинг анъанавийлиги бадиий шартлиликнинг характерли хусусиятларидан биридир. Д.С.Лихачевнинг қайд қилишича, образнинг ноанъанавийлиги, бетақрорлиги ва ягоналиги янги давр санъатига хос хусусият, ўтмиш санъати эса ҳаммага маълум ва машҳур ифодалар «этикет»ига суянади. С.Н.Иванов ғазалга ҳам шундай тамойил билан ёндашиш мумкинлигини қайд қилади. Олим адабий «этикет»га риоя қилиш, анъана изидан бориш ижодий индивидуалликни рад қилмаслигини ёзади.

Ҳақиқатан ҳам, Навоий туркий тилнинг ўзига хослигини айнан анъанавий «Ҳамса» яратиш жараёнида исботлайди. Навоийнинг «навоийвор» мисраларига аслида гул, булбул, соқий, рақиб, дўст, зоҳид каби анъанавий образлар замин бўлиб хизмат қилган. Олим ғазалдаги анъанавийлик, шартлилик, бемакон ва безамонлик, мавҳумлик, бадиий тафаккур бинарлигини (икки томонлама) жанрнинг умум эстетик хусусиятлари деб ҳисоблайди ва булар орасига бошқа тилда ифодалана олмайдиган **миллий жилони** ҳам қўшишни таклиф қилади (дейлик, Навоий ғазалини ёки Пушкин шеърини ўзбек ва рус фуқароси бошқа-бошқа завқ ила ўзлаштиради – Х.Г).

С.Н.Иванов ғазал хусусиятларидан яна бири – ғазал байтларининг ўзаро боғлиқлиги масаласига ҳам тўхталади. Олимнинг эътироф қилишича, форсий шеърятни ўрганган адабиётшунос Я.Рипка ҳар бир ғазал асосий ғоявий доминантасига, яъни нуктасига эгаллиги, байтлар ўша нукта атрофида айланиб туриши, ғазалдаги бош ғояни очишга хизмат қилиши ҳақида фикр билдирган. С.Иванов эса байтлар аккордив хусусиятга эга эканлигини қайд қилади. Бунда 3 дан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграшини билдирадиган **аккорд тушунчаси** [15; 8-б], ғазал байтларидаги турли мотивларнинг қўшилиб бир бутунлик, уйғунлик ҳосил этишига қиёс қилинган. Байтлар мустақил, боғланмаган деган қараш, олимнинг назарида, афористик бадий тугал байтларнинг мавжудлигидан, ҳар хил қўлэмаларда айнан бир ғазал байтларининг турли ўринда жойлашиб қолиши кузатилишидан келиб чиққан. Байт нафақат умумий матн бўлаги, балки образлар системасининг, «бутун моҳиятнинг» ҳам таркибий қисмидир. С.Н.Иванов байтлар бир-бири билан боғлиқликда бир бутунликни ҳосил қилишини ва шундагина ғазал маъносини англаш мумкинлигини исботлаш учун Навоий, Нодира, Фурқат ғазалларидан мисоллар келтиради. Мақола охирида олим ғазаллар таржимаси ва таржимон маҳорати масаласига ҳам тўхталади.

<http://www.tyurk.ru>. Мазкур сайтга образли қилиб «Семурғ» номи берилган. Саҳифага Е.Э.Бертельснинг «Навоий ва Аттор» мақоласидан Семурғ ҳақидаги фикр эпитаф қилиб танланган (*Этот царь – «абсолютный царь». Ему присущи совершенство и красота. Описать словами его нельзя. К нему ведет дальняя дорога через бездонное море. Имя его Смург. Он обронил перо над Китаем, и вся живопись Китая – лишь изображения различных обликов этого пера*). Интернет саҳифа луғат, кутубхона, поэзия ва бошқа рубрикалардан иборат. Бу сайт орқали нафақат рус фуқароси, балки рус тилини биладиган ҳар қандай китобхон XII–XX асрлар туркий поэзияси, унинг специфик хусусиятлари билан танишиши мумкин. Саҳифага

Юсуф Хос Ҳожиб, Хоразмий, Аҳмад Яссавий, Атойи, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳий, Фурқат ва бошқа мумтоз шоирларнинг ғазал ва рубоийларидан рус тилига таржималар ўзига хос дизайнда жойлаштирилган. Масалан, саҳифанинг Навоий ижодига бағишланган қисмида шоирнинг рус тилига ўтирилган деярли барча лирик ва эпик асарлари, уларнинг қисқача тавсифи билан танишиш мумкин. Сайт орқали китобхон нафақат Навоий асарларидан баҳраманд бўлиши, балки шоир асарлари ҳақидаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам хабардор бўлиши мумкин.

<http://www.rifma.com.ru> Бу интернет саҳифа китобхонни адабиёт назарияси ва шеършунослик масалалари билан таништиришни мақсад қилади. Сайт орқали ҳозирги кунда ноёб фондга айланган ва топиш қийин бўлган назарий китобларни кўриш, ўқиш ва ўрганиш мумкин (масалан, Б.В.Томашевский, В.М.Жирмунский, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, Ю.М.Лотман ва бошқа олимларнинг илмий асарлари). Маълумотлар жуда серқирра бўлиб, улар орасидан ўзбек мумтоз адабиётига хос поэтик терминлар, туркий лирик жанрларга хос хусусиятлар, тестлар ва адабиётшунослик соҳасидаги янгиликлар ҳам ўрин олган.

Интернет саҳифада олимларнинг шеърятнинг специфик хусусиятларига доир қарашлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири «Поэзия формуласи ҳақида» деб номланади [502]. Мақолада шоир ва шеършунос Николай Шошанни поэзия манбаси, тақлид, ижодий оригиналлик, верификация, шеърнинг эфемер формуласи каби масалаларга тўхталади. Олимнинг фикрича, шеър деб аталмиш мўъжаз асар ўзгага ўз фикрини етказишга қаратилган ҳолисона ички истак туфайли юзага келади. Бу жараённи Н.Шошанни одам оёғи етмаган бир ғорни очаётган спелеолог олимнинг қувончига ўхшатади. Бу – хайрат ва кўрқув, ҳаяжон, табиат гўзаллигига пугур етказиш хавотири, шу билан бирга олдинга интилиш истаги. Олим назарида ҳақиқий шоир – кашфиётчи файласуф бола (*ребёнок открыватель философ*). Н.Шошанни барча халқлар шеърिया-

тида мавжуд бўлмиш **верификация** (қофия танлай олиш, лекин шоир иқтидорига эга бўлмаслик), **эпигония** (ижодий оригиналликни йўқотиш ва бошқа ғояларни такрорлаш) ҳолатларини танқид қилади, уларнинг юзага келиш сабабларини изоҳлайди.

Олимнинг айрим фикрларини қисман қабул қилиш мумкин, аммо унинг «ўтмиш адабиётига тақлид (масалан, бугунги шоирнинг Навоий шеърисига тақлиди) шоирдаги замонавий руҳни сўндиради» деган мулоҳазасига қўшилиб бўлмайди. Бизнингча, ҳар қандай шоирда тақлид бўлиши табиий ҳол. Асосийси, шоирнинг ўз ижодий «МЕН»ини топа билишида. Мақола Конфуцийнинг: **«Сени одамлар билмаслигига ачинма, сен инсонларни билмаганингга ачин»**, деган фикри билан яқун топади.

<http://ru.wikipedia.org/wiki>. Бу комусий луғат интернет тилида Википедия деб номланади. Мазкур интернет саҳифа китобхонга сўралган нарса ҳақида максимал даражада маълумот етказишга мўлжалланган. Масалан, сайтнинг қидирув қисмига Бобур деб ёзилса, шоир ҳақида бизни қизиқтирган барча маълумотлар: ҳаёти, ҳарбий юришлари, ижоди, лирикасининг хусусиятлари, шоир асарлари таржималари юзага чиқади. Шунингдек, ушбу саҳифа шоир ижоди билан шуғулланган ва шуғулланаётган рус ва чет эл олимларининг илмий ишларидан ҳам хабардор қилади.

Бугунги кунда глобал тармоқда туркий адабиёт ва назария ҳақида 200 дан ортиқ интернет саҳифа жойлаштирилган. Уларнинг хоҳлаган бирисини «Туркий поэзия кутубхонаси» сўрови орқали топиб олиш ва ўрганиш мумкин. Адабий сайтларнинг 90 фоизида китобхонда ўқиётган шеърига ёки мақоласига муносабат билдириш, баҳо бериш, ҳатто ўз шеърини эълон қилиш имконияти бор. Адабиётшунос Дмитрий Кузьминнинг қайд қилишича, яқин келажакда айнан интернет янги ёш иқтидорларни излаб топиш манбасига айланади, чунки ижодий интеллектуал ёшларнинг фаолияти у ёки бу даражада компьютер технологияси билан боғланган (...и есть основания полагать, что в самом близком будущем

именно Интернет станет основным медиатором для рекрутирования новых молодых талантов, поскольку творчески и интеллектуально активная молодежь сегодня в значительной мере концентрируется так или иначе вокруг компьютера [518].

Интернет саҳифаларда акс этган туркий манбаларда, улар ҳақидаги илмий ишларда айрим имло ва услубий хатолар мавжуд бўлса-да, бу манбалар керакли маълумотни тез ва осон топиш, дунёқарашни кенгайтириш, масофадан туриб танишиш учун хизмат қилмоқда. Қулай, вақтни тежагани ва ҳамма учун очиқ бўлганлиги сабабли интернет саҳифалардан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Энг муҳими, юртбошимиз таъкидлаганларидек, интернет каби замонавий воситалар ёрдамида ўзбек мумтоз адабиётини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш, аввало, адабиёт аҳлининг вазифаси» эканини унутмаслигимиз керак.

Рус туркологияси спецификаси ва типологиясини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги илмий-назарий хулосалар юзага келди:

Биринчидан, рус адабиётшунослигидаги фундаментал ишлар эдицион тадқиқ натижаси экани аниқланди. Ишда илмий ижодий фаолияти таҳлил қилинган М.Никитский, А.Фалёв, М.Гаврилов, А.Волин, В.В.Бартольд, А.А.Семенов, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.К.Боровков, А.А.Н.Кононовлар эдицион тадқиқ асосларини пухта ўзлаштирган, махсус тайёргарликдан ўтган рус туркологлари саналади. Эдицион тадқиқ тамойиллари Е.Э.Бертельс ва А.Н.Самойлович томонидан ишлаб чиқилган ва бу анъаналар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Иккинчидан, дунё адабиётшунослигида бадиий матнни таҳлил этиш усул ва тамойиллари бир қанча бўлиб, улар орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Тадқиқотчининг фаолиятида қайсидир усул етакчилик қилади, шунга қараб илмий асарларнинг характери аниқланади. М.Розанов, А.Николина, В.Хализев, А.Голубева, С.Шакиров,

Н.Хомутова, Ю.Лотманнинг бадиий матн таҳлилига оид назарий фикрлари ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчилари учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, И.Берёзин, М.Никитский, Н.И.Ильминский, К.Залеман, Н.П.Остроумов, А.Н.Самойлович, А.Фалёв, М.Ф.Гавриловнинг тадқиқотлари илк изланишлар сифатида адабиёт тарихида ўзига хос из қолдирди. Асосий мақсад мумкин қадар оригинал билан таништириш бўлгани учун илк тадқиқотлар синкретик, луғат-библиографик характер касб этди. Уларда ғоявий-бадиий таҳлил усулидан кўра, шаклий-бадиий таҳлил усули етакчилик қилди. Гарчанд ўзбек мумтоз адабиётига доир дастлабки тадқиқотларда айрим бирёқламалик ва баъзи камчиликлар бўлса ҳам, улар кейинги илмий тадқиқотлар учун асос ҳамда баҳс-мунозара объекти бўлиб хизмат қилди.

Тўртинчидан, XX асрнинг иккинчи ярмидаги адабий-назарий қарашлар композицияси шартли равишда уч гуруҳга бўлинади. И.В.Стеблева ва Кўруғлининг умумий обзор характердаги илмий ишлари, А.И.Пылевнинг мумтоз адабиёт тарихига оид тадқиқотлари, С.Н.Ивановнинг лирик жанрлар назариясига оид изланишлари рус шарқшунослигида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу давр адабиётшунослигида мумтоз адабиёт тарихига оид ишлар кўпчиликини ташкил этади. Бу тадқиқотларни қиёсан кузатганимизда, бадиий матнлар кўпроқ қиёсий-тарихий, структур-семантик ва эстетик ёндашувлар асосида таҳлил қилингани маълум бўлди. Шунингдек, Н.И.Конрад ва В.М.Жирмунский қарашларини қиёсан ўрганиш асосида маълум хулосаларга келинди.

Бешинчидан, XX аср рус шарқшунослигининг специфик хусусияти сифатида унинг комуникатив функциясига ҳам эътибор қаратилди. Бунда рус интернет саҳифаларидаги ўзбек мумтоз адабиёти билан боғлиқ жиҳатларга муносабат билдирилди ва биринчи марта рус интернет сайтларининг адабиётимизни оммалаштиришдаги ролига эътибор қаратилди.

III БОБ. РУС ШАРҚШУНОСЛИГИДА ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

3.1. А.Н.САМОЙЛОВИЧ ТАЛҚИНИДА ИЖТИМОИЙ-АДАБИЙ СИНКРЕТИЗМ

ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА УМУМИЙ НАЗАР

Илмий ишимизнинг аввалги бобларида ўзбек мумтоз адабиёти масалалари билан шуғулланган рус шарқшунослари тадқиқотларининг умумий обзорини беришга ҳаракат қилинди. Бу ўринда адабиётимизни энг «кўп ва хўп» ўрганган, ўзига хос илмий мактаб яратган олимларнинг фаолиятини алоҳида тадқиқ этиш лозим топилди. Хронологик тамойил асосида А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, И.В.Стеблева илмий фаолияти таҳлил қилинди.

А.Н.Самойлович (1880–1938) серқирра ижод соҳиби, В.Радлов, П.М.Мелиоранский туркология мактабининг муносиб вакилларида биридир. Олимнинг бизгача етиб келган илмий-адабий мероси унинг ҳам адабиётшунос, тилшунос, матншунос, ҳам педагог, ташкилотчи, раҳбар сифатида самарали иш олиб борганидан далолат беради. Қатағоннинг аччиқ қисмати А.Н.Самойловичга бир қанча хайрли ишларни, илмий нашрларини амалга оширишга имкон бермади [196; 340–342-б.].

Академик А.Н.Самойлович Шарқ адабиётига алоҳида меҳр билан қараган ва туркий адабиёт бўйича қўлзма манбалар асосида иш олиб борган рус олимларидан биридир. Ўзбек тили ва адабиёти, этнографияси ва халқ оғзаки ижодининг ўрганилишида олимнинг алоҳида ўрни бор. Э.Фозилов Ж.Юсупов, Ш.Турдиев, Б.Қосимов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида А.Н.Самойловичнинг халқ оғзаки ижоди, Туркистондаги янги ижтимоий-сиёсий, маданий уйғониш даври билан боғлиқ қарашлари, ҳаётидаги баъзи лавҳалар қисман ўрганилган. Рус олимларидан В.Д.Аракин, Ф.Д.Ашнин

изланишларида А.Н.Самойловичнинг ижодий биографиясига умумий тавсиф берилган ҳамда тилшуносликка оид илмий асарларига аҳамият қаратилган [25; 28]. Айрим тадқиқотларда А.Н.Самойловичнинг туркман тили ва адабиётига доир қарашлари, Қозоғистондаги фаолияти ўрганилган [13; 207].

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда олим фаолиятининг **Ўзбек мумтоз адабиёти** билан боғлиқ кирралари, айниқса, Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ томонлари, унинг бу борада нашр қилинган ва адабий жамоатчиликка номаълум илмий асарлари, уларнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни махсус ўрганилмаган ҳамда илмий-назарий баҳосини олмаган.

А.Н.Самойлович 1880 йил 17 декабрда Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида гимназия директори оиласида туғилган. 1899 йилда гимназияни кумуш медаль билан тугатган бўлгуси олим шу йили Петербург университетининг Шарқ тиллари факультетига ўқишга киради. Илмий изланишларини талабалик давридаёқ П.М.Мелиоранский, В.В.Бартольд, В.А.Жуковский, В.Р.Розен каби олимларнинг раҳбарлигида бошлайди. Унинг илмий фаолияти Рус археологик жамияти йиғилишидаги (1904 йил, 29 апрель) маърузасидан кейин янада фаоллашади. 1906 йили устози П.М.Мелиоранский вафотидан кейин унинг ўрнига университетда турк тили ва адабиётидан ҳамда туркий-татар тилларига кириш курсидан маърузалар ўқий бошлайди. 1907 йилда университет доценти илмий унвонини олади. 1911–1917 йилларда Амалий Шарқ академиясида турк тилидан дарс беради. 1910–1915 йилларда эса Рус географик жамиятининг этнография бўлими котиби вазифасида ишлайди, шунингдек, рус олими В.И.Ламанский билан бирга «Живая старина» журнали таҳририятида иш олиб боради. 1915 йилда «Абу Саттор Қози. Така туркманлар ҳақида китоб» номли илмий иши учун магистр даражасига эришади [10].

Ўрта Осиёни ўрганиш асносида дастлаб туркман тили ва адабиётига қизиққан А.Н.Самойлович кейин-

чалик туркий адабиёт намуналарини ҳам ўрганишга киришади. Илмий сафарлари давомида бир қанча қўлёзмаларни тўплаб, уларни тадқиқ қилади, фан тарихи учун муҳим маълумотларни ёзиб қолдиради. Ўрта Осиёга тўрт марта (1902, 1907, 1908, 1921) келган олим маҳаллий зиёлилар билан яқин алоқа ўрнатади, улар билан доимий мулоқотда бўлади. А.Н.Самойловичнинг ҳисоботларидан маълум бўлишича, у Камолиддин Хўжа, Камий, Аҳмад Табибий, Саид Расул Мирзо, Бобо Охун Муҳаммад, Эшон Хўжа каби шоир ва давлат арбоблари билан учрашган, хат ёзишиб турган [288–289].

А.Н.Самойлович қаерда иш олиб бормасин, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва хайрихоҳлигидан баҳраманд бўлади. Олим юртимизга ташрифи чоғида бир қанча халқ қурултойларида қатнашади, ташкилотчилик ишларида ёрдам беради, манбаларни ўзбек тилидан рус тилига таржима этиб, рус халқини ўзбек халқи этнографияси ва маънавий дурдоналаридан баҳраманд қилади.

1922 йилда Шарқ тиллари Петроград институтининг ректори, шу билан бирга, музейнинг этнография бўлими бошлиғи (1929 гача) лавозимларида ишлайди. 1925 йилда Россия ФАнинг мухбир аъзоси, 1929 йилда эса ҳақиқий аъзоси бўлиб сайланади. 1934 йилдан то умрининг охиригача Россия ФАга қарашли Шарқ қўлёзмалари институтига (Санкт-Петербург) директорлик ҳамда адабиёт бўлимига раҳбарлик қилади. А.К.Боровков, А.А.Н.Кононов, С.К.Кенесбаев, Л.П.Потапов, А.С.Тверитинова, У.Турсунов каби шарқшунос олимларга илмий маслаҳат ва амалий ёрдам беради, шогирдларига ҳақиқий маънода устозлик қилади.

А.Н.Самойлович 1938 йилда бир қанча шарқшунос олимлар каби қатағон қурбони бўлади. 1953 йилда кўплар қаторида олимнинг номи ҳам оқланади [29; 7–20–б]. Узоқ танаффусдан сўнг илк бор 1963 йилда рус олими Ф.Д.Ашнин А.Н.Самойлович ижодини ўрганишни бошлаб беради. Шундан кейин олимнинг чоп этилган ва архивлардаги илмий ишларига қизиқиш кучаяди.

А.Н.Самойлович Ўрта Осиёга биринчи марта келганда (1902) халқнинг яшаш тарзи, хунардандлар, муסיқашунослар, шеършунослар фаолияти, юрт табиа-ти билан умумий тарзда танишади. Кейинчалик адабий манбаларга, қўлёзма асарларга эътибор қаратади.

Олимнинг илмий фаолияти асосан XI–XIX аср туркий қўлёзмаларни ўрганиш билан боғлиқ. А.Н.Самойлович Россия шарқшунослигида биринчилардан бўлиб туркий қўлёзма манбалар асосида ўзбек адабий тилининг тараққиёт боскичларини белгилаб берган ва бу масалага қатор мақолалар бағишлайди.

А.Н.Самойлович ўзбек адабиётидаги лирик тур ва унинг жанрлари ҳақида ҳам анчагина изланишлар олиб борган илк тадқиқотчилардан биридир. Жумладан, «Муҳаббатнома», «Шайбонийнома», «Рубобнома», «Меърожнома», «Ғарибнома» ва «Хоразмнома»га бағишланган тадқиқотлар олимнинг нома жанри ҳақидаги чуқур эрудициясидан, матн изоҳлашдаги қобилятидан дарак беради [292; 308].

Туёқ жанрининг рус шарқшунослигида ўрганилишини ҳам А.Н.Самойлович бошлаб берган. Унинг Саид Аҳмад, Навоий, Лутфий, Амирий ва Оқил туёқларининг таҳлилига бағишланган мақолалари филологик тадқиқотлар доирасида алоҳида илмий қиммат касб этади [300; 305; 306; 307; 309].

Бобур ижоди, «Бобурнома»нинг ўрганилиши ҳам бевосита А.Н.Самойловичнинг илмий фаолияти билан боғланади. Бу борада олимнинг бир қанча илмий изланишлари мавжуд бўлиб, улар бобуршуносликнинг ёрқин саҳифалари сифатида тан олинади [310; 311; 312; 320].

Шарқшунос П.М.Мелиоранский тайёрлаган, аммо нашр қилишга улгурмаган Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари ҳам А.Н.Самойлович саъй-ҳаракати билан юзага чиқади. 1908 йилда олим асарни сўзбошиси ва асар ҳақидаги ноёб маълумотлар акс этган кириш қисми билан нашр қилдиради [232]. Бундан ташқари Хоразмда илмий сафарда бўлган чоғида, А.Н.Самойлович хоннинг шахсий кутубхонасидан

Бинойнинг Шайбонийхон ҳақидаги форсий асарини олиб ўрганadi. 1909 йилда бу ҳақидаги мақоласини эълон қилади [295].

А.Н.Самойловичнинг «Шайбонийнома»га ёзган сўз-бошисидан маълум бўлишича, П.М.Мелиоранскийдан олдин бу асарни Г.Вамбери ҳам ўрганган. У 1885 йилда достоннинг Вена нусхаси асосида асарни немис тилига таржимаси билан бирга нашр қилдиради. Нашрдаги йўл қўйилган текстологик камчиликлар П.М.Мелиоранскийни достонни қайта чоп этишга ундайди ва кўп йиллик изланишлардан кейин, 1904 йили асарни қайта кўриб чиқилган қўлёзма нусхаси тайёр бўлади. П.М.Мелиоранский асарга номлар ва ўқилиш қийин бўлган сўзлар кўрсаткичини илова этишни ҳам мақсад қилади, аммо бошлаган ишини охирига етказишга улгурмайди. Бу ишни А.Н.Самойлович давом эттиради ва кўрсаткичларни асар бошида келтиради [232; 1-14-б.].

Асарнинг кириш қисмида «Шайбонийнома»нинг ёзилиши, қўлёзманинг Вена нусхаси, Муҳаммад Солиҳнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ маълумотлар берилган. Хусусан, А.Н.Самойлович аввало асарнинг Вена нусхаси ҳақида тўхталиб, Венага бориш ва Г.Вамбери нашрини кўриш имкони йўқлиги боис асар қўлёзмаси ҳақида хабар беришни лозим тошганини ёзади. Олимнинг қайд қилишича, қўлёзманинг Вена нусхаси 1510 йилда кўчирилган, 218 бетдан иборат бўлиб, ўзида матндан ташқари яна 9 та миниатюра-расмларни жамлайди. Бу расмлар олимнинг фикрича, этнографик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

А.Н.Самойлович Муҳаммад Солиҳнинг биографиясига оид маълумотларни топиш мақсадида Навоий, Бобур, Абдураззоқ Самарқандий, Лутф Али Бек, Ризоқулихон каби шоир ва тарихчиларнинг Санкт-Петербургдаги қўлёзма асарларини кўриб чиқади. Уларда мавжуд маълумотларга таянган ҳолда Муҳаммад Солиҳнинг Хоразм адабий муҳитининг нозиктаъб шоир бўлганлиги, унинг отаси Нур Саидбек ҳам замонасининг фозили ва шоири эканлиги, маълум сабаблар билан уларнинг

Хоразмдан чикиб кетганлиги, асарнинг ёзилиши тарихи ҳақидаги муҳим фактларни келтиради. Шу ўринда Г.Вамбери нашрида муаллифнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар кам келтирилганлиги, у бу борада фақат «Бобурнома»гагина таяниб иш кўрганлиги, ҳеч бўлмаганда Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги маълумотларга аҳамият бермаганлиги танқид қилинади [232; 6-б.].

А.Н.Самойловичнинг таъкидлашича, «Шайбонийнома» Хоразмнинг Шайбонийхон томонидан ишғол қилиниши бўйича ягона ноёб асар бўлган, ammo В.В.Бартольд бошқа тарихий асарларни топганидан кейин [37; 119–211-б.] унинг тарихий қиймати бироз пасайган.

Шайбонийхон тарихи акс этган, Биноий қаламига мансуб форсий асар ҳақида ҳам А.Н.Самойлович муҳим маълумотларни келтиради. Мақола аввалида муаллиф Хива хони Ферузнинг шахсий кутубхоналарини кузатганда асосан туркий қўлёзмаларга аҳамият бергани, форсий қўлёзмалардан фақат Биноий асарига диққат қаратганини маълум қилади. Олим ёзишича, қўлёзма 42 саҳифадан иборат бўлиб, унда икки хил ёзув ифодаланган. Демак, асарни икки котиб кўчирган. Асардаги воқеалар тасвирида шоирнинг маҳорати унча сезилмайди [295; 0165-б.].

А.Н.Самойлович XIX–XX аср боши Хоразм илмий-адабий-маърифий муҳити ҳақида ҳам илк бора илмий иш олиб борган олимлардан биридир. Хива хони Ферузнинг илтифоти билан унинг шахсий кутубхоналаридан фойдаланиш имконига эга бўлган А.Н.Самойлович Мунис, Феруз, Огаҳий, Равнак, Рожий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Холис, Мирзо, Баёний каби Хоразм адабий муҳити вакиллари ижоди ҳақида ноёб маълумотларни ёзиб қолдирган. Шунингдек, фан тарихида биринчи марта Хон кутубхонасидаги қўлёзмаларнинг тавсифини тузган.

Юқорида қайд этилганлардан танқари А.Н.Самойлович яна қуйидаги асарларни ўрганган ва улардан айримла-

рини «Туркий адабиёт бўйича маълумотлар» деб аталган туркум мақолаларида эълон қилган. Хусусан, «Қутадғу билиг», «Девони луготит турк», Аҳмад Яссавий «Девон»и, «Кодекс Куманикус», «Хусрав ва Ширин», «Қиссаси Рабғузий», «Наҳж-ул-фародис», «Қиссаи Юсуф Али», Абу Хаййоннинг «Китоб ал-идрок»; Андалибнинг «Юсуф ва Зулайхо», Атоий «Девон»и, Саккокий «Девон»и, Мунис «Девон»и, Муҳаммад Солиҳ «Девон»и, «Гул ва Наврӯз» асари, «Равнақ -ул-ислом» асари, «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» ва «Тазкират ул-авлиё» каби асарлар олим у ёки бу даражада ўрганган манбалар саналади. Қайд қилинган тадқиқотлардан айримлари ҳали-хануз нашр қилинмаган [462-479].

Таржимашунослик тараққиётида ҳам олимнинг ўзига хос ўрни бор. Бир қанча адабий асарларни таржима ва таҳлил қилиш билан бирга тарихий асарларни ҳам тилшунослик, ономастика, этнография жиҳатидан ўрганишга муваффақ бўлган. Олим қорақалпоқлар тарихини ёритиш, айрим туркий сўзларни изоҳлаш, фикрларини асослаш мақсадида Россия шарқшунослигида илк бор Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол», Огаҳийнинг «Риёз уд-давла» асарларидан таржималарни амалга оширади [303]. Шунингдек, олим Бобур девонидаги шеърларни ҳам таржима қилади, аммо нашр қилишга улгурмайди. Бу ишлар кейинги яратилмажак бир қанча илмий асарларга замин вазифасини ўтайди [144;145;213].

А.Н.Самойлович адабий таъсир масаласига ҳам алоҳида диққат билан қараган. Фирдавсийга бағишланган илмий тўпламда чиққан мақоласида олим Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Қутб, Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Абулғози Баҳодирхон, Мунис ва Огаҳий ижодига эрон қаҳрамонлик эпосининг, хусусан, «Шоҳнома»нинг таъсири масаласини тадқиқ қилади. Масалан, «Қутадғу билиг»нинг «Туркий Шоҳнома» сифатида эътироф қилингани, асардаги «қора юз боғи», «қора соч», «қора куйлак» ва бошқа тимсоллар «Шоҳнома»га монанд яратилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиб беради [315].

Туркман ва ўзбек адабиётининг ўзаро таъсири масаласи ҳам олим назаридан четда қолмаган [323; 324]. Масалан, Махтумқули ижодини таҳлил қилар экан, шоир лирика-сига Сулаймон Боқирғоний ва Яссавийнинг таъсири кучли бўлганини, туркман адабий муҳитига тасаввуф Хоразм орқали кириб келганини қайд қилиб, мисоллар келтиради (*Нет никаких оснований сомневаться в том что, не Бухара, а именно Хорезм был главнейшим проводником суфизма в туркменскую среду. Зависимость получившего богословское образование в Хиве туркменского поэта Махтумкули от литературных произведений хорезмийских суфиев, в частности Хаким Ата, является бесспорной*) [323; 28-б.].

А.Н.Самойлович рус шарқшунослигида ўзбек драматургияси ҳақида ҳам биринчилардан бўлиб мулоҳаза юритган олимлардан биридир. Ўзбекистонга келганида (1916) Тошкент шаҳридаги «Колизей» театрида сахна асарларини томоша қилади ва бу жараёни «Ўзбек маданияти ва адабиётида янги давр» деб баҳолайди. Театрлаштирилган томошаларнинг тез-тез қўйилиши ўзбек драматургиясининг ривожланишига тurtки бўлганлиги, драмалар орқали, ўзбек миллий театрининг пайдо бўлганлиги ҳақида ёзади. А.Н.Самойлович Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш», Нусратулла Қудратулла ўғлининг «Тўй», Ҳожи Муиннинг «Кўкнори», «Эски мактаб–янги мактаб», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Абдулла Бадриддиновнинг «Ахмоқ» ва «Жувонмарг» каби асарларини таҳлил қилар экан, уларнинг шу давр ўзбек халқи этнографияси, жонли тили, ҳаёт тарзи ҳақида муҳим маълумотлар беришини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, ўзбек зиёлисининг замон билан ҳамнафаслиги, янгиликларга интилиши, жамиятдаги нуқсонларни рўй-рост, дадил ёза билиши ва сахна бунда асосий восита бўлаётганини ижобий баҳолайди [313]. Ҳозирда Шарқ кўлёмалари институти фондида А.Н.Самойлович олиб келтирган ўша 7 та драматик асар ва Ҳамзанинг «Янги саодат» номли миллий романи нусхалари сақланмоқда. Улардан баъзилари таржима қилиниб, рус китобхонига тақдим этилган.

Олимнинг илмий изланишлар натижасида бир қанча китоблар нашр қилинади ва «Ўрта Осиё туркий адабиёти бўйича материаллар» деб номланган туркум мақолалар юзага келади [316–318]. Бу туркум мақолаларнинг биринчи қисмида олим ўзи тўплаган 61 та (25 таси туркман, қолганлари ўзбек, турк, татар, бошқирд қўлёзмалари) қўлёзманинг тавсифи, муаллифи масаласига тўхталади, Ўрта Осиё халқлари адабиётига Яссавий ва Навоий ижодининг таъсири катта бўлганлигини алоҳида таъкидлайди (*Как для поэтов образованного общества Средней Азии недосыгаемым образцом служит до сих пор Мир Али Шир Наваи, так для народных поэтов и только для них великим, но только не единственным вдохновителем является Ахмед Ясеви*) [316; 02-б.]. Мақолада Машраб, Ҳувайдо, Фурқат девонларининг ўрганилишига оид маълумотлар ҳам қисқача изоҳланган.

Туркумнинг 2- ва 3-қисмлари туркман адабиёти вакиллари, 4-қисми эса Атоийи ижоди таҳлилига бағишланади. Ўзбек мумтоз адабиёти ҳақидаги туркум мақолаларнинг кейинги, хусусан, Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ баъзи қисмлари (V ва ҳ.к.) нашр қилинмаган [463].

А.Н.Самойловичнинг Атоийи ижодига оид мақоласида шоир девонининг Санкт-Петербургдаги нусхаси, ундаги шеърларнинг вазни, тил хусусиятлари, Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг Атоийи ҳақидаги фикрлари берилган. Мақолага шоирнинг 17 та ғазали илова қилинган. А.Н.Самойлович қўлёзмада мавжуд 260 та барча ғазалнинг вазнини аниқлайди. Эътиборли жиҳати шундаки, олим Атоийи ғазаллари вазнини аниқлаш баробарида уларнинг Бобур ижодидаги ўрнига ҳам ахамиятини қаратади (*...любимейшим метром Атаи как и у Бабура является рамали мусаммани мақсур, второе место занимает ҳазажи мусаддаси маҳзуф, стоящий у Бабура на четвертом месте*). [318; 261–263-б.].

Мақолада А.Н.Самойлович Атоийи ғазалларидаги туркий сўзлар, топонимлар, шахс ва этник номлар масаласига ҳам тўхталади ва илмий танқидий матн йўқлиги

боис шеърларни адабиётшунослик нуқтаи назаридан чуқур ўрганолмагани, юқоридаги маълумотлар билан чегараланишини маълум қилади.

Атойи ижоди ўзбек адабиётшунослигида маълум даражада ўрганилган [269]. Аммо рус илмида шоир ижоди билан фақат А.Н.Самойлович жиддий шуғулланган.

Хуллас, А.Н.Самойловичнинг 300 дан ортиқ чоп қилинган илмий ишларидан ташқари ҳали юзага чиқмаган тадқиқотларининг мавжудлиги унинг кенг қамровли илмий фаолият олиб борганидан дарак беради.

А.Н.САМОЙЛОВИЧ ВА XIX АСР ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИ

А.Н.Самойлович Хоразм адабий муҳитини ўрганиш мақсадида бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюрган. Саёҳат давомида кузатилган ва топилган янгиликлар, қўлёзмалар бўйича илмий кузатишлар ва келгусидаги режалар олимнинг ҳисоботида жуда яхши ифодаланган [289].

Хивага сафар, Хоразм адабий муҳити билан танишиш жараёни 1908 йил 17 майдан – 26 июнгача давом этади. Бу давр мобайнида олим аҳолининг яшаш тарзи, ҳунармандчилиги, мусиқаси, тили ва адабиёти билан танишади. Хоразм адабий муҳити вакилларида Муҳаммад Расулбой Мирза боши (Комил Хоразмийнинг ўғли), Аҳмад Табибий, Ислохўжа, Мулла Жуманиёз, Исфандиёр Тўра, Худайберган Девон, Шиносий, Оқил каби шоир, котиб ва давлат арбоблари билан учрашади. Бу ҳақда: *«Хива санъат ва адабиёт аҳлининг ҳомийси Саид Муҳаммад Раҳим II нинг меҳмондўстлиги ва давлати соясида илмий изланишларимни олиб боришга, ҳатто хоннинг шахсий кутубхоналарида шуғулланишга муяссар бўлдим. Хоннинг яқини Аҳмад Табибий ёрдамида сарой китоб хазинаси ва босмахонаси билан танишдим»*, деб ёзган олим, унинг илиқ кутиб олингани, ишлаш учун шароит яратиб берилганини миннатдорчилик билан эслайди [289; 15-16-б.].

Кейинчалик А.Н.Самойлович Хива хони кутубхонаси, унда мавжуд қўлёзмалар сони, турлари (форс, араб, турк, чигатой), қисқача мазмуни тавсиф қилинган бир қанча мақолалар ёзади, аммо нашр қилишга улгурмайди [478].

Хоразмда, сафар чоғида А.Н.Самойловичга Исфандиёр тўра, сарой аёнлари Ислохўжа ва Ҳусайнбеклар томонидан бир қанча қўлёзмалар тухфа қилинган. Ҳозирда бу қўлёзмалар Шарқ қўлёзмалари институти фондида сақланмоқда [107]. Ўз навбатида А.Н.Самойлович ҳам Ферузга ва Исфандиёр тўрага Россияда нашр қилинган «Шайбонийнома» асарини совға қилади.

А.Н.Самойлович Хоразмнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий муҳити билан танишиш асосида кўплаб ноёб маълумотларни тўплайди ва кейинчалик илмий мулоҳазаларга бой, ўша давр тарихи, адабиёти, этнографияси, халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумот берувчи қатор мақолалар нашр қилдиради [291–303]. Қайд этилган мақолаларнинг салмоғи олимнинг Хоразм элига сафари унумли бўлганидан, фан учун муҳим аҳамиятга молик бой маълумот тўплангани ва таҳлил қилинганидан далолат беради.

Олимнинг «Хоразмнома»дан икки парча», «30 та сарой шоирининг Ферузга пайрави», «Хива шеърятидан», «XIX аср Хива туюқлари» ва бошқа мақолалари бевосита Хоразм адабий муҳитининг ўзига хос томонларини тадқиқ қилишга қаратилган.

1908 йилги Тошкент, Бухоро ва Хоразм сафаридан қайтгач, олим даставвал Хива адабий муҳити билан боғлиқ қарашларини ёзишга киришади. Ҳисоботдан маълум бўлишича, 1908 йилнинг ёзида хоннинг буйруғига кўра А.Н.Самойловичга бир қанча литографик нашрлар қаторида Аҳмад Табибийнинг ҳали тугалланмаган «**Мажмуаи си шуарои пайрави Феруз шоҳий**» номли тазкираси ҳам тақдим қилинади. 1909 йил ёзда эса Хива девонбегиси Абдуллажон орқали (Комил Хоразмийнинг набираси) асарнинг тугалланган

тўлиқ тошбосма нусхасини олади ва шу йили декабрь ойида мажмуага бағишланган мақолани ёзади [296].

Мазкур тазкиранинг хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида анча фикр-мулоҳазалар баён қилинган [84; 150; 287; 418], бу борада алоҳида тадқиқот ҳам олиб борилган [214]. Аммо бу тадқиқотларда Табибий билан шахсан учрашган, шу давр адабий муҳитининг гувоҳи бўлган А.Н.Самойловичнинг илмий мероси деярли ёритилмаган, унинг Табибий ижоди билан боғлиқ қарашлари етарли баҳоланмаган.

Табибийнинг мазкур тазкирасига Баёний ўзининг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида шундай муносабат билдиради:

*Табибийкидур, шоири муҳтарам,
Нетай они авторин айлаб рақам.*

Онга амр этиб ул шаҳи бебадал,

Ўз ашворидин топшуруб юз ғазал [34: 256-б.].

«Мажмуаи си шуарои пайрави Феруз шоҳий» тазкирасида Ферузнинг 101 та ғазалига 32 та шоирнинг пайрав ғазаллари жамланган. Даставвал 29 шоир (Феруз билан 30) иштирокида тузилган тазкирага, кейинчалик яна уч шоир қўшилган (Музниб, Иноят, Нозирий). Мақолада асар ҳақидаги умумий маълумотлардан ташқари, шу давр адабий муҳити, Хива босмахонаси ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Унда ёзилишича, олим қўлидаги манба сарой литографиясида тайёрланган. Босмахонада ўзига хос иш услуби билан бевосита танишган А.Н.Самойлович китоблардан тижорат мақсадида фойдаланилмаганлиги боис уларга ортиқча безак берилмаганлигини қайд қилади.

А.Н.Самойлович таъкидлашича, Табибийнинг мазкур асари Феруз буйруғига биноан, Фазлий Намангонийнинг тазкирасини намуна қилган ҳолда яратилган (*По примеру известного кокандского царственного поэта Омар хана увековечёвшего себя «Собранием поэтов», которое было составлено по поручению хана поэтами Фазлий и Меширефом и которую я видел в хивинской придворной библиотеке, хан Сейид Мухаммед Рахим второй имену-*

емий себя в стихах Фирузом, поручил своему придворному врачу и поэту Ахмед Табибу составить собрание газелей современных хивинских поэтов сопутствующих хану) [296; 0198-б.]. Бизнингча, юқоридаги фикр асарни махсус ўрганган олима С.Маткаримованинг: «...бирор манбада Ферузнинг Табибийга айнан Қўқон «Мажмуа»сини намуна қилгани ҳолда «Мажмуаи си шуаро» тузишни топширгани ҳақида маълумот учрамайди», деган хулосасини [214; 11-б.] рад қилади.

А.Н.Самойлович Ферузнинг шахсий кутубхонасида Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» асарини кўрганлигини, асарнинг 1900 йилда нашр қилинган тошбосма нусхаси ўзида ҳам мавжудлигини қайд қилади. Демак, унда ҳар иккала манбани таққослаб ўрганиш имкони бўлган. Кейинчалик А.Н.Самойлович қўлидаги қўлёзма ва тошбосма асарларни Осиё музейига топширади ва бу ҳақда матбуотда хабар берилади [133].

Мақолада Аҳмад Табибийнинг «*Ҳама шоирларимиз Навоийдан ўрناق олади, вале ҳеч ким унинг даражасида эмасдур*» фикри А.Н.Самойлович томонидан танқидий қабул қилинади. «*Мен аксинча, – деб ёзади олим, – Хоразм адабий муҳтида қандайдир жонланишнинг, янгиликка интилишнинг, ҳурфикрлиликнинг гувоҳи бўлдим. Мазмун ва тил жиҳатдан халққа яқин, жонли, ёш адабиёт тез орада ривож топади ва унинг кейинги тақдири сарой хосларининг қўллашига муҳтож бўлмайди*» [296; 0200-б.]. Бизнинг назаримизда, А.Н.Самойловичнинг адабиёт тарихига оид бу каби қарашларни тўғридан-тўғри қабул қилиш ҳам ўринли бўлмайди. Чунки ўзбек адабиёти тарихидаги манбалар аслида Аҳмад Табибий фикри тўғри эканини кўрсатади.

Олим мақола аввалида эътиборини тазкира дебочасига қаратади, унинг анъанавий усулда ёзилгани, яъни ҳамд, наът, асар ёзилиш тарихидан иборатлигини қайд этади, дебочадан 39 байт 78 мисра мисол келтиради. Ўрни билан А.Н.Самойлович Табибий дебочада ҳар бир ғазал хон ғазалидаги радифга мослигини ёза туриб, мавзу ва вазн жиҳатдан ҳам Феруз ғазалига мос эканлигини

этибордан четда қолдиргани ҳақида фикр билдиради (*Сопутствие поэтов хану выражается не только в повторении ханских рифм, но и ханских размеров и тем, что не отмечено в предисловии редактора*) [296; 0205-б.].

Дебочада Табибийдан бошқа шоирларнинг номи, тахаллуси ва адабиётдаги ўрни мақтовли тарзда ифода-ланган, аммо муаллиф ўзи ҳақида қуйидаги камтарона фикрни билдирган:

*...Хуш улдур манго фазл эли хизматин,
Қилиб тутсам иззат била хурматин
Вале лутф султони одил мани,
Бу мажмуаға айлади доҳил мани
Келиб от аввалда Аҳмад манга,
Табиб ўлди ном мужаррад манго* [296; 0202-б.].

А.Н.Самойлович тазкирада иштирок этган барча шоирларга қисқача таъриф беради. Мажмуада номлари келтирилган шахзодалар, давлат арбоблари, мадраса толиблари ва бошқалар имкон қадар мазмунли шеър битишга ҳаракат қилганлар. Аммо Пур Комил, Ғуломий, Доий, Хокий каби шоирларнинг пайрав ғазалларини етук шеърят намунаси дейиш қийин, албатта. Лаффасийнинг тазкирасидан маълум бўлишича, улар том маънодаги шоирлар бўлишмаган [182]. Шу маънода С.Маткаримованинг «*Табибий тазкирасида қаламга олинганларнинг барчаси соҳиби девон*» бўлгани ҳақидаги фикри [214; 12-б.] илмда эътироз уйғотади.

А.Н.Самойлович мақоласида Феруз ғазалига пайрав битган Султоний, Содик, Саъдий Оқил, Мирзо, Шиносий – жами 32 та шоирнинг номи келтирилган. Баёний, Мирзо (Муҳаммад Расул), Шиносий (Шайх Назар), Аваз каби адибларнинг янгиликка интилувчанлиги, хурфикрлиги, рус тилини билиши олим томонидан алоҳида эътироф қилинган.

Тазкирада ҳар бир шоирнинг ғазалидан олдин Табибийнинг шу шоир ҳақидаги биографик маснавийси келтирилган. А.Н.Самойлович мақолада муаллифнинг

Ожизий, Ҳақирий, Хокийга аталган маснавийларини мисол қилиб келтиради. Масалан, Ҳақирий ғазалидан олдинги маснавий қуйидагича:

*Ҳақирийким охунд маҳзум эрур,
Онга жумла илм маълум эрур.
Итоат тариқида корин кўринг,
Бу ашбордин иқтидорин кўринг.*

А.Н.Самойлович ғазалларнинг 11,14,15 ҳижоли рамал ва ҳазаж баҳрларида ёзилганини маълум қилади. Мисол тариқасида Ферузнинг 3 та ғазалини ва уларга битилган Шиносий, Мирзо ва Баёнийнинг 3 та пайрав ғазалини келтиради, аммо матнни филологик жиҳатдан таҳлил қилмайди.

Мақола сўнгида муаллиф мажмуанинг тугатилган санаи ақс этган Табибийнинг қуйидаги мисраларига муносабат билдиради:

*Бу мажмуа жамини шоҳ жаҳон
Манга лутф ила амр қилғон замон
Қилиб бир йил ком ила эҳтимом
Борисин ўзим жамъ қилдим тамом.
Минг уч юз йигирма дағи ой йил
Муҳаррамнинг ўн тўққизи эрди бил.*

А.Н.Самойлович бу ўриндаги «минг уч юз йигирма дағи ой бил» мисрасини «минг уч юз йигирма дағи олти йил» деб ўқишни таклиф қилади, шундагина асар ҳақиқатда 1326 (1908) йилда тугалланганлигига ойдинлик киритиш мумкин. Шунингдек, олим унинг таҳлилидаги бу асар Ўрта Осиё туркий антологиялари ичида охирги йирик мажмуа бўлиши мумкинлигини ёзади [296; 0209-6.].

Табибий ижоди билан боғлиқ А.Н.Самойлович мақолаларидан яна бири Ферузнинг вафоти ва валиаҳд Исфандиёр хоннинг тахтга чиқиши муносаби билан ёзилган Табибий таърихи таҳлиliga бағишланади [298].

Мазкур таърихга адабиётшунослик илмида А.Н.Самойловичдан олдин ҳам, кейин ҳам эътибор қаратилмаган. Хатто Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» аса-рида ҳам таърих ҳақида ҳеч қандай қайд учрамади. А.Н.Самойловичнинг мақоласи орқалигина Табибийнинг шундай таърих ёзганидан бохабар бўлиш мумкин. Мазкур таърих 1910 йил август–сентябрь оралиғида ёзилган Табибийнинг охириги асари бўлиб, унинг бошқа нусхаси ҳали топилган эмас.

Мақола муқаддимасида хабар берилишича, А.Н.Самойлович 1908 йилда Хивага етиб келганида сарой девонхонасининг Абдуллажон девонбеги (Комил Хоразмийнинг набираси), Муҳаммад Шарифхожи девон ва Бекжон девон каби эътиборли ходимлари билан яқиндан танишади, кетганидан кейин ҳам улар билан хат ёзишиб, Хоразм адабий муҳитидаги янгиликлар, ёзилган янги асарлар, шеърлар хусусида хабар олиб туради. Айниқса, ўз даврининг зиёлиси Мулла Бекчон⁶ Раҳмон ўғли (1887-1929) А.Н.Самойловичга тез-тез хат ёзиб турган (бу хатлар ҳозирда Санкт-Петербургда, А.Н.Самойлович архивида сақланмоқда – Х.Г.) 1910 йил 27 сентябрда Мулла Бекжон девон томонидан А.Н.Самойловичга юборилган хатга Табибийнинг янги ёзилган таърихи ва бир ривоят ҳам илова қилинади. Табибийнинг шу йили октябрда, Феруз вафотидан сал ўтмай дунёдан ўтганини А.Н.Самойлович анча кейин, 1913 йилда, Петербургда Исфандиёр хон билан учрашганида билади ва шу йилиёқ мақолани ёзишга киришади. Валиахднинг Петербургга 1331/1913 йилда борганлиги ҳақида Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида ҳам маълумот келтирилган [34; 264-б.].

Мақола аввалида А.Н.Самойлович Ферузнинг унга яратган имкониятлари, меҳмондўстлиги ва хайрихоҳлигини миннатдорчилик билан эслага-

⁶ Изох: XX асрнинг бошларида Хоразмдаги энг йирик хусусий кутубхоналардан бири Мулла Бекчон Раҳмон ўғлига тегишли бўлган. Ундан бизгача мусика тарихи билан боғлиқ асар ҳамда мактаб учун яратилган дарсликлар етиб келган – Х.Г.

ни ҳолда, Хивадалигида доим унга ҳамроҳ бўлган, бевақт кўз юмган Табибий олдидаги дўстона бурчи ҳаққи-ҳурмати хивалик дўстлари юборган таърихни асл ҳолида ва таржимада нашр қилдираётганини маълум этади. Мақоланинг турли ўринларида Феруз, Исфандиёр хоннинг суратлари, таърих асл нусхасининг факсимили ҳамда Хивада олинган бошқа расмлар ҳам берилган. Булардан ташқари мақолада ижоди деярли ўрганилмаган шоир **Мирзо Масихий** ҳақида ҳам муҳим маълумотлар берилган.

Муаллиф таърихни, аввало, тил нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Унда туркий сўзлар кам ишлатилгани (69 та), қофияларнинг ҳаммаси араб ёки форс тилига мансублиги, сўз туркумлари жиҳатидан такрорларни ҳисобга олмаганда 16 та от ва сифат, 14 та олмош ва сон, 11 та юклама, 21 та феъл иштирок этгани ва бошқа тил элементларига эътибор берилади.

Мақолада таърих мазмуни, бадий-эстетик жиҳатлар, шоирнинг бадий маҳорати каби масалалар ўрганилмаган. Бу ҳақда олимнинг ўзи: *«Шаклий ташқи таҳлилдан мазмуний таҳлилга ўтар эканман, айрим ўринларнигина изоҳлашни лозим топдим»*, деб ёзди [298; 171-б.]. Шунингдек, А.Н.Самойлович Ферузнинг адабиёт ва санъат ҳомийси бўлгани, шахсий кутубхонасининг ниҳоятда бойлиги, унинг кўпроқ адабиёт, тарих ва тиббиётга қизиқиши ҳақида хабар беради.

Шундан кейин А.Н.Самойлович таърихда Феруз вафотидан ташқари Исфандиёр хоннинг тахтга чиқиш шодиёнаси ҳам баён қилинганлигини, абжад ҳисоби билан бу 1328 ҳижрий, 1910 милодий йилга тўғри келишини маълум этади. Кейин таърихни асл ҳолда (араб имлосида) ва таржимада тўлиқ келтиради. Таржимада А.Н.Самойлович бироз хатоликларга йўл қўяди. Мақолада шеърнинг асл ҳолда берилиши олимда бу каби нуқсонларни кузатишга имкон яратди. Масалан, куйидаги парчада буни яққол кўриш мумкин:

*Шафқат ила айласа ҳар кимга бир наззора гар,
То абад бўлғой жаҳонда ком ила шират маъб.
Шаҳр ила саҳрони обод этмак эрди кўшиши,
Хоҳ майл лутф қилди, хоҳ майл иҳтисоб..*

А.Н.Самойлович таржимасида:

*На кого бы он не устремил взоры милосердия
Тот вечно будет наслаждаться жизнью вволю
Того кто радел о процветании городов и степей
Проявлял ли он склонность к милости или к расправе*
[298; 179-б.].

Албатта, шеърий таржимада насрга қараганда «қурбонлар» кўп бўлади. Маълумки, рус ва ўзбек шеъриятининг ўзига хос муайян белгилари мавжуд. Таржимада буларнинг ҳаммасини акс эттириш қийин. Лекин бу сўзни бутунлай бошқа маънода таржима қилиш дегани эмас, бизнингча, А.Абдуғафуровнинг таъкидлашича, аслиятнинг мазмун-моҳиятини тўла англамай таржима этилиши, жиддий масалалар билан боғлиқ хато-хулоса талқинларга олиб келиши мумкин [6; 94-б.].

Феруз вафоти ва Исфандиёр хоннинг тахтга чиқиш муносабати билан Табибийдан ташқари яна Баёний ҳам таърих ёзган [34; 258, 263-б.]. Табибий таърихида кўпроқ Ферузнинг, Баёнийда Исфандиёр хоннинг сифатлари баён қилинган. Табибий воқеа баёнига кўпроқ шоир сифатида, Баёний тарихчи сифатида ёндашган. Масалан,

Табибий ёзади:

*Ул шаҳаншоҳи карампарвар адолатпешаким,
Адлу эҳсонидан олам эрди шоду баҳраёб.*

Баёний ёзади:

*Дариғоки шоҳи Муҳаммад Раҳим
Эди олам ичра адолатишор.*

Табибий Исфандиёр ҳақида:

*Тоғу давлат фарқидин топди баса тазину зеб,
Бахт ила иқбол бўлди ҳамъинону ҳамриқоб.*

Баёний эса:

*Иқболи давлат ўлғой икки надими даргоҳ,
Шон ила шавкат ўлғай хизматда икки чокар, деб ёзади.*

Табибий таърихи воқеабандлик касб этади, уни ўқигач, китобхонда Ферузнинг шахсияти, фаолияти, бошқаларнинг унга муносабати ҳақида умумий биография тасаввур пайдо бўлади. Шоир Ферузни шаҳаншохи карампарвар, олими фақиҳ каби истиораларда эътироф қилади: унинг одати базлу саҳоват экани, ўзидан кўп хайрли ишларни ёдгор қолдиргани, шахару саҳрони обод қилганини таъкидлайди. Баъзи ўринларда Табибий Феруз шахсиятига жуда юқори баҳо беради. Масалан, **«Базлидин мамнун эдилар олам ичра шайху шоб»** ёки **«Борча аждод ила обоси онингдекким ўзи, шоҳингда адл расми бирла қилмишлар заҳоб»** каби мисралар бироз эътирозли бўлиб, фикримизча, бу ҳақдаги ҳақиқатни тарихий манбалардан билиб олиш мумкин.

А.Н.Самойловичнинг Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ яна бир мақоласи **«XIX аср Хива туюқлари»** номи остида Россия ФА маърузалари журналида эълон қилинган [300]. Мақолада тарихчи ва шоир Комёбнинг (1861–1922) туюқлари таҳлил қилинган. Унда ёзилишича, олимнинг 1921 йилда Хоразмга қайта сафари чоғида хивалик шоир Отабек тўра унга Комёб девонини [446] совға қилади. Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг қариндошларидан бири бўлган Отабек тўранинг (тахаллуси Оқил) ўз шахсий кутубхонаси бўлган. Бу ҳақда Лаффасий: **«Чет мамлакатлардин дағи турлук китоб, журнал олиб истеъмол қилиб турганидек, тарихишунос бўлиб, ўзига махсус китобхона қилиб, «Хайриёти кутуб» деб, кимлар бўлса ҳам ҳамма вақт истеъмолга бериб турар эрди»**, дея маълумот беради [182; 38-б.].

Г.Машарипованинг «Хоразмда битилган қўлёзмалар» номли рисоласида девоннинг ёзилиш тарихи 1893 йил деб кўрсатилган [220; 47-б.]. Аммо А.Н.Самойлович девон 1298/1880–1881 йилда тузилганини маълум қилади. Л.Дмитриева мақоласида ҳам

шу сана кўрсатилган [108;73-б.]. Санкт-Петербургда сақланаётган девон қўлёзма нусханинг 122-б варағида эса қуйидаги маснавий мавжуд:

*Онинг тарихини айлаб ҳисобин,
Кўнгулни наст қилдум изтиробин.
Они эй Комёб сан бу сафт бил,
Минг икки юз доғи тўқсон сакиз бил [446].*

Демак, девон А.Н.Самойловичтўғри таъкидлаганидек, 1298/1880–1881 йилда тузилган. Мақола аввалида олим қўлёзма 123 бетдан, ўлчови 21*13 дан иборатлиги, ҳар варақ 13 қатордан ташкил топиши, асарда ғазал, рубоий, мусаддас, мурабба, қасида, таржеъбанд, қитъа, туюқ, муаммо, чистон, мухаммас, муस्ताвод каби лирик жанрларнинг мавжудлигини маълум қилади. Кейин бевосита шоирнинг туюқлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиради. «Бу қўлёзмани Осие музейига тақдим қилишдан олдин, – деб ёзади олим, – туркий туюқларни ўрганиш тажрибамга суяниб, Комёбнинг ҳам туюқларини таҳлил қилиш фойдадан холи эмас деб ҳисобладим» [300; 43-б.]. Ҳақиқатда ҳам, А.Н.Самойлович Комёб туюқларидан олдин Саид Аҳмад, Бобур, Навоий, Лутфий ва Амирий туюқларини ўрганган.

Девонда жами 6 та туюқ мавжуд: мақолада уларнинг аслияти ва таржимаси берилган. Девон қўлёзмасидаги қалам билан белгиланган қайдлар А.Н.Самойловичга тегишли бўлиб, ҳар бир шеър ёнида ана шундай ёзувларни учратиш мумкин.

Туюқлар:

1. *Қоши янглиғ қаддими ё қилғуси,
Ҳажридин жонима ўт ёқулғуси,
Кўз тутарман лутфиға ҳар дам онинг,
Билмадим қилмасму ул ё қилғуси.⁷*

⁷ Табдил Санкт-Петербургдаги Комёб девони қўлёзма нусхаси асосида қилинган – Х.Г.

2. *Жавр этардин дилбарим бир ёзмади,
Васлидин махмурлиғимни ёзмади.
Дард ила ҳижрон ўтидин ўзгани,
Толёзимға ёзди худ ё ёзмади.*

3. *Васл боғин топиб ишқ ёздирур,
Тоғлеиға жавр ҳажрин ёздирур.
Келгил эй маҳбуб ишрат этгали,
Гулшан ичра мавсуми ким ёз дурур.*

4. *Ёр жаврини кўриб дўндирма юз,
Бўлса, эй дил, ҳажр азоби мунча юз,
Соҳили васлиға етгунча мудом,
Ишқ баҳри ичра тинмай бот юз.*

5. *Фурқатингда кўз ёшимдан тўлди туз,
Эмди келиб мен била ишратни туз,
Васлинги ҳажрингда топмас мисли бу,
Бир таоми йўқ анго асло ки туз .*

6. *Манго лутф айлабки дилбар кўп қара,
Йўқса оҳим дуди дилбар кўп қаро,
Оразингни кўрмишам мен ногаҳон,
Кўзларинг эрконки, дилбар, кўп қаро.*

А.Н.Самойлович туюқларни таҳлил қила туриб, 1-туюқдаги сўз ўйини Навойнинг «ёқилтур», Бобурнинг «ёқилди», 2-туюқдаги тажнис Лutfийнинг «ёзамен», Навойнинг «ёзмади» радифли туюғига монанд яратилганини, қолган туюқлардаги ёздирур, юз, туз, қаро каби тажнисларни олдин учратмаганини таъкидлайди.

Лаффасийнинг маълумотиға кўра, Комёб (Саид Ҳомид Тўра) шахзодалардан бўлиб, отаси вафотидан кейин Феруз қўлида тарбия топиб, камолга етишади [182; 28-б]. Ундан бизгача девондан ташқари Хива хонлари тарихига бағишланган «Таворих ул-хавонин» (Хонлар тарихи, 1886) асари ҳам етиб келган [379]. Комёб ҳаёти ва ижо-

дий меросини ўрганишга бағишланган диссертацияда шоир асарларининг матний-қиёсий тадқиқини амалга ошириш, унинг бадиий маҳоратини аниқлаш мақсад қилинган. Аммо бу тадқиқотда фан тарихида шоир ижодини биринчи бўлиб ўрганган олим А.Н.Самойлович эканлиги ва Россияда Комёб девони нусхалари мавжудлиги қайд қилинмаган [126].

А.Н.Самойловичнинг Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ «Хива поэзиясидан» номли мақоласи 1915 йилда «Восточный сборник» журналининг 2-сонида эълон қилинган. Мақола валиаҳд Исфандиёр Баҳодирхон (тахаллуси Фаррух) шеърини таҳлилига бағишланади [299].

Маълумки, Исфандиёр хон Феруз ўғиллари ичида энг зуккоси ва зиёлиси бўлиб, бир неча марта (1903, 1911, 1913 йилларда) Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига саёҳат қилган, император билан учрашган, янгиликларни халқ ҳаётига жорий қилган [34; 264-б.]. Лаффасий Исфандиёр хон ҳақида: «*Отаси Муҳаммад Раҳимхон Феруз Исфандиёр хоннинг бул тариқа фаросатлиғ ақл эгаси бўлғонидан хушнуд бўлиб, бошқа ўғил фарзандларидан уни мустасно қилиб, яхши парваришлар билан ўзига валиаҳд этиб қўядур*», деб ёзади [182; 30-б.]. XX аср бошларида ёзилган «Бахт гулшани» номли асарда ҳам Исфандиёр хон ҳукмронлиги давридаги воқеалар баён қилинган [491]. Ўзбекистон марказий архивидаги материалларда унинг тил ўрганишга иштиёқи баланд бўлгани, шу сабаб, араб, форс ва рус тилларини тез ва оз фурсатда ўргана олгани, бир неча газета ва журналларни кизиқиб ўқигани, янгиликка интилувчан бўлгани ҳақида маълумотлар берилган [496].

А.Н.Самойлович 1908 йилда Исфандиёр хон билан учрашган, мулоқотда бўлган, Хивадан кемада Чоржўйга кетиш чоғида (1908, 9 июль) унинг ўзи ва аъёнлари билан бирга ҳамроҳ бўлган. Кемада Исфандиёр хон Шайх Назарбойга (Кўхна Урганч ҳокими) айтиб туриб ўз мухаммасларидан бирини ёздиради, сўнгра эса ўзининг Фузулий ғазалига, Шиносийнинг Навоий ғазалига ёзган мухаммасини қайта кўчиртириб, А.Н.Самойловичга

тақдим қилади [296; 0208-б.]. Олимнинг кемада Исфандиёрхон билан ҳамсуҳбат бўлганлиги ҳақидаги маълумот унинг ҳисоботида ҳам келтирилган. Унда ёзилишича, Исфандиёр хон Шайх Назарбой ва рус тилини яхши биладиган Матвафо (савдо-сотик вазири) билан Тошкентга, янги генерал-губернатор билан учрашувга йўл олишган экан [289; 15-б.].

Россия Миллий кутубхонаси архивидаги маълумотларда олимнинг Исфандиёр хондан совға тариқасида бир қанча қўлёзмаларни олгани ҳақида: *«Мен кўрган хон кутубхоналаридан ташқари, Хива китоб хазиналарида, хоннинг ворислари бисотида, шаҳзода ва диндорларда ҳам бир қанча қўлёзмалар бор экан. 1873 йилдан кейин бу китоб хазиналарида хоннинг кутубхоналаридагидан ҳам қимматлироқ қўлёзмалар сақланиб қолган. Менга шахсан Исфандиёр Тўра ва Ислохўжалар ўз бисотидан бир қанча қўлёзмаларни совға қилдилар ва мен уларни Санкт-Петербургдаги Осиё музейига топширдим»*, деб ёзилган [478]. Ҳақиқатда ҳам, тадқиқот жараёнида унга хон вориси томонидан Мирзо, Комил, Холис, Рожий девони тухфа қилингани ва бу қўлёзмалар ҳозирда Шарқ қўлёзмалари институтида (Санкт-Петербург) сақланаётгани маълум бўлди [443–446]. Совға қилинган барча қўлёзмаларнинг биринчи саҳифасига олим томонидан «Подарок наследника» деб ёзиб қолдирилган.

Бундан ташқари А.Н.Самойловичнинг архивда сақланаётган «Туркий этюдлар» номли асарида ҳам Исфандиёр хоннинг шахсий китоб хазинасидаги бир қанча қўлёзмаларга тавсиф берилган [463].

Хуллас, олим хон вориси ва унинг ижоди ҳақида етарлича маълумот тўплаган ва мақола ёзишга киришган. Мақола бошида ёзилишича, Исфандиёр хон А.Н.Самойловичга ўз девонларидан бирини (1908) тухфа қилади. Аммо мақолани ёзишда олим бу қўлёзмадан эмас, С.М.Шапшал қўлидаги манбадан фойдаланади. С.М.Шапшал (1873–1961) карайим миллатига мансуб шарқшунос олим бўлиб, бир неча йиллар давомида Санкт-Петербург олийгоҳида туркий тиллардан дарс

берган. Умрининг охирларида Вильнюсда яшаган. У А.Н.Самойловичга Исфандиёр хон унга ҳам бир қўлёзма такдим қилганлиги ва бу ҳақда Россия журналларидан бирида хабар бериш кераклигини айтади. Бундай таклифдан кейин олим дарҳол қўлёзмани ўрганишга киришади.

А.Н.Самойлович қўлёзма ҳажми 148 бетлиги, икки чети кумушранг ҳошиядан иборат қора чарм билан, ичкаридан эса нақшли ипак мато билан қопланганини, шеърлар олтинранг рамка ичига олиб ёзилганини, маълум қилади. Манба 70-а саҳифасигача бетланган бўлиб, қолганларини А.Н.Самойлович саҳифалайди. Қўлёзманинг 71-а саҳифасигача бўлган қисмида Ферузнинг 98 ғазали, 6 мухаммаси, 2 мусаддаси, 6 рубойи, 4 маснавийси, шунингдек, Ҳофиз, Бедил ва Жомийнинг форсий рубойлари жойлаштирилган. 71а дан 92 а саҳифагача Фаррухнинг (Исфандиёр хон) 40 та ғазали, 16 рубойиси, 5 та қитъаси, 2 та мухаммаси, шубилан бирга, Мунис ва Жомийнинг рубойлари ўрин олган. Қўлёзманинг қолган қисми эса Огаҳийнинг 26 ғазали, 80 та рубойиси, 26 мухаммаси, Навоий ва Фузулийнинг рубойлари билан тўлдирилган. Англашимизча, қўлёзма кўпроқ баёз характерида бўлиб, Исфандиёр хоннинг шеърларидан ташқари бошқа шоирларнинг ҳам ижодини қамраб олади.

Мақолада А.Н.Самойлович қўлёзмада келтирилган мухаммаслардан бири 1908 йилдаёқ, Исфандиёр хон томонидан унга совға қилинганини эслатиб ўтади. Қўлёзманинг қисқа таърифидан кейин А.Н.Самойлович Фаррухнинг 2 та ғазали, 1 та мухаммаси (Феруз ғазалига) 2 та рубойиси жами – 85 мисра шеърини рус тилига таржимасини келтиради ва рус китобхонини илк марта Исфандиёр хоннинг назмий мероси билан таништиради.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам Исфандиёр хоннинг шеърларидан иборат қўлёзма нусха мавжуд бўлиб, унда шоирнинг 17 та ғазали, 2 та мухаммаси ва 1 та рубойиси жамланган [481]. Кўриб тур-

ганимиздек, А.Н.Самойлович фойдаланган қўлёзмада Фаррухнинг шеърлари нисбатан кўпроқ (40 та ғазал, 16 рубой, 5 та қитъа, 2 та мухаммас). Аммо бу манба Россия фондларида топилмади. С.М.Шапшал архивида ҳам мазкур манба ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамади [437]. Бизнингча, С.М.Шапшал қўлидаги манбани ё топширмаган, ё бировга берган бўлиши мумкин.

Мақола сўнгида А.Н.Самойлович Хива поэзиясини чуқур билишини даъво қилмаган ҳолда, сарой шеърляти Навоий орзу қилган анъаналар оша илгарилаб бораётгани, Фаррух назми ана шу занжирнинг узвий бир қисми экани ва яқин келажакда яна янги иқтидорлар пайдо бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди [299;189-б.].

А.Н.Самойловичнинг Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ навбатдаги мақоласи «Хоразмнома»дан икки парча» деб номланади [292]. Олим ўз ҳисоботида «Хоразмнома» ҳақида Қўхна Урганчга сафари чоғидаёқ (1908, 7–12 июнь) эшитгани, сал ўтмай Хўжайлига (Қорақалпоғистон) борганида парча (8 банд) ёзиб олганини, тўлиқ ҳолда топа олмаганлигини маълум қилади (*В старом Ургенче я напал на след стихов посвященных 1873 году, но только в Ходжейли мне удалось заполучить два отрывка из них; в полном объеме «Хорезм-наме» для меня оказалось недоступной*) [289]. Мақолада эса 2 та хиваликнинг шеърдан парчани ёддан ёзиб берганлиги, шеър номаълум муаллиф томонидан мураббаъ шаклида ёзилгани қайд қилинади.

Таъкидлаш жоизки, ЎзР ФА Шақшунослик институти фондида шеър тўлиқ ҳолда сақланади [492]. Ушбу матн А.Н.Самойлович келтирган матн билан қиёсланишида фарқлар кузатилади (чунки шеър олимга хиваликлар томонидан ёддан ёзиб берилган, адашиш бўлиши табиий–Х.Г.). Шеър муаллифи Шайдойи бўлиб, Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ адабиётларда, қўлёзмаларда ҳозирча у ҳақда ҳеч қандай маълумот учрамади. Матн мазмунига қараганда шоир XIX аср охирида (балки XX аср бошида) яшаб ижод қилган.

Мураббаъ шаклидаги **80 банддан** (320 мисра) иборат

бу мумтоз намунада Хиванинг 1873 йилги ишғол этилиши билан боғлиқ воқеалар: Хоразмнинг руслар истило-сидан олдинги ва кейинги ҳолати, бирдамликнинг бой берилгани, моддий ва маънавий бойликларнинг талон-торож қилиниши изтиробли мисраларда баён қилинган. Хоразмнинг шон-шавкати ўрус келиб барбод бўлгани, фалак шатранж ўйнаб борини ютгани, дўстлар ғамгин бўлиб, душман шодлангани, авлиёлар кароматда адашгани, энди ҳаммасини вақт даволай олиши халқона руҳда, воқеабанд тарзда ифодалаб берилган.

А.Н.Самойлович мақоласида дастлаб шеърдан иккита парча (**8 банд**), кейин таржима ва изоҳ берилган. Бу ўринда мақола ва асосий матндаги баъзи фарқликларни кўрсатиш лозим топилди:

Биринчи парча

*Баҳорингда сероб боғда булбуллар,
Бўстонда* очилиб қирмизи гуллар,
Хазон фасли етиб* савсан сунбуллар,
Очилғон гул эдинг, сўлдинг Хоразм!
Урус келиб санинг юртингни олди,
Мусулмон юртина қўзғолон солди,
Динингни олурға эмди на қолди,
Урусға қаради кунинг, Хоразм!
Маҳмуд Мурад девон беги шул* бўлди,
Қул бўлмоқдин муддаоси пул бўлди*,
Юрт бузулмоқина* сабаб шул бўлди,
Урусға қаради кунинг**³, Хоразм!*

Иккинчи парча

*Ёз бўлса сафоли улуғ нарвони,
Қулдин бўлди хивалининг девони,
Хароб бўлди кўшкки билан айвони,
Шунча элинг қўлдан кетди, Хоразм!
Маҳмуд Мурад девон беги қул бўлди,*

* Асосий матнда берилиши: гулшанда, фасли хазон уруб, қул, муддаоси юрт бўлмади, пул бўлди, юрт қўлдан кетмака, ичла колди орзу армон, Хоразм.

Жон имони эшитгани пул бўлди,
Юртни бермоқина сабаб шул бўлди,
Тутди санинг ҳалол тузинг, Хоразм!
Ёз иссиғин, қиш совуғин кўрмаган,
Юз кадам йўл пиёдалар юрмаган,
Худодин ғайрига хизмат қилмаган,
Банда бўлди хонинг, тўранг Хоразм!
Бисотингда бор ва йўқинг кўп кетди,
Кўшкни айвон, тилла сарой ҳайф кетди,
Нодиршоҳдин қолғон улуғ тўп кетди,
Шунча ашёларинг кетди, Хоразм!
Ҳақнинг раҳматидин умидсиз шайтон,
Тирилса Эр тўқмоқ, ҳақим Сулаймон,
Оғзини бирласа қулли мусулмон,
Бўлса Паҳлавон ота пиринг, Хоразм!

Шеърнинг ҳар иккала парчаси тўлиқ таржима қилинган. Таржимадан мақсад маҳаллий аҳолининг русларга муносабатини кўрсатиш, ўша давр сиёсий-ижтимоий муҳитини ҳаққоний акс эттириш бўлган. Зеро, В.В.Бартольд ҳам ерликаҳолининг русларга бўлган муносабатини фақат рус асарларидан эмас, уларнинг ўзлари ёзган манбалардан излаш кераклигини, бу масалага биринчи бўлиб Н.И.Веселовский аҳамият қаратганини таъкидлайди. *(Между прочим, остается невыполненной задача, важность которой, казалось бы, не могла подлежать сомнению, особенно для местных деятелей: извлечь из памятников туземной литературы рассказы о ходе завоевания края русскими и об отдельных моментах этой борьбы. На необходимость выполнения этой работы впервые обратил внимание проф. Н.И.Веселовский, справедливо полагавший, что при пользовании одними русскими источниками мы «можем впасть в односторонность и составить неверный взгляд на местное население, на его взгляды и деятельность в то время)* [36; 400-б.].

А.Н.Самойлович шеърнинг бадий хусусиятларини чуқур таҳлил қилмайди, аммо парчани келтириш баробарида бир қанча муҳим қайдлар, фактлар келтириб

ўтади. Жумладан, Хива сарой ходими Матмурод девонбеги шахсияти ҳақида, Эр тўқмоқ, Ҳаким ота, Паҳлавон Маҳмуд, Хиванинг шу даврдаги этнографияси ва табиати, мазкур шеър мазмунига яқин турувчи бошқа шеърларга оид маълумотлар ҳам берилган. Жумладан, олим Мунис шеъриятида ҳам «Хоразм» радифли ғазалнинг борлиги, бу шеър Х.Вамбери нашр қилдирган тўпламга [431] киритилганини қайд этади. Шунингдек, олим «Руслар ҳақида кўшиқ» шеъри [322] кўп жиҳатдан таҳлил қилинаётган намунага яқинлиги, бу эса шу давр одамларининг қарашларида, айниқса, русларга бўлган муносабатда маълум маънода уйғунлик борлиги ҳақида ҳам фикр билдиради.

А.Н.Самойлович эътиборини тортган муаллифи номаълум мумтоз намуналардан яна бири, 14 байтдан иборат бўлиб, маснавий шаклида ёзилган. Олимнинг хабар беришича, шеър унга Жуманиёз исмли хоразмлик мулла томонидан ёзиб берилган. А.Н.Самойловичнинг бу хажвий шеър ҳақидаги қарашлари 1910 йилда нашр қилинган [297].

Ушбу мақолада ҳам А.Н.Самойлович бадиий матн таҳлилини мақсад қилмаган. Маснавийда маълум бир тоифа инсонлар (айнан ким экани маълум эмас) ўткир ҳажв қилинган. Нима сабабдан уларни А.Н.Самойлович қозоқ қирғизлар деб атагани маълум эмас. Айрим манбаларда қирғизларни руслар нописандлик билан шундай номлагани ҳақида маълумотлар мавжуд [264; 34, 37-б.].

Маснавийда лирик қаҳрамоннинг саргузаштлари: сафарга чиққани, Сирдарёга бориб етгани, у ерда айрим ғаламис инсонларга дуч келгани, уларнинг ўзига хос салбий хусусиятлари баён қилинган. Жумладан, уларнинг динсизлиги, тиллари калимага келмаслиги, қўллари мусалло (жойнамоз) ёйишга ярамаслиги, асли макони кир бўлиб, араби от ва туя уларга қурбон экани ифодаланган, улар Тангри яратган бандалар бўлса-да, қилмишлари дўзахий эканлиги таъкидланган.

Мақолада шеърнинг тўлиқ русча таржимаси ҳам бе-

рилган. Аммо баъзи ўринларда сўзлар муаллиф томонидан нотўғри таржима қилинган. Масалан:

Бад лақаб ва бад ҳасб ва бад сиёқ

мисрасидаги сиёқ (башара) сўзи – урф-одат, ҳасб (турмуш тарзи) – кадр-қиммат тарзида таржима қилинган:

С неладными прозвищами, низкого достоинства и с плохими обычаями [297; 053-б.].

Таржимадан сўнг А.Н.Самойлович шеърнинг маснавий жанрида, рамал баҳрида ёзилгани, туркий шеърятда бу жанр ҳикоят, ҳадис ва қиссаларни назм йўлида етказишга хизмат этиши, таҳлил қилинаётган манба эса муаллиф томонидан ҳикоят деб номланганини таъкидлайди.

Мақола охирида А.Н.Самойлович туркий шеърятнинг лисоний хусусиятлари билан бирга, муллаларнинг узлатга чекиниш ритуали билан боғлиқ қарашларига ҳам тўхталган. Жумладан, муаллиф муллаларнинг вақти-вақти билан узлатга чекиниши фақат **«қора ўйларни»** ҳайдаш воситаси бўлмай, балки соғлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги имконият ҳам эканлигини, бу тадбир кўпинча мадраса талабаларининг ёзги таътил даврига тўғри келишини алоҳида таъкидлайди (*Для пояснения начала «хикоят» замечу, что среднеазиатские муллы любят временами уходить из городов и селения в степь, где они не только разгоняют свои «мрачные мысли», но подкрепляют чистым воздухом и кумысом свое здоровье и направляют свои финансы, эксплуатируя темных и доверчивых кочевников, которых они же потом высмеивают в своих виршах*) [297; 054-б.].

Юқорида А.Н.Самойловичнинг Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ 6 та мақоласи кўриб чиқилди. Уларда олим бадиий матн таҳлилидан кўра, асарнинг тили ва умумий хусусиятларини очишга кўпроқ эътибор бергани маълум бўлди. Бунинг сабабини ХХ аср боши рус туркологиясидаги дастлабки тадқиқотларда асосий эътибор асар қўлёмаси тавсифи, яратилиш тарихи, тили, қисман бадиий матн таҳлилига қаратилгани билан изоҳлаш мумкин. Мақсад рус китобхонини оригинал билан таништириш ва умумий обзор беришдан

иборат бўлган. Шунинг учун ҳам А.Н.Самойловичнинг мақолаларида ижтимоий-адабий синкретизм хусусиятлари намоён бўлганлигини кўрамыз. Олим объектни ижтимоий, адабий-лисоний уйғунликда тадқиқ этади, XIX аср Хоразм адабий муҳити вакиллари ижодини шу давр билан чамбарчас алоқада ўрганади. Юқорида таҳлил объекти бўлган мақолалар соф адабиётшунослик нуқтаи назаридан талқин қилинмаган бўлса-да, кейинги филологик изланишлар учун асос манба бўлиб хизмат қилди. Улардаги синкретик (аралаш) хусусиятлар мазмун моҳиятнинг бир йўла бир неча қиррасини англашга ёрдам беради.

3.2. НАВОЙШУНОСЛИК ТАДРИЖИ ВА ТАКОМИЛИ

XX асрнинг биринчи ярмида рус адабиётшунослари Алишер Навоий ижодини ўрганишга жуда катта эътибор берди. Ҳеч бир замонда шоир ижоди шу даврдагидек кўп ва жиддий ўрганилган эмас.

Россия олимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаган Ғ.Каримов «Рус шарқшунослигида Навоий ижодини ўрганиш масалалари» номли мақоласида айни мавзунини биринчилардан бўлиб ўртага қўйган эди [159]. Адабиётшунос Н.Маллаев бу борада ҳали қилинажак ишлар кўплигини қайд этар экан: «*Шубҳасиз, бизнинг назаримиздан четда қолган (ёки бизга номаълум бўлган) асарлар ва маълумотлар ҳам кўп. Бироқ буларнинг ҳаммасини қамраб олиш махсус тадқиқот ишларини талаб этади*», деб ёзган эди [204; 63-б.]. Шунинг учун монографияда бу масалани алоҳида параграфда ўрганиш ва олимларимиз «назаридан четда қолган» айрим маълумотларни ёритиш мақсад қилинди.

Ғарб адабиётида XVII асрдаёқ Навоий ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотлар пайдо бўлган. Давраларда шоир шеърларидан намуналар ўқиш, фалсафий байтларини таҳлил қилиш тез-тез кузатилган. 1841 йилда француз шарқшуноси М.Катремер Ғарбда илк бор Навоийнинг

«Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Тарихи мулуки ажам» асарларини нашр қилдиради [427]. XVIII асрдан бошлаб Россия кутубхоналарида, кўлэзма фондларида ҳам Алишер Навоий асарлари тўплана бошлайди ва XIX аср охирига келиб шоир асарларининг деярли барча кўлэзмалари йиғилади.

1855 йилда Санкт-Петербург университети таркибидаги Шарқ шунослик бўлими⁹ махсус қарор билан Шарқшунослик факультетига ўзгаради. Шу даврдан Навоий асарларига қизиқиш янада кучаяди, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ мавзулар ўқув режасига киритилади. Бу ҳаракатларнинг самарасида анчадан бери шоир шеърятини ўрганаётган университет толиби Михаил Никитскийга «*Амир Низомиддин Алишер: давлат арбоби ва шоир сифатида*» номли магистрлик диссертациясини ёзиш топширилади. Кўп ўтмай бу тадқиқот юзага чиқади ва 1856 йилда Санкт-Петербург Фанлар академияси нашрида чоп этилади [239]. Кейинги йилда проф. И.Березин томонидан илк бор туркий адабиёт бўйича хрестоматия яратилади ва унга Навоий асарларидан ҳам парчалар киритилади [47].

Михаил Никитский ўзигача Европа адабиётидаги тадқиқотларни, шунингдек, шоир яшаган йилларга яқин даврларда яратилган форсий ва туркий манбаларни синчиклаб ўрганади, улардан унумли фойдаланади ва адабий-илмий жамоатчиликни Навоий ижодининг энг муҳим қирралари билан таништиради.

Тадқиқот кириш, икки қисм ва хотимадан ташкил топади. Кириш қисмида асарнинг ёзилиш тарихи, фойдаланилган манбалар, темурийлар давридаги ижтимоий-маънавий ҳаёт ёритилган. Биринчи қисмда Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, иккинчисида шоир ижодий мероси ҳақида баҳс юритилади.

Навоий ижодини таҳлил қилишдан олдин М.Никитский шоир ҳақида унинг замондошлари ва Европа тадқиқотчилари билдирган фикрларга, тур-

⁹ Шарқшунослик бўлими 1820 йилда, университетнинг тарих-филология факультети таркибида ташкил қилинган – Х.Г.

кий тилнинг ривожланиш босқичларига, Темурнинг «Тузукоти Темур» асарига тўхталади, ундан айрим парчаларни рус тилига таржимада келтиради. Муаллиф туркий тилнинг имкониятлари ҳақида ёзар экан, бу тилнинг содда ва равонлиги, сифатлашларга безанган «қўғирчоқ» иборалардан холи эканини алоҳида таъкидлайди. Хондамир, Бобур, Жомийнинг Навоий ҳақидаги қарашлари қаторида, Мирзо Сомийнинг «Тухфаи Сомий» тазкирасидан шоир ҳақидаги «*Навоийга давлат ишларининг дабдабасидан кўра, наср ва назм билан шуғулланиш кўпроқ завқ келтирар эди*» деган фикрини мисол қилиб келтиради [239; 55-б.].

М.Никитский Алишер Навоийнинг илмий-ижодий меросини «*адабиёт гулзорининг энг сара гули*» деб баҳолайди. Муаллиф ўз фикрларини Бобур, Хусайн Бойқаро, Жомий каби шоир замондошларининг Навоийга берган баҳолари билан ривожлантиради. Олим Навоийнинг Россияда мавжуд қўлёзмалари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг кўпчилиги Европада йўқлиги, айниқса, бир қанча асарларни ўзида жамлаган «Куллиёти Навоий» ноёб манба эканини маълум қилади. Асар таркибида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Чихил ҳадис», «Назм ул-жавоҳир», «Сирож ул-муслимин», «Насойим ул-муҳаббат», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи мулуки ажам», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мажолис ун-нафоис», «Ҳайрат ул-аброр» – жами 15 та асар жамланганлигини маълум қилади [93;109].

Шундан кейин М.Никитский Навоийнинг аввал туркий, кейин форсий асарларига бирма-бир қисқача изоҳ беради ва парчалар келтиради. Асарларни таърифлаш баробарида бу борада Навоий замондошлари ва Европа олимларининг фикрларидан ҳам мисоллар келтиради.

Муаллиф Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» асари ҳақида тўхталиб, Давлатшоҳ Самарқандий адибнинг барча форсий асарлари ичида бу қасидасини юқори баҳолаганлигини ёзади. Кейин Навоийнинг иждодий руҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида

касидадан парча келтиришини маълум қилади. Аммо парча «Тухфат ул-афкор» асаридан эмас, Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» [442]. дostonидан келтирилади. Бу натижа М.Никитский тадқиқотидаги матни Шабустарийнинг «Гулшани роз» ва Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» асарлари матни билан қиёслаш асосида аниқланди. М.Никитскийнинг ўша даврда «Тухфат ул-афкор»дан намуна келтиришининг иложи йўқ эди, чунки асарнинг қўлёзма нусхаси Франция миаллий кутубхонасида сақланади. Аксинча, олим ўқиган Санкт-Петербург университетининг Шарқшунослик факультети кутубхонасида «Гулшани роз» асарининг қўлёзмаси нусхаси мавжуд бўлиб, М.Никитский ундан фойдаланган ва хато равишда бу дostonни Навоийга нисбат бериб таҳлил қилган. **Айтиш жоизки, бу матний хатолар М.Никитский тилга олган олдинги тадқиқотларда қайд этилмаган** [55; 159; 204; 205; 331].

Хуллас, М.Никитский ўз тадқиқотида рус шарқшунослигида биринчи бўлиб, Алишер Навоийнинг серқирра фаолиятини имкон қадар ёритишга ҳаракат қилган. Бу диссертация айрим камчилик ва чалкашликлардан холи бўлмаса-да, кейинги ишларга асос манба бўлиб хизмат қилгани ҳамда рус навоийшунослигини бошлаб бергани билан ҳам алоҳида қиммат касб этади.

Анча танаффусдан кейин (1856–1926), XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб рус навоийшунослиги яна ривожлана бошлайди ва асрнинг биринчи ярмигача Навоийнинг илмий-ижодий фаолияти акс этган бир қанча тўпламлар [20; 225; 271], монографиялар [51; 55], мақолалар [124; 222; 306; 328; 329; 330] нашр этилади.

XX асрнинг биринчи ярмида Алишер Навоий ижоди бўйича қилинган тадқиқотларни шартли равишда 4 та йўналишда таснифлаб ўрганиш мумкин (таржималар алоҳида ўрганиш объекти бўлгани учун бу таснифга кирмади):

1. Умумий обзор характеридаги илмий ишлар.
2. Алоҳида асарлар ўрганилган тадқиқотлар.
3. Навоий қўлёзма асарларига тавсифлар.

4. Навоий ижодий мероси ўрганилган ишларга ёзилган тақризлар.

Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, адиб яшаган даврдаги сиёсий, ижтимоий, адабий муҳит, масаланинг ўрганилишига доир **обзор характердаги илмий ишларда** рус туркологлари энг умумий, характерли жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилганлар [38; 77; 206; 327].

А.К.Боровков Навоий меросининг ўрганилишига доир мақоласида навоийшуносликнинг ўтмиши ва истиқболи ҳақида тўхталади [271;11–30-б.].

Мақола аввалида Навоий яшаган давр, адиб ижодининг халқчиллиги, ўзбек ва бошқа халқлар адабиётига таъсири, Навоий асарларига тузилган лутатлар ҳақида қисқача маълумот берилади. Кейин олим адиб ижоди бўйича илмий иш олиб борган М.Катремер, М.Никитский, М.Белен, Э.Блоше тадқиқотлари, 1926 йилда Боку адабий жамияти томонидан нашр қилинган «Навоий» тўплами хусусида тўхталади. А.К.Боровковнинг қайд қилишича, октябрь тўнтаришига қадар Навоий шахси ва ижодига нисбатан 3 хил қараш бўлган:

1. *Навоий – буюк шоир, у фақат хослар учун ёзган.*

2. *Навоий феодал жамиятда яшаган ва ҳукмрон доиралар манфаатини кўзлаган.*

3. *Навоий – таржимон, у оригинал асар ёзмаган* [271; 34-б.].

А.К.Боровков илмий жамоатчилик орасидаги бу қарашлар Навоий ижодини юзаки ўрганишдан, қиёсий-танқидий ишлар олиб борилмаганидан келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Олим Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик навоийшуносликда янги босқични бошлаб бергани, юқоридаги каби «назария»ларга чек қўйилгани ҳақида тўхталиб, бу борада А.А.Семеновнинг мақоласи [328] алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд қилади, лекин Навоий асарларининг оригиналлигини анча олдин исботлаб берган Е.Э.Бертельснинг тадқиқотини [225; 24–83-б.] эътиборсиз қолдиради.

Мақола сўнгида А.К.Боровков Навоий асарларининг ниҳоятда инсоний, ҳаётий эканлиги, шунинг учун ҳам

унинг образлари, ўхшатишлари ва истиораларидан яширин мистик сирни қидириш шарт эмаслигини қайд қилади.

1948 йилда Е.Э.Бертельснинг Навоий ижодий биографиясига бағишланган монографияси эълон қилинади [55]. Тадқиқот таркибидаги Навоий ижодининг ўрганилишига оид мақола [55; 77–87-б.] аввалида шоир асарларининг ўрганилишида унинг ўз давридаёқ тузила бошланган ва XX асрга қадар давом этган луғатларнинг аҳамияти ҳақида фикр билдирилган. Кейин олим Навоий асарларининг Европага тарқалиш тарихи ҳақида тўхталади. Е.Э.Бертельс кузатишлари асосида Европада машхур бўлган, 1597–1766 йиллар давомида ўн бир марта нашр қилинган Христофор Арманий асарининг иккинчи қисми Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги воқеалар тавсифига тўла мос келишини маълум қилади. Олим «Шоҳ Сарандипнинг учта навқирон ўғли саргузаштлари» деб номланган бу асарни Навоий асари билан қиёслаш асосида XVI асрдаёқ адиб асарлари Европага кириб борганини исботлайди.

Е.Э.Бертельс Навоий ижодининг ўрганилишини **3 босқичга ажратади** ва ҳар бир босқичнинг характерли хусусиятларини очиб беради.

М.Катремер, М.Белен, Э.Блоше, И.Берёзин, М.Никитский, В.В.Бартольд каби француз ва рус олимларнинг тадқиқотлари **биринчи** босқични ташкил қилади. Бу илмий изланишларнинг характерли хусусияти Навоийни форсий адабиётнинг таржимони, асарларини тақлидий асар сифатида таҳлил қилишдан иборат.

1926 йилда Бокуда ўтказилган туркологлар курултойида Навоийнинг қамарий йил бўйича (845–1385) 500 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинади. Бу қарор адиб ижодий меросини ўрганишнинг **иккинчи** босқичини бошлаб беради. 1926 йилда Бокуда «Навоий», 1928 йилда Санкт-Петербургда «Мир Алишер» каби илмий тўпламлар нашр қилинади. Е.Э.Бертельс Бокуда ўтказилган юбилейни муваффақиятсиз байрам, нашр қилинган тўпламни эса илмий асосланма-

ган фикрлар мажмуи, деб баҳолайди [55; 83-б.]. Чунки тўпламдаги мақолаларнинг аксариятида Навоий асарларига тақлидий асар деб қараш давом этган, Султон Хусайн Навоийнинг нафақат «идеал» дўсти, балки шеърятдаги «рахнамоси» деб кўрсатилган. Аслида, Е.Э.Бертельснинг Бокуда чоп этилган тўплам ҳақидаги фикрларида бирёқламалик ҳам йўқ эмас. Мажмуадаги И.Хикмат, Б.Чўбонзода каби олимларнинг мақолаларида миллий ўзликка, туркийғўйликка урғу бериш кучли эди. Эхтимол, рус олимига тўпламдаги ана шу жиҳат маъқул келмаган бўлиши мумкин.

1928 йилда В.В.Бартольд таҳрири остида нашр қилинган «Мир Алишер» тўпламининг салоҳиятига Е.Э.Бертельс юқори баҳо беради ва ундаги айрим мақолалар мазмунига ҳам тўхталди [55; 83-84-б.]. Аммо олим бизга номаълум сабабга кўра Туркистондаги навоийшунослик масалаларига эътибор қаратмайди. Ваҳоланки, 20-30 йиллар арафасида Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Ашурали Зоҳирий каби олимларнинг мақолалари шоир ижодий меросининг ўрганилишида илк қадамлар сифатида баҳоланади [141; 217; 218; 372; 373; 384].

Олимнинг таъкидлашича, Навоийнинг 500 йиллигини нишонлаш ҳақидаги ҳукумат қарори адиб ижоди ўрганилишининг **учинчи босқичига** йўл очиб берди. 1938–1939 йиллардан бошлаб Навоий меросига қизиқиш янада кучайди. Мақола сўнггида Е.Э.Бертельс Навоийдек даҳо ижодкор меросини ўрганиш доимий жараён эканлиги, шунинг учун унинг меросини ўрганиб бўлдик дейишга ҳали эрталиги, лекин айнан шу йилларда навоийшунослик учун мустаҳкам замин ҳозирлангани ва ёш мутахассислар тарбияланганини алоҳида қайд этади.

В.В.Бартольд «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» номли обзор характеридаги асарида Навоийнинг тарихий биографиясини қўлёзма манбалар асосида ёритиб беради [38].

Олим монографияда Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини, ижодий фаолиятини бор ҳолича, реал кўрсатишни мақсад қилади. Чунки шоир биографияси ёритилган кўп манба-

ларда Навоий дунёдан узилган, дарвешсифат, фақат шеър шоирликшайдосикилиб кўрсатилган. В.В.Бартольд ўзигача ёзилган тадқиқотлардаги камчиликларни ёритар экан, аниқ манба ва тарихий далилларга суянмай фикр айтиш илмий этикага тўғри келмаслигини уқтиради. Жумладан, у: «...француз тадқиқотчиси М.Белен Навоийнинг вафоти борасидаги воқеалар тасвирида Мирхонд асарига ишора қилади, ваҳоланки, Мирхонднинг ўзи 1498 йилда Навоийдан олдин вафот этган», деб ёзади. Шунингдек, озарбайжон тадқиқотчиси Исмоил Ҳикмат 1926 йили ҳам Бокуда нашр қилинган «Навоий» тўпламидаги мақоласида М.Белен ёзган айрим фактларга таяниб нотўғри хулосаларга келганини маълум қилади.

Ю.Брегель олимнинг бу асарига ёзган сўзбошида: «В.В.Бартольд бу илмий асари билан нафақат адабий манбаларни моҳирона таҳлил қилиш, балки манбага эҳтиёткорлик билан ёндашиш, объектив ва тўғри талқин этиш намунасини ҳам намоён қила олди», деган эди. Шу ўринда олим яна В.В.Бартольддан кейин ёзилган ишларда, жумладан, Е.Э.Бертельснинг «Навои» тадқиқотида ҳам ҳеч қандай **янгиликни** учратмагани ҳақида ёзади. **Бу фикрга қўшилиш қийин, албатта.** Чунки В.В.Бартольд адабиётшунос бўлмагани учун бадиий адабиётнинг спецификасига эътибор бермайди. Олим Алишер Навоийнинг адабий фаолиятини чуқур таҳлил қилмайди ва шунинг учун ҳам тадқиқотининг бошида «*Мир Алишер мусулмон форсий адабиётга тўла қарам бўлган туркий маданият ва адабиётнинг вакилидир*», деган нотўғри мулоҳаза билдиради [38; 101-б.]. В.В.Бартольднинг Навоий ижодини нотўғри баҳолаганлигини Е.Э.Бертельс ўз тадқиқотида илмий одоб доирасида танқид қилган [55; 83-б.]. Қолаверса, 1928 йилдаги «Мир Алишер» тўпламига В.В.Бартольднинг таҳлил қилинаётган ушбу илмий иши билан бирга Е.Э.Бертельснинг шоир асарларининг оригиналлиги исботланган «Навои ва Аттор» мақоласи [225; 24-83-б.] ҳам киритилган. Бу фактга Ю.Брегель эътибор бермаган кўринади.

В.В.Бартольд тадқиқоти «Эронийлар ва туркийлар»,

«Хирот ва унинг аҳамияти», «Мир Алишер ва Султон Ҳусайн», «Илтифотсиз йиллар», «Мир Алишер умрининг охирги йиллари» каби фасллардан ташкил топган. Бу фасллар орқали Навоийнинг кенг тарихий биографияси билан танишиш мумкин. В.В.Бартольд асосан тарихий биографик маълумотларни баён қилади, у шоирнинг адабий-эстетик қарашларига деярли тўхталмайди. Аммо монографиядан Навоий ҳаётининг энг майда деталларигача ахборот олиш мумкин. Бу маълумотлар шоир илмий биографиясини яхлит тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини, бадиий асарларининг поэтик хусусиятларини, ўзаро адабий таъсир масалаларини махсус тадқиқ қилган А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.Н.Кононов, М.Салье каби олимларнинг илмий изланишлари рус навоийшунослигининг асосий қисмини ташкил этади [19; 51; 54; 55; 284; 285; 304; 305].

Бу борада А.Н.Самойловичнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутати. Олимнинг архивида нашр қилинган илмий ишларидан ташқари Навоий меросига доир кўплаб манба ва маълумотлар, шоир асарлари тавсифи юзасидан бир қанча материаллар сақланади [464; 479].

А.Н.Самойлович Алишер Навоийнинг аруз вазни назариясига оид «Мезон ул-авзон» асари ўрганилган мақоласида умумий маълумот бериш билан бирга ундан парча ҳам келтиради. Мақола аввалида асар кўлөзма нусхаларининг ниҳоятда камлиги, Санкт-Петербург Миллий кутубхонасида ягона нусхада мавжудлигини ёзади. У мутахассислар илтимосига кўра, асардан айрим парчаларни араб ёзувида келтиришни лозим топгани ва шу билан чегараланганини маълум қилади. Шу тариқа олим «Мезон ул-авзон» муқаддимасини, туюқ, мустазод, кўшиқ, муҳаббатнома ҳақидаги қисмларни ва хотимани асл ҳолда (арабий ёзувда) тақдим этади [304].

А.Н.Самойлович рус адабиётшунослари орасида **биринчи бўлиб** Навоий туюқлари ҳақида ахборот берган олимдир [305]. Жумладан, у мақолада «Мезон ул-авзон» асаридан олинган туюқ ҳақидаги қуйидаги парчани кел-

тиради: «Яна турк улуси батахсис чиғатой халқи аро шойиш авзондурким, алар сурудларини ул вазн биля ясаб, мажолисда айтурлар. Бириси «туюғ»дирким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур». А.Н.Самойлович худди шу парча шоирнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам мавжудлиги, бу асар франтуз тадқиқотчиси М.Катремер томонидан 1841 йилда нашр қилинганини қайд қилиб ўтади.

А.Н.Самойлович туюқ жанрига хос икки жиҳатга – тажнис ва махсус вазн масаласига урғу беради. Шунингдек, луғатларда берилган туюқ сўзининг изоҳларига ҳам тўхталиб ўтади. А.Н.Самойлович М.Белен «Мажолис ун-нафоис» асарини таржима қилиш жараёнида айнан туюқ сўзини нотўғри ўқигани, шунинг учун ҳам асарнинг еттинчи мажлисида келтирилган Абу Бакр Мирзо ва Султон Искандар шеърларининг туюқ эканини англамаганини танқид қилади: туюқларнинг аслини ва таржимасини, Навоийнинг бу туюқларга берган баҳосини ҳам келтириб ўтади.

Орадан йиллар ўтиши, адабиётшунослар бири иккинчисининг ёзганларига холис муносабати натижасида навоийшунослик, туюқшунослик аста-секин теранлашди. Олимнинг бу фикрларига А.Багировнинг туюқ жанрига бағишланган илмий тадқиқотида ҳам муносабат билдирилди [33;16-б.]. Н.Маллаев Лутфий, Навоий, Амирий, Комёб туюқларига тўхталар экан, А.Н.Самойловичнинг бу борада махсус мақолалари борлигини эслатиб ўтади ва олимнинг: «Амирий туюқлари камолот жиҳатидан Навоий туюқлари билан тенглаша олмайди» деган фикрини келтиради [203; 79].

А.Н.Самойлович ўзигача туюқ ҳақида билдирилган Ф.Е.Корш, Х.Гибб, П.М.Мелиоранский каби олимларнинг фикрларини таҳлил қила туриб, жанр ҳақида куйидаги хулосага келади:

1. Туюқнинг дастлабки шакли халқ оғзаки ижодидаги ишора (шаъма) га асосланган тўртликларга яқин бўлган.

2. Кейин бу шакл туркий тўртлик шаклида ёзма адабиётга ўтган.

3. Вақт ўтиши билан шеърдаги ишора (ёки шаъма) араб-форс адабиётидаги тажнис билан алмашинган.

А.Н.Самойлович Бобур шеърларини нашр қилиш баробарида, Навоий туюқларига ҳам эътибор қаратгани, шу муносабат билан Санкт-Петербургда мавжуд шоир қўлёзмаларидан 16 та туюқни топиб, таржима қилгани, улардаги шаклдош сўзлар маъносини бирма-бир изоҳлаганини, «Ғаройиб ус-сиғар» девонида Навоий туюқларни **кубуклар** деб атаганлигини маълум қилади. Шунингдек, Навоий туюқларининг Бурҳониддин туюқларидан аниқ бир вазнда – *рамали мусаддаси мақсурда* ёзилгани ва сўз ўйинига асослангани билан фарқ қилишини таъкидлайди. Мақола сўнгида олим Навоийнинг 16 та туюғини рус тилига таржимаси билан келтиради.

Алишер Навоий асарларининг алоҳида тадқиқ қилинишида 1948 йили А.Н.Кононов томонидан тайёрланган «Маҳбуб ул-қулуб»нинг йиғма-қиёсий матни алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотнинг кириш қисмидаги маълумотга кўра, олим бунда асарнинг 6 та Санкт-Петербург ва 2 та Тошкент нусхасига таянган [19;7-8-б.]. Ш.Сирожиддинов бу тадқиқот айрим манбаларда «илмий-танқидий», айримларида «чоғиштирама» матн деб берилгани, аммо мазкур матнни йиғма-қиёсий матн деб аташ кераклигини илмий жиҳатдан асослайди. Олим таъкидлаганидек, йиғма-қиёсий матн имконият даражасида қўлга киритилган матнларни ўзаро қиёслаш натижасида тузилади, бунда асарнинг ҳамма нусхаларини текшириш мақсад қилинмайди [332;18-19-б.].

Е.Э.Бертельснинг «Навоий» монографиясида «Маҳбуб ул-қулуб» ҳақида ҳам мулоҳаза юритилган. Жумладан, Е.Э.Бертельс манбанинг яралиш тарихи, таркиби, ундаги айрим парчалар таҳлилига тўхталиб, Навоийнинг бу фалсафий ҳикматномасини жиддий асарлардан бири деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, «Маҳбуб ул-қулуб» адабиётдан ўйин-кулги, кўнгилхушлик изловчилар учун ёзилган эмас. Бунда ҳар бир жумла *бошдан кечирилган*,

уйлаб кўрилган ва тарозига солинган, шунинг учун ҳам у китобхондан жиддий ёндашишни талаб қилади (*Здесь каждая фраза пережита, обдумана и взвешена и потому требует от читателя серьезного, вдумчивого отношения*) [55; 254-б.]. Олим «Маҳбуб ул-қулуб»ни бой ҳаётини тажрибага асосланган ва замонага баҳо берилган асар сифатида баҳолайди.

Е.Э.Бертельснинг «Навоий» монографиясида шоирнинг «Хамса» дostonларига ҳам махсус фасл бағишланган [55; 159-219-б.]. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, асарнинг энг қадимги қўлёзма нусхаси ҳам Е.Э.Бертельс саъй-ҳаракати билан топилган, фан учун асраб қолинган [51; 450-б.].

Е.Э.Бертельс Навоийнинг ҳар бир дostonини Низомий ва Деҳлавий дostonларига қиёсан ўрганади. Мисолларда ва рус тилига таржимада уларнинг характерли хусусиятлари, оригиналликни очиб беради. Дostonларнинг бирма-бир таҳлили асносида олим қуйидаги хулосаларга келади:

1. Навоийни идеаллаштириш, унинг образини модернизация қилиш шарт эмас, шоир овозининг бугунги кунда ҳам янграётганининг ўзи унга берилган юксак баҳодир.

2. «Ҳайрат ул-аброр» дostonида шоирнинг фалсафий, ахлоқий-ижтимоий дунёқарашининг асосий қирралари акс этган.

3. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonини ёзишдан мақсади ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги қандай оилавий фожиаларга олиб келишини кўрсатишдан иборат бўлган.

4. «Фарҳод ва Ширин» фидокорона меҳнат, инсонийлик ва муҳаббат мадҳиясидир. Шубҳа йўқки, Фарҳод образида Навоийга хос хусусиятлар ҳам акс этган.

5. «Сабъаи сайёр»даги ҳикоятлар бир-бири билан мустақкам «органик» алоқада бўлиб, асарнинг поэтик бутунлигини таъминлашга хизмат қилган ва Навоийнинг композиция яратиш маҳоратини кўрсатган. Бу асари билан шоир темурий шахзодаларга «маишат ва лаззат

ботқоқлиги» қандай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатган.

6. «Садди Искандарий» чуқур фалсафий-сиёсий донолик хазинаси, шу давр сиёсий-ижтимоий ҳаётининг ойнасидир. Достон тилининг содда ва равшанлиги уни «Хамса»даги бошқа достонлардан ажратиб туради, шунинг учун ҳам Е.Э.Бертельс Навоийни ўрганишни айнан шу достондан бошлашни тавсия қилади [51; 412-б.]. Академик Азиз Қаюмовнинг таъкидлашича, Е.Э.Бертельс бу тадқиқотида катта маҳорат ва билимдонлик билан иш юритади [407; 8-б.].

Табиийки, навоийшуносликнинг бугунги даражасидан қараганда, Е.Э.Бертельснинг айрим мулоҳазалари баҳсли кўринади. Дейлик, «Лайли ва Мажнун» достонини дунёвийлик билан бирга диний-тасаввуфий таълимотлар асосида талқин қилиш нисбатан бошқача илмий хулосаларга ҳам олиб келади.

XX асрнинг биринчи ярмида Навоийнинг қўлёзма асарлари тавсифига бағишланган 2 та тадқиқот нашр қилинган. А.А.Семенов Навоийнинг Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мавжуд қўлёзма асарларига [329], С.А.Волин Санкт-Петербург кутубхоналаридаги манбаларга тавсиф беради [93]. Бу муаллифлардан анча олдин А.Н.Самойлович ҳам Навоий қўлёзмалари тавсифига бағишланган мақола ёзган, аммо бу иш нашр қилинмаган. Унда Навоийнинг барча назмий ва насрий асарларига қисқача тавсиф берилган ҳамда рус ва чет эл шарқшунослигида ўрганилиши борасида муҳим маълумотлар келтирилган [464].

А.А.Семенов тавсифида Навоий асарлари кўчирилган йилига қараб, алифбо тартибида жойлаштирилган. Муаллиф илмий-танқидий матн тайёрлашда энг қадимги, шоир яшаган даврига яқин қўлёзмаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шунинг учун Навоий асарларини хронологик кетма-кетликда келтирилганлигини маълум қилади.

С.А.Волин тавсифи Россия Миллий кутубхонаси, Санкт-Петербург давлат университети шарқшунослик

кутубхонаси ва Осиё музейи (ҳозирда Шарқ қўлёзмалари институти) кутубхонасида мавжуд Навоий асарлари қўлёзмалари асосида тайёрланган. Мақола бошида олим туркий қўлёзмалар тавсифи келтирилган илмий манбалар ниҳоятда камлиги, асосий эътибор форсий ва арабий қўлёзмалар тавсифига қаратилганини таъкидлайди. С.А.Волиннинг қайд қилишича, Санкт-Петербург кутубхоналарида Навоий асарларининг 77 та, Ўзбекистон кутубхоналарида 200 та қўлёзма нусхаси сақланади. Гарчи сони кўп бўлмаса-да, қадимийлиги жиҳатидан Санкт-Петербургдаги қўлёзмалар устун туради [93; 204]. Олим даставвал асарларнинг Навоий ёзган йилига қараб рўйхатини беради. Унга кўра 1465 йилда шоирнинг биринчи девони, 1501 йилда охириги «Маҳбуб ул-қулуб» асари битилган. С.А.Волин Санкт-Петербургда «Муҳокамат ул-луғатайн», «Сирож ул-муслимин», «Девони Фоний»дан бошқа шоирнинг барча асарлари мавжудлигини маълум қилади.

С.А.Волин ва А.А.Семенов тадқиқотларини қиёсан ўрганиш асосида қуйидаги фарқликлар аниқланди:

Биринчидан, А.А.Семенов ўзидан олдин ёзилган 11 та, С.А.Волин 9 та арабий, туркий, форсий қўлёзмалар каталогини кўриб чиқишган.

Иккинчидан, С.А.Волин тавсифида қўлёзма ҳақидаги умумий маълумотлардан ташқари уларнинг дунёнинг яна қайси фондларида ва каталогларда мавжудлиги, кимнинг коллекцияси эканлиги ҳам қайд қилинган.

Учинчидан, С.А.Волин А.А.Семеновдан фарқли равишда ҳар бир қўлёзманинг бошланиши ва охириги мисрасини келтириб ўтган.

Бу тавсифлар айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, шу даврда Навоий асарларининг ўрганилишида муҳим роль ўйнади. С.А.Волиннинг тадқиқоти ҳозир ҳам Россия ва чет эл навоийшунослари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Навоий ижодий меросининг ўрганилишида рус шарқшунослари ёзган **тақризлар** ҳам муҳим аҳамият касб этади [51; 453-459-б; 225; 165-170-б.]. Чунки бу

тақризларда навоийшуносликнинг ўзига хос томонлари: нуқсонлари, ютуқлари ва истиқболи ҳақида мулоҳаза юритилган. Шу маънода, уларни XX аср биринчи ярми рус навоийшунослигининг «ойнаси» дейиш ҳам мумкин. Асосийси, бу тақризлар муайян бир тарихий даврда Навоий ижоди бўйича қилинган ишлар, уларнинг мазмун-моҳияти, баҳоси ҳақида маълумот беради.

Е.Э.Бертельс 1947 йилда профессор А.Саъдийнинг «Навоий ижоди ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётининг олий босқичи сифатида» номли докторлик диссертациясига тақриз ёзади, аммо бу тақриз 1965 йилдагина нашр қилинади [51; 453–459-б.]. Олимнинг қайд қилишича, диссертант ишнинг кириш қисмида Шоир ижодининг прогрессив томонларини, айниқса, гуманизмининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; Навоий эстетик қарашларини унинг салафлари қарашлари билан қиёсий ўрганиш, ижодий йўлини аниқлаш; Шоир лирикаси, айниқса, ғазалиётини таҳлил қилиш; «Хамса»даги асосий образлар характеристикасини бериш; Навоий ижодининг ўзбек ва татар адабиёти тараққиётига таъсирини ёритиш каби масалаларни ўрганишни мақсад қилган.

Е.Э.Бертельс диссертацияни етарли даражадаги филологик иш деб ҳисобламайди. Чунки унда муаллиф хатто ўзи фойдаланаётган манбани текшириб кўришни лозим топмаган. Тошкентда адиб асарларининг ноёб қўлёзмалари мавжуд бўлишига қарамай, дуч келган қўлёзма ёки тошбосма билан ишлайди, шу сабаб айрим сўзларни хато ўқийди ва талқин қилади. Бу ўринда Е.Э.Бертельс ишнинг 81-саҳифасида келтирилган «*Айён ватан узра то жони бор*» мисраси аслида «*Иёлу ватан узра то жони бор*» тарзида ўқилишини, 67-бетдаги «*Айни ҳақиқатдур мажоз*» тушунчаси «*Моддий оламга ҳақиқий нигоҳ*» деб эмас, «*Мажоз моҳияти аслида ҳақиқат*» тарзида талқин қилиниши кераклигини ёзади [51; 456-б.].

Е.Э.Бертельснинг аниқлашича, диссертант айрим ўринларда илмий, мантиқий асосланмаган фикрларни ўртага ташлайди. Масалан, у Навоий дунёқарашининг

шаклланишида халқ кўзғолонларининг роли катта бўлган деб ҳисоблайди (унда *Навоий вазир эмас, «революционер» бўлиши керак эди*). Профессор А.Саъдий Навоийни ўзбек тили ёки эски ўзбек тили ҳақида «*гапиртиради*», XV аср «*цензурали режими*» ҳақида ёзади. «Ваҳоланки, – деб ёзади Е.Э.Бертельс, – шоир яшаган даврда бу атамаларнинг ўзи бўлмаган» [51; 455–458-б.].

Олим «Хамса» асосий образлари характеристикасини берганда диссертант бироз адашганини, яъни Фарҳод халқ учун курашчи, Мажнунда ижтимоийликдан кўра, психологизм кучли, Дилоромни халқ қизи деб эътироф этганини ёзади. Е.Э.Бертельснинг фикрича, бу билан тадқиқотчи ўринсиз «модернизацияга» йўл қўяди, асарга умуман алоқаси бўлмаган «янгиликлар»ни олиб киради. Бошқача айтганда, Навоий қаҳрамонлари замона майлига мосланади. Адабиётшунос Б.Каримов тўғри таъкидлаганидек, чинакам санъат дурдоналари талқинига сиёсат аралашса, асар интерпретацияси замона майлига мосланса, илмий холислик йўқолади, ғоявий-эстетик моҳият очилмайди, илмий талқин мувозанати бузилади [157; 44-б.].

А.Саъдий тадқиқотидаги «Навоий ижодининг ўзбек ва татар адабиёти тараққиётига таъсири» номли фаслини Е.Э.Бертельс ишнинг энг муваффақиятли қисми деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, айнан шу фаслда муаллифнинг кўп йиллик тажрибаси, илмий салоҳияти намоён бўлган.

Шуни айтиш жоизки, Е.Э.Бертельсдан анча олдин жадид мунаққиди **Вадуд Маҳмуд** ҳам А.Саъдий илмий салоҳиётига муносабат билдирган [219]. Илмда таъкидланишича, «...20-йиллар адабий жараёнида, анча-мунча мақолалари билан танилиб қолган А.Саъдий баҳс пайтида (В.Маҳмуд билан – Х.Г.) ўзининг классик шеърятни яхши таҳлил қила олмаслигини, форсча ва арабча сўзларга яхши тушунмаслигини, айниқса, Навоий шахси ва ижодини баҳолашда беҳосдан ноўрин иборалар кўллаб, «саводи»ни билдириб қўяди [156; 66-б.]. Бундан ташқари А.Н.Самойловичнинг архивида А.Саъдий ижо-

ди бўйича йиғилган бошқа тақризлар ҳам сақланмоқда [477].

Е.Э.Бертельс назарига тушган илмий ишлардан яна бири Ойбек муҳаррирлигида нашр қилинган «Улуғ ўзбек шоири» тўпламидир. Тўплам 1948 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан чоп қилинган [86]. Олим тўпламда жамланган барча мақолаларга (6 та) ўз муносабатини билдиради, ютуқ ва камчиликларни кўрсатади [51; 460–462-б.]. Жумладан, Е.Э.Бертельс тўпламнинг 16-саҳифасидаги (Я.Ғуломов мақоласида) нақшбандий дарвешлар фан ва маданиятга қарши бўлгани ҳақида ёзилгани, бу қараш нотўғри эканини қайд этади. Олимнинг фикрича, агар шундай бўлса, Навоий ва Жомийдек икки буюк даҳо айнан нақшбандийлик тариқатини танламаган бўлар эдилар. Шунингдек, В.Зоҳидовнинг «Навоийнинг айрим ижтимоий-сиёсий қарашлари» номли мақоласида муаллиф XV аср одамларининг тафаккур тарзини «модернизация» қилгани, давр муҳити таҳлилида уларга хос бўлмаган (паразитизм, синфий кураш) тушунчаларни киритгани, матнда айрим хатоликлар мавжудлиги (масалан, 62-бет 3-иқтибосда Ғаззолийнинг машҳур китоби Аҳмад Яссавийники деб кўрсатилган) танқид қилинади.

Е.Э.Бертельс А.И.Дейч ва Ойбек ҳамкорлигида ёзилган «Алишер Навоийнинг ғоявий олами» номли мақолага ҳам муносабат билдириб, унда бир-бирига қарама-қарши фикрларни кузатиш мумкинлигини қайд қилади. Бир ўринда Навоий сўфийлардан фарқли равишда оламни билиш ва тафаккурни устун қўйган деб ёзилган бўлса, кейинги саҳифада Навоийнинг «ҳақиқатни англашда ақл ожизлик қилади» деган фикри келтирилган. Яна бир жойда Навоий фатализмга (тақдирга ишониш таълимоти) қарши турганини исботлаш учун келтирилган мисоллар айнан фатализмни ифодалаган.

Тақриз охирида Е.Э.Бертельс бу каби тўпламларни тайёрлашда ўта маъсулият билан ёндашиш, нотўғри ўқиш ва хато талқиннинг олдини олиш кераклигини уқтиради. Айрим камчиликлар бўлишига қарамасдан,

бу илмий мажмуа навоийшуносликда яна бир янги қадам бўлганини алоҳида таъкидлайди.

А.Н.Самойлович ҳам ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий ва Бобур ва бошқа шоирлар ижоди билан боғлиқ илмий ишларга ўз муносабатини билдириб баҳолаган [466;473]. 1928 йилда Санкт-Петербургда чоп қилинган «Мир Али Шир» тўпламида олимнинг бир йўла 4 та ишга тақризи эълон қилинади [225;167-173-б.].

А.Н.Самойлович тақризларида олдин шу мавзуда ким қандай иш олиб боргани масаласига тўхталади. Масалан, туркман таърифчиси А.Кулмуҳаммад таржимасини баҳолаш баробарида, ундан олдин «Муҳокамат ул-луғатайн»ни француз олими М.Катремер нашр қилдиргани (1841), «Ақдом» газетасининг ношири Аҳмад Жавдатнинг Истамбулда (1892) Валад Чалабий томонидан усмонли турк тилига таржима этилган «Муҳокамат ул-луғатайн»ни профессор Нажиб Осим сўзбошиси билан эълон қилганлиги, Қўқон зиёлиси Ашурали Зоҳирийнинг 1917 йилда асарнинг литографик нашрини амалга оширгани ҳақида хабар беради [225; 173-б.].

А.Н.Самойловичнинг қайд қилишича, «Туркманистон» газетаси мухбирининг ўринбосари А.Кулмуҳаммад, ёш бўлишига қарамай ўзининг ва туркман шоирлари Саидий ҳамда Залилийнинг шеърий тўпламларини нашрдан чиқарган. У автодидакт равишда (грекча autos ўзи + didaktos ўрганган) туркий адабиётга қизиқади, ўрганади ва Навоий асарини туркман тилига таржима қилади. Кириш қисмида туркман олими Навоийни ўзбек ёки туркман шоири дейиш нотўғрилиги, у умумтуркий адабиёт намояндаси эканини таъкидлайди. А.Н.Самойлович таржимада айрим арабча сўзларнинг ҳам туркийга алмашингани, султонлар, шоирлар ҳақидаги мураккаб истиоравий ифодалар қисқартирилгани, айрим шеърлар таржимасида вазнга эътибор қилинмаганини қайд этади.

Кейинги тақризида А.Н.Самойлович 1926 йили Бокуда чоп этилган «Навоий» номли илмий тўпламга тўхталади [225; 168-170-б.]. Навоий таваллудининг 500

йиллигига бағишланган бу тўпламдаги мақолаларни бирма-бир таҳлил қилади ва қўйдаги танқидий хулосаларини билдиради: Профессор Исмоил Ҳикматнинг «Амир Мир Алишер» номли 2 қисмдан иборат мақоласи унинг ўзи эътироф қилганидек, М.Белен фикрларига таяниб ёзилган. Демак, муаллиф ҳам худди француз олимидек Навоийни тақлидчи деб ҳисоблайди ва асарларининг оригиналлигини тан олмайди. Бунинг устига у Ҳусайн Бойқаро поэтик маҳоратини асоссиз равишда Навоий шеърятидан устун қўяди.

Профессор Б.Чўпонзода «Навоий тилшунос» номли мақоласида даставвал туркий тилнинг Навоийгача бўлган жонқуярлари: Маҳмуд Қошғарий, Ошиқ Пошшо, Бергамали Қадрийнинг тилни ривожлантиришдаги ҳиссасига тўхталади. Кейин «Муҳокамат ул-луғатайн» асосида Навоий фикрларини таҳлил қила туриб, шоирнинг ўз даврида туркий тилни ўрганишга чақирганини ижобий баҳолайди, аммо, туркий тилни мадрасаларда ўқитиш ёки ҳукмдор табақаларнинг мажбурий билиши кераклиги каби конкрет талаблар билан чиқмаганлигини унинг асосий камчилиги деб ҳисоблайди.

«Алишер Навоийга форс адабиётининг таъсири» мақоласида А.Н.Самойлович нисбатан объектив мулоҳаза юритилган деб ҳисоблайди. Унинг муаллифи профессор Мирза Муҳсин Иброҳимий ҳамкасбларидан фарқли равишда Навоийни тақлидчи деб атамайди, чунки у шоир асарларини Низомий, Дехлавий, Жомий асарлари билан қиёсан ўрганади ва Навоий ижодиётининг оригиналлигини кўрсатади. Аммо унинг Навоий халқ шоири бўлган, уйғур ёзма адабиёти милодгача бўлган II асрдаёқ шаклланган деган қарашлари билан келишиб бўлмайди.

Навоийнинг Бакудаги «Вақфия» ва «Муншаот» асарлари нашрини А.Н.Самойлович муваффақиятсиз нашр деб ҳисоблайди. Икки жилддан иборат бу нашрнинг биринчи қисмида гарчи Б.Чўпонзода ва И.Ҳикматларнинг кириш мақолалари мавжуд бўлса-да, уларнинг биронтасида иш қайси қўлёзма асосида бажарилгани, улардан олдин рус

олими И.Берёзин [47] ҳар иккала асардан парча эълон қилгани қайд этилмаган.

Демак, XX аср навоийшунослиги рус адабиётшунослигининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бу соҳани кўп янги маълумот, таҳлил ва талқин билан билан бойитди. Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, Навоий ижоди музейдаги экспонат ёки тарихнинг бир бўлаги эмас, у барҳаёт ва яшашда яна давом этади [51; 204-б.].

2007 йилда Вашингтонда ўтказилган «Алишер Навоий ва унинг Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётига таъсири» мавзусидаги халқаро анжуманда профессор олима М.Диб: «Навоий каби мутафакирлар нафақат ўз тарихий даври маданий жараёнининг рағбатлантирувчи омили, балки умуминсоний, глобал миқёсда илмий тафаккур тараққиётига катта таъсир ўтказган бунёдкор-ижодкордир», деб айтган эди [521]. Дарҳақиқат, Навоийнинг жаҳон илми ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси навоийшунослик уммонида рус навоийшунослигининг ҳам шаклланишига ва тараққий қилишига олиб келди.

3.3. Е.Э.БЕРТЕЛЬСНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК МАҲОРАТИ

Е.Э.Бертельс (1881–1957) рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётини юксак текстологик тайёргарлик асосида жиддий ўрганган шарқшунослардан бири саналади. Олим мумтоз адабиётимизнинг Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий каби вакиллари ижодини ўрганиш, таҳлил этиш баробарида уларнинг илмий биографияларини ҳам яратишга муваффақ бўлди, айниқса, навоийшунослик равнақиға муносиб ҳисса қўшди.

Бугунги кунда Е.Э.Бертельснинг илмий меросидан она тилимизда танишиш имкониятининг мавжудлиги қувонарли ҳолдир. Профессор И.Мирзоев сайъ-ҳаракати ила олимнинг кўпгина тадқиқотлари ўзбек тилига таржима қилинди ва оммалаштирилди [60–65].

Тасаввуф адабиётининг шаклланиш, ривожланиш ва турли халқлар адабиётида акс этиш даражасини рус

шарқшунослигида биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган олим: «...тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти хусусида тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас», – деган муҳим хулосага келади [53; 54-б].

Е.Э.Бертельснинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича илмий меросида асосан қиёсий-тарихий адабиётшунослик масалалари етакчилик қилади; турли халқлар адабиётларини қиёсий ўрганиш унинг ижодида асосий ўрин тутди. Адабиётшунос Э.Рустамов жуда тўғри таъкидлаганидек, Е.Э.Бертельс Шарқ халқлари адабиётини уларнинг асрлар оша шаклланган маданий ва адабий алоқаларидан айро ҳолда ўрганишни тасаввур ҳам қилмаган [51; 5-б.].

Умумий эстетик асосга эга бўлган турли халқ адабиётларининг қиёсий таҳлили олимга туркий адабиётнинг оригиналлик даражасини ва ўзига хослигини аниқлашга ёрдам беради. Е.Э.Бертельснинг форс-тожик ва ўзбек адабиёти намуналарини қиёсий ўрганиши фанга компаративистик методнинг бебаҳо намуналарини туҳфа қилди.

Е.Э.Бертельснинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича қиёсий изланишлари асосан Навоий ижодининг бетакрорлиги ва оригиналлигини исботлашга қаратилган. Албатта, олимнинг бу борадаги ишлари осон кечмаган. Қиёслаш учун ҳар иккала манбанинг энг майда тафсилотларигача танишиш, ўзига хос томонлар – яралиш тарихи, давр таъсири, тили, услуби, жанрий хусусиятлари, муаллиф шахси кабиларни бирламчи қўлёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганиб чиқиш олимдан илм, куч-қудрат ва сабр-бардош талаб этади.

Алишер Навоий ижодини ўрганишга Е.Э.Бертельс XX асрнинг 20 – йилларидан киришади ва ишни адиб асарларининг қадим қўлёзмаларини топишдан бошлайди. Олимни кўпроқ асл ёки муаллиф даврига яқин нусха қизиқтиради. Буни аниқлаш учун у анча текстологик изланишлар олиб борган, олим «аввало тарих билан қизиққан, тасаввуфни, Шарқдаги бошқа таълимотлар-

ни, диний билимларни ўрганган, ундан кейин Навоий ижодини ўрганишга киришган» [414; 316-б.].

Навоийнинг ижодий шахсияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун олим даставвал Навоийни шакллантирган муҳит ва шу давр туркий тили, поэзияси, шоирлари, темурийлар “фаолияти” билан қизиқади. Изланишлари натижасида Навои монографиясини яратди. [51;46-64-б.]. Е.Э.Бертельс XIX аср охириларига келиб Европа шарқшунослари томонидан туркий тилнинг «чиғатой тили» деб нотўғри номлангани, аслида «эски ўзбек адабий тили» тарзида номлаш кераклигини қайд қилади. Дарҳақиқат, XX асрда яратилган илмий адабиётлар кузатилганда, бу борада маълум бир тўхтамга келинмагани, кўпгина олимларнинг бу давр адабиётини чиғатой адабиёти деб номлагани кўринади. Мумтоз адабиётни бундай номлаш ҳозир ҳам давом этмоқда [419].

Айрим омилларни ҳисобга олиб, А.Н.Самойлович ҳам мазкур давр тилини «Ўрта Осиё ислом даври туркий адабий тили» деб номлашни таклиф қилган (... я позволю себе высказать, на основании современного состояния разработки вопроса этой темы, мнение, по существу было бы правильнее признавать единый «среднеазиатско-турецкий литературный язык исламской эпохи» и установить внутри этого языка несколько периодов его развития) [314; 27-б.].

Е.Э.Бертельс Лутфий ва туюқ жанрининг туркий адабиётга хослиги ҳақида ёза туриб, бу жанр сўз ўйинини яхши кўрадиган туркий халқлар фольклоридан келиб чиққан деган мулоҳазани билдиради [51; 57-б.]. Лутфий туюқлари ҳақида Е.Э.Бертельсдан олдин А.Н.Самойлович ҳам фикр билдирган, аммо у Лутфийнинг бошловчилик хусусиятига, маҳоратига эътиборни қаратмаган [306].

Е.Э.Бертельс Навоийнинг ижодий камолига шароит яратиб берган ва қўллаб-қувватлаган, туркий тил ривожига муносиб ҳисса қўшган Хусайн Бойқаронинг шоҳ ва шоирлик фаолиятини ҳам ўрганади. Шайбонийхон муҳолиф бўлишига қарамасдан уни тан олгани,

«Бобурнома»га асосланиб, унинг «пайғамбар замонидан буён бу каби оқил, зиёли, илмни қадрлайдиган подшо бўлмаган», деб айтгани ҳақида хабар беради [51; 63-б.]. Хуллас, мақолада қуйидаги икки муҳим масала ўз ечимини топади: Навоий даври адабиётини «эски ўзбек мумтоз адабиёти» деб номлаш; Навоий ижодий шахсиятининг шаклланишида роль ўйнаган адабий муҳит, давр, ижтимоий омилларни кўрсатиш.

1928 йилда Е.Э.Бертельс «Навоий ва Аттот» номли мақоласини эълон қилади [225; 24-83-б.]. Мақола кейинчалик олимнинг танланган асарлари таркибига киритилган [53; 377-421-б.].

Мазкур илмий ишнинг юзага келиши билан Алишер Навоийнинг оригинал ижодига шубҳа билан қаровчи олимларнинг тахминларига узил-кесил чек қўйилади. Е.Э.Бертельс навоийшуносликда бошлаб берган янги «эра» қуйидаги нуқталарни жойидан силжити: Навоий асарларига қизиқиш кучаяди; илгари форсий адабиёт такрори деб таржима қилинмаган Навоий асарлари таржима қилина бошлайди; Навоий асарларига ёндашиш тамойиллари шаклланади.

Сюжет – Е.Э.Бертельс назарида нақш тикиладиган асос, ундаги нақшлар эса – ҳар бир шоирнинг ўзига хослиги (*Сюжет лишь основа, канва по которому поэт вышивает свои пёстрые узоры*) [53; 378-б.]. Демак, уёкибушоир ижодини объектив баҳолаш учун асосий эътиборни ўша «нақш»ларга қаратиш керак. Олим ана шундай тасаввур билан туркий ва форсий адабиётнинг таҳлилига киришиш лозимлигини таъкидлайди. Бунда ҳар иккала асарни майда деталаригача ўрганиб чиқиш керак, фақат шу йўл билан туркий адабиётнинг мусулмон маданиятидаги ўрнини белгилаш мумкин. Муаллиф М.Белен, М.Никитский, Э.Блоше каби шарқшуносларнинг шошма-шошарлик билан иш кўргани, айниқса, Э.Блоше Навоийни ҳеч асоссиз равишда таржимон дегани, ваҳоланки, таржима – индивидуал хусусиятлар минимум даражада акс этадиган асар эканлиги ҳақида ёзади.

Е.Э.Бертельс таҳлил жараёнида асарларнинг асосан

фабуласига эътибор қилиш, қисқа тавсиф билан чегараланиш *туркий адабиёт тўла қимматга эга эмас, форсий адабиётнинг такрори* деган нотўғри хулосага олиб келганини маълум қилади. Илмда таъкидланишича, бу хато Европа олимларининг ирқчилик назарияси қолипида қолиб, Шарқ халқларига паст назар билан қараганидан, уларни маънавий бойлик яратишга ноқобил деб тушунишларидан келиб чиққан. Бизнингча, ўша даврда туркий адабиётнинг ҳали атрофлича, чуқур ўрганилмагани ҳам ҳар хил нуқтаи назарни юзага келтирган.

Нима учун муаллиф айнан «Лисон ут-тайр» билан «Мантиқ ут-тайр» дostonларини қиёслаган? деган ҳақли савол туғилади. Е.Э.Бертельснинг ўзи бунинг сабабини, аввало, тасаввуфий адабиёт унинг махсус шуғулланиш объекти эканлиги, иккинчидан, Фаридиддин Аттор асарларини ўрганиш билан анча йиллардан бери шуғулланаётгани, учинчидан, бу тадқиқот ҳали ўрганилмаган – Навоийнинг тасаввуфга бўлган муносабатига ойдинлик киритишга ёрдам бериши билан изохлайди [53; 379-б.]. Олимнинг бу фикри бугунги кунда Аттор асарларини жиддий ўрганаётган рус олимаси Ю.Федорованинг электрон журналда эълон қилинган мақоласида ҳам қўллаб-қувватланган [522].

Бу тадқиқот ўзбек адабиётшунослигида жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган [149; 152; 205; 523]. Жумладан, М.Имомназаров Е.Э.Бертельснинг «Навои больше чем суфий» деб айтган эътирофи мақолада етарлича изохини топмаганини қайд қилади ҳамда таҳлил асосида «Навоийнинг мақсади ирфоний мақсадларни мўътадиллаштириш эмас, балки улар заминидан чекинмаган ҳолда янги уфқларни кашф этиш эди» – деган хулосага келади [149; 216-б.]. Файласуф олим М.Арипов «Лисон ут-тайр» ва «Мантиқ ут-тайр» дostonларининг ғоявий мотиви бир хил, Фоний таҳаллуси шоирнинг Атторга руҳан яқинлиги белгиси эканлигини таъкидлайди [26; 169-б.].

Е.Э.Бертельс даставвал «Лисон ут-тайр»дан асарнинг ёзилиш сабабига оид парчани таржимаси билан бирга келтиради. Муаллиф Навоийнинг ёшлигидан бу асарга ишгиёқманд бўлгани, аммо умрининг охирида ёзишга киришгани, унинг

камтарлик билан ёзган «*Мен бу дарё ичра дурри покни, топ-майин йиғдим хошоқни*» каби мисралари шарқона этикет, адабий анъана экани, асарни ёзишга киришиш Навоий учун осон кечмагани ҳақида ёзади.

Шундан кейин Е.Э.Бертельс мақоласининг асосий қисми бошланади. Олим киришдан бошлаб асарнинг охиригача бўлган сюжет чизиқларининг ҳар иккала асардаги инъикосини бирма-бир қиёслаб чиқади ва шундай хулосаларга келади:

Кириш қисм ҳар иккала муаллифда ҳамд ва наътдан иборат. Лекин Аттorda ўта фалсафий, Навоийда ҳаётийроқ. Масалан, Аттor оламнинг мўъжизавий яратилишига кўпроқ эътибор қаратган бўлса, Навоий Иблиснинг ҳайдалиш ва инсоннинг улуғланиш эпизодига кенг ўрин беради [53; 387-б.].

Халифалар тавсифи ҳар иккала асарда ҳам мавжуд, аммо Навоийда ҳар халифа тавсифидан кейин бир ҳикоят келтирилган. Бошқача айтганда, Навоий Аттor концепциясини ўз даври ва муҳити руҳига мослайди.

Аттor достонида асосий қисм 12 та қушнинг тавсифи билан бошланади. Кейин Худхуднинг Семурғни излаб йўлга чиқиш кераклиги ҳақидаги нутқи келтирилади. Навоийда бу эпизод бутунлай бошқача тус олади, яъни қушларнинг йиғилиш сабаби ва йўлга чиқиш эҳтиёжи аниқ кўрсатилади, бу ўринда табақалаштириш мотиви киритилади. Ҳар хил қушлар бир манзилга йиғилади, ўрин учун талашади, ким-кимдан яхши эканликларини исботламоқчи бўлишади. Натижада шундай «хаос» юзага келадики, энди улар бошқарувчига, подшога эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж уларни йўлга чорлайди. Е.Э.Бертельс назарида Навоий қушларни ҳаракатга келтирадиган зўр асос (ҳаётда ўзи кўп кузатишига тўғри келган) табақаланиш мотивини топиб тўғри қилган ва бу билан давр ижтимоий ҳаётидаги айрим нуқсонларни кўрсата олган.

Достонда еттига водий тасвиридан бошқа барча воқеа-ҳодисалар 3 та босқичда тасвирланади, яъни қушларнинг ҳар хил баҳона излаб йўлга чиқмаслик учун Худхудга берган саволи, олган жавоби ва ҳикоятлар.

Етти водий тасвири бошланиши билан, савол-жавоб тугайди, фақат иккита босқич қолади – водийларнинг тавсифи, дидактик ҳикоятлар. Аттор ва Навоий дostonларини асосий фабуласи юқоридагидек бир хил. Лекин Е.Э.Бертельс ҳар иккала асарни чуқур таҳлил қилиб шундай фарқларни топади.

Биринчидан, Навоий йўлга чиқиш муқаррарлигини англаган ва машаққатлар баён қилинган иккинчи қисмда қушлар орасига форсий адабиётда учрамайдиган **бургут ва лочин** образини киритади.

Иккинчидан, гарчи Навоий асарни ёзишда Аттор анъаналарини сақлаган бўлса ҳам, ҳикоятларни танлашга индивидуал ёндашади. Навоий келтирган 63 та ҳикоятдан фақат 12 таси Аттордан олинган, қолган 51 таси шоирнинг ижодий тафаккури маҳсулидир. Е.Э.Бертельснинг изоҳига кўра, Навоийга бу ҳикоятларни ёзишда Куръон, ҳадислар, шайхлар ҳақидаги маноқиблар, араб ишқий беллетристикаси (саргузашт асарлари), форсий поэзия манба бўлиб хизмат қилган. Табиийки, шоир буларнинг ҳаммасидан хабардор бўлган. Баъзи ҳикоятлар Навоийнинг бой ҳаётий тажрибаси асосида баён қилинган, улар шоирнинг кузатишлари таъсирида юзага келган дейиш мумкин. Бу жиҳатдан олим Навоий ижодини Саъдий бадий мероси билан ҳамоҳангликда кўради. «Шоир ҳикоятларининг Аттор ҳикоятларидан яна бир фарқли томони, – деб ёзади олим, уларнинг соғлом ва нозик ҳажв (*здоровый и тонкий юмор*) билан суғорилганлигидадир» [53; 418-б.].

Е.Э.Бертельс илмий меросининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у ҳар бир ҳикоя, илмий муаммо талқинида унинг манбасига ҳам ишора қилиб ўтади, аниқлаш имкони бўлмаганларни кейинги изланувчиларга ҳавола қилади [53; 406-б.].

Учинчидан, Аттор дostonидаги юқори пафос, баландпарвозлик, Навоий дostonида ҳаётий оддий мантук билан алмашилган. Шунинг учун ҳам шоирнинг дostonи дидактик характер касб этади. Е.Э.Бертельснинг фикрича, бу ҳар иккала адибнинг ўзига хос услуби бор-

лигини кўрсатади. Шу боис айнан бир мавзуда натижанинг ҳар хил бўлишига ҳайрон қолиш керак эмас.

Тўртинчидан, Навоий достонининг охирида келтирилган муножот ва ҳикоятлар Аттор достонида мавжуд эмас. Бу ўринда олим барча ҳикоятлар мазмунидан қисқача хабардор қилади.

Кузатганимиздек, Навоий ва Аттор ижодий мероси Е.Э.Бертельснинг қиёсий таҳлилида бутун мураккабликлари билан намоён бўлади. Олим таъкидлаганидек, шунча фарқлар бўла туриб, Навоий асарини Аттор асарининг таржимаси дейиш тўғри эмас. Бу асарга жиддий ёндашилмагандан келиб чиққан. Е.Э.Бертельс мазкур хусусиятларни инобатга олиб, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарини «Аттор достони ҳақидаги достон» «Поэма о поэме Аттара» деб номлайди.

Мақола бошида Е.Э.Бертельс Навоийнинг асар ёзилиш сабаби баён этилган байтларини келтирган ва шоирнинг асл мақсади Аттор асарини таржима қилишдан иборат бўлганини ёзган эди. Мақоланинг хулоса қисмида эса шоир олдига қўйган мақсад моҳияти бутунлай ўзгаргани, натижада оригинал бебаҳо бир асар юзага келганини эътироф қилади. Дарҳақиқат, Навоий:

*Ким бу дафтарға бериб тавфиқ Ҳақ,
Таржума расми била ёзсам варақ.*

Мундин ортуқроқ ҳад эрмастур манга,

Жудини васф айласам басдур манга [53; 380-б.], – деб ёзишига қарамай оригинал бир асарни юзага келтирган.

«Лисон ут-тайр»ни кузатиш, – деб ёзади олим мақола сўнгида, *– берилган материалдан оригинал асар ярата олган улкан санъаткор, сўз устасини намоён қилди, асар баробарида биз кенг билимга, турфа қизиқишларга, бой ҳаётий тажрибага эга, ҳаммасидан қимматлиси атрофдаги одамларга меҳр тўла муҳаббат билан қараган ва бу муҳаббат боис нуқсонларни кечиршига тайёр улкан қалб эгасини кўрамиз. Санъаткорлар борки, улар олдида таъзим қиламиз, лекин баъзида инсон санъаткорни изидан эргаштиради, асарлари билан биздан оддий инсоний*

муҳаббат талаб қилади. Навоий ана шундай улуғ зотдир» [53; 420-б.].

Россия шарқшунослигида олимнинг «Лисон ут-тайр» борасидаги қарашлари А.Н.Малехова тадқиқотларида муваффақият билан давом эттирилган [201; 202].

Микрокомпаративистика нуқтаи назаридан Е.Э.Бертельс (1890–1957) ва А.Н.Малехова (1938–2009) бир макон, ҳар хил замонда яшаб ижод этган олимлардир. Уларнинг айнан бир асар бўйича илмий изланишлари қиёсан ўрганишни, фикрлар тадрижи ва такомиллини кўрсатишни, қолаверса, фарқ ва умумийликни аниқлашни тақозо қилди. Ҳар иккала шарқшуноснинг илмий қарашларини қиёсан ўрганиш асосида шундай хулосаларга келинди:

1. Е.Э.Бертельс (1928) ва А.Н.Малехова (1978) тадқиқотларида герменевтик таълимот мувозанати бузилмаган, матн моҳияти ўткинчи ғоя ва мафкуравий манфаатлар учун қурбон қилинмаган. Е.Э.Бертельснинг 40-йиллардаги тадқиқотлари ҳақида бундай дейиш қийин, чунки қатағон сиёсати олимни давр мафкураси билан ҳисоблашишга мажбур қилган; ҳар иккала шарқшуноснинг асар сюжети, Навоийнинг тасаввуфга алоқаси, Фоний таҳаллусини танлаш сабаби, Шарқ назиранавислиги хусусидаги фикрлари деярли ҳамоҳанг. Масалан, Навоий ва тасаввуф масаласида Е.Э.Бертельс шоирнинг тасаввуф таълимотини чуқур билгани, аммо сўфий амалиётчи бўлмаганини қайд қилади. (*«Он воспринял всю моральную сторону суфизма, поставил ввиду идеала его конечные цели, ... но суфием практиком он не стал»*) [53; 419-б.]. А.Н.Малехова ҳам тасаввуф шоир учун мақсад эмас, восита бўлганини таъкидлайди. (*«Суфизм как философия был основной частью его образованности, для Навоий суфизм не цель, а средство, т.е. система знаний, призванная служить познанию, осмыслению действительности»*) [202; 319–320-б.].

2. Е.Э.Бертельс масалага тарихий-биографик, А.Н.Малехова структур-систематик жиҳатдан ёндашди. Олим ҳикоятлар моҳиятини сиёсий, ижтимоий-ма-

даний контекстда, майда унсурларигача таҳлил қилади, А.Н.Малехова эса асосий эътиборини асарнинг ички композицияси, муаллиф шахсияти, ҳикоятлар типологгияси тадқиқига қаратади.

3. Хар иккала тадқиқот моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Қарашлардаги эволюция «Лисон ут-тайр» достонини турли аспектда ўрганиш мумкинлиги ва давомийлигини кўрсатади.

Е.Э.Бертельснинг навбатдаги тадқиқоти Навоий ижодини Шарқ адабиёти контекстида ўрганишга қаратилган [51; 432–441-б; 54]. Киришда олим туркий адабиётнинг ҳали-ҳануз етарлича ўрганилмагани, туркологларнинг диққати асосан туркий тилларни ўрганишга қаратилганини афсус билан қайд қилади. Кейин туркий халқларнинг, туркий тилнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларига қисқача изоҳ беради: мўғуллар истилосига қадар форсий тилнинг мавқеи баланд бўлгани, ўз она тилидан фойдаланиш фақат дарвешлар даврасидагина (ҳаммага тушунарли бўлиши учун) амалга оширилгани ҳақида ёзади.

XV асрга келиб туркий тилда ҳам асарлар битиш ривожланади. Аммо туркий тилнинг мавқеини кўтариш учун китобхонга форсий тилда ёзилган намуналардан кам бўлмаган асарларни ҳавола қилиш керак эди. Бунда ўз она тилига муҳаббат камлик қилади. Муаллиф назарида, бунинг учун катта адабий иқтидор, тинимсиз илмий-ижодий изланиш керак бўлган. Алишер Навоий бундай қийин вазифанинг уддасидан чиқа олди. «Муҳокаматул-луғатайн» асари билан туркий тилнинг ҳеч бир тилдан кам эмаслигини илмий асослаб берди, туркий тилда оригинал асарлар яратди.

Шундан кейин Е.Э.Бертельс Шарқда **назира** ёзиш анъанавий тус олганлиги, назира бирор-бир асарга жавобан ёзилган асар эканлигини қайд қилади. Китобхон назира асосида ёзилган асарни ўқиганда кўпроқ олдин маълум сюжетнинг бу асарда қай даражада акс этгани, қандай ўзгаришлар киритилгани билан қизиққан. Олим тўғри таъкидлаганидек, Европа

адабиётида назира ёзишни тақлидчилик деб тушунтирганлар. Бундай қараш Шарқ адабиётининг специфик хусусиятларини англамасликдан келиб чиққан.

Е.Э.Бертельс Навоийнинг барча дostonлари назира усулида битилгани, айнан шу усулда шоир туркий тилнинг оригиналлигини исбот қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, Навоий назира битмай тамоман янги асар ҳам яратишга қодир эди. Буни яхши англамаган, тўғрироғи, Навоий асарлари билан тўла танишмаган европалик мутахассислар Навоий ва Низомийдаги бир хил мавзуларни кўриб, Навоий таржимон деган хулосага келганлар. М.Имомназаров тўғри таъкидлаганидек, Навоийнинг асл мақсади «таржимонлик» эмас, шу сабабли у татаббуъ аъналаридан фойдаланган [149; 208-б.].

Е.Э.Бертельс Навоий дostonларининг ўзига хослигини «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини Низомий дostonлари билан қиёсий таҳлили мисолида очиб беради. Олим даставвал «Сабъаи сайёр» ва «Хафт пайкар» дostonларини таққослайди ва қуйидаги фарқларни аниқлайди:

Низомийда Баҳромнинг фитнадан хафа бўлиш эпизоди билан 7 та қасрнинг қурилиш эпизоди ўзаро боғланмаган. Навоийда эса Баҳромнинг Дилором билан арази ва тасалли олиш мақсади қасрларнинг қурилишига сабаб бўлади.

Низомийда ривоятларни 7 та қасрдаги 7 та гўзал ҳикоя қилади. Шоирнинг қаҳрамони кундузлари ичкиликбозлик билан шуғулланади, кечаси эса ухлаш учун гўзалларга ҳикоя айтишни буюради. Навоийда эса Баҳромга ҳикоятларни ҳар куни ташқаридан тутиб келтирилган мусофирлар айтиб беради. Е.Э.Бертельс бу ўзгариш Навоий томонидан онгли равишда киритилганини қайд қилади ва асар муқаддимасида мавжуд Навоийнинг: «эرتак ухлаш учун айтилади, гўзаллар эса бунинг учун яратилмаган» мазмунидаги танқидий фикрини келтиради [51; 437-б.].

Навоий ва Низомий дostonларидаги ҳикоятлар буткул бир-биридан фарқ қилади. Низомий Баҳром ва

Фитнанинг аразлаш эпизодидан кейин Фитнани умуман эслатмайди. Баҳромга айтилган ҳикоятлар воқеа ривожидида ҳеч қандай роль ўйнамайди. Навоийда эса еттинчи мусофирнинг ҳикоятидан кейин Дилором топилади ва Баҳром ўз қайғули ҳаётидан қутулади.

Е.Э.Бертельс Навоий ҳикоятларини Ўрта Осиё фольклори билан боғлайди. Бу фольклор элементларига ҳам Навоий ўз шахсий «нота»сини киритишга муваффақ бўлган, бунда шоирнинг ноёб бадиий тафаккури асосий роль ўйнаган. Олим шу ўринда иккинчи иқлимдан келган мусофирнинг сариқ қасрда айтган ҳаёлий-фантастик ҳикоясини келтиради. Унга кўра шохнинг сеҳрли, ўзиюрар ва бошқариладиган тахти бор. Тахтга бир қанча зинапоялар олиб боради. Биринчи зинага қадам қўйиш билан бир зумда шох ёнида бўлиш мумкин. Бу тахтни олим автомобилнинг эскалатор билан ўзига хос комбинацияси («трон самокат») деб атайтиди. Адабиётшунос С.Ҳасановнинг фикрича, «Сабъаи сайёр»нинг ҳаётийлигини ошириш мақсадида, юқоридаги каби турли афсонавий ва ғайритабиий воқеаларга кам ўрин берилган, сеҳрли воқеа ва ходисалар ҳам иложи борича кам ишлатилган [413; 189-б.].

Навоий дoston композициясини қайта қуришга, энг асосийси қахрамон характерини ўзгартиришга муваффақ бўлган. Бу ўринда олим Баҳром образининг асрлар оша эволюциясини кўрсатади: **Фирдавсийдаги** Баҳром – ғзаби бир лаҳзада дунёни остин-устун қилишга қодир космик куч, **Низомийда** у ишқи барқарор бўлмаган ошиқ, **Навоийда** эса у ҳеч ким ва ҳеч нарса эздан чиқартиришга қодир бўлмаган ягона муҳаббат эгаси. Шундай қилиб, бора-бора Баҳром ҳаётийроқ образга айланган, Навоий уни зулмкор шохдан инсоний муносабатларни қадрловчи шахсга айлантирган. *«Бу тахтдан кейин, – деб ёзади олим, – ким «Сабъаи сайёр» дostonини «Ҳафт пайкар»нинг таржимаси дейишга жазм қилади? [51; 438-б.]*

Е.Э.Бертельсдан кейин «Сабъаи сайёр» дostonи бўйича аҳамиятга молик бир қанча тадқиқотлар ёзилган. Жумладан, Ғ.Каримов, М.Салье, В.Зоҳидов, И.Султонов, А.Қаюмов,

С.Ганиева, А.Хайитметов, Н.Ғанихўжаева, Ё.Исҳоқов каби олимлар асарнинг қиёсий таҳлилига доир қимматли фикрларни билдирганлар. Бу борада С.Ҳасановнинг махсус монографияси ҳам мавжуд бўлиб, унда дoston Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий ва қисман Ашраф Мароғавий баҳромномалари билан қиёсий-типологик жихатдан ўрганилган, ўрни билан Е.Э.Бертельснинг фикрларига ҳам муносабат билдирилган [413].

«Фарҳод ва Ширин» дostonи билан Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonини қиёсан ўрганган Е.Э.Бертельс шундай хулосаларга келади:

Биринчидан, Низомийда Хусрав, Навоийда Фарҳод асосий қаҳрамон вазифасини ўтайди. Фарҳод Низомийга Ширинга бўлган муҳаббат кучини кўрсатиш учунгина керак бўлган. Навоий эса бошиданоқ Фарҳодга диққатини қаратади. Бунинг устига, шоирнинг қаҳрамони Низомийдагидек оддий уста эмас, балки инсоний фазилатларга бой шахзода.

Иккинчидан, Навоий Хусрав образи моҳиятини бутунлай ўзгартирган. Шоирнинг Хусрави золим, жохил, ўз мақсадига фақат алдов ва хиёнат йўли билан эришувчи шахс.

Учинчидан, Низомийда Ширин барча камчиликлардан холи идеал маъшуқа. Хусрав унингсиз ҳеч ким. Навоийда эса у оддий инсоний муносабатларга тўла малика. Фарҳод ҳеч кимга, ҳатто Ширинга ҳам қарам бўлмаган жамиятнинг фаол аъзоси. Е.Э.Бертельснинг қайд қилишича, Навоийда Шириннинг Низомийдагидек идеаллаштирмагани дoston сюжетига путур етказмаган.

Тўртинчидан, дoston сюжетининг бошланишида ҳам талайгина фарқлар бор. Низомий ўз дostonини ҳар қандай фантастик лавҳалардан холи равишда, қаҳрамонларнинг суратларни кўриб ошиқ бўлиш мотиви билан бошлаган бўлса, Навоий бу эпизодни бир қанча эртакли мотивлар билан (*аҳриманнинг ўлдирилиши, хазинанинг қўлга киритилиши, Сукрот тоғи тилсимининг очилиши ва ҳ.к.*) бойитади ва кенгайтиради. Бу қисм олим назарида Навоийнинг юксак бадий маҳоратини кўрсата олган.

Мақола сўнгида «Лайли ва Мажнун» дostonининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Олим

Навоийнинг дoston муқаддимасида ёзган қуйидаги камтарона байтини келтиради:

*Ёзмоқда бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмуниға бўлди руҳ майли,
Афсона эди онинг туфайли [51; 439-б.].*

Е.Э.Бертельс Навоий ўзига ниҳоятда камтарлик билан баҳо берса-да, бу дostonда ҳам индивидуал поэтик тафаккурини намoён қила олганини таъкидлайди. Низомий дostonда ишқнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини кўрсатишни мақсад қилган. Унинг Мажнуни ишқий кечинмалар оламига шундай шўнгиб кетадики, натижада унда реаллайлига эҳтиёж қолмайди. Улар энди бир жузвнинг икки томони. Навоийда бу психологик этюд нисбатан чекинади. Унинг мақсади отонанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги қандай оилавий фожиаларга олиб келишини кўрсатишдан иборат. Ўз қахрамонлари тақдирида шоир ижтимоий тузумнинг нуқсонларини кўтариб чиқади. Бунинг учун Навоий дoston сюжетига ўта психологик нозиклик билан китобхонни қизиқтирадиган бир қанча ҳаққоний эпизодларни киритади. Е.Э.Бертельснинг мазкур масала батафсил ёритилган алоҳида «Лайли ва Мажнун» мақоласи [51; 417-431-б.] мавжуд бўлганлиги боис, бу ўринда қисқа изоҳлар билан чегараланади.

Хулосада олим кейинги пайтларда «Хусрав ва Ширин» рус тилига таржима қилинган бўлса, «Фарҳод ва Ширин»ни таржима қилишга нима ҳожат, қабилдаги саволларга унинг мақоласи жавоб бўла олишини алоҳида таъкидлайди ва «Хусрав ва Ширин»ни ўқиган рус китобхони, Навоий дostonини ҳам завқу шавқ билан қизиқиб ўқишига ишонч билдиради.

Е.Э.Бертельснинг қиёсий-тарихий йўналишдаги тадқиқотларидан яна бири юқорида эслатилган «**Лайли ва Мажнун**» мақоласидир. Мақола илк бор 1940 йилда Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати би-

лан тайёрланган илмий тўпламда нашр қилинган [271; 30-50-б.], кейинчалик танланган асарлар таркибига киритилган [51; 417-432-б.].

Мақола бошида дostonнинг яралиш тарихи, генезиси, тарқалиш диапазони, ундаги асосий эпизодлар, Навоидан бошқа яна кимлар бу мавзуда ижод қилгани ҳақида кенг маълумот берилади. Кейинги босқичда Низомий, Амир Хусрав Дехлавий, Навоийнинг дostonлари алоҳида-алоҳида қиёсий усулда ёритилади.

Олим **Низомий** дostonни ёзишга иштиёқ билан киришмагани, чунки у «Лайли ва Мажнун» мавзусини дабдабали ифодага йўл қўймайдиган зерикарли мавзу деб билганини маълум қилади. Дoston ширвоншоҳ Ахсатан ибн Манучехрга бағишланган ва психологик-тасаввуфий этюдлардан иборат, тили мажозий, мураккаб.

Е.Э.Бертельс Низомий дostonининг қисқача сюжети билан таништиради. Ундан қуйидаги муҳим эпизодларни ажратиш мумкин: отанинг илтижоси, Қайснинг туғилиши; мактабдаги учрашув – Қайс ва Лайли ишқий кечинмаларининг бошланиши; омадсиз совчилик эпизоди; Мажнуннинг Маккага йўл олиши, қайтишда қочиб кетиши; Навфалнинг Лайли қабиласи устидан ғалабаси, аммо Қайснинг илтимосига кўра чекиниши; Лайлининг унаштирилиши, Ибн Саломнинг вафоти; Мажнуннинг тоғу тошларда девонавор юриши, ишқий кульминация; Лайли ва Мажнун фожиаси.

Низомий унча иштиёқ билан киришмаган дoston тез орада кенг тарқалади ва унга назира ёзишга уринишлар бошланади. Сарой шоири **Амир Хусрав Дехлавий** дostonни ёзишга Низомийдан салкам 100 йилдан кейин киришган. Бу дostonнинг Е.Э.Бертельс интерпретациясидаги сюжетидан қуйидаги асосий лавҳалар кузатилади: Қайснинг ишқий кечинмалари ҳақида мунажжим башорати; мактабдаги учрашув – ишқий кечинмалар ибтидоси; Лайли онасининг сирдан воқиф бўлиши, отасига айтиши, уй қамали; совчилик ва рад эпизоди; Навфал ғалабаси ва чекиниши; Мажнуннинг Навфал қизига уйланиши, никоҳ кечаси қочиб кетиши; Лайли ташаббуси билан хат олишув,

кимсасиз саҳродаги учрашув; Лайли ва Мажнун фожиаси.

Юқоридаги сюжет чизиқларидан Дехлавий достонининг ўзига хослигини ажратиб олиш мумкин.

Биринчидан, достонга Мажнуннинг ҳажга бориш лавҳаси киритилмаган. **Иккинчидан**, ота ноласи – мунажжим башорати билан алмашинган, бу бошиданоқ Қайсни ўз тақдирининг қулига айлантирган. Дехлавийнинг Мажнунни лоқайд позициядаги образ, шунинг учун ҳам у Навфал қизига уйланади ва аҳмоқона қочиб кетади. **Учинчидан**, Лайлининг ташаббуси билан саҳродаги учрашувнинг ташкил қилиниш эпизодини Е.Э.Бертельс муваффақиятсиз чиққан лавҳа деб ҳисоблайди. Чунки бу учрашув асар умумий концепциясига путур етказган. Бундай ҳолатда кейинги фожиаларнинг психологик ва фалсафий моҳияти ўз маъносини йўқотади. Олимнинг фикрича, Дехлавий Низомийнинг чуқур фалсафасини англамаган, асарга янгилик киритишни мақсад қилган адиб, аксинча, бу билан достон концепциясининг бир бутунлигига, умумий руҳига зарба берган.

Тўртинчидан, достон тили содда ва ихчам, сарой савиясига мос, лекин Низомийдагидек ёрқин таассурот қолдиролмайди. Шундай бўлса-да, сарой муҳитида Низомийдан кўра Дехлавий кўпроқ шухрат қозонган.

Маълумки, Навоий ҳар иккала асардан хабардор бўлган ҳолда «Лайли ва Мажнун» достонини ёзишга киришади. Буни асар муқаддимасидан ҳам билиб олиш мумкин. Муаллиф баъзи эпизодлар тасвирида Низомийга, баъзиларида Дехлавийга суянган. Е.Э.Бертельс аввало Навоийнинг Низомий ва Дехлавийга муносабати ёритилган байтларини келтириб таҳлил қилади: буюк мутафаккир Низомийни Дехлавийга қараганда юқори баҳолаганини қайд этади. Шунингдек, асарнинг яралиши билан боғлиқ мисраларни келтиради.

*Ё ҳинд нажоди ҳиндувий зод,
Ким қасрларни қилди обод.
Ҳам қалъа учун керакдур шаҳр,
Ҳам қасрға боғу сабадин баҳр.*

*Бўлса манга фурсат ул қадар чоғ,
Ким шаҳр ила тарҳ солибон боғ [51; 426-б.].*

Тўғри таъкидланганидек, Навоий шарқона камтарлик билан Низомий қурган қаср ёнида кичкина «бир шаҳар» ва «боғ» барпо этишни мақсад қилган. Аслида қандай бўлганини эса қуйидаги мулоҳазалардан билиб олиш мумкин.

Е.Э.Бертельс юқоридаги дostonларга нисбатан Навоий дostonидаги мазмун-моҳиятни кенгроқ тасвирлайди. Фикримизча, олим бу билан Навоий ижодининг индивидуал хусусиятларини яққол кўрсатишни мақсад қилган. Е.Э.Бертельс келтирган сюжетдан қуйидаги асосий лавҳаларни ажратиб олиш мумкин: **отанинг** ноласи, Қайснинг дунёга келиши; **мактабда** Лайлининг соғайиши шарафига отасининг базм уюштириши; **Қайснинг** базмда Лайлини кўриши ва ғайритабий ҳолатга тушиши. *Шу ўринда Е.Э.Бертельс Навоий бу жарённи қуйидаги қизиқарли реалистик деталларда намён қила олганлигини алоҳида таъкидлайди. Қайс Лайлини кўриб ажиб бир ҳолатга тушади, айна базмда ўзини четга олиб яширинади. Лайли бехосдан уни топади, нега ғамгинлигини сўрайди, аммо ўзининг бунга алоқадорлигига шубҳа ҳам қилмайди; муваффақиятсиз совчилик эпизоди; **Навфалнинг** Лайли қабиласига юриши, ғалабаси ва чекиниши. (Навоий дostonида Лайлининг отаси унинг айтганини қилмаса ўлдириши мумкинлигини Мажнун туши орқали билиб олади, яъни юраги сезади ва Навфалдан чекинишни сўрайди; Лайлининг унаштирилиши, куёвнинг вафоти; **Мажнуннинг** Маккага кетиши ва қайтишда қочиб кетиши; **Тоғу тошлардаги** дарбадарлик, ёр итига ошнолик мотиви. Бу ўринда олим Европа китобхонига «итга оинолик» бир оз ғалати туюлиши мумкинлигини, лекин XV аср Ўрта Осиё лирикаси учун бу анъанавий ҳол эканлигини эслатиб ўтади. **Мажнуннинг қайтиши** ва Навфал қизига унаштирилиши. Бу эпизод Деҳлавий асарида ҳам мавжуд, унда Мажнун Лайли тўйидан олдин, Навоий дostonида эса кейин унаштирилади. Навоий дос-*

тонида Навфал қизининг ўз севган ёри бўлади. Бундан хабар топган Мажнун тўйга рози бўлмайди ва икки ёшга улар кутган висол бахтини тухфа қилади. Дехлавийда эса бу эпизод Мажнуннинг никоҳ кечаси нотўғри йўл тутиб, қочиб кетиши билан тугайди; **Лайлининг уйдан чиқиб кетиши** ва тасодифан Мажнунни учратиши. Бу ўринда Е.Э.Бертельс диққатимизни тасодифан деган сўзга қаратади. Дехлавийда бу лавҳа Лайли томонидан махсус уюштирилган бўлса, Навоийда Лайлининг маънавий қиёфасига, шарқона одобига зарар етказмаган ҳолда тасодифан содир бўлади.

Е.Э.Бертельс ҳар иккала адибдаги Лайли ва Мажнунни учраштириш эпизодини Низомий концепциясидан узоқлашиш деб баҳолайди, бу лавҳа Мажнун ишқининг «номоддий» характерини сусайтирганлигини таъкидлайди. Юқорида айтилганидек, Низомий ишқнинг илоҳий кучини кўрсатишни мақсад қилади. Шунинг учун унинг Мажнунига жисмоний Лайли керак эмас, унинг ўзи Лайли. Е.Э.Бертельснинг фикрича, Навоийда бу психологик этюд нисбатан чекинади, унинг мақсади дostonни реал ҳаётга яқинлаштиришдан, ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги қандай оилавий фожиаларга олиб келишини кўрсатишдан иборат; **Лайли ва Мажнун** фожиаси. Бу лавҳа Навоийнинг салафларида тасвирланган ифода тарзидан бир оз фарқ қилади. Низомий ва Дехлавийда Мажнун Лайли вафотини эшитгач, унинг қабри томон шодланиб, ғазаллар ўқиб ошиқади, чунки ниҳоят у кутган лаҳзалар етиб келади. Навоийда эса Мажнун Лайлини охириги манзилга узатаётган одамлар даврасига ҳаёт билан ҳар қандай алоқасини узган, давр одамлари туфайли жабр чеккан, тирик мурдага айланган, инсоният зулмидан қаттиқ норози бир қиёфада кириб келади.

Е.Э.Бертельс ҳар учала адиб достонидаги асосий эпизодларни таҳлил қилиш асосида шундай хулосаларга келади.

1. Навоий ниҳоятда камтарлик билан айтган, қаср ёнида кичкина «бир шаҳар» ва «боғ» барпо этиш фик-

ри билан келишиш қийин, чунки таҳлилимиз унинг Низомий «қасри»дан ҳеч ҳам кам бўлмаган «қаср» барпо этганини кўрсатди;

2. Низомий достонини яратишда сўфийлик концепциясига таянади, Навоий эса фақат ҳаққоний лавҳалардагина даврнинг инсон эрки, никоҳ каби долзарб муаммоларини кўтариб чиқиш ва китобхонни ишонтириш мумкин деб ҳисоблайди; бошқача айтганда, «...Навоий аввал бошданок инсон маънавиятига, инсониятнинг камолот сари интилиши муаммоларига айрича аҳамият беради» [49; 210-б.].

3. Европа шарқшунослари Навоийнинг барча достонларини таржима деб ҳисоблаганлар ва уларни ўрганишга ҳожат йўқ деб билганлар. Шунинг учун ҳам ғарб навоийшунослигидаги тадқиқотлар Навоий қўлэмаларига берилган умумий тавсифлар билан чегараланган. Бундай ёндашув Шарқ адабий жараёнини тўла англамасликдан, энг ёмони «англашни хоҳламасликдан» келиб чиққан.

Мақола сўнгида Е.Э.Бертельс «Лайли ва Мажнун» достони алоҳида қимматга эга эканлиги, Навоийнинг юрагида доим ёниб турган, уни мудом адабий ва ижтимоий фаолиятга йўналтирувчи, инсонга бўлган бениҳоя муҳаббати бу достонида, айниқса, ёрқин намоён бўлганлигини қайд қилади.

Е.Э.Бертельснинг компаративистик йўналишдаги навбатдаги тадқиқотида Искандар образининг Шарқ ва Ғарб адабиётида акс этиш даражаси ўрганилган [51; 283–368; 57].

Бу тадқиқот олимнинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича қиёсий йўналишдаги монографияларидан биридир. Тадқиқот кириш ва икки асосий қисмдан (*Навоийгача бўлган Искандар ҳақидаги достонлари, Навоийнинг «Садди Искандарий» достони*) иборат.

Киришда муаллиф Ғарб ва Шарқ адабиётидаги Искандар образининг характерли хусусиятлари, ўзигача бу мавзунинг ёритилиши ҳақида тўхталади. Ғарбда бу образ рицарлик, Шарқда Арасту билан боғлиқликда тасвирланиши, **Искандар – Арасту концепцияси** давлат

бошқаруви ва ҳарбий сиёсатни фалсафанинг онтологик, гносеологик, эстетик асослари билан боғлашга ёрдам берганини қайд қилади. Олимнинг аниқлашича, милонинг VI асрига келиб идеал Искандар образини яратиш анъанаси кучаяди. Афсонавий ҳукмдор ҳақидаги Шарқ романлари фақат бадиий асар бўлмай, давр сиёсий донолигининг ўзига хос дидактикасига айланади.

Искандар ҳақидаги Шарқ дostonлари орасида Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи алоҳида қиммат касб этади. Олим бу ўринда Навоий нафақат сўз устаси, балки кўзга кўринган давлат арбоби ҳам бўлгани, унинг мазкур дostonини ўқиш, темурийлар давридаги давлат бошқарувининг характерли хусусиятларини очиб бериши, шу жиҳатдан унинг ҳам тарихий, ҳам филологик аҳамиятга эга эканини таъкидлайди.

Е.Э.Бертельс мазкур дostonни ўрганишга икки муҳим сабаб билан киришади:

Биринчидан, олим бу борада етарлича тажрибага эга бўлган, Низомийнинг барча дostonлари илмий-танқидий матнига муҳаррирлик қилган, жумладан, «Искандарнома»ни ҳам атрофлича ўрганган.

Иккинчидан, олимда Навоий яратган Искандар образининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш истаги бўлган.

Е.Э.Бертельс тадқиқоти жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилган: ҳар хил тарихий даврдаги Искандар образи эволюциясини кузатиш; бу мавзуда Навоийгача ёзилган дostonларнинг умумий обзорини бериш; Навоий дostonининг характерли хусусиятларини аниқлаш.

Албатта, бу вазифаларни уддалаш олим учун осон кечмаган. Бунинг учун бир қанча қўлёзма манбаларни ўрганиш, матншунослик йўналишида қиёсий иш олиб боришга тўғри келган. Анча йиллик текстологик изланишлар, сюжет чизиқлари, композиция, образлар силсиласи ва семантикасини чуқур ўрганиш асосида Е.Э.Бертельс дoston ҳақида қуйидаги хулосаларга келади:

1. Е.Э.Бертельснинг фикрича, Навоий бу дostonини

ёзиш орқали, аввало, китобхонни маънавий юксалтиришни мақсад қилган ва идеал шоҳ образини яратган. Аммо, навоийшунос А.Қаюмов тўғри таъкидлаганидек, «Навоийдек буюк ижодкор сунъийликка йўл қўйиши мумкин эмас эди. У ҳар бир воқеа, характер заминиде ётган қарама-қаршиликларни яхши тушунар эди. Шунинг учун у идеал қахрамон образини яратиш вазифасини ўз олдиға қўйиши мумкин ҳам эмас эди» [407; 49-б.].

Олима Ф.Сулаймонова бу фикрни қувватлаб, Навоий яратган Искандар Македония подшоси эмас, балки XV асрда яшаши мумкин бўлган, шоир орзу қилган, салбий хусусиятлардан холи бўлмаган феодал подшоси деган хулосаға келади [358; 157-б.].

2. Шоирнинг Искандари авлиё ёки пайғамбар эмас, аксинча, ҳар қандай шоҳ эриша оладиган ибратли ҳукмдор. Бу хулосаға ҳам эътироз билдириш мумкин, ҳукмдорнинг туб манфаатлари ибратли бўлишға йўл қўймайди. «Чунки ҳукмроннинг барча фаолияти ўз ҳокимиятини мустақамлашға қаратилган. Якка ҳукмронлик билан умумхалқ манфаатлари ўртасида умумийлик бўлиши мумкин эмас» [407; 49-б.].

3. Навоий Искандар фаолиятини кўпроқ ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, сиёсий томонларига боғлаб кўрсатган. Бу жиҳатдан дoston XV аср Ўрта Осиё маданий ўтмиши ҳақида ноёб маълумотларни беради;

4. Дoston максимал даражада ҳаётға яқинлаштирилган. Низомийда Искандарнинг вафоти чуқур фожиавий тонда тасвирланади, Навоийда бу – худди хазон келиб, япроқлар тушган каби табиий, оддий. *Низомий ларзаға солса, Навоий тасалли беради, қалбларни умид билан тўлдиреди.* Бу хулосаға сабаб бўлган генезисни яна А.Қаюмовнинг тадқиқотидан топиш мумкин: «Дostonдаги воқеалар шоирнинг субъектив мўлжали, хоҳиши асосида эмас, воқеаларнинг қонуний ривож заминиде содир бўлади.

5. Навоий дostonининг тили унинг «Хамса»сига кировчи бошқа дostonлари тилиға қараганда ҳам содда,

ҳам ҳар қандай мураккаб ифодалардан холи, оддий. Бу билан асарнинг бадиий қимматига путур етмаган, аксинча, унинг ўқишлилиги кучайган. Адибнинг мақсади ҳам аслида асарни ҳаммабоп қилиш, фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, дoston ғояларини ҳукмдорларга мумкин қадар тезроқ етказиш бўлган;

6. *«Ишимизнинг охирги қисмида, – деб ёзади Е.Э.Бертельс, – Навоий достонининг бадиий хусусиятларини таҳлил қилишни мақсад қилган эдик. Аммо асарнинг илмий-танқидий матни – таянч асос йўқлиги боис бу ниятимизни амалга ошира олмадик»* [51; 415-б.].

7. Дoston бадиий хусусиятлари билан бирга педагогик аҳамиятга ҳам эга. Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда унинг ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун юқори синф дарсликларига тарихий ва стилистик шарҳ билан дostonдан айрим парчаларни киритиш керак.

Монография сўнгида Е.Э.Бертельс қандай кийинчиликлар бўлишига қарамай, Навоий достонининг академик нашрини мумкин қадар тезроқ тайёрлаш туркологларнинг муқаддас бурчи эканини қайд қилади.

Е.Э.Бертельсдан кейин «Садди Искандарий» достони бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилди [103; 172; 358; 407]. Булар орасида А.Қаюмовнинг «Садди Искандарий» монографияси чуқур таҳлилга бойлиги, холис фикрларнинг баён этилиши билан алоҳида қиммат касб этади. Е.Э.Бертельс талқинидаги этирозли нукталар олимнинг фикрларида равшанлашган, асосланган ва ўз қиёмига етган [407].

Адабиётшунос М.Ҳамидова матншунослик амалиётида биринчи марта дostonнинг олти қадимий нусхаси ва П.Шамсиев тайёрлаган матн асосида асарнинг мукамал илмий-танқидий матнини тузишга муваффақ бўлди [417].

Хуллас, қиёсий йўналишдаги илмий тадқиқотларини таҳлил қилиш асосида Е.Э.Бертельснинг тадқиқотчилик маҳоратини белгиловчи қуйидаги жиҳатлар аниқланди:

1.Е.Э.Бертельснинг компаративистик йўналишдаги илмий меросида комплекс филологик

тахлил, яъни асар жанрини белгилаш, матн қурилишини тавсифлаш, асар умумий руҳининг макон ва замонга алоқадорлиги, образлар системаси ва семантикасини аниқлаш, асарнинг жаҳоний даражасини қиёсий йўсинда белгилаш, матннинг эстетик аҳамиятини очиб бериш каби жараёнлар амалга оширилган.

2. Олимнинг илмий тадқиқотларига эпистемологик жиҳатдан ёндашиш мумкин. Илмий матнга эпистемологик ёндашув матн мазмунини билим тарзида қабул қилишга изн беради. Бу жараён Е.Э.Бертельс илмий меросида тўртта босқичда намоён бўлади: **муаммоли вазиятни** яратиш (кўпинча, олим бундай вазиятни саволлар бериб яратади), **ечилиши керак бўлган** асосий муаммони ўртага ташлаш, **қўйилган масалага** жавобнинг дастлабки формулировкасини бериш, масаланнинг ечимини топиш, исбот, хулоса.

3. Е.Э.Бертельснинг қиёсий-тахлилий тадқиқотлари орқали:

Биринчидан, бир йўла бир неча асар ҳақида маълумот олиш мумкин. (масалан, Низомий, Деҳлавий, Навоий «Лайли ва Мажнун»и)

Иккинчидан, XX аср боши рус шарқшунослиги билан рақобатда бўлган Ғарб шарқшунослигининг ўзига хос жиҳатлари, олим таҳлилидаги адабиётлар билан ташилади.

Учинчидан, матн билан ишлашнинг ноёб усуллари ўрганамиз. Е.Э.Бертельснинг тадқиқотлари бизга адабиётшунос томонидан бадиий асарнинг адабий-бадиий ҳамда ҳаётий факт ва ҳодисалар билан боғлиқлиги қанчалик кенг ва тўла ҳисобга олинса, талқин ва таҳлилда шунчалик «ютиш» мумкинлигини кўрсатади.

4. Олим илмий асарларининг баён усули ва услубида ўзига хослик мавжуд. И.Ҳаққулов таъбири билан айтганда, Е.Э.Бертельс тадқиқотларида «зоҳиран оддий, содда кўринган фактлар бадиий тахайюл кўмаги ила умумлаштирилган, илм билан санъатнинг кучи бирлашган» [415]. Биз қузатган манбаларга ҳам илмийлик, ҳам оммабоплик характери сингдирилган.

5. Фикримизча, муаллифнинг илмий мероси маълум даражада адабиётшуносликнинг истиқболини ҳам белгилашга ёрдам беради. Олим ўзи ечишга улгурмаган долзарб муаммоларни кўрсатиб ўтади ва кейинги изланувчиларга хавола қилади [51; 284, 285, 413-б.]. Масалан, олим муаллифи номаълум деб таҳлил қилган тасаввуфий мазмундаги таржеъбанд [53; 469-474-б.] муаллифи Махрамий эканлигини Л.Дмитриева тузган туркий қўлёзмалар тавсифи орқали аниқланди [107; 312-б.]. «Мажолис ун-нафоис»ни кузатганимизда, Махрамий деган шоир Астрободда яшаб ижод қилгани, «толиби илм ва фақирванш йигит» бўлгани маълум бўлди [21; 115-б.].

Монография ҳажмини эътиборга олиб, Е.Э.Бертельснинг фақат қиёсий-тарихий йўналишдаги айрим тадқиқотларигина таҳлил қилинди. Бу каби ишлар олимнинг адабий-илмий меросида анчагина бўлиб, уларни атрофлича ўрганиб чиқишнинг ўзи махсус бир монографик тадқиқотни талаб этади.

Албатта, Е.Э.Бертельс ёзиб қолдирган барча илмий мулоҳазаларни адабиётшунослик учун эталон (ўзгармас ҳақиқат) сифатида қабул қилиб бўлмайди. Масалан, олимнинг юқорида келтирилган «Лайли ва Мажнун» достони ҳақидаги *«Навоийнинг мақсади дostonни реал ҳаётга яқинлаштиришдан, ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги қандай оилавий фожиаларга олиб келишини кўрсатишдан иборат бўлган»* каби хулосаси билан қўшилиш қийин. Рус адабиётшунослигидаги илмий-назарий тушунча ва хулосаларни ҳамма вақт ҳам туркий адабиёт намуналарига татбиқ қилиб бўлмайди. Бизнингча, матндаги асл моҳиятни миллий-диний қарашлардан ҳам келиб чиқиб талкин қилиш лозим. Матннинг ғоявий-бадиий таркибини теран мушоҳада этганимизда, сабаб, ота-онанинг фарзанд устидан мутлақ ҳукмронлиги эмас, фарзанднинг диний шариат, ота-она олдидаги бурчи экани маълум бўлади.

Олимнинг «Садди Искандарий» достони ҳақидаги *«...дostonда Низомий ёки Жомий дostonидагидек тасаввуфий руҳни деярли сезмаймиз, асар максимал даражада*

ҳаётга яқинлаштирилган» деган фикри ҳам бахсталаб мавзу. Е.Э.Бертельснинг бу қараши бирёкламаликни келтириб чиқаради. Дейлик, Искандарнинг адолатидан қисқа фурсатда мамлакатнинг обод ва фаровон бўлиши, ҳақиқатдан йироқ эди.

Адабиётшуносликда бундай эътирозлар бўлишини олдиндан фаҳмлаган олимнинг ўзи туркий адабиёт «билимдони» бўлмаганлиги боис, замон туркологларидан шарқона одоб билан нуқсонларини тузатишни ва уларга илтифотли бўлишни, идеалдан узоқ бўлган ишдан кўра, ниятнинг ўзига баҳо беришни сўрайди [53; 380-б.].

Давр тақозосига кўра Е.Э.Бертельс мафкуравий тазйиқлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлган, шунинг учун олим баъзан таҳлилда юзаки талқинларга йўл қўйган. А.Н.Самойлович, С.Л.Волин, А.Э.Шмидт ва қатағон қурбони бўлган бошқа олимларнинг [196] аччиқ қисмати шундай қилишга ундаган.

Алишер Навоийнинг асарлари, хусусан, «Хамса» дostonлари бўйича бажарилган бир қанча докторлик ва номзодлик ишларида Е.Э.Бертельснинг қарашларига маълум даражада муносабат билдирилган [86; 115; 279; 286; 331; 392; 406; 412; 416]. Буни инкор қилмаган ҳолда, монография мавзудан келиб чиқиб, олимнинг тадқиқотчилик маҳоратини унинг қиёсий-тарихий йўналишдаги айрим тадқиқотлари орқали очишга имкон қадар ҳаракат қилинди.

Навоий асарларининг ўзбек олимлари томонидан ўрганилиш даражаси, **рус ва ўзбек адабиётшунослигидаги мавзуга дахлдор ишларни қиёсан ўрганиш** алоҳида тадқиқот объекти бўлгани учун, масалага алоҳида урғу берилмади, аммо ўрни билан муносабат билдирилди.

Умуман олганда, Е.Э.Бертельс тадқиқотларига илмий жиҳатдан ҳолис баҳо бериш, унинг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, навоийшунослик соҳасидаги меҳнатларини қадрлашни, шу билан бирга айрим ноаниқликлардан кўз юммасликни талаб қилади.

3.4. И.В.СТЕБЛЕВА ТАҲЛИЛИДА СЕМИОТИК ПОЭТИКА

Рус олимаси И.В.Стеблева 1931 йилда Одессада, ҳарбийлар оиласида туғилган. 1953 йилда Москва давлат университетининг филология факультетини тугатган. 1965 йилда «VI–VIII асрлар туркий поэзияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1967 йилдан то ҳозиргача Москвада, Россия ФАга қарашли Шарқшунослик институтида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга Россия туркологлар қўмитасининг [511] фаол аъзоси саналади.

И.В.Стеблеванинг дастлабки тадқиқотлари қадимги туркий адабиётнинг специфик хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Олиманинг бу борадаги изланишлари туркий поэзиянинг тарихи, ўзига хос томонлари, жанрлари, вазни, образлар тизими, поэтикаси, композицияси ва мумтоз адабиётга таъсири масалаларига бағишланган [337; 344]. Мазкур тадқиқотларнинг айримларида қадимги туркий адабиёт билан бирга кейинги даврлар адабиётига хос хусусиятлар ҳам баён қилинади. Жумладан, олиманинг қиёсий-тарихий характердаги илмий рисоласида, мумтоз адабиёт мусулмон маданияти таъсирида юзага келган мураккаб эстетик бадиий ҳодиса сифатида талқин қилинади [343; 5-6.]. Шунингдек, қадимги туркий адабиёт анъаналарининг дастлабки мумтоз адабиёт намуналарида, хусусан, «Қутадғу билиг» асарида акс этиш даражаси ўрганиб чиқилади [343; 139–154]

70-йиллардан бошлаб олима мумтоз адабиёт масалалари билан ҳам жиддий қизиқа бошлайди. Унинг биринкети туркий аруз, поэтика, туюқ жанри, мумтоз адабиётда образлар тизими, ритм ва маъно тадқиқига бағишланган илмий мақолалари юзага келади [345–350].

Бобур ижоди тадқиқи олима илмий меросида алоҳида ўрин тугади. Ўзига хос тадқиқ усулига эга бўлган И.В.Стеблева шоирнинг адабий бадиий меросини махсус ўрганади ва туркология фанини янги тадқиқотлар билан

бойитади [136; 351–355]. Булар орасида **Бобур ғазаллари семантикасига** бағишланган тадқиқот ҳажми, мазмуни ва тугаллиги билан ажралиб туради [356].

Мазкур илмий асар тўртта боб ва шоир ғазалларининг илмий-танқидий матни келтирилган иловадан иборат. Араб графикасида келтирилган бу матнга Бобур девонининг Париж, Истамбул ва Ҳиндистон (Рампур) нусхаси асос қилиб олинган. Ғазаллар жами 119 та бўлиб, тадқиқотнинг илмий холислигини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳам русча таржимаси, ҳам аслияти тақдим этилган.

И.В.Стеблева таҳлилидаги ҳар боб махсус бир масалага бағишланган. Бобур ғазалларининг структурал-маъновий парадигмаси биринчи бобда, композицияси ва семантик бирлиги иккинчи бобда, образлар системаси учинчи бобда, ғазалдаги анъанавий мавзу ва муаллиф шахсияти тўртинчи бобда таҳлил қилинган.

«Бобур ғазалларининг структурал-маъновий парадигмаси» «Структурно-смысловая парадигма газелей Бабура» деб номланган биринчи бобда Бобур ғазалларининг маъновий-шаклий парадигмаси ўзига хос усулда, логик модул орқали очиб берилади. Даставвал Шамсиддин Қайс ар Розийнинг «Ал-мўъжам», Кабул Муҳаммаднинг «Ҳафт қулзум», Воҳид Табризийнинг «Жамъи Мухтасар» назарий асарлари асосида ғазал жанри билан боғлиқ қарашлар изоҳланади. Бу қарашлар асосида олима ғазал анъанавий «мен» ва «маъшуқа» («я» и «возлюбленная») тарзидаги икки семантик марказдан иборатлиги ва бу тuzилиш универсал лирик схемани ташкил қилишини қайд этади.

И.В.Стеблева лирик схемани очиб беришда кўпроқ Бобурнинг диалогик ва тавсифий характердаги ғазалларидан фойдаланади. Диалогик ғазалларда лирик қахрамон кечинмалари етакчилик қилса, тавсифий ғазалларда асосий эътибор ёрнинг бетакрорлиги ва гўзаллигини намойиш қилишга қаратилади. Олима Бобур лирикасини таҳлил қилар экан, ҳар бир семантик марказга хос хусусиятларни жадвалда изоҳлашни лозим топади ва буни ғазалнинг логик модули деб номлашни

таклиф қилади. Масалан, қуйида диалогик характердаги ғазалнинг логик модули билан танишамиз:

Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?
 Ё сочингдек тийра бўлғон рўзгоримниму дей?
 Ҳажри қотил бирла кўнглум ҳолатинму шарҳ этай,
 Дарди муҳлик ичра жони беқароримниму дей?
 Кундуз ўлса тунгача айтайму бепоён ғамим,
 Кеча бўлса тонгга тегру ҳоли зоримниму дей?
 Телбаю мадҳушу беҳуд дема ким қилди сени,
 Лаъли майгун, сўзи мул, кўзи хумморимниму дей?
 Бобур ул ойнинг қуёшдек орази ҳижронида
 Тонгга тегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей? [356;
 273-б.]

Логик модул

№	ОШИҚ (мен)	ЁР (у)
1-байт 1-мисра	Менинг эгилган қаддим	Сенинг камон қошинг
1б 2 м	Менинг тийра тақдирим	Сенинг қора сочинг
2б 1м	Ҳалокатли айрилиқ ва менинг кўнглим	
2б 2м	Менинг дардли ҳасрат аро беқарор жоним	
3б 1м	Менинг адоқсиз ғамим	
3б 2м	Менинг ҳоли зорим	
4б 1м	Телбаю мадҳушу беҳудман	Лаъли майгун, сўзи мул, кўзи хумморсан
4б, 2м		
5б 1м		оразини қуёшдек ул ой
5б 2м	Ҳар кеча тонггача юлдуз санайман	

Бу логик модулда ҳам ошиқ (8 та), ҳам ёрга хос (4 та) характерли хусусиятлар очиб берилган. Мазкур модул орқали, «Мен (ошиқ) ғариб ва нотавонман, сен бетак-

Россиянинг машхур шарқшунослари



А.Н.Самойлович
(1880-1938)



Е.Э.Бертельс
(1890-1957)



А.А.Семенов
(1873-1958)




Н.И.Конрад
(1891-1970)



А.Н.Кононов
(1906-1986)



С.Н.Иванов
(1922-1999)



А.Э.Шмидт
(1871-1939)



В.М.Жирмунский
(1891-1971)



Муаллиф бир гуруҳ россиялик олимлар билан халқаро анжуманда (Санкт-Петербург, 2009 йил).



Россия Миллий кутубхонаси архивида (Санкт-Петербург, 2017 йил).



ЎзР Бош вазири А.Н.Арипов ва ҳамкасблари билан бирга
фан оламидаги ютуқлари учун тақдирлаш маросимида.



Азиз устозларим даврасида (Хоразм, 2008 йил).

роҳ ва етиб бўлмас идеалсан», деган хулосавий формулани чиқариш мумкин.

Шу тартибда Бобурнинг яна тўртта ғазали таҳлил қилинган. Таҳлил асосида И.В.Стеблева барча ғазалларда «**мен-маъшуқа**» оппозициясининг зарурий шарт эканлиги, бу оппозиция ўз ечимига эга эмаслиги (яъни ҳеч қачон бу муаммонинг ҳал этилмаслиги), диалогик ғазаллардаги логик модулда лирик қахрамонга, тавсифий ғазалларда эса ёрға хос характеристикаларнинг ҳажман кўплигини кузатиш мумкинлиги ҳақида ёзади. Ўрни билан бу ғазалларда мавжуд шеърый санъатлар хусусида ҳам фикр билдирилган.

Шоир лирикаси айнан анъанавий ишқ мавзусига бағишланса-да, бир ғазал иккинчисини такрорламайди, ўзига хос тарзда намоён бўлади. «Бунинг сабаби, – деб ёзади олима, ҳар бир ғазалдаги анъанавий мавзунинг турли мотивларда юзага чиқишидадир» [356; 28-б.]

Илмий адабиётларда мотив асарнинг асосий мавзуи ва ғоясини тўлдиришга хизмат қилувчи ғоявий чизиқ сифатида изоҳланган. «**Мотив** яширин характерга эга бўлиб, уни тадқиқотчи ёки китобхон ўзи англаб етиши керак» [376; 280-б.].

Шу асосда И.В.Стеблева Бобурнинг 8 та ғазалидаги мотивларни ўрганиб чиқади. Уларни ўзаро боғланган ва мавзунини аниқлаштиришга хизмат қиладиган **локал мотивлар** деб номлайди. Олиманинг фикрича, мотивлар лирик қахрамон ёки маъшуқа ҳолатини ифодалашга хизмат этади: диалогик ғазалларда лирик қахрамонга хос мотивлар етакчилик қилса, тавсифий ғазалларда ёр таърифи билан боғлиқ мотивлар устувор бўлади. Шунингдек, айнан бир хил мотивларнинг (масалан, айрилиқ мотиви) ғазалларда турлича, турфа хил образларда, поэтик санъатлар воситасида ифодаланиши ҳам конкрет мисоллар билан кўрсатиб берилган. Масалан, юқорида келтирилган ғазал мисраларидаги **мотив** қуйидагича изоҳланган: ёр ишқида эзилган ошиқ ва ишқда куйган лирик қахрамоннинг оғир ҳаёти мотиви (1-байт); қотил хижрон ва лирик қахрамон кўнглининг безовталиқ мотиви (2); адоқсиз ғам ва ишқ аро саргардонлик мотиви (3); **ошиқ ўз ҳолатидан нолишни**

рад қилиш мотиви ва ёр лаби, сўзи ва кўзига мафтун бўлиш мотиви (4); ошиқ бедорлигига сабаб бўлган айрилиқ мотиви.

Эътибор берилса, И.В.Стеблеванинг мотивларни аниқлашда бир оз адашгани ҳам кузатилади. Жумладан, 4 байтнинг биринчи мисрасидаги мотив **телбалик, мадҳушлик ва беҳудлик сабабини баён қилиш мотиви** деб олинса, тўғри бўларди. Бу каби камчиликларни бошқа ғазаллар мотиви таҳлилида ҳам кузатиш мумкин.

Мазкур бобнинг қолган қисмида мотивларни юзага келтиришда хизмат қиладиган образлар ва антитезалар тушунтирилган. Образлар И.В.Стеблеванинг мулоҳазасига кўра 2 тасемантик марказдан (ошиқ ва ёр) иборат. Улар бир-бирига хизмат қилади. Образлар мотивларга бўйсунди, уларни юзага чиқаришда восита вазифасини бажаради. Анъанавий образлар Бобур талқинида ўзига хослик касб этади. Олиманинг қайд қилишича, мумтоз шоирлар нима нимага қиёс қилишни жуда яхши билишган. Аммо шоирнинг маҳорати ўша образлар ифодасига ўзига хос йўсинда ёндашиш билан белгиланади. Шу маънода Бобур ҳам **монотонликдан** (бир хиллик) кечиб, анъанавий образларини ҳар хил қиёфада ифодалайди. И.В.Стеблева ёр юзининг гулга ўхшатилиши ҳар ғазалда ҳар хил аспектда келганини қуйидаги мисолларда баён қилади.

*Не чаманда гул бор ул қомати рағно киби,
Не гулистон ичра гул бор ул рухи зебо киби*¹⁰ [249-б.]

Бу ғазалда ёр юзи эмас, гул – ёр юзига қиёс қилинган:

*Йўқтур улким гул юзингдин айру боқсам гул сари,
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай* [267-б.]

Бу байтда эса истиоравий «гул юзинг» иборасидан фойдаланилган.

Олиманинг фикрича, ҳар бир семантик марказнинг ўз доираси мавжуд: ошиқ ўзининг изтиробларга тўла дои-

¹⁰ Бундан кейинги ҳолатларда И.В. Стеблева китобининг факат саҳифасини кўрсатамиз – Х.Г.

расидан, маъшуқа эса мақтовлар гирдобидаги семантик доирадан ташқарига чиқмайди. Лирик қаҳрамоннинг ёр висолига етиша олмаслик мотиви ғазал «сюжетини силжитмайди». Демак, бу жараён ғазалнинг сюжетсиз система эканлигини билдиради.

И.В.Стеблева ошиқ ва маъшуқа орасидаги анъанавий муаммо ечилсагина, сюжет силжишини кузатиш мумкин эди, деган фикрни билдиради (*Мотив бесполезности прихода героя возлюбленной не ведет к развитию сюжета, так как герой не покидает своего семантического поля перемещаясь только внутри его. Сюжет развернулся бы в таком случае, если бы герой сумел перейти из своего семантического поля в семантическое поле возлюбленной, что невозможно, так как это сняло бы основную оппозицию жанра газели: я–возлюбленная. Таким образом газель представляет собой бессюжетную структуру*) [46-б.].

Бизнингча, олиманинг бу мулоҳазалари ғазалнинг воқеабанд тури мавжудлигини рад қилади. Маълумки, Бобур ғазаллари орасида «кичик хикоя» тарзидаги ғазаллар ҳам оз эмас.

И.В.Стеблева асосий «мен–маъшуқа» оппозициясидан ташқари «мен–олам», «мен–рақиб», «мен–зоҳид», «мен–одамлар», «мен–давр» каби қўшимча оппозицияларнинг ҳам мавжудлиги, уларнинг ғазалдаги асосий ғояни очишга ёрдам бериши ва ҳар бир образнинг (рақиб, зоҳид, шайх, доно, соқий, дўст...) ғазалда бажарадиган вазифасини мисоллар асосида таҳлил қилади. Олима лирик қаҳрамон кечинмаларида иштирок этувчи образларни ҳамдард ва ҳамдард бўлмаган тоифаларга ажратади. Жумладан, соқий, дўст, кўнгил, табиб, кабутар ошиқ учун ҳамдард бўлса, шайх, зоҳид, замон, давр, рақиб образлари ошиқ мақсади йўлидаги маълум тўсиқлардир. Айниқса, кўнгил образи Бобур лирик қаҳрамони учун «индамас» ҳамдард, ҳамроҳ ва ғамгусор вазифасини ўтайди. Масалан:

Юз ямонлиғ кўриб ондин телба бўлдинг, эй кўнгул.. [212-б.]
Гурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй... [280-б.]

Шунингдек, И.В.Стеблева қўшимча оппозицияларнинг баъзида асосий оппозицияга бўйсунмай, мустақиллик касб этиши (масалан, «мен-олам»), буни Бобурнинг ижодидаги анъанавий тематик нормадан чекиниш, новаторлик, деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақидаги фикрни билдиради ва бу муаммога ишнинг 4-бобида махсус тўхталганлигини ёзади.

Хуллас, бу бобда И.В.Стеблева Бобур ғазалларининг маънавий-шаклий системасини (парадигмасини) семантик марказларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш орқали тадқиқ қилади. Бу жараёнда **семантик марказ – мотив – образ – оппозициялардан** иборат универсал лирик схема ёки занжирли **логик модул** ҳосил бўлади ва ғазал композициясида улар алоҳида-алоҳида вазифани бажаради. Олима фикрларида баъзи баҳсталаб ўринлар (*шеър таржамасидаги айрим хатолар, Бобур ғазалларининг сюжетсиз эканлиги ҳақидаги фикрлар*) мавжуд бўлса-да, бу ишнинг умумий аҳамиятини пасайтирмайди.

Маълумки, боғлиқлик ва бутунлик матн учун бири иккинчисини тақозо қиладиган икки муҳим кўрсаткич саналади. «Боғлиқлик маъновий, шаклий ва коммуникатив бутунликни белгилаб берса, бутунлик матнни ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган туркумлардан иборат систем структурали тузилма сифатида кўриб чиқишга изн беради» [380; 14-б.].

Китобнинг иккинчи боби юқорида тилга олинган муаммони ечишга қаратилган бўлиб, «**Композиция. Бобур ғазалларининг семантик бирлиги**» деб номланади. И.В.Стеблева олдин ўзигача бўлган Я.Рипка, Ж.Уекинс, С.Иванов каби олимларнинг ғазалдаги байтларнинг ўзаро боғлиқлиги ва семантик бирлиги ҳақидаги фикрларини таҳлил қилади. Уларнинг байтлараро кетма-кет боғлиқлик йўқ, байтлар ўрнини алмаштириш мумкин деган хулосаларини рад этиб, бу борада ўз кузатишлари асосидаги фикрларини баён қилади. Олиманинг таъкидлашича, Ж.Уекинс Ҳофиз ғазалларини ўргана туриб, унинг ғазаллари кетма-кет эмас, радиал тартибда (ғилдараксимон) боғлангани, Я.Рипка ҳар бир ғазал асосий ғоявий доминантасига,

яъни нуктасига эгалиги, байтлар ўша нукта атрофида ай- ланиб туриши, С.Иванов байтлар аккордлиги ҳақида ўз қарашларини билдирганлар [356; 58-59-б.].

И.В.Стеблеванинг фикрича, ғазалда матлаъ ва мақтаъ мавжудлигининг ўзи маълум тартиб борлигидан далолат беради. Бу ўринда у Қабул Муҳаммаднинг «Ҳафт қулзум» асарида келтирилган: «ғазал қандай мавзу билан бошлан- са, шундай хотима топади», деган фикрига ҳам таянади. Шунингдек, А.Ҳайитметовнинг «**матлаъдаги мисранинг мақтаъда такрорланиши тематик бирлик ва компози- цион бутунликка хизмат қилиши**» ҳақидаги мулоҳазаси ҳам қўллаб қувватланган. Булар асосида Бобурнинг мат- лаъдаги мисра мақтаъда такрорланган 5 та ғазали ундаги мотивлар билан бирга таҳлил қилинади ва бу такрор фақат формал безак эмас, янги маъно ташувчи, байтларнинг уз- вийлигини, ўзаро боғлиқлигини таъминловчи восита экан- ни исбот қилинади. Қуйида китобда берилган айрим байт- ларни келтираемиз:

*Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна,
Тийра бўлди рўзорим ул қаро қоштин яна.
Оёғим етканча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна [212-б.]*

Бу ўринда масалага чуқурроқ ёндашилса, оддий матн такрорини эмас, ҳар хил мотивларнинг юзага чиқаётгани кўринади. Дейлик, матлаъ ёр сочига мафтунлик мо- тиви билан бошланган бўлса, мақтаъ бу иштиёқ лирик қаҳрамоннинг кетишига изн бермаётгани мотиви билан тугайди. *И.В.Стеблева фикрига қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки*, бу ғазалда соч бир восита бўлган холос, аслида, лирик қаҳрамон яна ишқ гирдобига туш- гани ва ундан чиқиши амри маҳол эканлиги ғазалнинг асосий нуктасини ташкил қилади.

И.В.Стеблеванинг таъкидлашича, ғазалдаги се- мантик бирлик ва байтлараро уйғунлик фақат мақтаъдаги такрорга эмас, балки **матлаънинг қандай бошланишига** ҳам боғлиқ. Бу борада олима

яна А.Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» китобида баён қилинган қарашларга таянади. У устознинг: «Ғазал оригиналлигини энг аввало матлаъ орқали билиш мумкин, чунки айнан матлаъ ғазал тематикасини белгилаб беради», – деган фикрини қувватлаган ҳолда Бобурнинг тўртта ғазали матлаъсини таҳлил қилади.

Олима ғазалда таҳаллуснинг ўрни ва аҳамияти масаласига ҳам тўхталади. Бу борада у Е.Э.Бертельс, А.М.Мирзоев, А.Ҳайитметов каби олимларнинг қарашларини баён этади, таҳаллус ғазал якунидан дарак берувчи ва маълум изчилликка хизмат қилувчи восита деган хулосага келади. Бунда таҳаллус қўлланилган байт Бобур ғазаллари композициясининг финали бўлса, ундан олдинги, қўпинча мурожаатлардан иборат бўладиган байт кульминация нуқтаси сифатида эътироф этилган. Лирик қаҳрамон мурожаати эса ёрдан тортиб, шайх, қалб, соқий, қуёш, зоҳид каби турли образларга қаратилади ва ғазалдаги фалсафийликка, семантик тараққиётга хизмат қилади.

И.В.Стеблева кузатишлари асосида Бобур ғазалларининг кўпчилиги 5 байтдан ташкил топиши, жумладан, унинг 119 та ғазалидан 76 таси 5 байтдан, 25 таси 6, 8 таси 7, 6 таси 4, 2 таси 8 ва 2 таси 10 байтдан иборат эканини аниқлайди ҳамда энг кўп мурожаат – лирик қаҳрамон муддаоси, маънонинг энг кучли нуқтаси охиргидан олдинги байтда (асосан 4-байтда) ифодаланишини қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтади [79-б.].

Бобур байтларидаги мурожаатлар таҳлили жадвали:

Байтлар №	ПЕРСОНАЖЛАР																	
	Ёрга	Зохидга	Шайхга	Устозга	Донога	Табибга	Дўстга	Богбонга	Соқийга	Кабутарга	Азроилга	Сабога	Кўнгулга	Оллоҳга	Хизрга	Куёшга	Телбага	Ушшоққа
1	7				1		2		3		1		3					
2	3			1	1			1	2			1	2	1	1	1	1	
3	3	1		1			1				1		3	2				
4	2	2	1			2	2		2	1		1	5	2				
5	1						1				2	2	3		1			
6	1																	
7																		1
ЖАМИ	17	3	1	2	2	2	6	1	7	1	4	4	16	5	2	1	1	1

Жадвалдан кўриниб турганидек, Бобур ғазалларида ёр ва кўнгилга энг кўп мурожаат қилинган.

И.В.Стеблеванинг фикрича, ҳар хил образларга му-рожаат усули ва бу борадаги ўзига хослик (*дейлик, ёрга кўпроқ ғазал бошида, шайх, кўнгил, дўст ва бошқаларга ғазал охирида*) ҳам ғазал байтлари мазмунининг кетма-кетликда, тадрижий ривожланишига ва композицион бутунликни таъминлашга хизмат қилади.

Ғазал композициясида **бадий деталь** ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Монографияда *рўмол, хазон, гул* каби рамзлар билан боғлиқ Бобур ғазаллари таҳлил қилинган. И.В.Стеблева таҳлилидаги қуйидаги ғазалда **ёр рўмоли** (ёғлиғ) барча ишқий кечинмаларнинг асосий сабабчиси бўлган, шу билан бирга ғазалдаги композицион бутун-ликни юзага келтирган:

*Ёғлиғингким, жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонлар риштасидиндур магар ҳар тор анга.
Эврилур бошинггаю гоҳи юзингга юз қўяр,
Бу жиҳатдан от эмиш «гулпечу» гаҳ «гулзор» анга.
Бир чамандур саҳниким, бўлғай бинафша сарбасар,
Теграси гулзордурким, ўлмағай бир хор анга.
Ёғлиғинг токим юзу кўзингга тегмиш, бордурур,
Юз менигдек зору юз минг мен киби бемор анга.
Эй кўнгул, юз пора қилса ёр тиғи, ғам ема,
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлиғини ёр анга.
Кўнглум истар ёғлиғингни, балки андин бир насим,
Етса Бобурға эрур жон бирла миннатдор анга [274-б.]*

И.В.Стеблева бу ғазал мазмуни **эксплицит** равишда, яъни байтдан байтга принципида, яққол ифодаларда ривожланиб борган деган хулосага келади. Бунда *рўмол* бутуннинг қисми сифатида (бутун–ёр, қисм–*рўмол*) бир йўла ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маънони очиш-га хизмат қилган, *рўмол* баҳона анъанавий семантик марказлар: ёр гўзаллиги ва ошиқнинг ишқий кечинма-лари ифодаланган. *Бизнингча*, бу ўринда миллий коло-ритнинг аҳамияти ҳам кўрсатилса, айти муддао бўлар эди. *Рўмол* ўзбек аёлининг ҳаё рамзи, назокат тимсоли. Ошиқ ёр юзидаги *рўмолнинг* очилишига зор ва маф-

тун. Рўмолнинг таърифи шу қадар кенгки, баъзи шоирлар, масалан, Иқбол Мирзо бу тимсолни шамолнинг майинлигига ўхшатади (...шамол шу қадар майин, онанинг кўп ювилган рўмолидай) Кузатишларимиз Бобур ғазалларидан 13 тасида, Навоий ғазалларидан 69 тасида рўмол бадийий деталь вазифасини бажаргани маълум бўлди.

Олима Бобур ғазалларининг 5 байтдан иборатлиги композицион ихчамликни таъминлаган, ҳаддан зиёд **лапидарлик** (қисқалик) ва **аморфликни** (ўзгарувчанлик) олдини олган деб ҳисоблайди. Шунингдек, шоир ғазаллари композицияси *матлаъ, мақтаъ, кульминация*ни ифодаловчи охиргидан олдинги байт ва мазмуний боғлиқликни *таъминловчи ўрта байтдан* ташкил топганини қайд қилади ҳамда бу **конструкция** шоирнинг катта-кичик – барча ғазаларига тааллуқли эканини таъкидлайди.

И.В.Стеблева Бобур ғазаллари композициясидаги пухталиқ, аниқлик унинг триада усулида ёзилган, **тансиқ ус-сифот** санъати қўлланилган ғазалларида ҳам ифодаланганлигини кузатади ва қуйидаги ғазалини келтиради:

*Хатинг била юзунггу кокулинг сенинг эй жон,
Бири бинафша, бири ёсуман, бири райҳон.
Тамоми умрида Бобурға уч сўз айтибдур:
Бири сўкунч, бири қаттиқу бири ёлғон [274-б.].*

Бунда олима диққатини Бобур маҳоратини акс эттира олган кульминацион 4-байтга қаратади:

*Тану кўнгул била кўз васлу нозу ҳусни учун
Бири харобу бири волаю бири ҳайрон.*

Тўғри таъкидланганидек, биринчи ва иккинчи байт ёр ташбеҳига, учинчи байт ошиқ изтиробини ифодалашга, тўртинчи байт эса ҳар иккала семантик марказ (ошиқ ва маъшуқа) ҳолатини триада усулида очишга қаратилган.

Тан–васл, кўнгил–ноз, кўз–ҳусн, тан–хароб, кўнгил – вола, кўз – ҳайрон.

Хуллас, И.В.Стеблева ғазал композициясини ташкил қилувчи элементларнинг семантик бирликни юзага чиқаришдаги ролини чуқур таҳлил қилган. Олиманинг хулосасига кўра, Бобур лирикасидаги композицион бутунлик, ғазал байтларининг ўрин алмашилишига изн бермайди, бу эса ўз-ўзидан байтларнинг кетма-кетлик принципида боғланиши ва тадрижий тараққиётни келтириб чиқаради ҳамда Бобур лирикасининг семантик бирлигини таъминлайди.

Тадқиқотнинг кейинги қисмида олима **Бобур ғазалларидаги образлар тизимининг тузилиш таъмоийилларини** ўрганади.

И.В.Стеблева Бобур ғазалларидаги образлар системасини таҳлил қилишдан олдин бу борадаги назарий фикрларни, масаланинг ўрганилиши билан боғлиқ қарашларни баён қилади. Араб адабиётидаги образлар тизимини ўрганган Б.Я.Шидфар, X аср Бухоро поэзиясини тадқиқ қилган Е.Э.Бертельснинг анъанавий образлар яралишига манба бўлиб хизмат қиладиган **табиат ва маданият** ҳақидаги мулоҳазаларини келтириб ўтади. [102-б.] Хусусан, Е.Э.Бертельснинг: «...табиат қиёс учун асосий материални беради», деган фикрига қўшилган ҳолда Бобур ғазалларидаги ёр образи, унга тегишли ташбеҳларни ўрганиб чиқади. Жумладан, муаллиф **ёр юзининг қуёш, гул, лола, гулзор, кун, навруз, кўзининг нарғис, оҳу, лабининг ғунча, шакар, тишининг дур, қошининг камон, ҳилол, сочи ва зулфининг райҳон, бинафша, аждарга** анъанавий қиёсланиш сабабини мисолларда очиб беради.

Олиманинг кузатишларига қараганда, хоҳлаган образ ва унинг атрофидаги ташбеҳлар, истиоралар ё ошиқнинг изтиробли руҳий ҳолатини ёки ёрнинг бетакрорлигини ифодалашга хизмат қилади. Ошиқ **микроолами** доим маъшуқа **микрооламига** қарама-қарши. Уларнинг ташбеҳига хизмат қилувчи воситалар ҳам доимий зиддий айланма ҳаракатда бўлади. Маъшуқа ҳаминиша *эти-*

борда, кибор, мағрур, мамнун, **ошиқ** доим эзилган, хаста, ғамгин, умидвор. Буларнинг ҳаммаси «мен-маъшуқа» оппозициясига бўйсунди.

И.В.Стеблева Бобур истиоралари ҳақида ёзар экан, ҳар сафар лабни лаълга қиёслаш шарт эмас, лаъл сўзи шеърда ифодаланиши билан мумтоз адабиётдан хабари бор китобхон лаб ҳақида гап кетаётганини тушуниши, бошқа анъанавий ташбеҳларда ҳам шундай ҳолат кузатилишини баён қилади.

Баъзан айнан бир восита, масалан, янги ой ҳам **ёр** гўзаллигини, ҳам **ошиқ** ҳолатини ифодалашга хизмат қилиши мумкин:

*Кўк вусмада ул ой қоши гўё хаёлдур,
Ё ой бошида кўкда кўринган ҳилолдур [234-б.]*

*Эзма қаддим айб қилма қоши ёлар ишиқда
Янги ойдек ҳам бўлур гар худ фалак тоқи дурур [259-б.]*

Гулнинг **ғунчаси** ҳам ана шундай бинар (икки хил) тушунчани ифодалаш мумкин:

Менинг кўнглимки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур [254-б.]

Ғунчадек оғзинг ғами кўнглумда гар йўқ, бас недур... [258-б.]

«Бобурнинг маҳоратини, – деб ёзади олима, бир мисранинг ўзида, сарвнинг ҳам ошиқ ва ҳам маъшуқа образига қиёс қила билишида ҳам кўриш мумкин» [114-б.]

Сарвдек қадди фироқида ғиғонимдур баланд...

Бунда **сарв** нафақат ёр қадди-қоматини, балки ошиқ ғиғонининг ҳам кўтарилиб, ошиб бораётганини ифодалаган.

Бобур ғазалларидаги образлар системасини таҳлил қилар экан, олима улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бири иккинчисини тақозо қилади, ғазал асосий қаҳрамонлари (ошиқ-маъшуқа) ҳолатининг турли хил нарсаларга қиёсланиши ё қарама-қарши ёки қиёсий позицияни юза-

га келтиради, деб ёзади. Шу асосда ғазалдаги мотивларни юзага чиқаришда фаол ишлати - ладиган кун-тун, зулмат-ёруғ, вафо-жафо, висол-айрилик, ҳаёт-ўлим, шоҳ-гадо ва бошқа бир қанча оддий (кун-тун) ва жуфт (қувонч-бахт; ғам-алам) антитезалар мисолларда изоҳланади. Шунингдек, Бобур ғазалларидаги семантик (фикр) қарама-қаршилик акс этган ғазалларнинг образлар системасини шакллантиришдаги роли ҳам таҳлил қилинади:

*Тия олмон йиғини кўргач ул ёшини, вале ул ҳам,
Кўзум ёшини кўргач, асрай олмас ўзни кулгудан [285-б.].*

И.В.Стеблева Бобур ғазалларида жуфт сўзлар ҳам бадий ифода экспрессивлигини оширишга, образларнинг хусусиятларини очишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди ва Бобурнинг 119 та ғазалида мавжуд вафо-садоқат, юрак-қалб, ҳур-пари, ҳижрон-хазон, ғам-алам каби барча жуфт сўзларни, синонимик бирикмаларни ўрганади, хулосаларини баён қилади.

«Шунга амин бўлдинки, - деб ёзади И.В.Стеблева, - табиат, предметлар, ҳодисалар образлар қиёсига асос бўлса, умуминсоний мавжуд зиддиятлар антитезалар учун замин бўла олади. Образларни шакллантиришда бир вақтнинг ўзида ҳам қиёслаш, ҳам қаршилантириши принципини қўллаш бир қанча поэтик фигуралардан фойдаланишни тақозо қилади» [129-б.].

Шундан кейин олима Бобур қўллаган бадий тасвир воситалари ичида энг кўп учрайдиган тазод, истиора, мурот ан-назир (жуфт симметрия), ташбеҳ кабиларни мисолларда изоҳлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур лирикаси поэтикаси ўзбек адабиётшунослигида кенг ўрганилган. Аммо бу масала рус шарқшунослигида фақат И.В.Стеблева илмий ижодида тадқиқ қилинган (1-иловага қаранг).

Олима Бобур ғазаллари образлар системасини шакллантиришда асосий роль ўйнаган антитезаларнинг қадимий асослари ҳақида ҳам баҳс юритади. И.В.Стеблева Бобур ғазалларидаги фикрий қарама-

қаршилиқларни қадимги туркий поэзиядаги худди шундай антитезалар билан қиёсан ўрганади, анъанавий қўлланиб келинаётган қарама-қарши ифодаларга, семантик тазодларга мисоллар келтиради. Масалан, Бобур ғазалидаги «кундуз менга не ором, кеча менга на уйқу» антитезали ифода Тунюқуқ битиктошида «*Tün udymaty, küntiüz olurmaty*» [343; 196-б.] (тунда уйқусиз, кунда оромсиз) шаклида учрайди ва бу каби мисоллар шоир қўллаган тазод санъати узоқ тарихий традицияга эга эканини билдиради. И.В.Стеблева табиат (кунтун), воқеа ходисалар (яхши-ёмон) ва ижтимоийлик (шоҳ-гадо) билан боғлиқ бир қанча антитезаларга Бобур ғазаллари ва Ўрхун битиктошларидан қиёсий мисоллар келтиради.

И.В.Стеблева қадимги ва мумтоз туркий адабиётни қиёслаш бўйича муайян тажрибага эга бўлиб, бу масалага махсус тадқиқот ҳам бағишлаган [343]. Шу боис туркий поэзиянинг специфик хусусиятларини янада яққолроқ кўрсатиш учун Бобур ғазалларидаги образлар системасини Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги лирик шеърлар билан ворисийлик жиҳатидан қиёсан ўрганади ва улар ўртасидаги **семантик ядро бир хил деган** хулосага келади. Олиманинг қайд қилишича, ҳар иккала объектда ҳам анъанавий ишқ мавзуси икки семантик марказ: ошиқ изтироблари ва ёр ташбеҳини ифодалаган образлар орқали юзага чиқади. Шеърларнинг мотивини белгилашда ҳар иккала ҳолда ҳам образлар қиёси ва қарама-қаршилиги асосий роль ўйнайди. Масалан, айрилиқ мотиви «Девону луғотит турк»да:

*...Ağar közüm uş tühiz
Tügrä jörä quş uçar*

Ёки

...Jüzüm maniñ saryarur [342; 167-б.] тарзида ифодаланса, Бобур ғазалида:

... *Кўзимнинг ёшини дарё қилибсен* [220-б.]

...*Ҳазон яфроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғайдим* [235-б.] шаклида акс этади. Албатта, бу ўхшатиш ва антитезалар қадимги туркий поэзияда нисбатан содда, оддий тарзда ифодаланса, Бобур ғазалларида истиоравий, муболағавий йўсинда акс этади. «Девону луғотит турк»да ёр холи «қора хол» шаклида тавсиф топса, Бобурда «маржон», «дона» шаклида келиб, маъновий гўзаллик касб этади ёки ёр оддий *ойқиз* деб аталса, Бобур ғазалларида *ой, гул, шоҳ, султон, пари, ҳур* каби бир қанча ташбеҳларда ифодаланади.

«Бундан Бобур образ ва мотивларни қадимги туркий поэзиядан олган деган хулоса чиқмаслиги керак, – деб таъкидлайди И.В.Стеблева, – биз бу мисолларни Бобур ғазалларидаги мотивлар, образлар анъанаси бой тарихга эгаллигини, XI аср лирикасида ҳам мавжудлигини кўрсатиши, туркий поэзия андозани фақат форсий ёки арабий адабиётдан эмас, ўзидан ҳам олганини исбот қилиши учун ҳамда шоир маҳоратини ёритиши мақсадида келтирдик» [148-б.]

Ўрни билан олима Бобур ғазалларида қуръоний ва эрон мифологияси билан боғлиқ тушунчаларга, Фарход, Мажнун, Ширин, Лайли каби анъанавий образларга, тарихий шахсларга кам мурожаат қилингани, унинг маънавий олами кўпроқ ўзи қайта кашф этган туркиёна ифодаларда акс этганини ҳам мисолларда қайд қилади. Айниқса, Бобур ғазалларидаги ҳаётийлик, реаллик масаласига диққат қаратилади ҳамда ҳаётийлик баъзан кўпол тус олиши қайд этилади. (*Представление о системе образов в газелях Бабуря будет неполным, если мы специально не остановимся на тех сопоставлениях предметов и понятий, которые можно назвать подчеркнуто реалистическими. В ряде газелей Бабуря имеются такие образы, жизненность которых подчеркнуто до грубости*) [153-б.]

Масалан:

*Сиҳи қадларға Бобур ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсан дорларни* [271-б.]

Бу ғазалда кутилмаганда ёр қаддиниңг дор билан бобура таққосланишини кўрамиз. Кейинги ғазал байтида эса ҳеч қандай муболағасиз, реал, оддий ифодаларда маъно кучайишининг гувоҳи бўламиз:

*Қуюб оёғига бош сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошиға туфроқу, оғзиға тош, керак бўлса [215-б.]*

Бобур ижодида кўп учрайдиган бундай ифода усули И.В.Стеблева семантик кучайтириш ёки «образни зўрайтириш» деб изоҳлайди (...автор прибегаёт к приему, который можно назвать семантическим усилением или нагнетанием образа) [154-б.]

И.В.Стеблева Бобур ғазаллари образлар системасининг қурилиши қиёслаш ва қаршилантириш принципига асослангани боис унинг лирикасида параллел маъновий структуралардан фойдаланиш кенг тарқалган, деб ҳисоблайди ва қуйидаги мисолларни келтиради:

*Ўлтурур гарчи мени гуфторинг,
Тиргузур ул лаби шакарборинг [244-б.]
Неча лаълингдин менинг бағрим тўла қон қилғасен
Хотиримни неча зулфингдин паришон қилғасен [317-б.]
Ғайрға неча вафо қилғойсен
Жонима неча жафо қилғойсен [322-б.]*

«Анъанавий мавзу ва Бобур ғазалларида муаллиф шахси» деб номланган кейинги қисмда И.В.Стеблева, аввало, яна масаланинг ўрганилишига тўхталади. Олима ўзигача бўлган адабиётшунослардан Б.Я.Шидфар, А.Б.Куделин, С.Н.Ивановларнинг ғазалда муаллиф шахсий кечинмалари акс этмайди, шарҳни шоир биографияси билан боғлаш шарт эмас, бу ғазалга хос анъана, шартли поэтик усул деган қарашларини Бобур лирикасига таяниб, қисман рад қилади. Қисман деганимининг боиси Бобурнинг ҳамма ғазаллари ҳам автобиографик хусусиятга эга эмаслиги ва бу қарашни ҳамма шоирларга ҳам қўллаб бўлавермаслиги билан белгила-

нади. И.В.Стеблева муаллиф шахси ғазал мазмунида акс этмайди, деган фикрни «абсолют» деб қарамасликни, бу масалага чуқурроқ ёндашишни таклиф қилади ва Бобур лирикаси мазкур муаммони ечишда жуда муҳим объект эканини таъкидлайди.

Олима даставвал Бобур ғазаллари алифбо тартибида эмас, хронологик тартибда жойлашгани, бу ҳақда А.Н.Самойлович Бобур девони нашрининг сўзбошисида айтиб ўтгани, «Девон» ва «Бобурнома» орқали ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкинлигини ёзади. Кейин Бобурнинг шоир бўлиб етилишидаги ижтимоий муҳит ва «Топмадим» радифли биринчи ғазали борасида тўхталади. Бобурнинг шоир сифатида камол топишида теурийлар даври умумий маданият даражасининг, шу жумладан, адабий муҳитнинг таъсири катта бўлганини қайд қилади.

И.В.Стеблева «Бобурнома»га таяниб, биринчи ғазалигача Бобурнинг рубоий, байтлар ҳам ёзиб тургани ҳақида маълумот беради. Кейин бу ғазалда анъанавий ёр тасвиридан кўра кўпроқ лирик қаҳрамон изтироблари ўрин олгани, бу руҳий ҳолатлар Бобур ҳаёти билан боғлиқ эканини аниқ мисоллар асосида изоҳлаб беради.

Эндигина 19 ёшни қаршилаган Бобур бошига шунча ташвиш тушади, у **«кўнглидан ўзга маҳрам, жонидан ўзга ёру вафодор»** топмайди. И.В.Стеблева ғазални «Бобурнома»да акс этган воқеалар асосида таҳлил қила туриб, бу илк ғазал реал кечинмаларнинг поэтик тасвири деган хулосага келади [170-б.]

И.В.Стеблева таҳлилидаги яна бир ғазал **«Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар»** деб бошланади. Олима ғазалнинг ёзилиш тарихи «Бобурнома»да берилгани, унда ҳам шоирнинг шахсий кечинмалари ифодалангани ҳақида ёзади. Давр, вақт ғанимат, ҳаёт тўла ташвиш, ёр билан учрашув байрам, балки юз Наврўздан ҳам яхшироқ. **«Бу ғазалда, – деб ёзади олима, ҳар иккала семантик марказ «Топмадим» радифли ғазалдагига нисбатан пропорционал хусусиятга эга: юқорида таҳлил қилинган ғазалда кўпроқ лирик қаҳрамон изтиробни акс этган бўлса, бунда ҳар иккала томон тенг даражада ифодаланган [173-б.]**

Ғазалда ёр ташбеҳига хизмат қилувчи анъанавий қош-хилол, ораз-қуёш, зулф-сунбул образлари тавсифига кенг ўрин берилган.

Шундан кейин «*Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур*» деб бошланувчи ғазалнинг матлаъси, яралиш эпизоди ҳам «Бобурнома»да мавжудлиги, реал асосга эга экани қайд қилинган. Дарҳақиқат, асарда Бобурнинг гувоҳлик беришича, ғазалнинг ёзилишига унинг Кобулдаги «Гулбаҳор» доманасидаги гулзорга сайри сабабчи бўлган [137; 181-б.]. И.В.Стеблева аввал ғазал таржимасини беради, сўнгра таҳлил қилади:

Лирик қахрамоннинг кўнгил ғунчаси юз минг баҳор бўлса ҳам очилмоғи душвор, ёрсиз боғ гашти татимаиди, бундай ҳолда сарв кўзга ўқ, ғунча кўнгилга пайкон бўлади. И.В.Стеблева бу барча кечинмалар **баҳор ва боғ сайли** тематикаси атрофида уюшганлигини таъкидлайди [178-б.]

Сайрда Бобур лолаларнинг чиройига ҳайратланган, аммо ёр юзини (3-байт) вазн талаби билан анъанавий атиргулга қиёс қилган. Хуллас, Бобурга бу ғазални яратишига илҳом берган **реал мотив** 1507 йилдаги лолазорга сайр бўлган.

И.В.Стеблева таҳлилидаги тўртинчи ғазал Бобур умрининг Ҳиндистон даври билан боғлиқ. «*Қилибдур*» радифли бу ғазал Бобур девонининг Ҳиндистон нусхасида мавжуд бўлиб, қўлёзмани биринчи бўлиб инглиз олими Д.Росс ўрганган. У Рампур (Ҳиндистон) нусхаси асосида Бобур девонини қўлёзма факсимили билан бирга Калькуттада нашр қилдиради [422] Ўзбек адабиётшунослигида бу манба С.Азимжонова томонидан ўрганилган [12]

Олима одатдагидек, аввал ғазални таржима қилади, кейин байтма-байт изоҳлайди. Таржимада 3-байт **нотўғри** талқин қилинган.

*Тақдирдур ул ёну бир ён солғучи, йўқса
Кимга ҳаваси Санбалу Татийр қилибдур* [327-б.]

И.В.Стеблева таржимаси:

*Это судьба направляет то в ту сторону то в эту сторону
Она на кого нибудь насылает страсть к гиацинту
(т.е.локонам) [179-б.]*

А.Н.Самойлович архивини кузатганимизда, унинг таржимасида ҳам Санбал сўзи сунбул тарзида ўқилгани маълум бўлди:

*Предопределение бросает в разные стороны Иначе
Кому сделал страсть к гиацинту и полетам [476; 168-б.]*

Бобур байтидаги мазкур мисра ўзбек адабиётшунослигида ҳам ҳар хил табдил ва талқин қилинган. Нашрлар таққосланганда қуйидаги манзарага дуч келиш мумкин:

*Кимга ҳаваси Сунбулу Татйир қилибтур [74; 27-б.]
Кимга ҳаваси сунбулу тақдир қилибтур [389; 67-б.]
Кимга ҳаваси Санбалу Татйир қилибтур [138; 29-б.]*

Санбал сўзининг сунбул тарзида хато ўқилиши ва таржима қилиниши, нотўғри талқинни келтириб чиқарган, натижада ғазал байти бошқача маъно касб этган. И.В.Стеблева бу байт мазмунини «**тақдир инсонни ё уён-ё буёнга итқитади, қайсидир бир ёр зулфига иштиёқманд қилади**» деб изоҳлайди. Аслида эса: **инсонни ҳар томонга улоқтирувчи тақдирдир, йўқса ким ўз ерини қўйиб, Санбалу Татйирни (жой номи) ҳавас қилиши мумкин?** Назаримизда, мазкур ғазалнинг автобиографик хусусиятини ҳам худди мана шу байт белгилаб берган. Бошқа байтларда И.В.Стеблева таҳлил қилганидек, анъанавий ҳижрон, айрилиқ мотиви етакчилик қилган.

Қуйидаги ғазал байтини ўзбек адабиётшунослигидаги таржималар билан таққосланганда ҳам фарқликлар учради.

И.В.Стеблева нашрида:

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг
Ғарибингга тараҳҳум айлагилким анда жонидур* [275-б.]

Архивдаги А.Н.Самойлович таржимасида:

Ведь где бы там не была Роза, там и душа Бабура

Так окажи скитальцу милость, в которой его жизнь.
[476; 86-б.]

Бобур девонининг фанга маълум 5 та нусхаси асосида тайёрланган барча нашрларда бу мисра АНДА ЖОНИМ деб берилган. Аммо 2008 йилдаги нашрда асоссиз равишда АНДИЖОНИЙга айланган:

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг

Ғарибингга тараҳҳум айлагилким Андижонийдур [139; 54-б.]

Хуллас, И.В.Стеблева Бобур ғазалларида муаллиф шахси акс этганини «Бобурнома» асари воситасида биографик метод орқали ўрганиб чиқади ва Бобур лирикаси хусусидаги барча хулосаларни ҳамма шоирларга ҳам татбиқ қилиш мумкин эмаслигини, бу борада ҳар бир шоир ижодига алоҳида-алоҳида ёндашиш кераклигини таъкидлайди [181-б.].

Юқоридагилардан ташқари И.В.Стеблева Бобур ғазалларидаги новаторлик, анъанавий нормадан чекинши ҳолатларини ҳам таҳлил қилади. Шунинг қайд қилиш керакки, бу муаммо билан олима китоб ёзилишидан (1983) анча олдин (1978) қизиқа бошлаган [353]. Бунда И.В.Стеблева анъанавий ғазаллардаги **мен-маъшуқа** оппозициясидан кўра Бобур ғазалларида **мен-олам** оппозициясининг кўпроқ учрашини таъкидлаб, бунинг сабаби, ҳаётий асосларини тушунтиришга ҳаракат қилган.

Бобур лирикасида анъанавий ғазал учун хос бўлган ёр тасвири ва лирик қахрамон кечинмалари билан боғлиқ иккита семантик марказнинг ўзига хос хусусиятлари **«шафқатсиз тақдирдан нолиш мотиви»** би-

лан биргаликда таҳлил қилинган. Жумладан, шоирнинг «Қолдим» радифли ғазалини таҳлил қилар экан, олима даставвал «Бобурнома»дан бу ғазалнинг ёзилишига сабаб бўлган ҳаётий асосни келтиради. 1506 йил охирида Бобурнинг Ҳиротдан Кобулга йўл олгани, йўлдаги қийинчиликлар – ҳаддан ортиқ совуқ, тизза бўйи қор, изғирин, «ўлум ваҳми», Бобур тили билан айтганда «*ул неча кун бисёр таишиши ва машаққатлар тортилгани, андоққим, муддатул умр мунча машаққат камроқ бўлгани*» ғазалнинг илк байтига асос бўлади [137; 174-б.].

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдим?
Хаста кўнгулм чекмаган дарду балоси қолдим?*

И.В.Стеблева ғазалнинг давоми Бобур девонининг Париж нусхасида мавжудлиги, уни ўқиб ва уқиб Бобур ҳаётининг нечоғли мураккабликларга тўла бўлганини тушуниш мумкинлиги ҳақида ёзади [183-б.] Матлаъда акс этган нолиниш мотиви кейинги барча байтларнинг иккинчи мисраларида давом этади.

Аслида, **тақдирдан, даврдан, фалакдан нолиш мотиви** анъанавий ғазалларда ҳам учрайди, аммо улар ошиқ-маъшуқ муносабатлари **призмаси** орқали намоён бўлади. Бобурнинг бу ғазалида эса **мен-олам** тазоди мустақиллик касб этиб, асосий ўринга чиқади ва бу ҳолат И.В.Стеблева томонидан ғазал умумий тематикасидан чекиниш, шоирнинг ўзига хослиги, новаторлиги деб баҳоланади. Бу ҳақда А.Абдуғафуров ҳам шоир девони сўзбошисида «*Бобур лирикасида тақдир зарбаларидан шикоят, фалак жабру жафоси, даврон ғаму ғуссасидан нола, замона ва аҳли замонадан фиғон устунлик қилади*», – деб ёзган эди [138; 8-б.]

Олима «**мен-олам**» конструкцияси билан боғлиқ яна бир неча ғазалларни таҳлил қилади. Масалан, «**Яхшилиғ**» радифли ғазалда бу дунёнинг бевафолигини Бобур ўзига хос мурожаатлар – уч марта кўнгулга (*ким кўрубдур, эй кўнгул.., эй кўнгул чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп ва ҳ.к*), бир марта дўстига (*эй рафик*) ва бир марта умумга

(бори элға яхшилиғ қилғилки мундин яхиш йўк) қарата баён этади; бу билан диалогик аспектни кучайтириб эмоционал таъсирни оширади. «Кўринг» радибли ғазалда эса лирик қахрамоннинг кечинмалари кўринг, қаранг, эйтибор қилинг, кўзланг каби мурожаатларда, атрофдаги бошқа одамлар билан биргаликда баҳам кўрилиши, бу эса таъсирчанликни яна ҳам оширишга хизмат қиладиган **эмфатик интонация** усули эканлиги хусусида фикрлайди. Шу билан бирга шоирнинг ўзига хос усули **туркий поэзиянинг умум эстетик мезонига зарар етказмагани**, аксинча, бойитгани ҳақида ёзади.

И.В.Стеблева Бобур ғазалларининг автобиографик хусусиятини очишга хизмат қилувчи **географик номлар** борасида ҳам тўхталиб ўтади. Олиманинг қайд қилишича, Бобур ижодида географик номларнинг келтирилиши шартли – поэтик усул бўлмай, реал воқеаларга асосланган. [191-б.]. Буни олима шоирнинг «**Қоши-ю қадди-ю оғзин ул моҳ**» деб бошланувчи ғазали таҳлили мисолида очиб беради. Жой номи ғазалнинг 6-байтида келтирилган:

Кобул сори гар азимат этсанг

Курбон қилай ўзни санга, эй шоҳ! [252-б.]

«Бобурнома»да келтирилишича, 1506 йилда Бобур Кобулдан Хиротга келганида амакисининг қизи Маъсума Султон бегимга меҳри тушади ва ўз никоҳига олишга қарор қилади. Бир йил ўтгач, 1507 йилда, Қандаҳорни эгаллаб зафар билан қайтгач, Бобур уни никоҳлаб олади. Бу ҳақда шоир: «**Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Маъсума Султонбегимким, Хуросондин тилаб келтируб эдим, ушбу келганимда ақд қилдим**», – деб ёзади [137; 192-б.]. И.В.Стеблева «Бобурнома»дан Маъсума Султон бегим билан боғлиқ яна бир қанча эпизодларни келтиради ва юқоридаги ғазал айнан унга бағишлангани, Бобур унинг Кобулга келишини бесабрлик билан кутгани ҳақида фикр билдиради.

И.В.Стеблева Бобурнинг «**Оёғин ўпсам етишигай ари тоқиға бошим**» деб бошланувчи яна бир ғазалини таҳлил

қила туриб, бу ғазални ҳам Маъсума Султон бегим номи билан боғлиқлигини тахмин қилади. Аммо олима айрим мисралар таржимасида яна хатоликка йўл қўяди. Бу ҳақиқат ғазални асли таржимаси билан қиёсланганида равшанлашади:

*Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қариғум ишқида,
Ўлганим яхиши бу навъ ар ўтса элликдан ёшим.
Ёр ити, қичқирма гар Бобур деса ҳолин санга,
Найлайин бу ғурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим [261-б.]*

И.В.Стеблева таржимаси:

Прошел год как эта юная была , я буду стареть в любви к ней

Лучше умереть, чем таким образом прожить до возраста более пятидесяти лет

Хотя Бобур сказал тебе о своем состоянии возлюбленная произнесла:

Не зови меня

Что мне делать на этой чужбине у меня нет человека, кроме тебя [196-б.].

А.Н.Самойлович таржимаси эса бундай:

Тот юнец вышел из послушания. Я состарюсь в любви к нему.

Если так мой возраст перейдет за пятьдесят, лучше бы мне умереть!

Не вой собака друга, если я поведаю тебе положения Бабура

Что поделаю! В этом одиночестве нет у меня никого кроме тебя [476; 70-б.].

Аҳамият берадиган бўлсак, И.В.Стеблева эл сўзини йил, ити сўзини айтди шаклида ўқиган. Бобур девонининг Париж нусхаси асосида тайёрланган «Маҳрами асрор топмадим» тўпламида ҳам ёр ити– ёр айтди тарзида нотўғри берилган [140; 29-б.]

Демак, А.Н.Самойлович аслиятни тўғри ўқиган, унинг таржимаси ҳам аслиятга мувофиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таржималарнинг бу каби қиёсий таҳлили бир томондан адабий алоқаларнинг узвий қисми бўлса, иккинчи томондан компаративистиканинг предмети саналади [367; 16–18–б; 167; 305–339–б.].

Бундан ташқари ҳар қандай таржима бу интерпретациядир. Демак, **тўғри таржима, тўғри талқин гаровидир.**

И.В.Стеблева «Бобурнома»даги факт асосида (*Бобур Маъсума Султон бегимни кўргач, унга бир йилдан кейин уйланган*) ушбу байтларда лирик қаҳрамоннинг бир йилдан бери ёрени кутаётгани, ёр эса келмаётгани ҳақидаги **ғалат мулоҳазани** билдиради ва ғазал реал фактга асосланиб ёзилганини эътироф қилади. Аслида эса мазкур байтларда ёрнинг «эл» бўлмоқдин, яъни, қулоқ солмоқдин ўтгани, бундан ошиқнинг хавотирга тушаётгани, ёр итига ўз дардини баён қилаётгани ҳақида фикр юритилган.

Ғазалнавислик анъанасига кўра ёр ити образи ошиқнинг энг яқин ҳамдарди, ғамгусори, баъзида воситачиси вазифасини бажарган.

И.В.Стеблева таҳлил қилган охириги ғазал «**Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса**» деб бошланади. Ғазал таржимасидан сўнг олима унга хос хусусиятлар ҳақида ёзиб, шеърни бошдан охир қийинчиликларга тўла Бобур ҳаётининг мўъжаз ифодаси деб атайди. Бошқа ғазалларда маълум байтлардагина акс этган **дарбадарлик, оворалик, ихтиёрсизлик мотиви** бу ғазалда бош мавзу даражасига кўтарилган, «диёру ёрдин жавр» мустақил маъно касб этган деган хулосага келади.

И.В.Стеблева Бобур лирикасидаги ҳаётийлик муаммосини очиб беришда «Бобурнома»нинг алоҳида аҳамият касб этишига эътибор берган. Зотан, «Бобурнома»даги реал воқелик шоир лирикаси билан узвий эмоционал риштани ҳосил қилиб, Бобур лирикасининг ўзига хослиги ва бетакрорлигини таъминлайди.

Хуллас, И.В.Стеблева Бобурнинг 10 та ғазалини тўлиқ, 6 та ғазалини қисман таржима ва таҳлил қилиб ўз фикрларини «Бобурнома»даги фактлар асосида мустаҳкамлайди;

Ўзигача ёзилган ишлардаги муаллиф шахси ғазалда акс этмайди, ғазал анъанавий жанр деган хулосасини Бобур лирикаси таҳлили мисолида қисман рад қилади. И.В.Стеблева Бобур ғазалларидаги шартли поэтик усулдан, анъанавийлик нормасидан чекиниш ҳолатларини шоирнинг новаторлиги деб ҳисоблайди ва унинг баъзи ғазалларида МЕН–МАЪШУҚА оппозицияси, МЕН–ОЛАМ оппозицияси билан ўрин алмашинганини аниқ мисолларда изоҳлаб беради. Шу билан бирга шоирнинг новаторлиги мумтоз туркий поэзиянинг эстетик нормасига путур етказмаганлигини, аксинча, мураккаб эстетик адабий комплексни ташкил қилганини алоҳида қайд этади.

Баъзи ўринларда ғазалларнинг байтлари нотўғри таржима қилинган ва хато талқинни келтириб чиқарган. Бундай ўринларда танқидий мулоҳазалар айтилди. Зеро, бу хатоликлар ғазаллар матни билан А.Н.Самойловичнинг Россия архивида сақланаётган таржималарини қиёслаш орқали аниқланди.

И.В.Стеблева Бобур ғазалларини ҳар томонлама – имманент таҳлилини амалга оширади. Китобхонга тез ва осон англатишни мақсад қилган ҳолда тушунтиришнинг **модулли жадвал усулидан** фойдаланади. Энг аҳамиятлиси, Бобур ғазалларини иловада асл ҳолида келтириб, тадқиқотининг илмий холислигини таъминлайди, ўз навбатида олиманинг монографияси кейинги тадқиқотларга [85] ҳам замин ҳозирлайди. И.В.Стеблева таъкидлаганидек, унинг «Туркий поэзияда ритм ва маъно» асари, маълум даражада юқоридаги тадқиқотнинг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилган [350; 4-б.]. Бу илмий ишда Лутфий, Навоий, Бобурнинг туюк, рубоий ва ғазалларидаги ритм ва мазмун уйғунлиги, хусусан, мазмуннинг вазн, қофия ва радиф билан боғлиқлик даражаси тадқиқ этилган. Монографиямизда Бобур ғазалларининг структурал-семантик талқинини ўрганиш мақсад қилингани учун мазкур тадқиқотга жиддий эътибор қаратилмади. Қолаверса, адабиётшунос Д.Юсупова монографиясида олиманинг ритм ва мазмунга доир қарашларига муносабат билдирилган [398].

Ушбу бобда рус шарқшунослигида талқин ва таҳлил масаласини кўриб чиқиш асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. XX аср Россия шарқшунослигида А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс ва И.В.Стеблеванинг тадқиқотлари ҳажми ва салоҳиёти жиҳатидан алоҳида ўрин эгаллайди.

2. А.Н.Самойлович бобуршунос бўлиш билан бирга, XIX аср Хоразм адабий муҳитини ҳам жиддий ўрганган. Хоразмдаги тарихнавислик, шеърят, хаттотлик, мусиқа санъатининг ривож топиши, адабий муҳитда ўзига хос жонланиш, ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксалиш, кўплаб таржима асарларнинг пайдо бўлиши, китобхонлик маданияти олимда жуда катта қизиқиш уйғотган. Бундан ташқари Россиянинг шу даврдаги сиёсати олимга Хива хони кутубхоналарида бемалол ишлаш имкониятини берган ва А.Н.Самойлович бундан унумли фойдаланган. Олимнинг XIX аср Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ тадқиқотларини кузатиш асосида унинг бадиий матн таҳлилидан кўра, асарнинг тил ва умумэстетик хусусиятларини очишга кўпроқ эътибор бергани, интерпретацияда ижтимоий-адабий синкретизм ҳамоҳанг бўлгани маълум бўлди. Мазкур илмий манбалардан биз бир йўла шу давр ижтимоий-адабий муҳити, адабий алоқалар, дипломатик муносабатлар, сарой маданияти ва шоирлари, ундаги илм ва китобхонликка муносабат ҳақида маълум тасаввурга эга бўламиз.

3. Навоийшунослик тадрижи ва такомилида М.Никитскийнинг жаҳон илмидаги илк магистрлик диссертацияси муҳим рол ўйнади ва кейинги изланишлар учун замин яратди. XX асрнинг биринчи ярми рус навоийшунослиги шартли равишда тўртга йўналиш бўйича таснифлаб ўрганилди. Хусусан, ишда Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, С.Л.Волин, А.А.Семенов каби олимларнинг илмий объектга тегишли айрим тадқиқотлари имкон қадар таҳлил қилинди. Уларда қайд қилинган баъзи масалаларга танқидий нуқтаи назардан ёндашилди.

4. Е.Э.Бертельснинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича қиёсий изланишлари асосан Навоий ижодининг бетакрор-

лигини исботлашга қаратилди. Олим ўзигача бўлган навоийшуносларнинг Навоий форс адабиётининг тақлидчиси деган қарашларини давр шарқшуносларининг «методологик хатоси», асар моҳиятини англамаслик деб билди. Унинг компаративистик йўналишдаги илмий мероси тарихий поэтика ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

5. И.В.Стеблева Бобур ғазалларининг таҳлилида систем-функционал, семантик-синтактик, қиёсий-чоғиштира, биографик ва герменевтик методлардан унумли фойдаланган. Тадқиқотни ёзиш давомида Ю.Лотманнинг бадиий асар структураси, семантикаси билан боғлиқ назарий қарашларига таянган [189;190]. Олиманинг монографияси айрим камчиликлардан холи бўлмаса-да, рус шарқшунослигида Бобур лирикаси структур-семантик жиҳатдан жиддий таҳлил қилинган энг яхши илмий асар ҳисобланади.

6. Рус навоийшунослиги ва бобуршунослигида келтирилган ҳамма фикр-мулоҳазаларни намуна тарзида қабул қилиб бўлмайди. Қиёсий таҳлил асосида баъзи ўринларда шарқона тафаккур тарзидан чекиниш, масалага бирёқлама қараш, нотўғри таржима ва талқин мавжудлиги аниқланди ҳамда муносабат билдирилди.

7. Россия шарқшунослигида таҳлил ва талқин асосан умумфилологик, тарихий-биографик, манбашунослик, матншунослик йўналишларида олиб борилди. Манбашунослик ва матншунослик тамойилларига риоя қилиш масаласида яхши ўрнак бўлса-да, чуқур мазмуний таҳлил борасида рус шарқшунослигига ўзбек адабиётшунослиги ибрат бўлди. Бунинг сабаби миллий-минтақавий, маънавий колорит теран англаб етилмагани билан белгиланади.

Хуллас, қўлёзма нусхаларга таяниб, кенг камровли иш олиб бориш, асосан ўрганилмаган манбаларга қизиқиш, бадиий матнни қиёсий-тарихий ва структур-семантик жиҳатдан текшириш, имкон қадар таржимани амалга ошириш рус шарқшунослигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу тадқиқотлар рус ва ўзбек филологи учун бирдек аҳамият касб этади, қиёсий-тарихий ва семиотик йўналишдаги ишларни олиб боришда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

IV БОБ. АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИДА АДАБИЁТШУНОСЛИК

4.1. РУС БОБУРШУНОСЛИГИНИНГ ЎРГАНИЛМАГАН ЖИҲАТЛАРИ

Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган илмий тадқиқотлардан ташқари ҳали чоп қилинмаган илмий ишлар ҳам мавжуд бўлиб, улар турли фондларнинг архивларида сақланмоқда. Бу ўринда эътибор асосан Россиянинг Санкт-Петербург кутубхоналари фондларидаги архивларга қаратилди. Россия Миллий кутубхонаси архиви, Россия ФА қарашли Санкт-Петербург филиали архиви ва Шарқ қўлёзмалари институти шарқшунослар архивидаги мавзуга оид манбаларни ўрганилиб, уларда мавжуд адабиётшунослик масалаларини ёритишга ҳаракат қилинди.

Архив шарқшунослиги нисбатан янги йўналиш ва имагологиянинг таркибий қисмларидан биридир [386]. Имагология эса қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб йўналишларидан бири саналади [248; 249]. Имагологиянинг вазифаси тарих ва архив ҳақиқатларини юзага чиқаришдан иборат («...её задача выявить истинные и ложные представления о других странах и их общественную роль») [197]. Ўзбек адабиётшунослигида архив материаллари имагологик аспектда текширилмаган, бу эса мавзунинг янгилиги ва долзарблигини белгилайди.

Монографиянинг мазкур бобида асосан А.Н.Самойлович архиви [111] ва рус навоийшунослиги билан боғлиқ архив материаллари ўрганилган. Кузатишларимиз асосида А.Н.Самойловичнинг Навоий, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Мунис, Мирзо Масихий, Рожий, Комил, Фаррух, Мирзо, Қутб ижодий мероси, Хива босмахонаси ва саройи кутубхонасидаги қўлёзмалар билан боғлиқ илмий тадқиқотлари нашр қилинмагани маълум бўлди [463-476; 478]. Илмий ишимизда улардан айримлари таҳлил қилинган.

Даставвал рус бобуршунослигининг илмий жа-

моатчиликка номаълум томонлари, бу борада А.Н.Самойловичнинг тарихий хизматларини ёритиш мақсад қилинди.

Захириддин Муҳаммад Бобур қолдирган адабий, тарихий, илмий меросни ўрганиш дунё илмида бобуршунослик соҳасини вужудга келтирди ва фан тарихини янги тадқиқотлар билан бойитди. Бобурнинг ижоди Фитрат, П.Шамсиев, Ҳ.Ёқубов, В.Зоҳидов, С.Азимжонова, А.Қаюмов, А.Абдуғафуров, Ғ.Саломов, Н.Отажонов, Б.Қосимов, С.Ҳасанов, Ҳ.Болтабоев, У.Эрскин, Л.М.Пуул, М.Эдвардс, А.Бевериж, Х.Бевериж, Р.М.Калдекот, Ч.Стори, Э.Холден, Л.У.Кинг, Ф.Ж.Талбот, Д.Росс, Ж.Элфинистон, И.Мано, Ф.Купрулу, З.Мансурий, А.К.Сингха, П.Шарма, Р.Р.Арат, Ш.Бойир, Ш.Ёрқин, Н.Ильминский, Н.И.Веселовский, А.Самойлович, М.Салье, И.В.Стеблева, Л.Тугушева, Г.Благова каби ўзбек, рус, европа, афғон, турк олимлари томонидан ўрганилган¹¹.

Бобур қўлёзмаларини тўплаш, унинг ижодий мероси билан қизиқиш Россияда XIX асрдан бошланган. Рус олими И.Берёзин 1857 йилда чоп этилган 3 жилдлик «Туркий хрестоматия»га «Бобурнома» ва «Мубаййин» асарларидан ҳам айрим парчаларни киритган [47; 82–87-б.; 226–272-б.].

А.Н.Самойлович И.Берёзин ҳақидаги мақоласида «Туркий хрестоматия» нуқсонлардан холи бўлмасида, унга кирган намуналардан айримлари, масалан, «Мубаййин» асари олдин ҳеч қаерда нашр қилинмагани билан алоҳида қиммат касб этишини таъкидлайди (*Наибольшим объемом отличается I том (375стр.) посвященный почти исключительно среднеазиатско-турецкому литературному языку, начиная с «Кутадгу билиг», и поныне не смотря на обилие опечаток, ценный некоторые нигде неизданными текстами, например извлечениями из стихотворного наставления Бабура «Мубейин»*) [321; 169].

¹¹ Шоҳ ва шоирнинг «Бобурнома» асари бир қанча тилларга, жумладан, форс (1529), голланд (1705), инглиз (1826), француз (1871), турк (1940), рус(1958), япон(1994) тилларига ҳам таржима қилинган.

1857 йилда Н.Ильминский Қозонда «Бобурнома»ни нашр қилдиради [31]. Шундан кейин матбуотда «Бобурнома»нинг рус тилидаги таржималари пайдо бўла бошлайди. Жумладан, В.Вяткин, С.Поляков, В.Островский ва бошқа олимлар асардан айрим парчаларни таржима қилиб, рус китобхонини Бобур ижодий мероси билан таништиради [96; 244; 252].

Кузатишлар XX асрнинг биринчи ярмига қадар Бобур ижоди билан жиддий қизиққан олим **А.Н.Самойлович** бўлганини кўрсатди. Унинг бу борада бир қанча тадқиқотлари мавжуд бўлиб, улардан айримлари ҳалиҳануз илмий жамоатчиликка номаълум бўлиб келмоқда [466; 467; 469; 470; 473; 476]. Бундан ташқари олим архивида «Бобурнома»нинг Қозон нашри асосида йиғилган, 3 папкадан иборат тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик ва этнографик йўналишдаги маълумот ҳамда қайдлар сақланади [475].

А.Н.Самойлович даставвал эътиборини «Бобурнома»га қаратади, асарнинг барча таржималари билан яхши таниш бўлгани боис уларни қиёсан ўрганади, инглиз, француз, рус тилига қилинган таржималари билан боғлиқ ишларга бир қатор тақризлар ёзади. Бу тақризлар ўзининг объективлиги, принципиаллиги, талабчанлиги билан ажралиб туради. Хусусан, унинг В.Л.Вяткин, С.И.Поляков, А.Бевериж каби олимларнинг таржималарига, илмий ишларига ёзилган тақризлари фикримиз далилидир [310; 311; 473].

А.Н.Самойловичнинг «Бобурнома» таржимаси билан боғлиқ нашр қилинмаган тақризларида таржиманинг муваффақиятини таъминлайдиган тамойиллар белгилаб берилган, матнни хато ўқиш аёвсиз танқид қилинган. Масалан, унинг инглиз олимаси А.Беверижхоним таржимасига ёзган 22 саҳифадан иборат тақризида 4 та зарур мезоннинг фаолиятга баҳо беришдаги ўрнига диққат қаратилган:

1. Таржимон тилни барча нозикликлари билан мукаммал билиши керак (*знание языка памятника во всех деталях и тонкостях*);

2. В.В.Радлов тузган луғатга ўхшаш луғатлар билан ишлаш малакаси бўлиши; [265].

3. Ўзигача қилинган таржималарни қиёсий-танқидий таққослаши;

4. Бу борадаги илмий адабиётлар, айниқса, рус олимларининг тадқиқотлари билан ҳар томонлама танишиш керак.

А.Н.Самойлович таржимадаги айрим парчаларнинг тахлили орқали юқорида қайд қилинган биринчи, учинчи ва тўртинчи талаб тўла бажарилмаганини аниқлайди [466].

Рус олими С.А.Поляков ҳам 1904 йилда асардан 50 бетни таржима қилади. А.Н.Самойлович 1907 йилда муаллиф фаолиятини ва таржимани аямасдан танқид қилади. Жумладан, у С.А.Поляков йўл қўйган камчиликларни қуйидагича изоҳлайди: *«Промахи Полякова можно разбить на следующие три группы: ошибки и неточности в переводе отдельных слов и выражений, неверный перевод целых фраз вследствие непонимания турецкой конструкции, пропуски, оставление некоторых слов без перевода, а только передача их в транскрипции. Если последующие выпуски будут так же пестреть промахами и ошибками то легко предвидеть, что вся работа Полякова пропадет даром»* [310; 077, 083-б.].

Россия Миллий кутубхонаси архивида Санкт-Петербург университети Шарқшунослик факультети толиби бўлган Б.М.Гурьевнинг А.Н.Самойлович раҳбарлигида ёзилган «Фарғона» номли курс иши ҳам сақланади. Ишда «Бобурнома»нинг туркий кўлөзма нусхалари таққосланган ва форс, Европа тилларига таржималари асосида Фарғона тасвири қиёсий ўрганилган [440].

Олима Г.Благованинг таъкидлашича, А.Н.Самойлович умрининг салкам йигирма йилини «Бобурнома»ни ўрганишга бағишлаган. Олимнинг юзага чиқмаган илмий меросини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганган олима қатор изланишларида А.Н.Самойловични Бобур ижодининг билимдони сифатида эътироф этади [69–73].

А.Н.Самойловичнинг «Туркий этюдлар» асари мундарижасидан маълум бўлишича, ишнинг 3-боби «Император Бобур ёзувчи сифатида» деб номланган ҳамда «Диний трактат Мубаййин» ва «Мистик трактат Рисолаи Волидия» каби фасллардан иборат бўлиши керак эди [463].

Демак, муаллиф «Туркий этюдлар»ни Бобур ижодиётига доир фикр-мулоҳазалар билан бойитишни, шоирнинг барча асарлари ҳақида қисқача маълумот бериш ва тўпламга кирган шеърӣ асарлар тилини таҳлил этишни мақсад қилган. Бундан ташқари А.Н.Самойлович Ўрта Осиё туркий адабиёти хрестоматиясини тузишни, «XVI асрлар адабиёти» деган қисмида Бобур ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни беришни кўзлаган. Олимнинг архиви кузатилганда мазкур хрестоматиянинг режаси ва баъзи қайдлар кузатилди [469]. Аммо машъум катагон А.Н.Самойловичга бу хайрли ишларни амалга оширишга имкон бермади [29].

Олимнинг архивидаги тадқиқотларидан бирида яна бир муҳим хабарни – «Мубаййин» асарини нашрга тайёрлаётганлигини маълум қилади: «...в Казани была отпечатана третья часть крупного труда Бабур *«Мубейин»* Полное издание *«Мубейин»* а по единственной рукописи И.Берёзина *подготавливается мною»* [476]. Ҳақиқатдан ҳам, А.Н.Самойлович архивида асарнинг у нашрга тайёрлаган нусхаси сақланмоқда [470]. Олимнинг ишга жиддий киришганини архивидаги унинг ўз қўли билан кўчирган «Мубаййин» (266 бет) асари, унга қайдлари, шунингдек, «Бобур ижодига доир қораламалар»и [471] ҳам тасдиқлайди.

1917 йилда А.Н.Самойлович Бобур девонининг Париж ва Ҳиндистон нусхаси асосида «Собрание сочинений императора Бабур» номли тўпламни нашр қилдиради. Бу факт баъзи нашрларда 2 та қўлёзма нусха ва «Бобурнома»даги шеърлар асосида деб нотўғри талқин қилинган [205; 80-б.]. **Чунки олим «Бобурнома»даги шеърларни алоҳида ўрганган** [472].

А.Н.Самойловичдан сал олдин, яъни 1910 йилда инглиз олими Д.Росс Бобур девонини Рампур (Ҳиндистон) нусхаси асосида қўлёзма факсимили билан бирга Калькуттада нашр қилдиради [422]. 1911 йилда А.Н.Самойловичнинг бу ҳақдаги мақоласи эълон қилинади [311].

Мақоладан маълум бўлишича, девоннинг Рампур нусхаси икки қисмдан: «Волидия» асарининг Бобур қаламига мансуб туркий таржимасидан ва шеърлардан ташкил топган. Қўлёзма таркибидаги шеърлар Бобурнинг Ҳиндистондаги даврининг маҳсули эканини Д.Росс сўз бошисида қайд этмаганлигини ёзган А.Н.Самойлович ўз фикрини «Бобурнома» орқали тасдиқлайди. «...Хумоюнға таржиманиким, Ҳиндустонға келгали айтқон ашғорни йиборилди. Ҳиндолға ва Хожа Калонға ҳам таржима ва ашғор йиборилди. Мирзобек тағойидин ҳам Комронға таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон ашғор ва «Бобурий хати» била битилган сархатлар юборилди..» [311; 097-б.]. Демак, бошқа асарлари қаторида «Бобурнома»да бу девон ҳақида ҳам маълумот берилган [12].

Жиддий кузатишлардан кейин А.Н.Самойлович мазкур тўпламда бошқа қўлёзма девонларда учрамайдиган 379 та шеър борлигини ҳам аниқлайди [311; 0101-б.]. Шунингдек, Париж ва Рампур нусхасидаги шеъррий жанрлар тили, таркиби ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилади. Унга кўра Рампур нусхаси Париж нусхасидан фаркли равишда туркий шеърлардан ташқари форс ва урду тилида ёзилган шеърларни ҳам ўзида жамлайди.

Рампур қўлёзмаси Бобур ўз қўли билан ёзган шеъри билан яқун топиши жиҳатидан ҳам мўътабар саналади. Буни А.Н.Самойлович Д.Росс сўз бошисида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб маълум қилади. Рампур нусхаси хотимаси хошиясида Бобурнинг қуйидаги мисралари келтирилган: «*Ҳар вақтки, кўргосен менинг сўзумни, сўзумни ўқуб ёд қилғосен ўзумни*». Бобур, душанба 15 рабиул охир, сана 935» Шу бетда Бобур мисралари билан ёнма-ён Шоҳжаҳоннинг, мазкур қайд Бобурга тегишли эканлигини исботловчи форс тилидаги қуйидаги фикри келтирилган:

«Ин рубои турки ва исме муборак батҳақиқат али ҳазрат фирдавс макони Бобур подшо ғози анор Олло бархона аст хуррам Шохжаҳон ин Жаҳонгир подшоҳ ин Акбар подшоҳ ин Хумоюн подшоҳ ин Бобур подшоҳ»(яъни, ушбу туркий рубоий ва исми муборак ҳақиқатдан ҳам Бобур кўли билан ёзилган. Бунӣ Шохжаҳон битдим...)

Кўриниб турганидек, Бобур битган рубоий манбада тўлиқ ҳолича сақланмаган. Д.Россинг тахминига кўра, кўлэзма муқоваланаётган пайтда, чеккароқдаги рубоийнинг кейинги икки мисраси қирқилиб кетган бўлиши мумкин. Бу фикрга А.Н.Самойлович бошқа кўшимчаси йўқлигини қайд қилиб, Д.Росс сўз бошисида эътибордан четда қолган яна баъзи масалалар, матндаги текстологик хатолар устида тўхталади.

Мақола сўнгида А.Н.Самойлович камчиликлар бўлишига қарамасдан, Д.Россинг Рампур нусхасини топиб, нашр қилиши таҳсинга лойиқлиги, у туфайли дунё туркологлари Бобур девонининг яна бир янги нусхаси билан танишганини алоҳида қайд этади.

Мақола ёзилганидан кейин А.Н.Самойловичда барча камчиликларни бартараф қилган ҳолда Бобур шеърятини Париж нусхаси билан биргаликда қайта нашр этиш истаги туғилади. 1911–1917 йиллар давомидаги излаНИШЛАР НАТИЖАСИДА А.САМОЙЛОВИЧ НАШРИ ЮЗАГА ЧИҚАДИ Мазкур нашр «Император Бобур шеърлари тўплами. I қисм» деб номланган [312]. Демак, олимда ишни давом килдириш, II қисмни ёзиш истаги ҳам бўлган. Шу эҳтимол билан А.Н.Самойлович архиви кузатилганида, ишнинг иккинчи қисми топилди ва таҳлил қилинди.

Мазкур манба «Император Бобур шеърлари ва А.Н.Самойлович таржималари» деб номланади [476]. Мундарижадан маълум бўлишича, иш кириш, 5 қисм, кўрсаткичлар, матн ва таржимадан иборат бўлиб, муаллиф қуйидаги масалаларни ўрганишни режалаштирган.

Кириш

I. Бобур адабий асарларининг тақдири;

II. Девоннинг Париж миллий кутубхонаси нусхасининг тавсифи;

III. Рампур нухасининг тавсифи;

IV. Бобурнинг девонларида учрамайдиган шеърлари ҳақида;

V. Ушбу нашр хусусида;

Кўрсаткичлар:

I. Шеъринг шакллари;

II. Шеъринг вазнлари;

III. Қофиялари;

IV. Тузатишлари;

V. Таржималар¹².

Ишнинг кириш қисми ниҳоятда мулоҳазаларга бой бўлиб, шундай сўзлар билан бошланади. «Биз учун бу нашрни юзага чиқариш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш ҳам бурч, ҳам фахр, ҳам бахтдир. Бундан 60 йил олдин (1857) академик Кер қўлидаги нусха асосида Н.И.Ильминский Қозонда биринчи бўлиб «Бобурнома»ни нашр қилди. Хайдаробод нухаси асосидаги иккинчи нашр Бевериж хоним саъй-ҳаракати билан юзага чиқди. И.Н.Березин «Мубаййин» асарининг учдан бир қисмини чоп қилди (Teufel¹³ ёзганидек ярмини эмас). Мазкур асарни И.Н.Березин қўлидаги нусха асосида тўлиқ нашрини каминга амалга ошириш ниятидаман» [476]. Шундан кейин олим «Волидия» асарининг таржимаси ҳамда арузга бағишланган «Муфассал» асарига қисқача тўхталади. Д.Росс инглиз тилига таржима қилган «Тарихи Рашидий» китобида Бобурнинг бошқа асарлари ҳам тилга олинганини ёзади.

Бобур девонининг Париж нухаси ҳақида фикрлар экан, олим, аввало, ундаги илк ғазал хусусида тўхталади. «Бобурнома»дан ғазал яралиши билан боғлиқ бўлган 1501 йилдаги қўйидаги воқеани келтиради. «Келиб Турок чорбоғига тушулди. Ул ғазалеким тамом қилдим, ўшал кун ўшал манзилда тамом бўлди, будур:

¹² Олим мазкур ишида девоннинг Париж ва Рампур нухасидаги шеърларни тўлиқ таржима қилади, «Волидия» асарини эса қисман таржима қилган ёки бу таржима бизга тўлиқ ҳолда етиб келмаган бўлиши мумкин.

¹³ Бу ўринда Teufelning китобидаги фикри назарда тутилган: Teufel F Babur and Abu'l Fasl // ZDMG, 1883. p.180

*Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

А.Н.Самойлович хулосасига кўра, бу Бобурнинг биринчи тугал ғазали бўлиб, Париж нусхасининг шу ғазал билан бошлангани, девоннинг хронологик тартибда тузилганидан дарак беради. Ғазал таржимасини олим тўлиқ ҳолда келтиради. Бу ғазал ҳақида А.Абдуғафуров қуйидагича фикр билдирган: «Бобурнома»да шоирнинг ўзи биринчи тугал ғазали 18-19 ёшларда, яъни ҳижрий 907 (1501–1502) йилда яратилганлигини қайд этиб, унинг матлаъ байтини келтиради. Аммо унинг шоир сифатидаги ижодий фаолиятини худди шу йил ва ҳар жиҳатдан етук шу ғазалдан бошлаш, бизнингча, тўғри бўлмайди. У ўз ижодий фаолиятини анча аввал бошлаган ва 1500 йилларга келиб шоир сифатида шуҳрат қозонган» [138; 4-б.]. Бизнингча, бу баҳсни давом қилдириш мумкин. Чунки бу борада ҳали маълум тўхтамга келинмаган.

Шундан кейин А.Н.Самойлович Париж нусхасидаги бошқа ғазалларнинг яратилиши билан боғлиқ лавҳаларни «Бобурнома» асосида таҳлил қилади, шеърларни ҳам арабий имлода, ҳам таржимада келтиради. Париж нусхасидаги жами ғазаллар сони 89 та деб кўрсатилган. 69-ғазал рубоийлардан кейин такрор келганлиги қайд қилинган. «Ғазаллардан кейин тўртликлар: рубоий, қитъа, туюқлар бошланган», деб ёзган А.Н.Самойлович улардан ҳам баъзиларининг яралиш тарихига тўхталади.

Хулосада, Париж нусхаси жами 89 та ғазал, 77 та тўртлик, 50 та иккилик (олим фардларни шундай номлайди), 8 та маснавийдан ташкил топганлиги, бу шеърларнинг шакл ва вазн таснифи илмий иш охиридаги кўрсаткичларда келтирилгани қайд қилинади [476].

Мазкур ишнинг III қисмида Бобур девонининг Рампур нусхаси тавсифи келтирилган. Муаллиф мақола бошида бу нусхадаги барча шеърлар Бобурнинг Ҳиндистондаги даври билан боғлиқлиги, унда туркий назмдан ташқари форс ва урду тилидаги шеърлар ҳам мавжудлигини қайд

қилади. Кейин бу нусхада мавжуд рубоийларнинг яралиши билан боғлиқ воқеаларни «Бобурнома» асосида бирма-бир тавсифлайди.

Тўртинчи қисм «Бобурнинг девонларида учрамайдиган шеърлари ҳақида» деб номланади ва унда «Бобурнома»даги шоир девонига кирмаган бир қанча шеърлар таҳлил қилинган. Бунда олим эътиборни даставвал «Абушқа» луғатида келтирилган Бобур шеърларига қаратади. Унинг аниқлашича, «Абушқа»да Бобурнинг 8 та рубоийсидан иқтибос киритилган. Кейин шоир девонларида учрамайдиган, «Бобурнома»даги форсий ва туркий шеърлар хусусида тўхталади. Улардан баъзиларини келтирамиз:

906/150–01 воқеалар баёнида Бобур унинг олдида шоир Биноийнинг келганлиги ва форсча рубоийсини тақдим қилганлиги, рубоийдан англашилганидек, Бобур унга етарли даражада эътибор бермаётганлигини маълум қилади. Шундан кейин Бобур Биноийга қуйидаги жавоб рубоийсини юборади:

*Ишлар бори кўнглунгдагидек бўлғусидир,
Инъому вазифа бори буюрулғусидир,
Ул ғалла ва бахмал ки деб эрдинг, билдим,
Бахмалға бўй, ғалладин уй тўлғусидур [476].*

«Бобурнома»даги 935/1528–29 йил воқеалари баёнида Бобур Ҳумоюннинг ўғли туғилиши муносабати билан унга нома юборади. Номага қуйидаги табрик байт ҳам қўшилади:

*Шукр бермиш санга Ҳақ фарзанде,
Санга фарзанд ва манга дилбанде.*

«Бобурнома»даги шоир девонига кирмаган яна бир қанча шеърлар таҳлил қилинган, Бобур шеърларининг таржимаси келтирилади. Унда Бобур девонининг Париж ва Рампур нусхасидаги барча шеърлар: ғазал, рубоий, туюк, фардлар рус тилига таржима қилинган.

Таржималарни И.В.Стеблева китобида келтирилган асл матн билан қиёслаш асосида, айрим ғазаллардагина сўзларнинг хато ўқилгани, кўпчилигида эса асл нусхадаги маъно-мазмун яхши сақлангани кузатилди. Масалан, қуйидаги ғазалда Ҳиндистондаги жой номини англа-тувчи **Санбал** сўзи **сунбул** тарзида хато ўқилган:

Матнда:

Тақдирдур ул ёну бир ён солғучи, йўқса,

Кимга ҳаваси Санбалу Татийр қилибдур [356; 327-6.].

А.Н.Самойлович таржимасида:

Предопределение бросает в разные стороны, иначе

Кому сделал страсть к гиацинту и полетам [476].

Бобур қўлёзмаси дебчасида келтирилган нашр хусусидаги маълумотлар ва кўрсаткичлар архивда топилмади.

Навоий ва Бобур ижодий услубини таққослар экан, олим Бобурнинг услуби халқ тилига яқин содда, раванлиги ва Навоийнинг мураккаб баён услубидан фарқ қилишини таъкидлайди. «Туркий этюдлар» асарида А.Н.Самойлович: «*Мен Навоий билан янги давр ижодкорлари, Хива ва Қўқон адабий муҳити вакиллари орасида унинг замондошлари Бобур ва Ҳусайнийга нисбатан Ҳамоҳанглик кучлилигини англадим*», деб ёзади [463; 26-б.].

Хуллас, А.Н.Самойлович ўзининг нашр қилинган ва қилинмаган илмий ишлари билан бобуршунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшди ва «*Бобур ижодини ўрганиш ҳам бурч, ҳам фахр, ҳам бахт эканини исботлади*». И.В.Стеблева, Л.Тугушева, Г.Ф.Благова каби бобуршунос олималар А.Н.Самойлович бошлаган илмий ишларни муваффақият билан давом эттирдилар.

4.2. «ТУРКИЙ ЭТЮДЛАР»ДА УМУМАДАБИЙ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

«Туркий этюдлар» монографияси А.Н.Самойловичнинг ўзбек мумтоз адабиёти бўйича чоп қилинмаган илмий тадқиқотлари сирасига киради.

А.Н.Самойловичнинг 1908 йилдаги Ўзбекистонга сафари ҳисоботидан маълум бўлишича, у Хивада хоннинг шахсий кутубхоналари билан танишган ва бир қанча ноёб қўлёзмаларни топиб, ўрганиб чиқади. Бу изланишлари натижасида «Туркий этюдлар» юзага келади (1917–1918), аммо номаълум сабабга кўра нашр қилинмай қолиб кетади. Олим ҳаётлигида асардан бир парчани эълон қилишга улгурган холос [314].

Мазкур асарда ўзбек адабиётининг кўпгина қирралари: мусулмон даври туркий адабиёти ва унинг бошқа туркий тилларга таъсири, Навоий, Лутфий, Ҳусайний, Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, XIX аср Хоразм адабий муҳити, Хива сарой адабиёти, хон кутубхоналари, кутубхоналарда мавжуд араб, форс ва туркий қўлёзмалар, фанга маълум ва номаълум шоирлар ва бошқа кўплаб масалалар ёритилган.

Архив маълумотларидан аён бўлишича, 1873 йилги рус юришидан кейин ҳам хон саройида 800 дан ортиқ қўлёзма манбалар сақланиб қолади. Рус сайёҳлари, олимлари олиб кетган туркий қўлёзмалар бугунги кунда Санкт-Петербург Қўлёзмалар институти фондида сақланади. Мавжуд туркий қўлёзмаларнинг кўпчилиги XIX аср билан боғлиқ.

Асарнинг кириш қисмида баён қилинишича, «Туркий этюдлар» жиддий изланишлар самараси сифатида юзага келган ва ундаги мавзулар бир-бири билан узвий боғланган. Жумладан, муаллиф асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида шундай ёзади: *«1917–1918 йиллар давомида Бобур шеърятини ўрганиш ва нашр қилиш баҳонасида бир қанча мақолалар ёздим. Аммо туркий адабиёт бўйича тўпланган, ўрганилмаган ва нашр қилинмаган маълумотлар, айниқса, Осиё музейи, Россия Миллий кутубхонаси ва*

Петроград кутубхоналарида сақланаётган менга маълум қўлёзма хазиналар мени олдинги мақсадимдан чалғитиб, Ўрта Осиё туркий адабиётига жиддий қизиқишга ундади ва натижада «Туркий этюдлар» асари юзага келди [463]. Ҳақиқатда ҳам «Туркий этюдлар»да Бобур ижоди билан боғлиқ қисм ёритилмаган ва кейинчалик бу мавзу яна қайта ишланган [312].

Бир қарашда бир-бири билан боғлиқ эмасдек туюлган бу «этюд»лар аслида бири иккинчисини тақозо қилади ва Ўрта Осиё мусулмон даври туркий адабиёти ҳақида баҳоли қудрат тасаввур беради. Этюдларда умумадабий ва умумлисоний масалалар билан биргаликда, турк-мўғул, турк-рус, рус-татар адабий алоқалари ҳам ёритилган.

Қўлёзмадан олимнинг асар ёзишга пухта киришгани, бир неча вариантда режа тузгани кузатилади. Режалардан бирида қуйидаги масалаларни ёритиш мўлжалланган:

Сўзбоши §1. Мазкур ишнинг олдинги иш билан боғлиқлиги. § 2. Ишнинг режаси ва мақсади.

Кириш. I. Мусулмон даври Ўрта Осиё туркий адабиёти. § 1. Манбалар. § 2. Даврлаштириш масаласи. § 3. Қабилавий адабиёт хусусида.

II. Ўрта ёки чигатой даври. § 1. Навоий. § 2. Лутфий. § 3. Ҳусайний.

§ 4. Бошқа шоирлар. § 5. Ўрта давр назмининг умумий тавсифи.

III. Шоҳ Бобур ёзувчи сифатида. § 1. Биографик маълумотлар. § 2. Бобур мемуарлари. § 3. «Мубаййин» диний рисоласи. § 4. «Рисолаи Волидия» асари. §5. Кичик жанрдаги шеърлар.

Асосий қисм. § 1. Бобур шеърятининг тили.

Режаларнинг иккинчисида қуйидагилар битилган.

I. Мусулмон даври туркий адабиёти ва унинг бошқа туркий тилларга таъсири.

II. Осиё музейининг қадимги туркий «Тафсир»и.

III. Қрим-татар ёрлигининг бир атамаси ҳақида.

IV. Басма-байса атамалари.

V. Мучал ҳақида қадим туркий ривоятлар.

VI. Чалабий ҳақидаги фикрга қўшимчалар.

«Туркий этюдлар» асари қўлёзмасида биринчи ва иккинчи режада кўрсатилган айрим масалалар ёритилган. Аниқроғи, унда биринчи режадаги асосий қисмдан ташқари барча фасллар, иккинчи режадаги «Тафсир» ҳақидаги (II) фаслдан бешқа барча масалалар ўз аксини топган.

Кўриниб турганидек, олим туркий адабиётни ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий ишни режалаштирган. Айрим фаслларнинг бизгача етиб келмагани—асарнинг мазкур қисмлари ё йўқолган, ёхуд тугалланмаган деб тахмин қилишга изн беради. Маълумки, олим асосиз айблов билан 1937 йил қамалганда барча ишлари олиб кетилган ва 1953 йил оқлангандан кейингина яна қайтарилган. А.Н.Самойловичнинг архиви ҳозир ҳам тўла тартибланмаган¹⁴.

«Туркий этюдлар»нинг «Ўрта Осиё туркий адабиёти материаллари» қисмида «Фирдавс ул-иқбол», «Риёз уд-давла», «Равзат ус-сафо», Навоийнинг **6 та назмий** («Хамса», «Чор девон», «Назм-ул-жавохир», «Чихил ҳадис», «Лисон-ут-тайр», «Сирож-ул-муслимин»), **8 та насрий** асарига («Маҷолис-ун нафоис», «Хамсат ут-мутаҳаййирин», «Насойим ул-муҳаббат», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи мулуки Ажам», «Вақфия») умумий тавсиф берилиб, бу асарларнинг ўрганилиш даражаси тадқиқ қилинган. Шунингдек, Мунис, Рожий, Комил, Мирзо каби шоирларнинг шеърӣй девонлари, улардаги шеърӣй жанрлар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилган. Булар орқали биз Россия кутубхоналарида мавжуд туркий қўлёзмалар, уларнинг нусхалари, тадқиқи билан шуғулланган рус ва Европа олимлари ҳақида муҳим маълумотларга эга бўламиз.

«Туркий этюдлар»да ижоди кам ўрганилган шоирлар-

¹⁴ Кузатиш жараёнида архив маълумотларини саҳифалашдаги чалкашликларга дуч келдик, масалан, 431-бетнинг давоми 832-бетда берилган — Х.Г.

дан **Мирзо Масиҳо** ҳақида жуда қизиқ фактлар келтирилади. Жумладан, шоир ҳақида А.Н.Самойлович шундай ёзади: «*Менга маълум бўлишича, Мирзо Масиҳ асли хивалик эмас. У Хивага Қўнғирот династиясининг хони Муҳаммад Раҳим I (1806–1825) ҳукмронлиги даврида келган ва Муҳаммад Амин (1845–55) ҳукмронлиги даврида вафот этган. Мирзо Масиҳ шу даражада машҳур бўлиб кетганки, натижада унинг саройдаги фаолияти Қўқон хони Амир Умархон (1809–1822) ва Бухоро хони Ҳайдар Тўра (1800–1826)да ҳасад уйғотган. Аҳмад Табибийнинг хабар беришича, улар Мирзо Масиҳни ўзлари томон оғдиришга кўп ҳаракат қилишган. Мирзо Масиҳ эса Қўқон ва Бухоро хонининг таклифига қўйидаги оқилона шеър ила сўз ўйини билан жавоб берган.*

***Муҳаммад Раҳим оллида топса жоҳ,
Умар тобеъ ўлмасму, Ҳайдар мутеъ.***

Мирзо Масиҳ Бухорий, исмлар тажнисига асосланиб қизиқ бир ишорага шаъма қилади. Кимки Муҳаммад Раҳим (иккинчи маъноси Пайғамбар) хизматиға кирса, унга Қўқон хони Умар (иккинчи маъноси халифа Умар) тобеъ ва Бухоро амири Ҳайдар (яна бир маъноси халифа Али) мутеъ бўлмайдими? [463].

Бундан ташқари А.Н.Самойлович Хива каллиграфиясини юқори поғонага кўтаришда Мирзо Масиҳнинг алоҳида ҳиссаси борлиги, энг яхши котиблар саналмиш Худойберган Девон ва Муҳаммад Расулбой Мирзабошилар ўзларини унинг шогирдлари деб эътироф этишлари, Масиҳий Мунис билан бирга Хива сарой адабиётини бошлаб берганлиги, Хива шоирлари, тарихчилари, таржимонларидан Мунис, Огаҳий, Комил, Холис каби шоирлар Мирза Масиҳни ўзларига устоз деб билганликлари ҳақида ҳам ёзиб қолдирган [463].


Шарқшунос Қ.Муниров ҳам Мирзо Масиҳо Бухорий ва Мунислар 1811 йилда Арслнинг (Қўнғирот) Хива таркибига қўшилишига бағишлаб қасида ёзганлиги, бу ҳақда «Фирдавс ул-икбол» асаида қайд этилганини маълум қилади [228; 156-

б.]. Манбашунос олим Н.Тошевнинг мақоласида (“Шарқшунослик”, 2015, №4) тарихий манбаларга таянган ҳолда унинг муншийлик фаолиятига муносабат билдирилган.

«Фирдавс ул-иқбол» асарида шоир ҳақида: «Мирзо Масиҳойи Бухорийким, маоний гулшанининг баҳори эрди», деб ёзилган [424; 1117-б.].

А.Н.Самойловичнинг 1913 йилда эълон қилинган мақоласида ҳам Мирзо Масиҳий ҳақида айрим маълумотлар келтирилган. Олимнинг қайд қилишича, В.Бартольд унга Мирзо Масиҳнинг форсий қасидаси ва 1233/1818 йилда муншийлик мансабига тайинланиши воқеаси «Фирдавс ул-иқбол» асарида келтирилганлигини маълум қилган [298; 167-б.].

Шунингдек, мақолада Табибийнинг А.Н.Самойловичга эсдалик тариқасида қуйидаги дастхатни ёзиб берганлиги қайд этилган:



Дастхатда кўриб турганимиздек, Табибий А.Н.Самойловичга эсдалик тариқасида айнан Мирзо Масиҳнинг юқорида қайд этилган шеърини ёзиб берган.

Демак, Мирзо Масиҳо ўз замонасининг кўзга кўринган шоири, котиби, таржимони ва давлат арбоби бўлган. Бизнингча, Табибийнинг айнан унинг шеърини дастхат қилиб А.Н.Самойловичга тақдим қилиши ҳам бежиз бўлмаган.

Хуллас, А.Н.Самойловичнинг салкам 900 саҳифадан иборат бўлган «Туркий этюдлар» асарини тўлиқ нашр ва таржима қилиш галдаги муҳим вазифалардан биридир.

4.3 XIX АСР ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИ ВА ХИВА САРОЙ КУТУБХОНАЛАРИ

Россия шарқшуносларининг XIX аср Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ қарашлари фанда деярли ўрганилмаган. Бу масаланинг долзарблиги ва янгилигини белгилайди. Уларнинг бу борадаги изланишлари нафақат рус шарқшунослигида, балки ўзбек адабиёти тарихида ҳам илк тадқиқотлиги билан баҳоланади. Архив маълумотлари билан танишиш XIX аср Хоразм адабий муҳитини янада кенгроқ тасаввур қилишга, янги фактларни аниқлашга ва олимнинг илмий-ижодий фаолиятини тўлиқроқ ёритишга ёрдам беради.

Рус илмида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқишнинг ижтимоий илдизлари **Хива хонлигидаги тарихий шаброит ва маданий ҳаёт** билан ҳам чамбарчас боғлиқ. «*Биз, – деб ёзади В.В.Бартольд, – XIX аср Хива ва Қўқон хонлигида Бухоро хонлигига нисбатан прогрессивроқ маданий ва адабий ҳаётни кузатамиз*» [39; 165-б; 40].

Хивага уюштирилган юришлар, рус экспедициялари, чоризмнинг талон-торожлик, босқинчилик сиёсати оқибатида жуда кўп қўлёмаларимиз, айниқса, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Россияга олиб кетилди. Бу тарихий воқелик адабиётимизга бўлган қизиқиш ва ўрганишни тақозо қилган.

Фикримизча, рус олимлари, хусусан, А.Н.Самойлович Хоразм адабий муҳитини бежиз ўрганмаган. Шунинг учун уларнинг қизиқишларига сабаб бўлган муҳим омилларни, хусусан, XIX аср Хива хонлигидаги тарихий-маданий ва адабий ҳаёт манзарасини ёритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

XIX–XX аср бошларида Хива хонлигидаги сиёсий-ижтимоий, маданий муҳит шу даврда ёзилган тарихий асарларда ва илмий тадқиқотларда етарли даражада ёритилган [228].

Бу борада олиб борилган илмий тадқиқотларни мақсад ва мазмунига қараб уч йўналишда, яъни ўша давр рус муаллифларининг асарлари, совет даври тадқиқотлари ва мустақиллик даври нашрлари асосида

таҳлил қилиш мумкин. Бу масала чет эл манбалари ми-солида ҳам тадқиқ қилинган [8; 212].

Уларнинг кўпчилигида масалага тарихий, этногра-фик, санъатшунослик, архитектура, географик, ижтимо-ийлик, сиёсийлик, маълум даражада адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашилган. Жараённинг қисқача обзорини баъзи филологик тадқиқотларда ҳам учратиш мумкин [158; 7–17-б; 375; 5–7-б.].

Хива хонлигига қизиқиш натижасида XIX–XX аср бошларида хорижлик ҳарбийлар, саёҳатчилар, олим-лар томонидан ёзилган бир қанча асарлар юзага кела-ди. Бу борада Н.Н.Муравьёв, М.Н.Галкин, А.Н.Веселов-ский, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд каби олимларнинг тадқиқотларида бизни қизиқтирган кўплаб маълумот-лар мавжуд [40; 101; 90; 302].

XIX–XX аср бошларида рус олимлари, сайёҳлари ва ҳарбийларининг келтирган маълумотлари гарчи маълум маънода чоризм сиёсати руҳи билан суғорилган бўлса-да, биз учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ўзига хослиги – фактларга бойлиги ва асосан мемуар характерда эканлиги билан белгиланади. Бу манбаларнинг деярли ҳаммаси Санкт-Петербург ку-тубхоналарида сақланади.

XIX аср охири–XX аср бошларидаги тарихий-мада-ний шароит совет даври тадқиқотларида ҳам ёритилган. Бу борада А.П.Иванов, А.Муҳаммаджонов, М.Йўлдошев, Г.И.Чабров, Б.В.Лунин, Т.Г.Тўхтаметов, А.Содиқов, А.Абдурасулов тадқиқотлари диққатга молиқдир [9; 145; 195; 233; 241; 383; 401]. Архив материалларига бой бу манбалар, давр тарихидаги иқтисодий бурилиш-лар, давлат тузилиши, ижтимоий-сиёсий аҳвол, илмий муассасалар ва жамиятлар, матбаачилик ва китобхон-лик, рус-ўзбек дипломатик муносабатлари, ҳарбий ва илмий эскпедициялар ҳақида маълумот беради. Б.В.Луниц, Т.Г.Тўхтаметов, А.Содиқов, А.Абдурасулов тадқиқотларида Россиянинг босқинчилик сиёсати орқали кириб келган ўзгаришлар, маърифий ғоялар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларнинг ма-

даний ҳаётга таъсири объектив баҳоланган ва юрти- миз тараққиётидаги ўрни нисбатан кенгрок ёритилган. Шунингдек, шу давр илмий-адабий алоқалари, бу жараённинг маданий ҳаётга таъсири ҳақида ҳам анча маълумотлар келтирилган. **Истиқлол даври тадқиқотлари** ҳам ўрганилаётган давр Хоразм маданий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларни бойитади [22; 23; 251; 255; 270; 280; 393].

Мустақиллик мафкураси, маънавий қадриятларни излаб топиш ва ёритишга интилиш, сиёсий тазйиқлар остида ёзишга имкони бўлмаган маълумотларни юзга чиқариш кабилар бу илмий изланишларнинг ўзига хослигини белгилайди. Шу билан бирга, айрим ишларда **фактик хатолар, асосланмаган мулоҳазалар** ҳам мавжудлигини қайд қилиш лозим.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт ёритилган тадқиқотда [393] Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгандан (1873) то 1920 йилга қадар, яъни мустамлака давридаги маданий ҳаёт тадқиқ қилинган. Унда сиёсий ҳуқуқсизлик ва қарамлик шароитида ҳам халқнинг ўзлигини сақлаб қолишга хизмат этган омиллар, адабиёт ва санъатдаги эришилган ютуқлар таҳлил қилинган. Муаллиф олдинги тадқиқотларда Хива хонлигидаги маданий ҳаёт тарихи чуқур акс этмаганини, унинг илмий изланишларида бу масала тарихий аспектда, комплекс ўрганилганини ёзади. Аммо ишда тарихий жараённинг узвий қисми ҳисобланган рус-ўзбек маданий-адабий алоқалари, бу жараённинг маданий ҳаётга таъсири ҳақида деярли маълумот берилмаган. Авторефератда баъзи фактлар хато берилган. Масалан, Ф.Эрназаров Туркистон Генерал Губернатори Кауфман Хива хонлигидан тортиб олинган 329 та нодир ёдгорликни шахсан Осиё ва Эрмитаж музейларига совға қилгани ҳақида ёзади [393; 15-б.]. Аслида бу нодир қўлёзмалар Россия миллий кутубхонасига совға қилингани ва фан тарихида «**Фон Кауфман коллекцияси**» деб номлангани ўша даврдаёқ манбаларда қайд этилган [160; 52-б.].

Хива хонлигидаги китоб тарихи ва санъатига бағишланган (XVIII–XX аср бошлари) тадқиқотдаги ху-

лосалар ва олинган натижалар Хива хонлигидаги китоб тарихи ва санъати ҳамда китоб ўқиш маданияти, хаттотлар ижодини ўрганишда, шунингдек, мазкур давр кутубхоналарини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади [22]. Диссертацияда қўлёзма манбалар асосида илк бора Хоразмдаги давлат ва шахсий кутубхоналарнинг фаолияти, Хива хонлигида китоб ва китобхонликка муносабат, китобхонлик маданиятининг маънавий ҳаётда тутган ўрни яхлит ҳолда ўрганилган. Хоразмда китобга қизиқиш, уни тарқатиш ва кутубхоналарга жамлаш маънавий-маърифий ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида эътироф қилинган. Ўзбек китобат тарихи тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Муҳаммад Яъқуб Холис (ваф. 1880), Худойберган Мухркан (1822–1928), Муҳаммад Расул Мирзо (1849–1922), Муҳаммад Шариф Хоразмий (ваф. 1900), Муҳаммад Яъқуб Харрот (1867–1939), Комил Девоний (1885–1938) каби шоир ва хаттотларнинг фаолияти таҳлил қилинган. Ўрни билан китоб маданияти ва китобат санъати тадқиқи борасидаги илмий ишларга ҳам муносабат билдирилган.

Ю.Раҳмонованинг илмий иши архив маълумотларига бойлиги, Хива Ичон қалъа музейи фонди баъзи материалларининг илк бор илмий муомалага киритилгани билан алоҳида қиммат касб этади [270]. Тадқиқотнинг «Маданий ҳаёт ва унинг пойтахт шаҳар ривожидан тутган ўрни» деб номланган бобида XVI–XX аср бошларигача бўлган даврдаги архитектура, санъат, мактаб, мадраса, матбаачилик, кино ва фото санъати, мусиқа, адабиёт, матбуот соҳасида эришилган ютуқлар, фан ва техника янгиликлари қўлёзма, архив манбалари асосида ўрганилган.

XIX–XX аср бошларида тарихий бурилишлар, истилочилик ҳаракатлари оқибатларига қарамаздан, Хоразмда тарихнавислик, шеърят, хаттотлик, мусиқа санъатининг ривож топиши, адабий муҳитда ўзига хос жонланиш, ғоявий ва бадиий жихатдан юксалиш, кўплаб таржима асарларнинг пайдо бўлиши, китобхонликнинг кучайиши кузатилади. Г.Н.Чабров литографиянинг айнан

Хивада пайдо бўлганини Ферузнинг шахсий рағбати ва сарой амалдорларининг китобат аҳлига нисбатан ижобий муносабати, китобхонлик маданиятининг ривожлангани билан боғлайди [383; 319-б.]. Муҳаммад Юсуф Баёний «*тамоми вилоят халқининг китобхон бўлганлиги*» ҳақида: «*Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузуб китобхонлиғ этдурур эрдилар. Гоҳо домла Муҳаммад Расул (Комил Хоразмийнинг ўғли) била иккимиз кириб, суҳбати ҳумоюнларида китобхонлиғ бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиғ этарга тарғиб этар эрдилар. Алқисса, «тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар»*, деб ёзади [34; 95-б.].

Хон саройида китоб ва китобхонликка муносабат юқори бўлгани ҳақида шу давр тарихий асарларида ҳам жуда кўп маълумот келтирилган. Жумладан, Мунис: «*Аксар авқот (вақтлар) базми ишрат ва мажлиси тарабда ахёр ва аброр, шуаро ва фузало била суҳбат тутуб, ҳалли мушкилоти ақлий ва кашфи муғлақоти нақлий (ақлга мушкул кўринган ўринларни ечиб ва нақлга асосланган илмларнинг ёпиқ ўринларини кашф этиб – Х.Г.) қилиб, маоний рангин шаробидин саршор кайфият бўлур эрди»*, – деган маълумотни ёзиб қолдирган. Элтузар Иноқ хон эса Мунис томонидан шундай таърифланган: «*...даврон ҳукуматида аксар тавоиф бани одои иш ва фазл иктисобиға биқадри васъе рағбат кўргузуб, мажолис ва маҳофилда хунар ва фазой ва китобхонлик ва шеършунослик ва латифагўйликдин ўзга сўз жорий бўлмас эди*» [424; 343, 489-б.].

Огаҳий назарида Хива маданий тараққиётига кўп ҳисса қўшган Оллоқулихон «*таворихвонлиғ ва шеършунослиғ ва латифагўйлиғ укувининг хайлида диққат тирноғин андоғ ишлатур эрдиким, фузалойи замонга ҳайрат бармоғин тишлатур эрди*» [231; 42-б.]. Шунингдек, шоир мажлислардаги китобхонлик ва мушоиралар ҳақида: «*...ва аксар мажлисида уламоу фузало ва зурафоу шуаро била ҳамнишин бўлуб, китобхонлиғ ва маънишунослиғдин ўзга иш кўргузмас эрди*», деб ёзади [483; 199 а, 487 а.].

Маълумки, 1908 йилда А.Н.Самойлович Ферузнинг рухсати билан унинг шахсий кутубхонасида ишлашга, босмахонасини кўришга муваффақ бўлган. Олим кейинчалик бу ҳақда махсус мақола ёзади, аммо нашр қилишга улгурмайди [475]. Л.Дмитриева бу мақоланинг архивдаги тартиб рақамини №144 деб кўрсатган [111; 299-б.], аммо мазкур манба Санкт-Петербург архивида №145 рақами остида сақланипти. Жами 52 саҳифадан иборат бу илмий ишда Ферузнинг Тозабоғ ва Аркдаги шахсий кутубхоналари таркиби: арабий, форсий, туркий қўлёзмалар, уларнинг ўрганилиши, хон босмахонаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг иккита кутубхонаси бўлиб, бири қишки қароргоҳ–Арк ичкарасида, яна бири ёзги қароргоҳ – шаҳар ташқарисидаги Тозабоғ саройида жойлашган. А.Н.Самойлович кузатишлари асосида хон кутубхоналарида мавжуд қўлёзмалар сони, турларини (форс, араб, турк, чиғатой) тавсифлайди. Ш.Воҳидов ва А.Эркиновлар берган маълумотга кўра, сарой кутубхонасидаги жами қўлёзма ва тошбосма китоблар 914 тани (604 таси қўлёзма, 310 таси тошбосма асарлар) ташкил этган [430; 178-б.].

Хива сарой кутубхонаси, Туркистон маданий ҳаётида муҳим воқеа саналган литографиянинг ташкил топиши (1874) ва фаолияти ҳақида биринчи бўлиб маълумот берган олим ҳам А.Н.Самойлович ҳисобланади. Хива кутубхоналари билан танишиш ва давр зиёлилари билан адабий алоқа ўрнатиш олимда Хоразм адабий муҳитига қизиқиш уйғотади. Натижада А.Н.Самойловичнинг бир қатор тадқиқотлари юзага келади.

«Менинг Хива сарой кутубхоналари ва адабиёт аҳли ҳақидаги кузатувларим, – деб ёзган эди олим, – XIX аср Хоразм адабий муҳити вакиллари «эккан уруғ» нечоғли ҳосилдор бўлганини кўрсатди. Петербургда юзлаб қўлёзма манбалар тўпланганлигига қарамай, Хива адабий муҳити хали ҳам мутахассислар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ҳ.Вамбери 1892 йилда Амир Умархон ва Мунис девонидан парчалар эълон қилар экан, фақат улар мисо-

лидагина адабий жараёндаги уйғониш ҳақида фикр юри-тади. М.Хартманн ҳам 1902 йилдаги Хувайдо девонининг нашрида Мунис ва Умархон ижодига тўхталган, холос [426; 431]. Ваҳоланки, баҳоли кудрат қилинган изланишлар XIX аср Хоразм адабий муҳитида бир қанча иқтидорли шоир, тарихчи ва таржимонлар фаолият юритганини кўрсатди» *(Мой краткий обзор хивинских придворных книгохранилищ показали сколь плодотворно оказались семена брошенные на хивинскую почву первыми литераторами XIX века. Мое сообщение собственно говоря могло не особенно прибавить по части хивинской литературы к тому, что давно уже должно было быть известным европейским ориенталистам на оснований богатых рукописных собраний в Петербурге. Но приходится признать, что, несмотря на существования печатных отчетов о поступлении этих собраний они до сих пор почти вовсе не обращали на себя внимания специалистов. Так А.Вамбери издавая 1892 году отрывки из диванов кокандца Омархан и хивинца Муниса, единственно на основание этих авторов мог судить о некотором побуждении национальной музы у восточных турков, а Гартман, издавая уже в 1902 году отрывки из дивана Хувейда для подтверждения того же факта был в состоянии сослаться все на тех же Омар- хана и Муниса)* [463].

А.Н.Самойлович тўғри таъкидлаганидек, XIX аср Хоразм адабий муҳитини воҳа учун уйғониш даври дейиш мумкин, чунки айнан шу даврда адабий тур ва жанрлар тараққиёти, мазмунга бой тарихий, насрий, назмий ва таржима асарларнинг кўплаб яратилиши кузатилади. Бу тараққиётда маърифатпарвар шоҳ ва шоир **Муҳаммад Раҳимхон II – Ферузнинг** алоҳида ҳиссаси бўлиб, у саройни ўзига хос илмий-маданий марказга айлантирган, шоиру олимларнинг ижодий камолоти учун шарт-шароитлар яратган. Илмда тўғри таъкидланганидек, «...ватанимиз тарихида XIX асрнинг иккинчи ярмида хукмронлик қилган хонлар орасида ҳеч бири адабиёт ва санъат, илм-маърифат, таълим-тарбия ва мамлакат ободончилиги соҳасида **Муҳаммад Раҳимхон Ферузчалик** фаолият кўрсатган эмас» [113; 76-б.].

Муҳаммад Раҳимхон бир неча бор мулозимлари билан Москва ва Петербургга саёҳат қилган, у ердаги фан ва маданият соҳасидаги янгиликлар билан танишиб, уларни ўз юртида татбиқ этган. Унинг ташаббуси билан шифохона, амбулатория, почта, телеграф, рус-тузем мактаблари, Марказий Осиёда биринчи литографик босмахона (1874) ташкил этилган. Босмахонани шахсан кузатган (1908) А.Н.Самойловичнинг гувоҳлик беришича, бу маскан тижорат мақсадида эмас, айнан китобхонликни ривожлантириш, маънавий дурдоналардан халқни кўпроқ баҳраманд қилиш мақсадида юзага келтирилган [478].

Бу давр адабиёт тарихида Мунис, Феруз, Огаҳий, Равнақ, Рожий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Холис, Мирзо, Баёний каби шоирлари билан ҳам қадрлидир. Хоразм илмий-бадий-маърифий равнақи қайта кучга кирган XIX асрни ҳар томонлама ўрганишга бўлган қизиқиш нафақат юрт олимлари, балки рус шарқшунослари эътиборидан ҳам четда қолган эмас. А.Н.Самойлович бу борада анча изланишлар олиб борган серқирра ижод соҳибидир.

Олимнинг маълум қилишича, Хива хонининг Арқдаги кутубхонаси саройнинг жанубий-ғарбий томонида жойлашган бўлиб, кутубхонага тор, аммо мустаҳкам тош зина билан чиқилади. Кутубхонада мавжуд китоб жавонларидан биридаги ҳажман катта бўлмаган қўлёзмалар феҳрист-кўрсаткичида 550 та турли қўлёзма ва тошбосма асарларнинг рўйхати берилган. Шимолда турган жавонда кўпроқ тиббиётга оид китоблар жамланган. Ғарбий томондаги китоб жавонида тарихий, тасаввуфий, бадий асарлар жойлаштирилган. Булар орасида форсий китоблар кўпчиликини ташкил қилади. Араб қўлёзмалари ҳаммасидан кам, туркийлари кўпроқ чиғатой тилида. Шунингдек, усмоний турк, татар, нўғай тилларида битилган қўлёзмалар ҳам мавжуд. Шундан кейин олим форсий ва туркий асарларни алоҳида-алоҳида: насрий асарлар, назмий асарлар шаклида бирма-бир тавсифини беради.

Кейин А.Н.Самойлович Тозабоғ кутубхонасидаги қўлёзма ва тошбосма асарларга тўхталади. Унинг эътироф қилишича, бу кутубхонада ҳаммаси бўлиб 200 та қўлёзма ва бир қанча тошбосма асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг фехрист-кўрсаткичи тузилмаган. Қўлёзмалар орасида форсий манбалар кўпчиликни ташкил этади. Бу ерга хон давлат ишларидан чарчаган пайтларида дам олиш учун кирган.

Олим хонликдаги литография ҳақида шундай ёзади: *«Хива хонлигида тошбосманинг борлигидан мен Вамберининг Мунис ҳақидаги 1874 йилда чиқарган китоби орқали хабар топганман. Хивага келгач, бу литографиянинг 70-йилдан буён мавжудлиги ва хонга тегишли эканлигини билдим. Литографиянинг доимий ўрни йўқ. Четдан буюртма олмайди ва узоқ узилишлар билан ишлайди. ... литографиядан чиққан китоблар сотилмайди, хон томонидан тўхфа қилинади, холос»* [478].

Бундан Хива хони Ферузга хос бўлган маданий тараққиётнинг икки муҳим белгисини ажратиб олиш мумкин. Хонга ёққан қўлёзмаларнигина кутубхона рўйхатига киритилиши ва литографиядан чиққан китоблар сотилмаслиги, хон томонидан тўхфа қилиниши.

Китобларнинг чарм ёки қаттиқ қоғозли муқовасига оқ қоғозчалар ёпиштирилган. Бу қоғозчаларда асар номи, тури (назм ё наср), қўлёзма ёки тошбосма эканлиги кўрсатилган. Кутубхонани икки марта кузатган А.Н.Самойлович ҳамма қўлёзмаларни кузатгани ва айримларига батафсил тўхталганини маълум қилади. Шундан кейин худди юқоридаги тартибда форсий ва туркий қўлёзма ҳамда тошбосма асарларнинг тавсифини беради. Мақоланинг қолган қисмида Хива хони босмахонаси ва Исфандиёр тўра шахсий кутубхонасида мавжуд қўлёзмалар ҳақида маълумот берилган.

«Мен танишган хон кутубхоналаридан ташқари, – деб ёзади А.Н.Самойлович, –Хивада тахт меросхўрининг, шахзодаларнинг ва руҳонийларнинг ҳам бой шахсий кутубхоналари мавжудлигини аниқладим» [478].

Тарихий манбаларда ёритилишича, ҳақиқатан

ҳам, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган Муҳаммад Содик қозикалон, Муҳаммад Расул Мирзо, мулло Бекжон Раҳмонов, хон Феруз авлодларидан Исфандиёр тўра, Отабек тўра (Оқил), Саййид Носиржон тўра, Саййид Абдуллоҳ тўраларнинг ҳам бой кутубхоналари бўлган. Ҳозирда бу қўлёзмаларнинг кўпчилиги ЎзРФА ШИ фондида ва Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланмоқда. Санкт-Петербургдаги Россия ФАга қарашли Қўлёзмалар институтида мавжуд қўлёзмаларнинг кимга мансублигини шахсий муҳрлар, қўлёзма асарларнинг биринчи варақларига ёзилган қайдлар орқали билиб олиш мумкин.

А.Н.Самойловичнинг нашр қилинмаган «Туркий этюдлар» асарида ҳам Исфандиёр хонга махсус фасл ажратилган бўлиб, унда валиаҳднинг китоб хазинасида мавжуд бўлган Холис, Мирзо, Рожий, Огаҳий, Комил девонларига қисқача таъриф берилган ва шеърларидан намуналар келтирилган [463].

4.4. ЭПИСТОЛЯР МАНБАЛАРДА АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР

Архивдаги илмий ёзишмалар рус шарқшунослигининг ажралмас қисмидир. Рус олимларининг бир-бирига ёзган номалари улар илмий фаолиятининг узвий бир қисми сифатида ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиши, яратилажак асарлар, шу давр илмий-адабий муҳити ҳақида ноёб маълумотларни беради. Эпистоляр манбалар орқали фикр алмашув, баҳо, тақриз, танқид, адабий-эстетик қарашлар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш, ҳатто илмий жамоатчиликка номаълум янгиликлардан хабар топиш мумкин. Бу борада А.Н.Самойлович, В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, В.Гордлевский, Н.Остроумов, А.А.Семенов ва бошқа олимларнинг илмий мулоқотлари алоҳида диққатга сазовордир. Масаланинг бу томони ўзбек адабиётшунослигида ҳали тадқиқ қилинмаганини ҳисобга олсак, мазкур эпистоляр манбаларни ўрганиш фан тарихи-

ни янги фактлар билан бойитиши, А.Н.Самойлович илмий биографиясини янада равшанроқ ёритиши шубҳасиздир.

А.Н.Самойловичнинг эпистоляр мероси Россиянинг турли фондларида сақланади. Биз архивларда кузатган 256 та хат намуналари орасида олимнинг В.В.Бартольд (89 та) ва И.Ю.Крачковский (26 та) билан ёзишмалари кўпчиликти ташкил қилади. Рус шарқшунослигида олимнинг эпистоляр мероси маълум даражада ўрганилган, нашр қилинган [71], аммо ўзбек мумтоз адабиёти билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилмаган. Бу ўринда масаланинг айнан шу томонига эътибор қаратилди ва адабиётимизнинг тадқиқи акс этган муҳим жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилинди.

Бошқа рус олимларидан фарқли равишда А.Н.Самойлович маҳаллий зиёлилар билан кўпроқ мулоқотда бўлган ва шу орқали ўзбек тили ва адабиётини яхши ўрганган; ўзбек халқига ниҳоятда ҳурмат ва эътибор билан қараган. *«Мен учун Шарқда бўлиш, Васильев оролида (Санкт-Петербург) бўлишдан кўра муҳимроқ [455]. Мен – Мажнун, Туркистон–Лайли, Тошкент эса ёр зулфидаги энг бебаҳо гавҳар. [454]. Табиатимда мусулмонларга қандайдир яқинлик бор ва мен улар билан тез чиқиша оламан» [42; 90-б.]*, – деб ёзган А.Н.Самойлович магистр пайтидаёқ илмий ижод йўлини Ўрта Осиё билан боғлайди.

Хоразм аҳлининг маданияти, илмга чанқоқлиги, салоҳияти ҳақида рус олимлари, саёҳатчилари ва ҳарбийлар томонидан жуда илиқ фикрлар билдирилган. Масалан, Н.Н.Муравьёв Хивага саёҳати давомида у ерда ўз она тилидан ташқари араб ва форс тилида бемалол ўқий ва ёза оладиган кўп зиёлиларни учратгани ҳақида ёзади [436].

А.Н.Самойлович бу борада Н.П.Остроумовга ёзган хатида: *«Биз ноқобил мустамлакачилар тараққий қилган мусулмонларга маърифат беришга ҳақли эмасмиз, Хивада буни жуда яхши билишди, мен у ерда ҳавас қилгудек иқтидорларни кўриб шунга амин бўлдим»*, – дея

фикр билдиради (*Мы должно быть безнадёжно негодные колонизаторы и не нам просвещать мусульман. В Хиве это прекрасно понимают и там пользуются другими просветителями, таланты которых как я убедился достойны зависти*) [494]. Бизнингча, А.Н.Самойлович мазкур хулосасини айнан миссионерлик руҳида тарбияланган ва шу асосда фаолият юритган Н.Остроумовга бежиз етказмаган. Эхтимол, унинг бу каби дадил қарашлари катагон қурбони бўлишига ҳам сабаб бўлгандир.

И.Ю.Крачковский А.Н.Самойловичга ёзган мактубида Н.Остроумовнинг юқори иқтидорга эғалигини қайд қилар экан, унинг илми сиёсий мақсадларга хизмат қилаётганидан афсусланади (*...Жаль что его наука служит другим целям*) [459].

1909 йилда В.Бартольд А.Н.Самойловичнинг нашр этилажак «Хоразмномадан икки парча» мақоласи таҳририга доир мулоҳазалар битилган хат юборади. Унда таржимадаги айрим ўринларни тузатиш масаласи ёритилади. *«Дорогой Александр Николаевич. Посылаю Вам корректуру, которую прошу после пересмотра переслать в типографию. Два пункта в Ваших переводах внушают мне некоторые сомнения:*

1) Хорошо ли Вы сделали, что на странице 080. перед словом розы, пропустили слова красные. Правда гул значит не только роза; но едва ли автор поставил перед гул слова кырмызи имел ввиду не витиеватый (цветистый) эпитет, а только отличительный признак розы от других цветов. Не лучше ли оставить «красные» или «алые».

2) Уверены ли Вы что в 3-м четверостишии 2 отрывка речь идет о хане и наследнике. Не надо ли перевести *«Кроме Бога никому не служивший, стал рабом твой хан, твой государь Хорезм»* [456].

Нашр жараёнида А.Н.Самойлович таржимада гул билан боғлиқ ўринни тузатади, аммо тўра сўзини хато равишда яна аввалги ҳолатда, яъни валиаҳд шаклида қолдиради.

*Бўстонда очилиб қирмизи гуллар
В цветниках свешивались алые розы
Банда бўлди хонинг, тўранг Хоразм
Слугами стали хан твой и наследник, Хорезм [292;
080, 082-б.].*

Юқоридаги мактуб мазмунидан шу нарса маълум бўлдики, В.Бартольд А.Н.Самойлович билан ёзишмаларида матн билан боғлиқ жиҳатларга ҳам жиддий эътибор берган.

Сана кўрсатилмаган яна бир номасида В.В.Бартольд олимнинг илтимосига биноан Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» асари нашри билан боғлиқ масалага ойдинлик киритади. «...насчет Суфи Алляра узнал, что его «Сабат ал-аджизин» было издано в Казани Казембеком по Дорну в 1845, по Григорьеву в 1847 с предисловием и с примечаниями (постараюсь его достать в Азиатском музее) [456].

Хатларнинг бирида А.Н.Самойлович нашрга тайёрлаган Бобур девони ва унинг матн ўқиш малакаси тўғрисида В.В.Бартольдининг куйидаги мулоҳазаларини кузатамиз: «...листаю Диван Бабура, особенно мне понравились стихи об Индии, стихи о чаше и раскаяние. Забираться глубже не смею, тем более что Вы ограничиваетесь точным воспроизведением рукописи, не ставя даже ташдидов и исправляя только явные описки, и то с оговоркой в примечаниях» [456].

Маълумки, В.В.Бартольд 1908-1912 йиллар давомида «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахбороти» («Записки восточного отделения Русского археологического общества») журналининг бош муҳаррири лавозимида фаолият юритган. А.Н.Самойлович В.В.Бартольдга ёзган мактубларидан бирида журналнинг 1917 йилги сониди чоп қилинган Н.Н.Мартиновичнинг Румий ва Султон Валад шеърлари тўпламига оид мақоласини [210] аёвсиз танқид қилади. Унга яқин дўст ва шогирд сифатида бундай камчиллар нашрнинг обрўсига путур етказиши мумкинлигини

қайд қилади, ўрни билан лирик чекиниш қилиб, Бобур мисрасидан мисол келтиради: «... и на сей раз делюсь с Вами мыслями по поводу последнего тома Записок. Как и следовало ожидать напечатанная работа Мартиновича кишит недоразумениями. Автор прав: «...как издание текста так и перевод оставляет желать лучшего», но виновен в этом не столько «непонимавший» переписчик, сколько- увы! «непонимавший» издатель – автор. Я в конце концов мирюсь, памятую слова Бабура «Кто видал на этом свете добро ,чтобы ожидать добра!», но я не хочу мириться с тем, что не находят должной защиты:

1) научная репутация Записок

2) память моего учителя Мелиоранского, к ученикам которого причислен и Мартинович» [455].

Таҳлилимиздаги кейинги нома бизга чет элда А.Н.Самойловичнинг мақолалари доимий чоп этилиб турилгани, уларнинг нашри ва таҳририда европалик олим Т.Менцельнинг алоҳида ўрни бўлгани ҳақидаги муҳим маълумотни беради. Жумладан, В.Бартольд ўз мактубида Т.Менцель унга Прагада чиқадиган «Orientalni» ва Берлиндаги «Der Islam» журналларини юборганини маълум қилади [456].

Баъзи ёзишмалардан рус ва турк олимларининг илмий алоқалари, ҳамкорликда иш олиб борганини билиб олиш мумкин. В.В.Бартольднинг А.Н.Самойловичга 1927 йил 28 августда ёзган номасидан маълум бўлишича, Купрулузода унга иккита мақоласини юборди. Туюқларга бағишланган иккинчи мақоласида А.Н.Самойловични кўп тилга олади. Демак, бу бизга турк олимининг А.Н.Самойлович мақолаларидан [300; 305–307; 309] хабардор бўлган дейишга асос беради. «Кёпрюлюзаде прислал мне оттиски из двух номеров типа «Туркият мажмуаси» и «Туюк», во второй статье несколько раз упоминаетесь Вы» [456].

А.Н.Самойловичнинг И.Ю.Крачковский билан илмий ёзишмалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу номалар ичида олимнинг Тошкент ва Тифлистан ёзган хатлари диққатга лойиқ. Жумладан, А.Н.Самойловичнинг 1916 йил

14 июндаги Тошкентдан Петербурга ёзилган номасида 3 та муҳим маълумотни оламиз: **Биринчидан**, у Мажнун, Туркистон олим учун Лайли, Тошкент эса ёр сулфининг ёрқин олмоси эканлиги. **Иккинчидан**, кузатиш, қиёслаш ва мулоҳаза юритишга Туркистон шарқшунос учун бой манба бўла олиши, **учинчидан** «Хрестоматия» нашри бўйича ишларнинг давом қилаётгани. «...я Меджнун, а Лейла – Туркестан, а Ташкент крупнейший, лучезарный брильянт в локонах красавицы. Счастье – в безумье. Востоковеду богатая почва для наблюдений, сравнений и размышления. Налаживаю издание хрестоматии» [454].

Олимнинг И.Ю.Крачковскийга Тифлистан жўнатган хатида Туркистонга сафар унумли бўлгани, аммо Кавказ сафари хайрон қолдирмагани, бу ерда у «Мажнун» бўлолмагани ҳақида ўқиймиз. «Туркестанская командировка закончена успешно. Тифлис не поразил и не очаровал. Здесь я не Меджнун» [454].

А.Н.Самойлович архиви кузатилганида унинг ҳақиқатдан ҳам туркий адабий манбалар бўйича **хрестоматия** – дарслик яратишни мақсад қилгани, дастлабки режани тузгани ва бир неча папкада материал йиғилгани маълум бўлди. Бу дарслик «Ўрта Осий туркий адабиёти ва адабий тили тарихи хрестоматияси» деб номланган. Олим унда XI асрдан тўртинчи XX аср бошигача ижод қилган шоирлар меросини ёритишни режалаштирган [469].

А.Н.Самойловичнинг турколог олим Н.И.Ашмаринга ёзган мактубида (1925 йил, 2 февраль) **Хрестоматия**ни тайёрлашда давом қилаётгани, «Кутадғу билиг» устида ишлаётгани ҳақида ўқиймиз: «*Хрестоматию продолжаю подготавливать, сижу над «Кутадгу билик». Одновременно с письмом Вам отправляю письмо Пепинову по поводу этой самой хрестоматии и сошлюсь на Ваше заявление мне о существующей потребности в подобном пособии*» [453]. Шу йили олимнинг В.В.Бартольд-га юборган номасида (1925 йил, 25 ноябрь) Тошкентга «Кутадғу билиг» асарининг қўлёзма нусхаси келтирилгани, унинг бу манбани тезроқ кўриши кераклиги ва бу ҳақдаги изохларни **хрестоматия**-га киритиши зарурлиги маълум қилинади [455].

Фитрат Москвада А.Н.Самойлович билан учрашганида олимнинг «Қутадғу билиг» асарини нашрга тайёрлаганини билади ва бу борада ўз таклифини шундай баён қилади: «*Русиянинг машҳур туркишуносларидан профессёр Самойлович Москвада мен билан кўришганида «Девону луғотит турк»дан фойдаланиб, «Қутадғу билиг»нинг янги бир босмасини (табъини) тайёрлаганини билдирган эди. Шунинг бизнинг қўзлимиздаги нусха билан солиштирғандан сўнг бостирса эди, профессёр жанобларининг бу илмий хизматининг баҳоси жуда ортқон бўлар эрди*» [332; 57-б.]. Демак, А.Н.Самойлович Фитрат билан бўлган суҳбатдан кейингина Тошкентда «Қутадғу билиг» асарининг қўлёзма нусхаси мавжудлигидан хабар топган ва В.В.Бартольдга ёзган хатида (1925 й) буни эслатиб ўтган.

Демак, олим тахминан 1915-1916 йилларда **хрестоматияни** тузишга киришган, 1938 йилгача (олим қатағон қилинган йил) эҳтимол ишни якунлаган ҳамдир. Аммо биз кузатган архивларда ҳозирча бу манба тўлиқ ҳолда топилмади. Балки сиёсий қатағон сабаб олимнинг молмулки мусодара қилинганда бу ноёб манба йўқотилган бўлиши ҳам мумкин.

Олимнинг архивида унга поляк олими А.Зайончковскийнинг 1929 йил 7 сентябрда ёзилган мактуби ҳам сақланади. Хат мазмунидан маълум бўлишича, олим А.Н.Самойлович билан доимий мулоқотда бўлиб, ундан илмий кўрсатмалар олиб турган. Буни мактубнинг хотима қисмидан билиш мумкин (*Признательный за научные указания, сердечно преданный и почитающий Вас...*) [458] Мактубда А.Зайончковскийнинг докторлик ишини ҳамоя қилгани, Польша туркологлари олиб бораётган илмий ишлар ва нашр қилинаётган илмий журналлар ҳақида хабар қилинган.

А.Зайончковский (1903-1970) А.Н.Самойловичнинг «Хисрав ва Ширин» асари туркий таржимасига оид илмий изланишларини давом қилдирган [429]. Г.Ф.Благованинг маълумот беришича, ҳар иккала олим 1936 йилда Стамбулда, Турк тили қурултойида учрашган ва бирин-кетин маъруза қилган [71; 86-б.].

А.Н.Самойловичнинг Москва туркология мактабининг йирик вакили В.А.Гордлевскийга ёзган хатларидан олим архивининг ниҳоятда бойлиги ҳақида билиб олиш мумкин [42; 84–92-б.] Жумладан, олим 1931 йил 30 октябрдаги хатида тугалланган ва тугалланмаган қўлёзма ишларининг йиғилиб қолганлиги, кейинги пайтларда уларни нашр қилишга вақт топа олмаётганлиги ҳақида ёзади. Мактубларидан яна бирида (1931) А.Н.Самойлович Санкт-Петербургдаги шарқшунослик энди ўзининг янги босқичига кўтарилгани, институтда жонли илмий фаолият олиб борилаётганлиги ҳақида хабар қилади («... в Ленинграде растут и крепнут новые силы по нашей общей специальности, с новой методологией и новыми установками и подходами. Не знаю как у Вас, а у нас востоковедная жизнь становится с каждым годом интереснее и привлекательнее. Новое востоковедение, живое и широкое – уже не мечта, а факт, правда, еще в начале своего развития. Чувствую себя не стариком, а студентом или аспирантом, – что может быть счастливей такого самочувствия!») [42; 91-б.].

Хуллас, эпистоляр манбалар XX аср Россия шарқшунослигидаги илм аҳлига деярли маълум бўлмаган янгиликларни юзага чиқариши билан бирга, рус-ўзбек маданият-адабий алоқалари тарихида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Келажакда мактубларни тўлиқ таржима қилиш, алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, фанни янада янги маълумотлар билан бойитиши мумкин.

4.5. НАВОЙШУНОСЛИКНИНГ ФАНГА НОМАЪЛУМ ҚИРРАЛАРИ

Юқорида ўрганилган архивлардан ташқари Россия ФА қарашли Шарқ қўлёзмалари институти таркибида шарқшунослар архиви мавжуд бўлиб, унда мумтоз адабиётимиз, айниқса, Навоий ижодининг ўрганилиши бўйича жуда муҳим маълумотлар сақланади.

Шоир таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга доир ҳужжатлар тўпламида 1938 йилдан тортиб 1948

йилгача бўлган даврда рус навоийшунослигида режалаштирилган ва бажарилган ишларнинг ҳисоботи, фотосуратлар, баённомалар, қарорлар, эпистоляр манбалар, мақолалар жамланган [439].

Материаллардан бирида Е.Э.Бертельс Навоий юбилейи муносабати билан шоирнинг бой адабий мероси ёритилган тўпламни чоп этиш, «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Мезон-ул-авзон»нинг илмий-танқидийнинг матнини тузиш, «Муҳокамат ул-луғатайн»ни рус тилига таржима қилиш ишлари деярли якунига етганини маълум қилади. Бошқа бир ҳужжатда таржимон Н.Ф.Лебедевнинг оғир қамал шароитига қарамасдан ижоддан тўхтамагани, умрининг охирига дақиқасигача Навоий шеърларини таржима қилгани ҳақида ўқиймиз (*...даже в таких условиях научная жизнь Института востоковедения не замирала. Н.Ф.Лебедев до последнего не переставал переводить духовное наследие Алишера Навои*) [439].

Ҳақиқатда ҳам, Навоийга бўлган эхтиром рус олимларини янада фидойиликка чорлаган ва адиб асарлари ўрганилишда давом этган [208; 229]. Е.Э.Бертельс иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Навоий юбилейини кўнгилдагидек нишонлашга изн бермагани ҳақида: *«Каминга 1941 йилда, оғир уруш шароитида, Навоий ижодига бағишланган илмий анжуманда маъруза ўқишга тўғри келди. Анжуман бинонинг юқори қаватида бўлаётгани ва турли томондан немисларнинг бомбардимон ҳужумига қарамай, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади»,* – деб ёзади. Ҳисоботларнинг бирида қамал шароитига қарамасдан, анча йўқотишлар билан тадбир ўтказилгани ҳақида хабар берилади (*10 декабря 1941 г. благодаря самоотверженности ученых и литераторов в блокадном Ленинграде под бомбежками врага в залах Эрмитажа, несмотря на голод и холод, с тяжелыми потерями ряд востоковедов в лице, Г.Г.Гульбина, Н.Ф.Лебедева, К.А.Иностранцева, Т.Руденко, П.П.Иванова, А.А.Ромаскевича состоялась торжественное заседание в честь юбилея Алишера Навои*) [439].

Академик А.Қаюмов уруш Ўзбекистондаги юбилей тантаналарини ҳам кечиктиргани, анжуман 1948 йил-

да рус шарқшунослари билан ҳамкорликда Тошкентда бўлиб ўтганини маълум қилади [405; 86-б.]. Шу йили Ойбек муҳаррирлигида Навоий ижодига бағишланган тўртинчи илмий тўплам (*олдингилари 1928, 1940, 1946 йилларда чоп қилинган*), Л.Батьнинг қиссаси, А.А.Н.Кононов, Е.Э.Бертельснинг тадқиқотлари ҳам нашр қилинади [19; 43; 55; 86].

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1938 йил 8 октябрда Россия ФА Шарқшунослик институти директори проф. А. П. Баранников юбилей қўмитаси раиси ўринбосари С. Хусаиновга хат жўнатади, унда умумий дастурни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистондаги тадбирлар режасини юборишини сўрайди 1938 йил 23 ноябрдаги жавоб хатида қўмита йиғилиши ўтказилгани (3.11.1938), режа ишлаб чиқилгани ҳақида хабар берилади ҳамда баённома илова қилинади. Йиғилиш баённомасига кўра кун тартибига Навоий маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш билан боғлиқ 23 та масала қўйилган. Диққатимиз «Навоий асарлари ва шоир ҳақидаги асарлар нашри» деб номланган 17-масалага ва унга илова қилинган нашр режасига қаратилди. Нашр режаси 35 қисмдан иборат бўлиб, унда шоир таваллудининг 500 йиллигига қадар «Хамса», «Мажолис ун-нафоис», «Лисон ут-тайр», «Муншаот», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Вақфия» каби асарларни, «Хабиб ус-сияр», «Равзат ус-сафо», (Девони Фоний), Жомий шеърлари таржимасини, Навоий замондошларининг шоир ҳақидаги хотиралари, Навоий даври ҳақида тарихий очерк, халқ оғзаки ижодида Навоий, шоир асарлари изоҳли луғати, Навоий давридан то ҳозиргача бўлган ўзбек прозаси ва поэзияси хрестоматияси, Навоий афоризмлари, шоирнинг чет элда ва Ўзбекистонда мавжуд қўлёзма асарлари тавсифи, Навоий асарлари библиографияси ва бошқа нашрларни амалга ошириш белгиланган. Режа охирида Навоий асарлари академик нашрини амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш масаласи қўйилган. Кўришиб турганидек, бу борада жуда катта ҳажмдаги тадбирлар режаси кўзда тутилган, нашрга масъул олимлар рўйхати ва бажариш муддати аниқ кўрсатилган. Масалан: олимлардан Иззат Султонга

«Муншаот» асарини, Максуд Шайхзода ва Холид Расуловга «Лисон ут-тайр» Олим Шарофиддиновга «Мажолис ун-нафоис», А.А.Семеновга библиографик кўрсаткичлар, тавсифлар, лингвистик қўмитага Навоий асарлари изоҳли луғати, Ҳамид Олимжон бошлиқ бир гуруҳ олимларга хрестоматия нашрини юзага чиқариш топширилган эди.

Муҳими шундаки, бу режа орқали ўша давр навоийшунослигида кўзда тутилган ишлар, бугунги кунда улардан қанча фоизи амалга оширилгани ҳақида билиб олиш мумкин. Бу эса XX аср навоийшунослигининг тадрижи ва такомилини белгилашга имкон беради.

Режада кўрсатилган айрим нашрлар ўз муддатида эълон қилинади [271; 329], уруш туфайли кўпчилиги кечиктирилган, баъзилари эса умуман нашр қилинмасдан қолиб кетади.¹⁵ Шоирнинг «Ҳамса», «Лисон-ут тайр», «Ҳайрат-ул-аброр», «Муҳокамат ул луғатайн», «Вақфия» асарлари ҳамда «Навоий асарлари луғати» аслида 1939 йилнинг охиригача нашр қилиниши керак бўлгани ҳолда, анча кейин чоп этилган. Хуллас, 1938 йилда Юбилей қўмитаси томонидан режалаштирилган нашрлардан ҳаммаси ҳам китобхон қўлига етиб бормаган.

Россия ФА Шарқшунослик институтида ҳам юбилей муносабати билан анча ишларни амалга ошириш белгиланган эди. Институт директори А.П.Баранниковнинг Юбилей қўмитасига йўллаган мактубида 40 б.т атрофида илмий ва оммабоп нашрларни амалга ошириш режалаш-тирилаётгани хусусида хабар берилади. Бу хатга жавобни Ҳамид Олимжон йўллади.

Е.Э.Бертельснинг қайд қилишича, Навоийнинг 500 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақидаги ҳукумат қарори улуғ мутафаккир ижодиётининг ўрганилишига янада кенг йўл очиб берган. Россия шарқшунослигида 1938–1939 йиллардан бошлаб Навоий меросига қизиқиш янада кучаяди. Иккинчи жаҳон уруши даврида бир қанча рус шарқшунослари, жумладан, Е.Э.Бертельс ҳам вақтинча

¹⁵ Масалан: Указатель рукописей Навои хранящихся в библиотеках СССР и Европы, Востока и Америки»; «Библиография о гератской эпохе Алишера Навои, печатные и рукописные произведения на всех языках»

Тошкентга кўчиб келади [209; 377]. Бағрикенг халқимиз уларни меҳр билан қабул қилди, навоийшуносликдаги ҳамкорлик эса фанга янгида янги тадқиқотларни тухфа қилди.

Навоийшуносликдаги адабий алоқалар ривожда Ойбекнинг алоҳида ўрни бўлганини қайд қилиш лозим. Адиб кўпгина рус олимлари билан ижодий ҳамкорлик қилган, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам берган. Е.Э.Бертельс унинг бу борадаги хизматларини алоҳида эътироф этган («...многие стороны творчества Навои может быть, не были бы мне доступны, если бы я не общался с такими знатоками узбекской классической поэзии как Айбек и Гафур Гулям...») [55; 3-б.].

Россия давлат адабиёт ва санъат архивида Ойбекнинг рус олимлар билан илмий ёзмашмаларидан, ташқари, А.И.Дейч билан биргаликда ёзган «Навоий ва унинг даври» номли тадқиқоти сақланмоқда [441]. Бу илмий очерк аслида 1942 йилда битилган бўлиб, 1968 йилдагина бошқа ном остида чоп қилинган [106]. Умуман, Алишер Навоий ижодий меросини сақлаш, ўрганиш, таржима қилиш ва жаҳонга танилишида Санкт-Петербург шарқшуносларининг хиссаси катта бўлган. Албатта, ўзбек олимлари билан ҳамкорлик уларга маънавий дурдоналаримизнинг янги қирраларини очишда ёрдам берган. Россия архивларида юқорида таҳлил қилганимиз каби манбалар анчагина бўлиб, уларнинг ҳаммасини юзага чиқариш кенг кўламли илмий излашнишларни тақозо қилади.

Архив материалларидаги адабиётшунослик масалалари билан боғлиқ қарашларни ўрганиш асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Архив шарқшунослиги ХХ аср рус шарқшунослигининг таркибий қисми сифатида муҳим аҳамият касб этади. Россия фондларида сақланаётган мавзуга оид материалларни тадқиқ этиш, тарих ва архив ҳақиқатларини юзага чиқариш демакдир.

2. ХХ аср рус бобуршунослиги ва эришилган натижалар адабиётшунослигимизда махсус ўрганилмаган. Бу

борада, айниқса, архив фондларига мурожаат қилинмаган. А.Н.Самойловичнинг шоир ижоди бўйича олиб борган ишлари тўла юзага чиқмаган, бобуршуносликдаги тарихий хизматлари муносиб баҳоланмаган. Хусусан, унинг беш бобдан иборат «Император Бобур шеърлари ва А.Н.Самойлович таржималари» деб номланган илмий асари, «Мубаййин»нинг олим нашрга тайёрлаган илмий-танқидий матни, «Бобурнома» таржималарига ёзилган тақризлари илмга номаълум бўлган жиҳатларга ойдинлик киритади.

3. А.Н.Самойловичнинг архивдаги ҳали юзага чиқмаган илмий изланишлари унинг Хоразм адабий муҳити бўйича ҳам кенг қамровли иш олиб боргани, бу борда муҳим тадқиқотларни режалаштирганини кўрсатди. Монографияда ўзбек адабиётшунослигида биринчи марта олимнинг «Туркий этюдлар» асари, Хива сарой кутубхонасига оид мақолалари ва рус олимлари билан илмий ёзишмаларига муносабат билдирилди. Архив материалларининг тадқиқи асосида Мирзо Масихий, Шайдойи, Оқил, Фаррух каби ижоди ўрганилмаган шоирлар ҳақидаги қарашлар юзага чиқарилди.

4. Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга доир архив ҳужжатларида иккинчи жаҳон уруши давридаги навоийшуносликнинг тадрижи ва такомили акс этган. Мазкур ҳужжат ноёб материалларга эга бўлиб, шу давр илмий-адабий муҳити, рус-ўзбек адабий алоқалари, умуман, рус навоийшунослигининг ўрганилмаган қирраларини юзага чиқаришда муҳим рол ўйнайди.

ХУЛОСА

XX аср Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи масаласини қиёсан ўрганиш – миллий камолот тарихини ўрганиш демакдир. Бу тараққиёт ҳам рус, ҳам ўзбек халқи учун бирдек аҳамиятлидир. Мавзуга оид манбаларни маданий, адабий ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқликда тадқиқ қилиш асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланишида XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихий-ижтимоий омилларнинг аҳамияти катта бўлди. Ўзбек маърифатчилик адабиётининг ривож, рус-ўзбек маданий-адабий алоқалари, XX аср боши даврий матбуоти, дастлабки таржималар, илмий муассаса ва жамиятлар фаолияти маданиятлараро мулоқотнинг тараққий қилишига кенг имкон яратди.

XX боши филологик ва тарихий-адабий изланишларнинг бурилиш даври бўлди. Санкт-Петербург, Москва, Қозон шарқшунослик марказларида кўплаб туркий қўлёзмаларнинг тўпланиши натижасида уларни ўрганишга қизиқиш ва талаб кучайди. Илк тадқиқотларда айрим бирёқламалик ва баъзи камчиликлар бўлса ҳам, улар тарихий зиддиятлар даврида ўзига хос бир ҳаракат ҳамда кейинги тадқиқотлар учун асос ва баҳс-мунозара объекти бўлди.

2. XX асрнинг биринчи ярмига қадар рус шарқшунослигида мифологик, маданий-тарихий, қиёсий-типологик, психологик, ижтимоий-фалсафий, семиотик йўналишдаги академик илмий мактаблар шаклланди ва ривожланди. Табиийки, бу илмий мактаблар эришган ютуқлар ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи ҳам татбиқ этилди. XX аср Россия шарқшунослигидаги фундаментал ишлар эдицион тадқиқ натижаси экани аниқланди. Эдицион тадқиқ соҳанинг муҳим шарти бўлиб, тадқиқотларнинг юқори савияда бажарилишини таъминлаган. М.Розанов, А.Н.Веселовский, Б.В.Томашев-

ский, В.М.Жирмунский, А.Николина, В.Хализев, Ю.Лотман, А.Голубева каби олимларнинг бадиий матн таҳлилига оид назарий фикрлари рус шарқшунослари учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

3. XX аср биринчи ва иккинчи ярмидаги тадқиқотларнинг қиёсий тадқиқи уларнинг специфик хусусиятларини аниқлашга ёрдам берди. В.В.Радлов, А.Фалев, Н.Ликошин, А.Н.Самойлович, Н.П.Остроумов, М.Ф.Гаврилов, Г.Андреевларнинг синкретик, комплекс, лугат-библиографик характердаги тадқиқотларининг мақсади китобхонни оригинал манба билан таништириш ва умумий обзор беришдан иборат бўлди. Албатта, бу давр шарқшунослари зиммасига сиёсий вазифалар ҳам юклатилган, шунинг учун улар манбаларни баъзи ҳолатларда ўз мамлакатининг мафкуравий манфаатларига таянган ҳолда тадқиқ этишган. XX асрнинг иккинчи ярми Россия шарқшунослигида эса масалага чуқур илмий ёндашувнинг такомиллашуви, бадиий матн таҳлилига эътиборнинг кучайгани кузатилади.

4. XX асрнинг охири чораги фан-техниканинг мислсиз тараққиёти, интернет тармоғининг ривожланиши билан белгиланади. Рус шарқшунослиги ижтимоий, маданий-адабий, коммуникатив аспектда ўрганилиши мумкин бўлган интеграл объект ҳисобланади. Ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқига доир манбаларнинг рус интернет саҳифаларига жойлаштирилиши, бу бебаҳо дурдоналар билан дунё илм аҳли ва ўқувчиларининг танишиш, фикр алмашиш имконини кенгайтди. Бу борадаги кузатишлар келажакда ўзбек интернет саҳифаларида мумтоз адабиёт бўйича мавжуд сайтларнинг ҳам такомиллашувига ёрдам беради.

5. А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс ва И.В.Стеблева ўзбек мумтоз адабиёти бўйича энг кўп изланишлар олиб борган рус шарқшуносларидир. А.Н.Самойлович нафақат Бобур ижодини, балки Хоразм адабий муҳити шоирлари ижодини ҳам кенг миқёсда ўрганган шарқшунос олимдир. Унинг «Хоразмномадан икки парча», «Хива поэзиясидан», «XIX аср Хива туюқлари», «30 та сарой шоирининг Ферузга пай-

рави» ва бошқа мақолаларида объект ижтимоий-адабий уйғунликда тадқиқ қилинган. Шу жиҳатдан олим интерпретациясида ижтимоий-адабий синкретизм хусусиятлари намоён бўлган.

Рус навоийшунослиги ХХ аср шарқшунослигининг энг асосий тармоғи бўлиб, бу борадаги тадқиқотларни тўртта йўналишда ўрганиш мумкин. Булар обзор характеридаги ишлар, шоир асарлари алоҳида ўрганилган тадқиқотлар, Навоий асарларига тавсифлар ва тақризлар бўлиб, В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.К.Боровков, С.Л.Волин, А.А.Семенов каби олимларнинг изланишларида акс этди. Умумий эстетик қийматга эга бўлган турли халқ адабиётларининг қиёсий таҳлили Е.Э.Бертельсга туркий адабиётнинг оригиналлик даражасини аниқлашга ёрдам берди. Олимнинг маҳорати ҳар бир тадқиқотида комплекс филологик таҳлилнинг амалга оширилгани билан белгиланди.

И.В.Стеблева ўзига хос индивидуал тадқиқ усулига эга олималардан биридир. Унинг Бобур ғазаллари семантикасига оид тадқиқоти семиотик таҳлилнинг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади. Олима шоир ғазалларидаги семантик ядро ва марказ, эмфатик интонация, логик модул, лирик қаҳрамон микроолами, аморфлик, верификация, аккордлик каби тушунчаларни майда унсурларигача таҳлил қилган.

6. Россия шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган ишлардан ташқари турли сабаблар, асосан қатағон туфайли чоп қилинмай қолган тадқиқотлар ҳам катта кўпчиликни ташкил қилади. Мавжуд архивларда мавзуга оид манбалар жуғрофияси ниҳоятда кенг бўлиб, улар асосан Россия Миллий кутубхонаси, Россия ФА қарашли Санкт-Петербург филиали, Шарқ кўлөзмалари институтидаги шарқшунослар архивларида сақланади. Рус бобуршунослиги ва навоийшунослиги, Хоразм адабий муҳити, эпистоляр манбалардаги адабий-эстетик қарашлар шу давр илмий-адабий муҳитини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

7. Микрокомпаративистика ижтимоий-маданий омилларнинг илмга таъсири, бадиий матнга ёндашув усуллари, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, назариясига оид фикрлар, рус туркологиясида таҳлил ва талқин, таржималар, нашрдаги ва архив материалларидаги адабий-эстетик қарашларни қиёсий тадқиқ қилиш имконини берди. Рус филологик мактабининг ютуқ ва камчиликларини триада усулида таҳлил этиш мумкин. Фақат қўлёзмаларга таяниб иш олиб бориш (1), ўрганилмаган жиҳатларга эътибор (2), таржима (3) рус шарқшунослигининг муваффақиятини таъминлади. Нотўғри таржима ва талқин, шарқона тафаккур тарзидан чекиниш, айрим тадқиқотлардаги замонасозлик ва бирёқламаликларни камчилик сифатида баҳолаш мумкин.

8. Мазкур тадқиқотда рус шарқшунослигининг турли аспектларини қамраб олишга ҳаракат қилинган (эдицион тадқиқ, интернет поэзия, семиотик поэтика, архив шарқшунослиги, рус бобуршунослиги ва ҳ.к). Келажакда уларни ҳар бирини чуқур ўрганиб, алоҳида тадқиқот яратиш мумкин. Россия фондларида сақланаётган архив материалларини тўлиқ даражада ўрганиш ва муносиб баҳолаш ҳалдаги изланишларни тақозо қилади.

Хуллас, XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишини тадқиқ қилиш давомида умуминсоний қадриятнинг узвий қисми бўлмиш ўзбек адабиётининг адабий-эстетик қиммати, энг асосийси, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий ва бошқа мутафаккир шоирлар яратган ўлмас асарлар нафақат ўзбек миллатининг, балки жаҳон маданияти ва адабиётининг бебаҳо дурдонаси эканлиги яна бир бор исботланди.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Сравнительное исследование узбекской классической литературы в русском востоковедении XX века – это исследование истории национального становления. Такое развитие в равной степени значимо как для русского, так и для узбекского народов. На основе исследования источников по тематике в связи с культурными, литературными и социальными процессами были сформулированы следующие выводы:

1. В формировании интереса и научного подхода к узбекской классической литературе в русском востоковедении большую роль сыграли социально-исторические факторы конца XIX и начала XX веков. Развитие узбекской просветительской литературы, русско-узбекские литературно-культурные связи, периодические издания начала XX века, первые переводы, деятельность научных учреждений и обществ способствовали широкому развитию межкультурных связей.

Начало XX века явилось поворотным моментом в филологических и литературно-исторических изысканиях. В результате появления множества тюркских рукописей в востоковедческих центрах Санкт-Петербурга, Москвы и Казани заметно повысился интерес и потребность к их изучению. Несмотря на то, что самые первые исследования не лишены были некоторой односторонности, в период исторической нестабильности они стали своеобразной программой действия, фундаментом для последующих исследований и объектом для научных изысканий.

2. До первой половины XX века в русском литературоведении формировались и развивались академические научные школы мифологического, культурно-исторического, сравнительно-типологического, психологического, социально-философского, семиотического направлений. Естественно, достижения этих научных школ были применены и к изучению узбекской клас-

сической литературы. Также было выявлено, что фундаментальные труды в русском востоковедении XX века являются результатом эдиционного исследования. Эдиционное исследование, являясь важным условием данной сферы деятельности, обеспечивает проведение научных изысканий на высоком уровне. Теоретические воззрения по поводу анализа художественного текста таких видных авторов, как М. Розанов, А.Н. Веселовский, Б.В. Томашевский, В.М. Жирмунский, Ю.М. Лотман, А. Николина, В. Хализев, А. Голубева, послужили методологической основой для работ русских востоковедов.

3. Сравнительное исследование научных работ первой и второй половины XX века способствовало выявлению их специфических особенностей. Целью исследований В.В. Радлова, А. Фалева, Н. Ликошина, А.Н. Самойловича, Н.П. Остроумова, М.Ф. Гаврилова, Г. Андреева, которые носили синкретический, комплексный, словарно-библиографический характер, явилось ознакомление читателя с оригинальными источниками и их обзором. Разумеется, на востоковедов данного периода возлагались также политические задачи, в некоторых случаях исследование источников проводили с учетом идеологических интересов своей страны. Для русского востоковедения второй половины XX века характерны более глубокий научный подход к данной проблематике и усиление внимания к анализу художественного текста.

